Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ

Саидхон Саидолимов, Ҳасан Бобожонов,
Севара Пўлатова, Нодира Мустафаева, Марфуа Ҳамидова,
Нодира Маҳкамова, Шуҳрат Юсупов, Козимхон Саъдуллаев,
Мухтор Назиров, Зебо Холбоева, Шароф Раҳимов,
Моҳина Нурсаидова, Маҳмуджон Солиев

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН

Монография

Тошкент – 2024
ZAMIN NASHR

УЎК 821.221.133-1
КБК 84(5О')-5
С.Саидолимов, Ҳ.Бобожонов, С.Пўлатова, Н.Мустафаева, М.Ҳамидова, Н.Маҳкамова, Ш.Юсупов, К.Саъдуллаев, М.Назиров, З.Холбоева, Ш.Раҳимов, М.Нурсаидова, М.Солиев. **Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон.** Монография / Масъул муҳаррирлар: *С.Саидолимов, Ҳ.Бобожонов, К.Саъдуллаев* – Тошкент: Zamin nashr, 2024. 368 – б.

Масъул муҳаррирлар:
Саидхон Талъат ўғли Саидолимов,
сиёсий фанлар доктори, профессор;
Хасан Бахтиёрович Бабаджанов,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент;
Козимхон Қаҳрамон ўғли Саъдуллаев,
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Тақризчилар:
Замира Райимовна Ишанходжаева,
тарих фанлар доктори, профессор;
Машҳурахон Адилжон қизи Дармонова,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), профессор в.б.;
Ҳабибулла Ҳамидуллаевич Холматов,
“Аждодлар изидан” ҳарбий-тарихий жамияти раиси, доцент.

Монография Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигининг Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказда амалга оширилган “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” мавзусидаги АЛМ-202106002 рақамли мақсадли амалий лойиҳа доирасида тайёрланди.

ISBN 978-9910-9108-6-9

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш 4

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҲАҚИДА ТАРИХИЙ ХОТИРА: ЖАРАЁН ВА ИСТИҚБОЛ
(С.Т. Саидолимов, С.А. Пўлатова, Н.А. Мустафаева, К.Қ. Саъдуллаев)

1-§. Ўзбекистон халқи тарихий хотирасида Иккинчи жаҳон уруши 8
2-§. Ўзбекистоннинг замонавий тарихшунослигида Иккинчи жаҳон уруши даври 21
3-§. “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” туркумидаги китоб-альбомлар 45

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ЖАСОРАТИ
(С.Т. Саидолимов, К.Қ. Саъдуллаев, М.М. Назиров, З.С. Холбоева, М.Ш. Нурсаидова)

1-§. Кавказ ва Сталинград мудофаасида 71
2-§. Сталинград йўналишидаги ҳужум қилиш операцияларида 94
3-§. Кавказни озод қилиш жангларида 122
4-§. Жанг майдонларида ҳарбий учувчилар 144
5-§. Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида 164

III-БОБ. ФРОНТ ОРТИДАГИ ҲАЁТ
(Ҳ.Б. Бобожонов, Ш.Н. Юсупов, Ш.М. Раҳимов, М.М. Солиев)

1-§. Саноатнинг ҳарбий мақсадлар асосида қайта қурилиши 177
2-§. Қишлоқ хўжалиги 187
3-§. Осоавиахим фаолияти 204
4-§. Молия тизими 222
5-§. Саноат объектлари ва аҳолининг оккупация ҳудудларидан кўчирилиши ҳамда фаолияти ташкил этилиши 237
6-§. Меҳнат захиралари тизимининг ташкил этилиши ва 1941–1945 йиллардаги фаолияти 266

IV-БОБ. УРУШ ЙИЛЛАРИДА ФАН ВА ТАЪЛИМ

(Н.А. Мустафаева, Н.Р. Маҳкамова)

1-§. Фан ривожланиши 275
2-§. Олий таълим тизими 295
3-§. Мактаб ва мактабгача таълим тизими 306

V-БОБ. УРУШ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ҲАЁТ

(С.А. Пўлатова, М.А. Ҳамидова)

1-§. Халқ сафарбарлигида маданий омилнинг ўрни 320
2-§. Театр санъати 335
3-§. Тасвирий санъат 346

Хулоса 359

КИРИШ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқи жанг майдонларида, фронт ортида тенгсиз жасорат ва матонат намуналарини кўрсатиб, ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Шу билан бирга Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойи ва яқинларидан ажралган инсонларни ўз бағрига олди. Турли миллат болаларини асраб олган оилалар – халқимиз инсонийлигининг рамзига айланди.

Иккинчи жаҳон уруши ҳақида сўз борганда аввало, халқимиз учун ўрнини тўлдириб бўлмас йўқотишлар гавдаланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан **“Ўзбекистон халқига байрам табриги”**да қайд этилганидек, *“Ўша оғир йилларда фронтга сафарбар этилган 1 миллион 950 мингдан зиёд ўзбекистонлик жангчилардан 538 мингдан кўпроғи ҳалок бўлгани, 158 мингдан ортиғи бедарак йўқолгани, 870 мингдан ошиғи турли жароҳатлар олгани, 60 минг нафардан зиёди эса ногирон бўлиб қайтгани бу ғалаба биз учун нақадар қимматга тушганини яққол кўрсатиб турибди. Ана шу қирғинбарот уруш халқимиз қалбида қолдирган битмас жароҳатни, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳамон унутиб бўлмайди”*[1].

Янги Ўзбекистонда жасорати, мардона меҳнати, метин иродаси ва инсонийлиги билан башариятни фашизм балосидан сақлаб қолиб, дунёда тинчлик ўрнатилишига ҳисса қўшган юртдошларимизнинг муқаддас хотирасига ҳурмат билан муносабатда бўлиш қадрият ҳисобланади. Айниқса, Президент

[1] Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон халқига байрам табриги. 2024 йил 8 май – https://president.uz/uz/lists/view/7219.

бошчилигида Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги буюк Ғалабага қўшган ҳиссасини тарихга муҳрлаб қўйиш, ёш авлодларга етказиш йўлида “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ва унинг таркибида “Шон-шараф” давлат музейи ташкил этилди. Шу билан бирга ҳар йили “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” туркумидан алоҳида китоб-альбом чоп этилиши йўлга қўйилди.

.Мазкур китоб-альбомлар, мавзуга оид тадқиқотлар сўнгги вақтларда махфийликдан чиқарилаётган архив ҳужжатларини, хориж музейлари ва архивлари билан илмий ҳамкорлик ҳамда уруш қатнашчилари оилаларида сақланаётган материалларни ўрганиш жараёнида аниқланаётган янги маълумотларни жамоатчиликка етказаётгани ва илмий муомалага олиб кираётгани билан эътиборли.

Бу жараёнлар контекстида аввал чоп этилган ишларнинг аҳамиятини камайтирмаган ҳолда, манбавий аҳамиятдаги материаллар (ҳужжатлар, уруш йиллари матбуоти ва хотиралар) кўлами катталиги уларни илмий умумлаштириш вазифасини белгилаб бермоқда. Шу маънода мазкур монография сўнгги йилларда Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистоннинг фронт ва фронт ортидаги ҳаёти билан боғлиқ масалалар ўрганилаётган тадқиқотлардан таркиб топган. Шунингдек, унда тарихий хотира, халқ жасоратини абадийлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил этилган.

Монографияда илмий адабиётларда қисман ёритилган ёки ўзбекистонликларнинг иштироки тўлалигича очиб берилмаган мавзуларга мурожаат қилинган. Хусусан, Кавказ учун жангларда юртдошлар жасорати, ҳарбий учувчиларнинг жанговар йўлини келтириш мумкин. Бу борада мавжуд маълумотлар (илмий ва публицистик адабиётлар), “Шон-шараф” давлат музейида сақланаётган миллий ҳарбий қисмлар таркибига оид архив

ҳужжатларида қайд этилган номларнинг муайян қисми юзасидан маълумотлар электрон очиқ архив ҳужжатлари бўйича қиёсий кўриб чиқилиб, тизимлаштирилди. Шунингдек, ҳарбий операциялар кесимида ўзбекистонликларнинг жасоратига оид электрон очиқ архив ҳужжатлари ўрганилди ва жанг хронологияси тартибида баён этилди. Натижада ҳозирга қадар номаълум бўлган фактлар аниқланди. Қолаверса, Сталинград йўналишида 79,9 белгили тепалиги (Абадият тепалиги) учун бўлган жангларда ўзбекистонликларнинг кўрсатган баҳодирлигига оид маълумотлар қайта ўрганилиб, ҳужжатлар асосида тизимлаштирилди.

Монография сиёсий фанлар доктори, профессор Саидхон Талъат ўғли Саидолимов (Кириш, I-бобни 3-§; II-бобни 1–3-§-параграфлари, Хулоса), тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент Ҳасан Бахтиёрович Бобожонов (Кириш, III-бобни 1, 2, 4–6-§-параграфлари, Хулоса), тарих фанлари номзоди, профессор Севара Акмаловна Пўлатова (I-бобни 1-§; V-бобни 1, 3-§-параграфлари, Хулоса), тарих фанлари доктори, профессор Нодира Абдуллаевна Мустафаева (I-бобни 2-§; IV-бобни 1-§-параграфлари), санъатшунослик доктори, профессор Марфуа Азизовна Ҳамидова (V-бобни 2-§-параграфи), тарих фанлари доктори, профессор Нодира Раҳмоновна Маҳкамова (IV-бобни 2-3-§-параграфлари), полковник Шуҳрат Набиевич Юсупов (III-бобни 1-§-параграфи), санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Козимхон Қаҳрамон ўғли Саъдуллаев (Кириш, I-бобни 3-§; II-бобни 1–3-§-параграфлари, Хулоса), сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) Мухтор Маҳмудович Назиров (II-бобни 1, 3-§-параграфлари), тадқиқотчилар Зебо Сувоновна Холбоева (II-бобни 4-§-параграфи), Шароф Муродович Раҳимов (III-бобни 3-§-параграфи), Моҳина Шаҳриддин қизи Нурсаидова (II-бобни 5-§-параграфи), Маҳмуджон Маҳамадович Солиев (III-бобни 6-§-параграфи) томонидан ёзилган.

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҲАҚИДА ТАРИХИЙ ХОТИРА: ЖАРАЁН ВА ИСТИҚБОЛ

1-§. **Ўзбекистон халқи тарихий хотирасида Иккинчи жаҳон уруши**

Хотира, аввало, аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир. *“Мозий истиқболнинг тарозисидир”*, дея хитоб қилган Маҳмудхўжа Беҳбудий миллат тақдири учун ўз тарихини билиш нақадар муҳимлиги ҳақида шундай ёзган эди: *“Тарих кўп аҳамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбудурки, бир миллатнинг на тариқада, қайси йўл ила тараққий этганин ўқиб, ибрат олмоқ ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мунқариз бўлуб кетганини ўқуб ҳам мундан ҳам истифода этмак мумкиндур”*[2].

Дарҳақиқат, хотирага муносабат, унинг мавжудлиги нафақат ҳар бир шахсиятнинг инсонийлик даражасини, балки бутун жамиятдаги муҳит соғломлигининг индикатори ҳисобланади. Умуман, инсон хотирасининг ижтимоий аҳамиятини ўрганиш муаммоси тарихнинг ҳамма даврларида ҳам олимларни қизиқтириб келган. Ўз даврида қадимги юнон файласуфлари – Платон (м. авв. 427–347-йй.) ва Аристотель (м. авв. 384–322-йй.) томонидан хотирани ижтимоий ҳодиса сифатида англашга ҳаракатлар бўлган. Кейинчалик Ғарбий Европа жумладан, француз М. Халбвакс, П. Нора, немис А. Ассман ва Й.Ассман[3] ва бошқа олимлар ўз асарларида хотира

---

[2] Беҳбудий М. “Туркистон тарихи” керак // Ойина. – Самарқанд, 1914. – 38-сон. – Б. 898–900.
Қаранг: https://e-tarix.uz/milliyat-insholari/jadidmatbuoti/930-maqola.html; http://www.ferlibrary.uz/f/mamudkhuzha_bebudiy_tanlangan_asarlar. pdf

[3] Қаранг: Хальбвакс М. Коллективная и историческая память // Неприкосновенный запас. – М., 2005. – №2–3 (40–41). – С.8–27.; Нора П. Всемирное торжество памяти // Неприкосновенный запас. –М., 2005.– №2–3 (40–41). – 202–208.; Нора П. (ред.)

тушунчасининг ижтимоий-маданий жиҳатини очиб беришган. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб Ер куррасининг деярли каттагина қисмини эгаллаган давлатларда содир бўлган кескин ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда хотира мавзуси ниҳоятда долзарблашди ва олимлар томонидан уни ўрганишга қизиқиш кескин ортди. Бу мавзу билан шуғулланган олимлар орасида нафақат тарихчилар, балки, социология, психология, нейрофизиология, маданиятшунослик ва бошқа соҳа тадқиқотчилари ҳам бўлиб, ҳозирги вақтда улар томонидан хотирага берилган таърифларнинг умумий сони 250 дан ҳам ортиб кетган. Улар орасида тарихчи олимлар томонидан киритилган тарихий хотира, маданий хотира, сиёсий хотира, архив хотираси каби тушунчалар ҳам ўрин олган.

Шундай қилиб, замонавий гуманитар билимлар доирасида тарихий хотира нафақат алоҳида концепция, балки фанлараро характерга эга бўлган фаннинг махсус соҳаси сифатида намоён бўлди ва ҳозирги даврда, тарихий хотира назарияси жадал ривожланмоқда.

Хотира билан боғлиқ тадқиқотларнинг долзарблашувига сабаб, аввало жамият олдида турган асосий муаммони ҳал этиш – нималарни ёдда сақлаб қолиш, нималарни қайта ёдга олиш ва нималарни эндиликда унутмоқ лозимлигини аниқлаш билан боғлиқ эди. Бунинг натижасида XX асрнинг 80-йилларидан “хотира сиёсати” ёки “тарих сиёсати” тушунчаси шаклланди ҳамда унинг воситасида тарихий воқеаларнинг муайян талқинини жамият хотирасига (жамоавий хотира) сингдиришга йўналтирилган ҳаракатлар амалга оширилди.

Франция – память./Новая петербургская библиотека. Коллекция «Память века» – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета, 1999. – 328 с.; Ассман А.Новое недовольство мемориальной культурой.– М.: Новое литературное обозрение, 2016. – 232 с.; Ассман Я. Культурная память. Письмо, память о прошлом и политическая идентичность в высоких культурах древности. – М., 2004. – С. 36–47.

Дунё тарихи билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон тарихидаги ўтиш даврида, жамият ўз ривожланиш траекториясини кескин ўзгартириб, бунинг натижасида маънавий меросни қиймат жиҳатидан қайта баҳолаш содир бўлди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи фанида жиддий ўзгаришлар содир бўлди: совет мафкурасидан воз кечилди, янги методологик ёндашувлар асосида илгари ишлаб чиқилмаган мавзулар фаннинг ўрганиш объектларига айланди, таълим жараёнида янги стандартлар, дастурлар, дарсликлар ва методик қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Сўнгги йилларда янги манбалар ва методология асосида Ўзбекистоннинг қадимги, ўрта аср ва мустамлака даврига оид тарихи, энг янги давр тарихи бўйича жиддий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда собиқ совет тузуми давридаги жадидлар ва истиқлолчилар ҳаракатлари тарихига, совет давлати олиб борган қатағонлар сиёсатига, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихига янгича баҳо берилди.

Айтиш лозимки, Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон тарихи ва халқимизнинг қозонилган ғалабадаги иштироки мавзуси тарихчи олимлар назаридан, афсуски, бирмунча вақт четда қолди. Ваҳоланки, кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизмга қарши кураши – Ватанимизнинг XX аср тарихини ажралмас қисмидир.

Биз Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон тарихини қандай ўрганишимиз, уни қандай тушунишимиз ва тушунтиришимиз, ёшларга таълим беришимиз масаласи бу фақатгина соф илмий масала эмас, балки, тарихий хотира билан боғлиқ бўлган давлат ва жамият аҳамиятига молик масаладир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йили 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидланганидек,

“Эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳали тўла очиб берилмаган, десак, бу ҳам адолатдан бўлади”[4].

Айтиш мумкинки, яқин-яқингача биз у давр ҳақида етарли маълумотга эга бўлмадик, қисман унутдик ва натижада ёшларимизга Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида тўлақонли билим бера олмадик. Ваҳоланки, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ушбу масъулиятли вазифа ҳақида ҳам фикр билдириб: *“Ҳақиқатан ҳам, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз фашизм балосига қарши курашда жасур аждодларимиз кўрсатган мардлик ва матонатни асло ёдидан чиқармаслиги керак. Бу тарихий ҳақиқатни уларга тўла етказиш, фарзандларимизни миллий ғурур ва ифтихор руҳида, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда барча мутасадди ташкилотлар, олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз фаол иштирок этадилар, деб ишонаман”*[5] – деган эди.

Бу даврга эътибор қаратилиши аввало, уруш йилларида халқимизнинг кўрсатган жасорати, меҳнат қаҳрамонликлари ҳамда фронт олди ҳудудларидан кўчириб келтирилганларга бўлган гуманизмига бўлган эҳтиром бўлиш баробарида барча жабҳада машъум ва суронли кунларнинг машаққатлари олдида жамиятнинг бирдамлиги, инсонийлиги, ватанпарварлиги ва тинчликпарварлиги каби қадриятлар миллий ғурур ва ифтихор руҳидаги тарбия учун манба сифатида англаш билан боғлиқдир.

Табиийки, ижтимоий муаммолар турли даврларда турлича бўлиб, долзарблик жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилган. Ҳар бир янги авлод ўз даври илгари сураётган муаммоларни ҳал қилишга киришар экан, ўз аждодлари ва келгуси авлодлари

---

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2018 йил 9 май. – https://president.uz/uz/lists/view/1706.

[5] Ўша жойда.

олдидаги масъулиятини ҳис этиши унинг виждоний бурчи ҳисобланади. Тарихчи олим учун эса бу масъулият яна кўп карра юқоридир.

Дарҳақиқат, тарихчи тадқиқот натижалари билан, авваламбор ўзи мансуб бўлган жамиятнинг тарихий онгини шакллантиришда иштирок этади. Бундан ташқари, тарихий воқеа иштирокчилари – ўтмиш аждодлар тарих қаъридан туриб, тарихчининг хатоларига ўз муносабатларини билдириш имкониятидан маҳрум эканликларини ҳам назарда тутмоқ керак. Бу эса тарихчига ўтган аждодлар олдида ҳам ҳақиқатни аниқлаш, ўша даврда мавжуд шарт-шароитни тўғри англай олишдек катта масъулиятни юклайди.

Ўз вақтида Иккинчи жаҳон урушига бағишланган тарихий тадқиқотларда фашизм устидан қозонилган Ғалабада ҳал қилувчи омил сифатида аввалига Сталин шахсининг, кейинчалик компартиянинг аҳамияти кўрсатилган бўлса, сўнгги йиллардаги тадқиқотларда бунга зид хулосалар қилинди. Яъни мутахассислар томонидан чуқур таҳлиллар асосида Ғалабага Сталин бошқаруви туфайли эмас, балки Сталин бошқарувидан қатъий назар, халқларнинг мислсиз қаҳрамонлиги ва фидокорона меҳнати туфайлигина катта йўқотишлар эвазига эришилган, деган қатъий хулосалар қилинди.

Жамоавий хотирани шакллантириш механизмлари хусусида гап кетар экан, айтиш лозимки, тарихда бўлиб ўтган айрим воқеаларни жамият диққат марказига ҳавола этиб, қолган воқеа-ҳодисаларга эса беэътибор бўлиниши учрайди. Тарихий ахборотни конъюктурага боғлаб, бир томонлама, тарихий контекстдан узилган ҳолда ўрганилиши унга объектив баҳо бериш, холис муносабат билдириш имкониятини бермайди. Умуман олганда, тарихий воқеа-ҳодисаларга, жараёнларга

нисбатан қарашлар, уларга берилган баҳо вақт ўтиши билан трансформацияга учрайди, ўзгаради.

Баъзи ҳолатларда эса тарихни сохталаштириш, яъни тарихий фактларни атайин бузиб кўрсатиш ёки уларни афсоналаштириш ҳам содир бўлиши мумкин. Бунга, айниқса сўнгги йилларда ғарб олимлари орасида фаоллашган тарихий воқеаларни субъектив акс эттириш, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши тарихини қайта кўриб чиқиш, натижаларини сохталаштириш ва афсоналаштириш, уни нотўғри талқин этиш ҳаракатлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қолаверса, ахборот майдонида давлатлар ҳозирги манфаатлари нуқтаи назарида Иккинчи жаҳон урушидан, у ҳақдаги тарихий хотирадан сиёсий инструмент сифатида фойдаланаётгани ҳам кузатилмоқда...

Одатда Ўзбекистонни Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси – фронт ортидан таъминот, фронт олди ҳудудларидан эвакуация қилинганларга кўрсатган инсонпарварлик ёрдамидан иборат, деган қараш устувор эди. Шу нуқтаи назарда ўзбекистонликларнинг жанглардаги иштироки ва жасорати нисбатан орт планда тасаввур этиш шаклланиб борди.

Тўғри, урушдан қайтмаганлар хотирасига хиёбонлар ташкил қилинди, ёдгорликлар ўрнатилди. Аммо, бутун ҳиссани тўлиқ кўрсатиб бера оладиган маскан бўлмаганлиги сабабидан муносабат ўзгармай қолаётганди.

Ташкил этилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасининг “Ўзбекистон халқи ва Иккинчи жаҳон уруши” йўналишидаги қарашларга таъсири аҳамиятли бўлди. Аввало, боғда қад ростлаган “Матонат мадҳияси” монументи орқали халқ тарихий хотирасида шаклланган “мотамсаро она” образи ўрнида “матонатли, метин иродали она” образи улуғвор бўлиб гавдаланди. У фарзандларини интизор, илҳақ бўлиб кутиш

баробарида юрт ташвиши ва қувончлари, “оила, севги-муҳаббат, вафо ва садоқат деган муқаддас тушунчалар” билан яшаган мўътабар инсон – Зулфия ая Зокирова тимсолида она Ватан рамзига айланди. Бу монумент бир оиладан беш фарзанд урушга кетиб қайтмаганлиги мисолида Ўзбекистондаги оилаларда йўқотишлар кўлами катта бўлганлигини, шу билан бирга, келинлар, устунлардаги мактублар ва бошқа барча композицион элементлар фронт ортидаги ҳаёт фронт билан бирдам бўлганлигини таъкидлайди. Эътиборлиси, ушбу монумент ўрнатилгандан кейин олиб борилган изланишлар жараёнида беш фарзанди урушдан қайтмаган бошқа оила борлиги ҳам маълум бўлди.

Боғда уруш майдонларида мардлик намуналарини кўрсатган ўн беш ўзбекистонлик ҳайкалидан ташкил топган “Мангу жасорат” монументи ҳам қад ростлаган. Аввалари, ўзбекистонликларнинг жанглардаги жасорати ҳақида сўз борганда кўп ҳолларда бу мавзу генерал-майор Собир Раҳимов номи билан боғланарди. Монумент бу қўмондоннинг ҳиссасини камайтирмаган ҳолда унинг қаторида бошқа ўзбекистонлик қаҳрамонларнинг ҳам иштироки аҳамиятли эканлиги, улар сафида хотин-қизлар ҳам борлигини таъкидлайди.

“Шон-шараф” музейи экспозициясининг асосий қисми айнан ўзбекистонликларнинг жанглардаги иштироки ва жасоратига бағишланган. Биринчи экспозицияданоқ, “фашистлар бостириб киргандан кейин ўзбекистонликлар урушга сафарбар этилган, урушнинг дастлабки кунларида чегараларда кам сонли ўзбекистонликлар иштирок этган” деган мулоҳазалар ўринсиз эканлиги кўрсатилади. Қолаверса, унда асосий жанглар доирасидаги айрим ҳарбий операцияларни амалга оширишда ўзбекистонликларнинг мардлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлиги ёритиб берилган.

Демакки, ўзбекистонликларнинг жанглардаги иштироки ва жасорати фронт ортидаги таъминот ва эвакуация қилинганларга нисбатан бағрикенглигидан кам бўлмаган.

Таъкид этиш керакки, уруш – бу инсоний йўқотишлар, фожиалардан иборат. Фашистлар босиб кирган 1941 йилдаги саросималик, Совет Иттифоқини урушга тайёр эмаслиги кенг миқёсда аскарликка олинган кўнгилли ва чақирув ёшидаги фуқароларини кийим ва қурол билан таъминлай олмагани, уларни тайёргарлик кўрмасдан жанг майдонларига киритганида яққол намоён бўлди. Бу ва мудофаа жангларини олиб боришдаги муваффақиятсизликлар оқибатларида қуршовда қолиб, ҳалок бўлганлар, асирликка тушганлар миқёси катталигини кўрсатади.

Шу билан бирга Сталинград жанглари кетаётган пайтда қабул қилинган "Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ!" буйруғини татбиқ этилиши ортидан олиб борилаётган уруш ҳаракатларида чекиниш муқаррар бўлган ҳолларда ҳам жанг қилаётганларнинг ортидан киритилган махсус ҳарбий қисм чекинаётганларни отиб ташлагани – ўша давр ҳақиқатларидандир.

Ғалабадан кейин омон қолганлар юртга қайтарилганида "спецпроверка" ғалвиридан ўтказилиши ва ундан кейинги сургунлар – тақдир тақозоси билан асир бўлганлигининг фожиаларидан эди...

Бедарак йўқолганлар – шиддатли жангларда жасадлари қолиб кетган ва портлашлардан йўқ бўлганлар, крематорийда жисман йўқ қилинганлар, "спецпроверка" ва сургунда – "ўлим муқаррар бўлади" – деган муносабат билан Европадаги Қаршилик кўрсатиш ҳаракатига қўшилганларнинг маълум қисми қайтмасдан бошқа номлар остида ҳаёт кечиришга тўғри келган инсонлардир.

Шунингдек, улар орасида ҳалок бўлган аскарнинг шахсий медальонидаги маълумотларни чалкаш ўқиш (баъзан вақт ўтиши баробарида бир қисми нураб кетгани) оқибатида қабри бору номи аниқламаганлар, уруш бўлган жойлардан (жумладан, дарёлар, ботқоқликлар, ўрмонлар ва бошқа) ҳали жасад қолдиқлари топилмаганлар бор.

2020 йили Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Иккинчи жаҳон урушида 1 миллион 951 мингга яқин ўзбекистонликлар иштирок этгани, улардан 538 мингдан зиёди ҳалок бўлгани, 158 мингдан ортиқ нафари бедарак йўқолганлиги эълон қилинди. Бу маълумотлар ҳар уч ўзбекистонликдан бири қўлига қурол олиб, фашизмга қарши курашиб, юрти ва умуминсоният учун тинчлик ўрнатилишида ҳисса қўшганидан далолат беради.

Президент таъкидлаганидек, урушдан қайтмаганлар ортида муштипар оналарию, умр йўлдошидан айрилган аёллари, етим қолган болаларининг ҳам қайғуси мужассам.

Шу нуқтаи назардан, “Матонат мадҳияси” монументи – урушдан қайтмаган ҳар бир юртдошимизнинг, иродаси билан ибрат намунасига айланган унинг онасининг ҳамда садоқатли ёрининг хотирасига бўлган муаззам обида сифатида улуғворлик касб этади.

Бу мулоҳазаларнинг бари ҳали академик доирада қилинадиган ишлар қамрови катталигини ҳам кўрсатди. Эндиликда тарихчилар ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар олимлари олдида муҳим интеллектуал вазифа турибди. Яъни, Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида содир бўлган воқеаларни тарихийлик методи, институционал ёндашув ва қиёсий таҳлил асосида тизимли ўрганишдан иборат.

Сўнгги беш йил давомида бу даврга ишончли манбалар – архив ҳужжатлари, матбуот материаллари, уруш қатнашчилари хотиралари ва кундаликларига асосланган ҳамда янги тадқиқот методларини қўллаган ҳолда жиддий ўрганишга киришилди.

Ушбу мавзуга бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилди, монографиялар, китоб-альбомлар нашр этилди, илмий-амалий анжуманлар ташкил этилди. Натижада Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки кўлами юзасидан илгари эълон қилинмаган янги маълумотлар илмий муомалага киритилиб, тарихий билимлар бойитилди. Буларнинг барчасига тарихий фанни ривожлантиришга мамлакатимиз раҳбарияти амалга оширган кенг кўламли ҳаракатлари ва улкан ҳиссаси натижасида эришилди.

Ҳақиқатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонлари (2017-йил 4-апрелдаги ПФ–5000-сон, 2018-йил 16-апрелдаги ПФ–5417-сон, 2019-йил 23-апрелдаги ПФ–5711-сон, 2020-йил 30-мартдаги ПФ–5977-сон, 2021-йил 20-апрелдаги ПФ–6209-сон, 2022 йил 29 апрелдаги ПФ–127-сон; 2023 йил 2 майдаги ПФ–65-сон), 2021-йил 11-майдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг моддий таъминотини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6224-сон Фармони, “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари (2017-йил 4-апрелдаги ПҚ–2865-сон, 2018-йил 16-апрелдаги ПҚ–3667-сон, 2019-йил 23-апрелдаги ПҚ–4298- сон, 2021-йил 20-апрелдаги ПҚ–5081-сон, 2022-йил 29-апрелдаги ПҚ–229-сон, 2023-йил 2 майдаги ПҚ–143-сон), 2019-йил 23-октябрдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ–4495-сон Қарори, 2020-йил 9-сентябрдаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси фаолиятини

ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4820-сон Қарори каби расмий ҳужжатлар уруш қатнашчиларини қўллаб-қувватлаш қаторида бу йўналишдаги ишларни тизимли олиб бориш имконини берди.

Айниқса, Президент ташаббуси ва таклифлари асосида тайёрланган ва нашр этилган “Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси” ва “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” туркум китоб-альбомлари аҳамиятли бўлди. Зеро, Ўзбекистондаги ва хориждаги архивлар, музейлар фондларида, уруш қатнашчилари оилаларида сақланаётган ноёб ҳужжатлар, суратлар эълон қилинди. Китоб-альбом бўйича маълумотлар тўпланишида қўшимча сўровлар, мақсадли ўрганиш ишлари олиб борилди.

Умуман, Ўзбекистоннинг Ғалабага қўшган ҳиссаси мавзусида ҳали “оқ доғлар” оз эмас. Шу маънода бу даврни тизимли ўрганиш ва тадқиқот натижаларини жамиятга етказиш долзарб масаладир. Чунки, тарих ўзининг гуманитар-маърифий функциясига кўра инсонда қадриятлар тизимини шаклланишида муҳим ўрин тутади. Бу борадаги ишлар давлат телевидениеси ва радиоси, жумладан, “Ўзбекистон тарихи” ва “Маданият ва маърифат” телеканаллари, shon-sharaf.uz сайти орқали олимлар ва мутахассислар саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилмоқда.

Қайд этилганидек, ҳозирги вақтда тарихий хотира мавзуси динамик тарзда ривожланаётган фанлараро тадқиқотлар объектига айланди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Иккинчи жаҳон уруши тарихининг аввалларини аниқланмаган аспектларини ёритишда анъанавий методлар билан бир қаторда тарих фанидаги янги тадқиқот усулларидан ҳам фойдаланилиши самарали бўлиб, бу мураккаб даврнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама ёритишга имкон беради.

Тарихий хотира концепциясини ривожлантиришнинг муҳим манбаларидан бири – XX асрнинг иккинчи ярмидан, айниқса унинг 80-йилларидан бошлаб кенг тан олинган оғзаки тарихдир. Айтиш лозимки, анъанавий тарих фанида ёзма тарихий манбаларга мутлоқ устуворлик берилиб, хотирадаги айрим қусурларнинг, шунингдек, баъзида ўтмишни ўзлари учун мақбул кўринишда акс эттириш ҳолатларининг учраши билан изоҳлаган ҳолда оғзаки далилларга у қадар ишонч билдирилмайди. Бироқ мутахассислар, ҳар қандай ёзма матнда (шу жумладан бирламчи манбада ҳам) тарихий воқеани унинг иштирокчиси ёки матн муаллифи томонидан эркин талқин этилганини ҳамда субъективлик хусусиятига эгалигини эътироф этадилар. Шунга асосланган ҳолда, ҳозирги даврда тарихчилар ўз тадқиқотларида оғзаки тарих материалларидан кенг фойдалана бошладилар ва бу замонавий тарихшуносликнинг ўзига хос хусусиятига айланиб бормоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, оғзаки тарих фанлараро методларни, жумладан психология, педагогика ва социология билан яқин алоқадорликни тақозо этиб, тарих фанининг соҳаси, кўпроқ тарихий антропологияга айланиб бормоқда.

Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларидан ёки уларнинг яқинларидан уруш ҳақидаги хотираларнинг ёзиб олиниши ёки уруш иштирокчиларининг кундаликларини ўрганиш асносида илгари уруш ҳақида маълум бўлмаган ёки расмий адабиётларда келтирилмаган маълумотларни тўплаш имконияти юзага келади. Мисол учун, нафақат уруш қатнашчиларининг исм-фамилиялари ва кўрсатган қаҳрамонликлари, балки, рус тилини деярли билмаган, техника билан таниш бўлмаган бир заҳматкаш деҳқон боласининг қишлоғидан узоқ ўлкада қўлига қурол олиб, Ватанини ҳимоя қилиш учун жанг майдонига кирган аскар сифатидаги ҳис-туйғуларини англаш мумкин бўлади.

Шунингдек, оғзаки тарихнинг ўтмишни ўзига хос тарзда, эмоционал идрок этишга қаратилгани каби хусусиятини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Айниқса, уруш даҳшатларини ёки қатағон, зўравонлик каби воқеалар ёдга олинганида бу ҳолатлар яққол намоён бўлади. Инсонлар ўтган воқеалар контекстида ўз ҳаётлари ёки яқинлари ҳақида гапирар эканлар, баъзан шундай ҳиссиётларга берилишадики, бу нафақат шахсий дахлдорлик, балки оғриқли хотираларни қўзғатиши, ғазаб, нафрат ёки кўз ёшлари ва бошқа ёрқин ҳиссиётлар кўринишларида бўлиши мумкин.

Британиялик профессор, “The Oral History” журналининг асосчиси Пол Томпсон тарихни ўрганишда оғзаки тарихнинг афзалликлари ҳақида шундай ёзади: *“турли хил одамларнинг ҳаётий тажрибаси «хомашё» сифатида ишлатила бошланиши биланоқ тарих янги ўлчамларга эга бўлади”*[6].

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқининг буюк Ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида фильмлар яратилаётган, асарлар ёзилаётган, илмий тадқиқотлар амалга оширилаётган, шеърлар, қўшиқлар ва куйлар ижод қилинаётган, мактаблар ва олий таълим муассасалари ўқув дастурларида бу мавзу очиқ-ойдин ёритилаётган экан, бу уруш халқимизнинг тарихий хотирасидан асло ўчмайди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий мероси – “юмшоқ куч”нинг самарали компоненти сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Марказий Осиё республикалари, Россия, Беларусь, Польша, Италия каби давлатлар олимлари билан Иккинчи жаҳон урушига бағишланган ҳамкорликдаги тадқиқотларнинг амалга оширилиши фашизм устидан қозонилган Ғалабада Ўзбекистон халқининг иштироки

[6] Томпсон П. Голос прошлого. Устная история. – М., 2003. – С. 17–18.

бўйича янги маълумотлар тўпланишига ва уларни илмий муомалага киритишга имкон бермоқда.

Айтиш лозимки, ушбу йўналишда илк қадамлар қўйилиб, маълум натижаларга эришилмоқда. Жумладан, белорус олимлари билан биргаликда бедарак йўқолган 14 ўзбекистонлик аскарнинг Полоцк ҳудудида қабрлари мавжудлиги аниқланиши, уларнинг номларини тикланишини ўзи бу йўналишдаги илмий ҳамкорликнинг самарасини кўрсатади[7].

Умуман олганда, бу мамлакатлар халқлари билан умумий тарихий хотира, давлатларимиз ўртасида шериклик ва ҳамкорлик муносабатларининг ривожланишига ҳамда давлат имижини ва халқ дипломатиясини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

2-§. Ўзбекистоннинг замонавий тарихшунослигида Иккинчи жаҳон уруши даври

Иккинчи жаҳон уруши инсониятни ларзага солган талафотлари билан инсонларнинг ўзига боғлиқ бўлмаган, ҳаётларини ўзгартириб юборган воқеаларга, тақдирлар фожиасига сабаб бўлди. Вақт ўтиши билан бу давр жаҳон тарихида кичик бир тарихий кесимга айланиб бораётганлигига қарамай, унга берилаётган илмий баҳоларда ҳам ҳар бир давлатнинг ўз миллий манфаатлари нуқтайи назаридан таҳлил қилиш устуворлик касб этмоқда. Бу табиий, албатта. Зеро, тарих фани ривожи замонавий жараёнларга бевосита алоқадор бўлиб, унда билдирилган илмий хулосалар мавжуд ижтимоий воқеликка фойдали бўлмоғи даркор. Бу тарих фанининг долзарблиги, аҳамияти ва мавқеини белгиловчи муҳим омилдир. Тарих ва замонавийлик ўртасидаги боғлиқлик жамият тараққиётининг

[7] Sa’dullayev K.Q. Bedarak yo’qolgan yurtdoshlarni qidirish bo’yicha dastlabki natijalar / Ikkinchi jahon urushi va O‘zbekiston xalqi: tadqiqotlar. Ilmiy maqolalar to‘plami. 2-jild. – Toshkent – 2022-y. – B. 126–139.

шартларидан бири саналади. Ўзбекистон тарихи фани ҳам бундан мустасно эмас.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврни ўрганиш бўйича маълум маънода ўзига хос натижалар ҳам қўлга киритилган. Ўтган йиллар мобайнида мавзуга тарихчилардан ташқари ижтимоий фанларнинг бошқа вакиллари ҳам мурожаат этганлар. 1950–1990-йиллар оралиғида бу борада ўнлаб йирик асарлар, юзлаб рисолалар, минглаб илмий мақолалар, оммабоп ва бадиий асарлар дунёга келди. Албатта, ўз даври маҳсули сифатида бу асарларда муаммо талқини ғоятда мафкуралаштирилган ва ҳукмрон партия роли оширилган, воқеалар бўрттирилган, танқидий муносабат билдирилмаган бўлса-да, лекин манбавий асос ва тарихий маълумотлар нуқтайи назаридан улар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Уларнинг тарихшунослик баҳоси мустақилликнинг дастлабки йилларида Д.А. Алимова, Л.С. Иванованинг ҳаммуаллифлигида ёзилган рисолада акс этди[8]. Муаллифлар уруш йилларидаги Ўзбекистон тарихига бағишланган эллик йил давомида яратилган илмий адабиётларни таҳлил қилдилар. Мазкур рисолада совет даврида яратилган мавзуга доир илмий ишларнинг йўналишлари, ютуқ ва ўрганилмаган жиҳатлари ёритилди. Д.А. Алимова, Л.С. Ивановалар биринчи маротаба *“замонавий ёндашувларда бу давр тарихини жиддий қайта кўриб чиқиш, муаммоларнинг ўзаро боғлиқлиги ёки ўзига хос алоҳида жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш”*[9], давр манбаларини танқидий нуқтайи назардан қайта мушоҳада этиш

[8] Алимова Д.А., Иванова Л.С. 50 лет изучения истории Узбекистана в годы войны 1941–1945 гг., современные задачи и перспективы ее историографии. – Ташкент, 1995. – 24 с.

[9] Алимова Д.А., Иванова Л.С. 50 лет изучения истории Узбекистана в годы войны 1941–1945 гг., современные задачи и перспективы ее историографии. – Ташкент, 1995. – С. 21–22.

таклифларини ўртага қўйган эдилар. Қайд этиш лозим, ушбу рисола Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан нашр этилган эди.

1995-йилда ҳимоя қилинган О.И. Иванованинг номзодлик диссертацияси Ўзбекистоннинг 1941–1945-йилларда ижтимоий ривожидаги муаммоларни илмий адабиётларда ёритилиши масалаларига бағишланган[10]. Тадқиқотда уруш йилларида саноат ва қишлоқ хўжалиги, фронт орти ҳолати, фан ва таълим, илмий тадқиқот муассасаларининг ўрни, маданий-маърифий жараёнларда ижодий уюшмалар ва ташкилотларнинг аҳамиятига бағишланган совет йиллари адабиётлари, тарихчиларнинг ёндашувларига таъсир кўрсатган омиллар таҳлил қилинди. Мавзунинг ўрганилиш даражасида муаллиф совет йилларида яратилган махсус тарихшунослик тадқиқотларига[11], шунингдек, бугунги кунда ноёб ҳисобланадиган Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонасидаги библиогрфик кўрсаткичларга мурожаат этар экан[12], давр тарихшунослигига доир мукаммал асар ёзилмаганлигини таъкидлайди[13].

1990-йилларнинг биринчи ярмида уруш йилларида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ўзбекистонлик жангчиларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида ҳар бир вилоят ва

---

[10] Иванова О.И. Актуальные проблемы общественного развития Узбекистана в годы войны 1941–1945 гг. в исторической литературе. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук.– Ташкент, 1995.– 218 с.

[11] Қаранг: Ахунова М.А., Лунин Б.В. История исторической науки в Узбекистане. Краткий очерк. –Ташкент, 1970. С. 84–85, 117, 161.; Историография Великой Отечественной войны/Сб.ст. Отв.ред. Ким М.П. – М.: Наука, 1980. – 286 с.; Желтова Г.И. Историография социалистического и коммунистического строительства Советского Узбекистана (1930–1970-е гг.). – Ташкент: Фан, 1981. – С. 41–42, 49, 56, 69, 72, 91, 104, 118.

[12] Бенедикова Н.Н. Узбекистан в дни Отечественной войны: Библиограф. Указатель. – Ташкент: Гос.публ.биб-ка УзССР им.А.Наваи, 1945. – машиносписн. экз.; Султанов М.З. Узбекистан в дни Отечественной войны: Библиограф. Указатель. – Ташкент: Гос.публ.биб-ка УзССР им.А.Наваи, 1947. –машиносписн.экз.; Викторов А.А. Диссертации об Узбекистане: Библиограф. Указатель. 1936–1963. – Ташкент: Фундам.биб-ка АН УзССР, 1967. – 268 с. – ротапринт. нашр.

[13] Иванова О.И. Актуальные проблемы общественного развития... – С. 10–11.

туманларга бағишланган 34 жилддан иборат “Хотира” китобининг чоп этилиши республика ижтимоий маънавий ҳаётида воқелик бўлди[14]. Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994-йил 22-июлдаги “1941–1945-йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 380-сонли қарорида белгиланган топшириқ асосида бажарилди.

Шунингдек, 1995-йил ўзбекистонлик тарихчилар томонидан мавзу доирасида йирик илмий-назарий анжуманнинг ташкиллаштирилганлиги ва унинг материалларини нашр этилиши миллий тарихшуносликда ўзига хос ўрин эгаллади[15].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарих фанида Иккинчи жаҳон уруши йилларини ўрганишга бўлган қизиқиш нисбатан пасайди, деб айтиш мумкин. Тўғри, XX аср тарихи билан боғлиқ

---

[14] Естелик. Қарақалпақстан Республикасы. 1941-45-жыллардағы урыста қурбан болған ҳәм дерексиз жоқ болған жаўынгерлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1994 ж.: I китап – 608 б.; II китап – 640 б.; III китап – 612 б.; Хотира. 1941–1945 йиллардаги урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган жангчилар. Андижон вилояти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 1-китоб. – 510 б.; 2-китоб. – 550 б.; 3-китоб. – 400 б.; Бухоро вилояти – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 1-китоб. – 592 б.; 2-китоб. – 560 б.; Жиззах вилояти. – Тошкент: Меҳнат, 1994. – 264 б.; Навоий вилояти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 320 б.; Наманган вилояти. – Тошкент: Меҳнат, 1994. 1-китоб. – 608 б.; 2-китоб. – 608 б.; Самарқанд вилояти. – Тошкент: Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1994. 1-китоб. – 448 б.; 2-китоб. – 448 б.; 3-китоб. – 432 б.; Сирдарё вилояти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 184 б.; Сурхондарё вилояти. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. 1-китоб. – 480 б.; 2-китоб. – 496 б.; Тошкент шаҳри. 1-китоб. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1994. – 608 б.; 2-китоб. – 656 б.; 3-китоб. – 608 б.; 4-китоб. – 502 б.; Фарғона вилояти. 1-китоб. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1994. – 512 б.; 2-китоб. – 496 б.; 3-китоб. – 464 б.; 4-китоб. – 502 б.; Хоразм вилояти. 1-китоб. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 368 б.; 2-китоб. – 328 б.; Қашқадарё вилояти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 1-китоб. – 480 б.; 2-китоб. – 432 б.; Тошкент вилояти. 1-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.– 608 б.; – 2-китоб. – 616 б.; Қўшимча 1-жилд. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. – 624 б.; Қўшимча 2-жилд. – 600 б.; Қўшимча жилд. 3-китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 552 б.; 4-китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 188 б.

[15] Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1995. – 382 б.

йирик асарлар, дарсликлар ва бошқа шаклдаги илмий тадқиқотларда бу йиллар даврий кетма кетликнинг бир қисми сифатида боблар, параграфлар кўринишида тақдим этилади. Уларда Ўзбекистоннинг уруш гирдобига тортилиши, фронт олди ва орти сафарбарлиги, ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларнинг ҳарбий суръатларга мослашуви ва бошқа турли масалалар ёритилган. Улар алоҳида тарихшунослик таҳлилини тақозо этади. Фанлар академияси Тарих институти ва республиканинг бир неча етакчи олимлари томонидан яратилган икки жилдлик «Ўзбекистон тарихи (1917–1991)» бу борадаги энг янги асарлардан бири ҳисобланади. Китобнинг иккинчи бўлим, 3-боби тўлалигича Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихига бағишланади[16].

Махсус Иккинчи жаҳон урушига бағишланган А.А. Голованов ва И.М. Саидов[17], Ҳ.И. Азимов[18], Ҳ. Зиёевнинг[19] асарлари мустақиллик йиллари тарихшунослиги учун муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Қайд этиш керак, А.А. Голованов ва И.М. Саидовнинг ҳаммуаллифлигидаги 2 қисмли асарида янги давр нуқтайи назаридан совет давлати сиёсати ва мафкурасини кескин қораловчи фикрлар тақдим этилган. Бироқ унда берилган аксарият маълумотлар 1981–1985-йилларда яратилган уч жилдлик “Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны”[20] китобидаги маълумотларни такрорлайди.

---

[16] Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккинчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 5–76.

[17] Голованов А.А., Саидов И.М. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. В 2-х частях. – Самарканд, 2006.

[18] Азимов Ҳ.И. Ўзбекистонликлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида. – Тошкент. 2006. – 180 б.

[19] Зиёев Ҳ. Ўзбекистон Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари даврида. – Тошкент, 2011. – 96 б.

[20] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – 407 с.; Том II. – Ташкент: Фан, 1983. – 287 с.; Том III. – Ташкент: Фан, 1985. – 340 с.

Маълумки, тарих фанининг ривожланиш даражасини белгилашда диссертация тадқиқотлари алоҳида ўрин тутади. Улар орқали миллий тарихшуносликда кечаётган ўзгаришлар, давр руҳи, фан ривожидаги зиддиятларни аниқлаш имконияти мавжуд. Шу маънода, мустақиллик даврида Ўзбекистоннинг 1941–1945-йиллардаги тарихи мавзусига бағишланган махсус диссертациялар сони камайганлигини таъкидлаш ўринли.

Статистик усул билан таҳлил этилса, 1991–2020-йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги турли муаммолар тарихи билан боғлиқ ҳимоя қилинган номзодлик диссертациялар 8 тани ташкил этади[21].

Агар мустақилликнинг дастлабки йилларидаги диссертацияларда муаммога ёндашувда совет даври фани тамойиллари устуворлиги кузатилса, 1997-йилдан бошлаб, олдинги тадқиқотларда етарли эътибор қаратилмаган ижтимоий мавзуларга қизиқиш ортиб борди. Хусусан, Д.М. Ли диссертациясида ўзбекистонликларнинг инсонпарварлик ва

[21] Шамуратова М. Творческое сотрудничество интеллигенции Узбекистана с эвакуированными в республику представителями науки и культуры (1941–1945 гг.). Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент, 1991. – 170 с.; Ибрагимов Х. Социально-экономическая жизнь Узбекистана в годы Великой Отечественной войны (1941–1945 гг.). Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент, 1993. – 154 с.; Калымбетов Б.Ж. Помощь трудящихся Республики Узбекистан районам освобожденным от фашизма в 1941–1945 годах. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент, 1995. – 130 с.; Иванова О.И.Актуальные проблемы общественного развития Узбекистана в годы войны 1941–1945 гг. в исторической литературе. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент, 1995. – 218 с.; Ли Д.М. Укрепление сплоченности народа Узбекистана в период войны с германским фашизмом (1941–1945 гг.). Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент, 1997. – 158 с.; Азимов Ҳ.И. Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон ҳарбийлари иштироки ва мавқеи (1941–1945 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2004. – 191 б.; Бабаджанов Ҳ. Б. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон иқтисодиётидаги трансформацион жараёнлар. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2018. – 156 б.; Сафарова З.С. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон маданияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2020. – 170 б.

байналмилаллик жиҳатлари нафақат кўчириб келинган аҳоли, балки сургун қилинган халқлар билан муносабатида ҳам кўрсатишга ҳаракат қилинди[22]. Ҳ. И. Азимов тадқиқоти ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилиши, миллий дивизиялар ва умумқўшин бирлашмаларининг тузилиши, ўзбекистонлик ҳарбийларларнинг фронтдаги жасоратлари, уларнинг ҳаётига урушнинг таъсири ва оқибатларига бағишланган.

Концептуал жиҳатдан янгича ёндашув Х.Б. Бобожоновнинг тадқиқотида кузатилади. Муаллиф Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳарбий изга ўтказилиши жараёнидаги ташкилий тадбирларнинг камчиликларини, республикада ҳарбий саноат мажмуасининг яратилиши СССР миқёсидаги иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзгартириш натижаси бўлгани ва унинг оқибатларини сифат ҳамда миқдор кўрсаткичларида таҳлил этган.

З.С. Сафарованинг диссертациясида тадқиқот объекти этиб Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон маданий ҳаёти мавзуси олинган. Табиийки, ишда янги архив манбаларининг жалб этилиши, замонавий таҳлил усулларини қўллашга ҳаракатлар кузатилса-да, муаммони ўртага ташлашда совет даврида ҳам жуда кўп мурожаат этилган, бир қолипдаги масалалар кўтарилган. Ишда ҳужжатли маълумотлар устуворлик қилиб, муаллифнинг шахсий ёндашуви у қадар сезилмаган.

Умуман олганда, замонавий тарих фанининг вазифаси ўтмиш ва унда асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлган кишилар ҳаётини ёритишга қаратилиши лозим. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистондаги ҳолат ва юзага келган муаммоларни инсонлар тақдирида акс этишини изчиллик асосида

[22] Ли Д.М. Укрепление сплоченности народа Узбекистана в период войны с германским фашизмом (1941 – 1945 гг.). Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Ташкент, 1997. – С. 94–140.

очиб бериш тарих фани соҳасидаги заруратни белгилайди. Ушбу масалалар мустақиллик йиллари тадқиқотларида қисман амалга оширилди, дейиш мумкин[23]. Бу борада Ўзбекистон тарих фанига янги йўналиш сифатида кириб келаётган “оғзаки тарих” услубининг амалиётга татбиқ этилишида Иккинчи жаҳон уруши даври замондошларининг хотиралари ҳам алоҳида ўрин эгаллади[24].

Айтиш лозим, мустақиллик йилларида бир қатор мақола ва китобларда ҳарбий асирлар ва уларнинг тақдири, хусусан “Туркистон легиони” масаласига алоҳида тўхтала бошланди[25].

---

[23] Ҳайитов Ш. Иккинчи жаҳон уруши оқибатида муҳожирликка ўтган ўзбеклар // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2005. – 2-сон. – Б. 15–23.; Бабаджанов Ҳ. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган болалар: шароит, муаммо ва муруввaт // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2011. – 3-сон. – Б. 80–87.; Бўриева Х.А. Тошкент шаҳрига II жаҳон уруши йилларида эвакуация қилинган объектлар ва уларнинг номланиши ҳақидаги маълумотлар // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2015. – 2-сон. – Б. 68–80.; Мустафаева Н.А. Ташкент в годы войны: повседневная жизнь в тылу // Актуальные проблемы Второй мировой и Великой отечественной войн (К 65-летию Великой победы). Материалы V летней школы молодых ученыхисториков стран СНГ. – Минск, 2010. – С. 174–184.; Мустафаева Н.А. Культурно-просветительские мероприятия узбекистанцев на фронтах войны // Содружество ради свободы и победы. Узбекистан в 1941–1945 годах. Научный сборник. – Москва, 2015. – С. 85–95.

[24] Бу ҳақда қаранг: Устная история в Узбекистане: теория и практика. Сборник статей. Выпуск 1. Отв. ред. Р.М. Абдуллаев. – Ташкент, 2011. – 384 с.

[25] Шамсутдинов Р., Каримов Ш. “Туркистон легиони” нима? // Ўзбекистон тарихидан материаллар: Учинчи китоб. – Андижон, 2004. – Б. 490–502; Шамсутдинов Р., Ҳошимов С.А. Яна туркистонлик ҳарбий асирлар хусусида / Ватанимиз ўтмишидан. Андижон Давлат Университетининг 75 йиллигига бағишланган “Истиқлол ва миллий тарих” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Андижон, 2007. – Б. 45–49; Каримов Ш. Туркистон легиони // Турон тарихи. – 2003. – 1-сон. – Б. 29–30. Ҳайитов Ш. Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ўзбек асирлари // Педагогик маҳорат. – 2002. – 2-сон. – Б. 45–49; Ҳайитов Ш. Иккинчи жаҳон уруши оқибатида муҳожирликка ўтган ўзбеклар // O`zbekiston tarixi. – Тошкент, 2005. – 2-сон. – Б. 15–23; Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917– 1991 йй.). – Тошкент, 2008. – 208-б.; Боймирза Ҳайит. Туркистон Иккинчи жаҳон уруши йилларида // Водийнома. – Андижон, 2018. – 4-сон. – Б. 52–57; Казакбаев А.Д. “Туркистон легиони”даги қирғизлар // Водийнома. – Андижон, 2019. – 4-сон. – Б. 73–75; Каримов Н. Туркистон легиони: қачон ва қандай ташкил этилган? // Водийнома. – Андижон, 2019. – 4-сон. – Б. 57–65 ва бошқалар.

Ушбу мавзу юқорида қайд етилган «Ўзбекистон тарихи (1917–1991)» иккинчи китобига ҳам киритилганлигини айтиш зарур[26].

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши мавзусига мурожаат этиш фашизм устидан қозонилган ғалабанинг яхлит саналари билан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Шу ўринда, ўзбекистонлик олимларнинг Ҳамдўстлик давлатларидаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда ўтказаётган анжуманлари ва нашр этган тўпламлари эътиборга моликдир[27]. Тошкентда 2011-йил 5 апрелда ўтказилган "Тошкент шаҳрининг Ўзбекистон илмий ва маданий тарихида тутган ўрни" мавзусидаги халқаро анжуманда қатнашган А.Власов "Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент: миллатлараро тотувлик ва ижтимоий-маданий бирлик" шўъбасидаги[28] барча маърузаларни тинглаб, қуйидаги фикрларни билдирган эди: *"Ўзбек тарихчилари ўз чиқишларида асосан бетараф бўлган "Иккинчи жаҳон уруши" иборасини ишлатмоқдалар. "Улуғ Ватан уруши" иборасини эса қўлламадилар. Уларнинг маърузалари кўпроқ услубий хусусиятга*

---

[26] Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккинчи китоб. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – Б. 44–60.

[27] Актуальные проблемы Второй мировой и Великой отечественной войн (К 65-летию Великой победы). Материалы V летней школы молодых ученых-историков стран СНГ. – Минск, 2010. – 431 с.; Содружество ради свободы и победы. Узбекистан в 1941–1945 годах. Научный сборник. – Москва, 2015. – 100 с.; Эшелоны идут на восток. Эвакуация в Узбекистан в годы Великой Отечественной войны. Сборник материалов Международной научной конференции, посвящённой 75-летию Великой Победы (г. Ташкент, 27 сентября 2019 года). Серия: «Евразийский перекресток». Вып. 12. – Оренбург: ООО ИПК «Университет», 2019. – 253 с.: 4 цв. ил.; Труд во имя Победы: трудовые ресурсы и экономика Урала и Центральной Азии в годы Великой Отечественной войны: сб. науч. ст. / редкол.: Н. А. Антипин, И. В. Сибиряков. – Челябинск: Издательский центр ЮУрГУ, 2021. – 573 с.

[28] Ушбу шўъбада: «Роль Ташкента в сохранении науки и культуры в годы Второй мировой войны (1941–1945)», «Ташкент в сохранении культурно-исторического наследия в годы Второй мировой войны», «...А муза Клио не молчала»: Ташкент как уникальный центр изучения истории», «Российское учительство: эвакуация и участие в развитии образования в 1941–1945 гг. (на материалах переписки М.П. Архангельского)», «Вторая мировая война. Ташкент в судьбе эвакуированного театрального сообщества», «Ташкент – Москва: узбекистанская астрономическая обсерватория в годы Второй мировой войны» маърузалари ўрин олган эди.

эга ва қизиқарли эканлиги алоҳида таҳсинга лойиқ”[29]. Унинг фикри чиндан ҳам ўринлидир, чунки 1999-йилдан эътиборан Ўзбекистонда 9-май – Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида эълон қилиниши муносабати билан миллий тарихшуносликда бу даврий кесимга нисбатан “Иккинчи жаҳони уруши йиллари” қўллана бошланганини қайд этиш керак.

Қозоғистон Республикасида 2014-йилдан бошлаб “История. Память. Люди” деб номланган халқаро илмий-амалий конференсия ўтказилади ва унинг материаллари мунтазам чоп этилади. Ушбу анжуманда ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг фаол иштироки ва нашрларда уларнинг тадқиқот натижаларининг мавжудлиги мавзу тарихшунослигига катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда[30].

---

[29] https://www.fergananews.com/articles/6940.

[30] История Память Люди: Материалы VIII Международной научно-практической конференции. 16 сентября 2016 г., Алматы. – Алматы, 2017. – 588 с. китобида: Рахмонкулова З.Б., Чориев Ш.Ш. Управление по эвакуации населения при Совете по эвакуации. – С. 63–72; Тухтаева М.С. Повседневная жизнь эвакуированных художников Москвы и Ленинграда в Узбекистане в 1941–1943 гг. – С. 112–118.; Шу муаллиф. Творческая жизнь художественной интеллигенции Ленинграда и Москвы в эвакуации в Узбекистане (1941–1943 гг.). – С. 118–125; Буриева Х.А. Документы фонда №314 ЦГА РУз как источник по изучению проблемы эвакуации населения в годы Второй мировой войны. – С. 234–245.; Давранова Ю.У. Маршал тыла – Юсупов У.Ю. – С. 245–249; Иофе В.Г., Петровская В.А. Из истории эвакуации в Узбекистан. – С. 249–261. Ишанходжаева З.Р. Национальный университет Узбекистана (САГУ) в годы Второй мировой войны. – С. 261–269.; Иноятова Д.М. Помощь Узбекистана эвакуированным детям в годы войны (1941–1945 гг.). – С. 269– 275.; Иофе В.Г., Ильина (Стильке) А.О. Спасение от Холокоста: евреи из Польши и Восточноевропейских Республик ССР в Ташкенте в документах местных архивов. – С. 331–340.; Саипова К.Д. История польских евреев в годы Второй мировой войны. – С. 415–418. История. Память. Люди: Материалы IX Международной научно-практической конференции. 27 сентября 2018 г., Алматы. – Алматы, 2019. – 594 с. китобида: Саидов И.М. Братская помощь узбекского народа республикам СССР, оказавшимся в оккупации в годы Великой Отечественной войны. – С. 29–39.; Саипова К.Д. Вклад узбекистанцев в победу над фашизмом и толерантное отношение к эвакуированным. – С. 62–68.; Буриева Х.А. Социально-экономические сведения в архивных материалах об эвакуированном в Ташкент еврейском населении в 1942 г. – С. 68–75.; Иофе В.Г. Ведерникова Г.С. Из истории эвакуации в Узбекистан. – С. 265–268.; Бабаев Б. Подвиг узбекского народа по спасению полутора миллиона беженцев, которые обрели второй дом в Узбекистане в годы Второй мировой войны. – С. 268–271.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда “Хотира ва Қадрлаш куни”га эътибор янада кучайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017-йилдан бошлаб ҳар йили эълон қилинаётган Фармон ва Қарорлари том маънода тарихий ҳужжатларга айланмоқда[31]. Ушбу ҳужжатлар бевосита Ўзбекистон тарихи фанида олиб борилаётган тадқиқотлар йўналишини ҳам белгилаб бермоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 4-апрелдаги “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида: *“Ғалабага ўз ҳиссасини қўшган, Ватанимиз мустақиллиги учун жонини, куч-қувватини аямаган ҳар бир фахрий, ҳар бир киши хотираси абадийлаштирилишини, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши таъминлансин”,* дейилади.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, 2017-йилдан Фанлар академияси Тарих институти ва Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ ҳамкорлигида ушбу йўналишда тадқиқотлар бошлаб юборилди. Бу ишларнинг янада жадаллашувига давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ғалабанинг 73 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида тарихчи олимлар, адабиёт ва санъат арбобларига, кенг жамоатчиликка мурожаат қилиб, *“бу*

---

[31] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонлари (2017-йил 4-апрелдаги ПФ–5000-сон, 2018-йил 16-апрелдаги ПФ–5417-сон, 2019-йил 23-апрелдаги ПФ–5711-сон, 2020-йил 30-мартдаги ПФ–5977-сон, 2021-йил 20-апрелдаги ПФ–6209-сон, 2022 йил 29 апрелдаги ПФ–127-сон; 2023 йил 2 майдаги ПФ–65-сон), 2021-йил 11-майдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг моддий таъминотини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6224-сон Фармони, “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари (2017-йил 4-апрелдаги ПҚ–2865-сон, 2018-йил 16-апрелдаги ПҚ–3667-сон, 2019-йил 23-апрелдаги ПҚ–4298- сон, 2021-йил 20-апрелдаги ПҚ–5081-сон, 2022-йил 29-апрелдаги ПҚ–229-сон, 2023-йил 2 майдаги ПҚ–143-сон), 2019-йил 23-октябрдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ–4495-сон Қарори, 2020-йил 9-сентябрдаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4820-сон Қарори.

даҳшатли урушда қатнашган ота-боболаримизнинг қаҳрамонлиги ҳақида янги-янги асарлар яратиш, жумладан, аниқ тарихий ҳужжатлар асосида мукаммал китоб-альбом тайёрлаб, нашр этишнинг, ўйлайманки, вақти соати келди”, деган таклифи асос бўлди. Шунингек, Ўзбекистон Президентининг 2018-йил 31-майда эълон қилинган фармойиши ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди[32].

2020-йил шонли байрам арафасида “Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган Ғалабага қўшган ҳиссаси” китоб-альбоми ўзбек, рус ва инглиз тилларида 20 минг нусхада чоп этилди[33]. Унда аниқ тарихий ҳужжатлар асосида ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшган халқимизнинг уруш йилларидаги улкан жасорати ва матонати, уруш ва меҳнат фронтида заҳмат чеккан инсонларнинг номлари ёритилди. Китоб-альбомнинг қимматли жиҳати шундаки, унда юртимиз ва чет эллардаги архив ва музейларда, уруш қатнашчилари ва уларнинг оилаларида сақланаётган, ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ноёб тарихий факт ва маълумотлар, суратлар, хатлар, хотиралар жамланган. Шунингдек, ўзбекистонлик аскарларнинг қонли жангларда кўрсатган жасоратлари, Брест қалъаси, Москва остонаси, Сталинград, Курск, Ленинградни озод қилиш ҳамда Берлин учун бўлган жанглардаги қаҳрамонликлари тарихий фактлар асосида ёритилган. Фашизмга қарши курашда юртимиз зиёлилари, илм-фан, адабиёт ва санъат вакилларининг қўшган

[32] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши.

[33] O‘zbekiston xalqining fashizm ustidan qozonilgan g‘alabaga qo‘shgan hissasi. Kitob-albom. / Nashr uchun mas’ul X. Sultonov; tuzuvchilar S. Saidolimov, M. Raximov, K. Sagdullayev, X. Babadjanov, R. Nazarov. – Toshkent: O‘zbekiston, 2020. – 320-b.

муносиб ҳиссаси ҳам китоб-альбомда атрофлича акс эттирилган[34].

Бу ишлар давом эттирилиб, Фанлар академияси Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ томонидан вазирликлар, идоралар, олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда 2021-йилда “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” номи билан навбатдаги китоб-альбом чоп қилинди[35]. Китоб-альбомда мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан бунёд этилган ҳамда том маънода ўзбек халқининг жанг майдонларидаги мардлиги, фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидойилигини акс еттирган “Ғалаба боғи” ва унинг таркибидаги “Шон-шараф” музейи, “Мангу жасорат”, “Матонат мадҳияси” монументлари ҳақида маълумотлар ўрин олган. “Мангу жасорат намуналари” бўлимида Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган ўзбекистонликларнинг жанговар йўли ҳақида мухтасар портрет мақолалар, хорижда архивларда сақланаётган ҳужжатлар, фронт газеталари, аскар хатларидан намуналар берилган. Кейинги йилларда ҳам шу номда китоб-альбомлар чоп этилиб, бу йўналишдаги нашрлар алоҳида туркумни ташкил этди[36]. Шунингдек, “Ўзархив” агентлиги Мудофаа вазирлиги билан

---

[34] Бу ҳақда тўлиқ қаранг: Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. Китоб-альбом. (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) (тузувчилар С. Саидолимов, М. Рахимов, К. Сагдуллаев, Х. Бабаджанов, Р. Назаров). – Тошкент: O‘zbekiston, 2020. – 320-б. //O‘zbekiston eng yangi tarixining dolzarb masalalari. – Тошкент, 2020. – 1–2-сон. – Б. 118–124.

[35] O‘zbekiston Ikkinchi jahon urushi davrida. Kitob-albom. / Nashr uchun mas'ul X. Sultonov; tuzuvchilar S. Saidolimov, M. Raximov, K. Sagdullayev, D. Aberkulov. – Toshkent: “O‘zbekiston” nashriyoti, 2021. – 288-b.

[36] O‘zbekiston Ikkinchi jahon urushi davrida. Uchinchi kitob-albom. / Nashr uchun mas'ul X.Sultonov; tuzuvchilar S.Saidolimov, K.Sa’dullayev, H.Bobojonov, D.Aberkulov. – Toshkent: “O‘zbekiston” nashriyoti, 2022. – 352-b.; O‘zbekiston Ikkinchi jahon urushi davrida. To‘rtinchi kitob-albom. / Nashr uchun mas'ul X.Sultonov; tuzuvchilar S.Saidolimov, K.Sa’dullayev, H.Bobojonov. – Toshkent: “O‘zbekiston” nashriyoti, 2023. – 296-b.

ҳамкорликда чоп қилган “Аскар мактублари” китоб-альбомини ҳам қайд этиш зарур[37].

2020-йилда ўқувчилар оммасига “Ўзбекистонлик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари” номли китоб ҳам тақдим этилди. Ушбу китобда Иккинчи жаҳон урушида чинакам жасорат намуналарини кўрсатиб, ўша даврда Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган ўзбекистонлик аскар ва офицерлар, генераллар, шунингдек, ўзининг мардлиги билан учала даражадаги Слава ордени билан тақдирланган юртдошларимиз ҳақидаги маълумотлар даврий кетма-кетликда келтирилади. Китобда миллати, тили ва динидан қатъий назар, Ватан ҳимояси учун фидокорона хизмат қилган, ҳаёти ва фаолияти Ўзбекистон билан боғлиқ бўлган инсонларнинг номлари жой олган[38].

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида ўзбек тилида чиққан газеталар фронт ва фронт ортидаги Ўзбекистон халқининг Ғалабага қўшган улкан ҳиссасини тўлақонли ёритишда муҳим манбадир. 2018-йилда уч жилддан иборат “Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари” китоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети, “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат жамғармаси ва бевосита профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг ташаббуси билан нашр этилди[39]. Ушбу китоб ҳам ҳукуматимизнинг бу борадаги қарор ва фармонларда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлашга хизмат қилди. Китобни тайёрлашда даврий матбуот

---

[37] Аскар мактублари. Солдатские письма. Китоб-альбом. /Муаллифлар ва тузувчилар: У.Юсупов, Ҳ.Қаршиев, А.Алиев, Ш.Юсупов, И.Алтинов. – Тошкент: “O‘zbekiston” nashriyoti, 2022. – 376-б.

[38] Ўзбекистонлик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари. / Таҳрир ҳайъати: А. Аҳмедов, А. Жўрабоев, М. Юлдашев, А. Зиё, Ҳ. Қаршиев, А. Кан – Тошкент: Шарқ, 2020. – 416 б.

[39] Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари: Биринчи китоб. – Тошкент: “Akademnashr”, 2017. – 542 б.; Иккинчи китоб. –Тошкент: “Akademnashr”, 2017. – 736 б.; Учинчи китоб. – Тошкент: “Akademnashr”, 2017. – 448 б.

материаллари, архив ҳужжатларидан кенг фойдаланилган. Уларнинг аксарияти илгари илмий муомалада бўлмаган уруш даврида чоп этилган “Ватан учун”, “Совет жангчиси”, “Суворовчи”, “Фронт ҳақиқати”, “Қизил аскар ҳақиқати”, “Бонг”, “Ватан шарафи учун”, “Душманга қарши олға”, “Қизил Армия” каби фронт газеталари мақолаларидан намуналар келтирилган. Профессор Р. Шамсутдиновнинг ўзи таъкидлаганидек: *“Китобда ўша даврни улуғловчи сўз, ибора ва атамаларни, ўша давр руҳини акс эттирувчи ғоя ва мазмунни аслича қолдиришни лозим топдик. Чунки, уларни тузатиш ёки ўзгартириш тарихий давр руҳини бузилишига олиб келиши мумкинлиги ҳисобга олинди”*[40]. Бу ишлар давом эттирилиб, 2020-йилда Р. Шамсутдинов муаллифлигида “Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари” китобининг тўртинчи ва бешинчи китоблари ҳам чоп этилди[41].

Умуман, фронт газеталарида чоп этилган ҳар бир мақола, очерк, хабар, суҳбат, фронтга йўлланган мактублар, жангчиларнинг ота-онасига, турмуш ўртоғига, фарзанди, қавму қариндошига ёзган хатлари, ҳарбий қўмондонлик ва бўлимлар томонидан ўзбекистонлик жангчиларга берилган турли фахрий ёрлиқ, мукофотлар, фотосуратлар Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши давридаги тарихини, юртдошларимизнинг урушдаги иштироки ва Ғалабага қўшган ҳиссасини тўлақонли билишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Р. Шамсутдиновнинг навбатдаги “Ўзбекистон халқининг буюк Ғалабага қўшган ҳиссасига доир (1941–1945-йиллар)” китоби ҳам мавзу тарихшунослигида алоҳида қимматга эга. Муаллиф узоқ йиллик тадқиқотлари натижаларини муаммовий ёндашув асосида тақдим этар экан, ҳар бир қисмда уруш

---

[40] Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек тилида чоп этилган газеталар – https://uza.uz/uz/posts/ikkinchi-zha-on-urushi-davrida-zbek-tilida-chop-etilgan-gaze-08-05-2020.

[41] Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Тўртинчи китоб. – Тошкент, 2020. – 368 б.; Бешинчи китоб. – Тошкент, 2020. – 352 б.

йилларидаги матбуот саҳифаларидаги матнларнинг аслиятини, архив ҳужжатларидан олинган қимматли материаллар ва рўйхатларни тақдим этади. Албатта, ушбу нашрлар тарқоқ бўлган давр манбаларини бир ерга жамланганлиги билан ғоятда қизиқарли бўлиб, даврни ўрганаётган тадқиқотчилар учун анчагина енгиллик беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи том маънода Иккинчи жаҳон уруши даври тарихини ўрганишни концептуал жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Нутқда илк маротаба янги тарихий маълумотлар эълон қилинди. Хусусан, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани, аёвсиз жангларда мардона қатнашган қарийб 451 минг нафар юртдошимизнинг номлари ва тақдири шунча йиллар мобайнида эътибордан четда қолиб келгани, шунингдек, ўша даврда “қулоқ” сифатида бошқа ўлкаларга сургун қилинган 59 мингдан ортиқ ватандошимиз ҳам Ҳаракатдаги Армияга сафарбар этилгани, урушда ҳалок бўлган Ўзбекистон фуқаролари сони 396 минг нафар эмас, аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлгани, 158 мингдан кўпроқ ҳамюртимиз урушда бедарак кетгани каби маълумотлар илк маротаба эълон қилинди[42].

Олиб борилган илмий изланишлар туфайли жанговар орден ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакилларининг сони бўйича ҳам ойдинлик киритилди. Шу пайтга қадар бу кўрсаткич 120 минг нафар деб қайд этиларди. Янги маълумотларга асосан 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди. Жумладан, илгари 280 нафар деб ҳисоблаб келинган

[42] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи – https://president.uz/uz/lists/view/3564.

ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг сони 301 та экани, 70 нафар юртдошимиз учала даражадаги Слава орденига сазовор бўлгани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топгани таъкид этилди. 2021-йил 9-майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: "*Биз бу рақамларни ҳар йили 9-май – Ғалаба байрамида қайта-қайта эсга оламиз. Булар шунчаки оддий рақамлар эмас. Уларнинг замирида муштипар оналаримиз, момоларимиз, мард ва жасур оталаримиз, бутун халқимиз қалбидаги чексиз қайғу ва ҳасрат мужассам. Бу дарду аламларни ҳеч қандай рақам, ҳеч қандай сўз билан ифодалаб бўлмайди, десак, янглишмаган бўламиз. Нега деганда, 500 мингдан зиёд қурбон – бу 500 мингдан ортиқ фожиа дегани. Бу умр йўлдошидан айрилган минг-минглаб аёллар, ота-онасидан жудо бўлган миллионлаб етим болалар дегани. Бу – орадан шунча йиллар ўтса ҳамки, халқимиз юрагидаги битмаган, ҳеч қачон битмайдиган мудҳиш яра, туганмас нола ва армон демакдир"*, – деб таъкидладилар. Шунингдек, Президент ушбу тарихий ҳақиқатни ёш авлодга тўла етказиш ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда барча мутасадди ташкилотлар, олимлар, ижодкор зиёлиларни фаол иштирок этишга чақирди, зеро, *"униб-ўсиб келаётган ёш авлод фашизм балосига қарши курашда жасур аждодларимиз кўрсатган мардлик ва матонатни асло ёдидан чиқармаслиги керак"* [43].

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан "Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи" номи билан икки турдаги илмий мақолалар тўплами нашр юзини

[43] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2021 йил 9 май. – https://president.uz/uz/lists/view/4335.

кўрди[44]. Ушбу илмий тўпламларда жанг майдонларида ўзбекистонликларнинг иштироки, фронт ва фронт орти машаққатларида ватандошларимизнинг жасоратлари, ўзбек халқининг матонат, меҳр ва олийжаноблик хислатлари, фан-таълим, маданий ҳаёт масалаларига бағишланган мақолалар тақдим этилган. Жумладан, “Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи: тадқиқотлар” илмий мақолалар тўплами одатдагидек шўъбалар ёки муаллифларнинг фамилиялари бўйича тартиб берилмаган, йўналишлар бўйича бўлимлар шакллантирилган. Тўпламнинг “Ўзбекистон ва Беларус: буюк Ғалаба ва дўстлик саҳифалари” бўлимига алоҳида тўхталиш зарур. Ушбу бўлимда Елена Харичкованинг Брест қалъаси архивида сақланаётган қалъа мудофаасида қатнашган ўзбекистонликлар ҳақидаги маълумотлар, Алеся Корсакнинг Полоцк шаҳридаги ўзбекистонлик уруш қатнашчиларининг қабрлари ҳақидаги илмий изланишлари, шунингдек, Козимхон Саъдуллаевнинг 2019-йили Минскка сафари давомида юртдошимиз Ғанитой Тошниёзов ҳақида маълумотларни жамлаган мақоласи, Валентина Мицкевичнинг катта буваси ва уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган Якуб Колас ҳақидаги иши ва бошқа мақолалар ўрин олган[45].

Таъкидлаш керакки, чет мамлакатларида ҳам ўзбекистонликларнинг Иккинчи жаҳон урушида иштирокига оид янги нашрлар чоп қилинмоқда. Жумладан, 2019-йили Минскда

---

[44] Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи: тадқиқотлар. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2020. – 300 б.; Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи: шахслар ва хотиралар. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2020. – 108 б.

[45] "Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи: тадқиқотлар" илмий мақолалар тўпламида (Тошкент, 2020.): Харичкова Е.В. Брестская крепость – цитадель мужества и славы. – С. 35–46.; Корсак А.И. Память о погибших уроженцах Узбекистана летом 1944 г. – С. 47–62.; Мицкевич В.В. Культурное наследие Узбекистана в фондах Государственного литературно-мемориального музея Якуба Коласа. – С. 63–67.; Крыжевич А.С. Ташкентские знакомства Якуба Коласа. – С. 68–73.; Зоҳидов Т.Т. Партизан Қаҳрамон Мамадали Топиволдиев. – Б. 74–80.; Сагдуллаев К.К. Қаҳрамонлардан бири эди... – Б. 81–87.

“Барча учун – Ғалаба бир: Беларусь – Ўзбекистон” (“Победа одна – на всех: Беларусь – Узбекистан” китоби, Италияда Марта Тонгианининг асосан Қаршилик кўрсатиш ҳаракати вакили Аҳмаджон Мамажонов ҳақида “Қалб амри билан. Апуан қаршилиги ва совет партизанларининг ҳиссаси” тадқиқоти чоп этилди[46]. “Барча учун – Ғалаба бир: Беларусь – Ўзбекистон” китобида Беларусь тупроғида ҳалок бўлган мингдан ортиқ ўзбекистонлик жангчиларнинг қабрлари ҳақида ҳам маълумот берилган. Уларнинг баъзиларини номлари Ўзбекистонда нашр этилган “Хотира” китобларига киритилмаганлиги маълум бўлди[47].

2022 йили чоп қилинган “Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи: тадқиқотлар” илмий мақолалар тўпламида ҳам халқаро илмий ҳамкорлик натижалари эълон қилинди[48]. Франция, Россия архивларида сақланаётган юртдошларимиз ҳақидаги ҳужжатлар, Беларусь заминида ҳалок бўлган ўзбекистонликлар бўйича тадқиқотлар ўрин олди.

2020-йил апрелда “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси” илмий-амалий онлайн конференция материаллари эълон қилинди[49]. Ушбу китоб шу номдаги инновацион лойиҳа доирасида ташкил қилинган эди. Тўпламдан ўрин олган мақолаларда ўзбекистонликларнинг жанг майдонларида

---

[46] Бу ҳақда тўлиқ қаранг: O‘zbekiston xalqining fashizm ustidan qozonilgan g‘alabaga qo‘shgan hissasi. Kitob-albom. – Toshkent: O‘zbekiston, 2020. – B. 93.; Сагдуллаев К.К. “Барча учун Ғалаба бир: Беларусь – Ўзбекистон” китобига тақриз. // Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2020. – 1–2-сон. – Б. 113–117.

[47] Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасига доир. /Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи: тадқиқотлар. – Тошкент, 2020. – Б. 20–23.

[48] Ikkinchi jahon urushi va O‘zbekiston xalqi: tadqiqotlar. Ilmiy maqolalar to‘plami. 2-jild. – Toshkent, 2022. – 352 b.

[49] “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган ҳиссаси” илмий-амалий онлайн конференция материаллари. – Тошкент, 2020. – 240 б. – Қаранг: https://www.researchgate.net/publication/343166481.

кўрсатган қаҳрамонликлари, фронт ортидаги матонатли меҳнатлари, уруш йилларида Ўзбекистонда фан ва маданият ҳолати, Ўзбекистонга эвакуация қилинган аҳолига ўзбек халқининг кўрсатган ғамхўрлиги каби мавзулар ёритилди.

Албатта, ҳозир тадқиқотлар учун Интернет манбаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу маънода “Ўзархив” агентлиги томонидан Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари хотирасига бағишланган xotira.archive.uz сайтини ишга туширилиши илмий тадқиқотлар учун зарур имкониятларни яратишга кўмаклашади[50]. Мазкур сайтни яратишда хорижий тажрибадан кенг фойдаланилди. Унда уруш қаҳрамонлари ҳақидаги маълумотлар, аскарларнинг мактублари ва бир қатор муҳим ҳужжатлар мавжуд.

Сайтда агентликнинг архивидан олинган “Уруш қаҳрамонлари” ҳақидаги маълумотлар, “Фото галерея” ҳамда “Ҳужжатлар” қисмида Иккинчи жаҳон урушидан аскарларнинг мактублари, шу даврдаги газета парчалари ва бир қатор муҳим ҳужжатлар жой олган. Келгусида ушбу веб-сайтни давлат архивларига келиб тушаётган ҳужжатлар билан доимий бойитиб, такомиллаштириб бориш режалаштирилган. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш мумкинки, сайтнинг “Халқ хотираси” қисми Россиянинг Pamyatnaroda.ru веб-сайтига йўналади. Унда, ҳар бир киши урушда иштирок этган аждодларининг (ота-она, бува-буви) исми-шарифини киритиб, уларнинг жанговар ҳаёт йўли (қачон урушга юборилган, қайси фронт чизиғида хизмат қилган, жанговар мукофотлари) ҳақида маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Бундай жараёнларнинг барчаси илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатларини, илмий жамоатчилик учун маълум бўлмаган

[50] Бу ҳақда қаранг: https://www.gazeta.uz/uz/2020/05/06/peoples-memory/

материалларни ўрганиш учун имконият яратилганлигидан далолатдир.

Шунингдек, “Шон-шараф” музейининг веб-сайти[51], “Прометей” номли Ўзбекистон ватанпарварлик-қидирув экспедициясининг веб-сайти[52] бу йўналишда олиб борилаётган сўнгги маълумотлар, уруш қатнашчиларининг кичик тарихлари билан танишиш имконияти яратилаётганини кўрсатмоқда.

Айтиш жоиз, “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳарбий тарихимиз, уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари жасоратини ўрганиш бўйича илмий марказга айланиб бормоқда. Бугунги кунда мажмуа таркибида фаолият кўрсатаётган “Шон-шараф” давлат музейида 12,5 мингга яқин экспонат тўпланган бўлиб, уларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари тарихчи олимлар, илмий ва ижодкор зиёлилар олдига катта вазифаларни қўндаланг қўйди: *“Айни вақтда уларни бу борадаги изланишларни давом эттиришга, Ғалаба боғидаги “Шон-шараф” музейини доимий равишда янги маълумотлар билан бойитиб боришга даъват этаман. Ота-боболаримиз жасоратини чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида янги тарихий маълумотлар асосида ҳар йили 9-май байрами арафасида алоҳида китоб тайёрлаб, нашр етсак, ўйлайманки, айни муддао бўлади”*.

2021–2023 йилларда “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида ўтказилган халқаро конференция материаллари нашр этилди[53]. Шунингдек, мажмуа жамоаси томонидан уруш

[51] http://shon-sharaf.uz
[52] https://prometey.uz
[53] “Марказий Осиё халқлари тарихи ва хотирасида Иккинчи жаҳон уруши: воқеалар, иштирокчилар, рамзлар” мавзусида ўтказилган Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2021. – 368 б.; Хотираларда жонланган тарих. Тўплам. – Тошкент, 2023. – 264 б.; Кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ва фронт ортида кўрсатган беқиёс жасорати: тарих, талқин, технология. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2023. – 386 б.

қатнашчиларининг жанговар йўли ҳақида “Хотиралардан ўрин олган тарих” китоби ҳам чоп қилиниши йўлга қўйилди[54].

Иккинчи жаҳон уруши мавзусини ёритишда илмий журналларнинг ўрни ҳам алоҳида. Бу жиҳатдан “Ўзбекистон тарихи”[55], “Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари”[56] журналларининг махсус сонларида мавзуга доир тадқиқотлар тақдим этилган. Шунингдек “Водийнома”[57] журнали ҳам бу йўналишда бир қатор мақолалар, янги манба ва ҳужжатларни тақдим этиб келмоқда.

Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши курашда кўп миллатли Ўзбекистон халқи томонидан амалга оширилган буюк тарихий ишларни келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни жасорат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ғоят катта аҳамиятга эга. Зеро, бундай илмий нашрлар уруш даҳшатларини унутмасликка, бугунги тинч ва осуда ҳаётни қадрлаб яшашга даъват этади. Қувонарли жиҳати шундаки, нашрлардаги муаллифларнинг аксарияти ёш тадқиқотчилар. Демак, бу мавзуни ўрганиш давом этмоқда.

Масаланинг қисқача тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистоннинг замонавий тарих фанида Иккинчи жаҳон уруши даврини ўрганишга ҳали эҳтиёж мавжуд. Бу, энг аввало, унинг аниқ йўналишларини белгилашни тақозо этади:

биринчидан, бугунги кун нуқтаи назаридан Ўзбекистон тарихи фани олдида бу давр тарихининг барча жиҳатларини

---

[54] Хотиралардан ўрин олган тарих. – Тошкент, 2021. – 448 б.; Хотиралардан ўрин олган тарих. Иккинчи китоб. – Тошкент, 2023. – 724 б.

[55] Қаранг: “O‘zbekiston tarixi” jurnalining 2020-yil 2-soni va 2021-yil 2-soni.

[56] “O‘zbekiston eng yangi tarixining dolzarb masalalari” jurnalining 2020-yil 1–2-soni, 2021-yil 1–2-soni

[57] “Vodiynoma” журналида мавзуга доир мақолалар ҳақидаги рўйхатни қуйидаги китобдан кўринг: Рустамбек Шамсутдинов. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Тўртинчи китоб. – Тошкент. 2020. – Б. 5–7.

қамраб олган йирик фундаментал тадқиқот яратиш билан бир қаторда, илмий-оммабоп нашрларни тайёрлаш ва кенг жамоатчиликка етказиш ишларини давом эттириш вазифаси турибди;

иккинчидан, уруш даврига тегишли мавзуларни замонавий тарих фанида етакчилик қилаётган "ижтимоий тарих" йўналишида тадқиқ этишга қаратиш, бунда шахснинг яшаётган муҳити, жамиятдаги ўрни, урушнинг халқларнинг ўзаро муносабатларига, айниқса миллатнинг ўзига хослигини намоён қилишдаги таъсири, ижтимоий тафаккурдаги эврилишлар, инсонларнинг фронт олди ва фронт орти ҳаёти, бу жараёнларнинг аҳоли турмуш тарзига таъсири каби бир қатор масалаларга урғу бериш ғоятда муҳим. Шу ўринда, профессор Д. Алимованинг: *"Миллатлараро ҳамжиҳатлик инсонларни ягона мақсад – мамлакатнинг ғалаба қозониши кераклигига ишонч билан бирлаштирди, можароларнинг олдини олди ва дарҳақиқат кучли омил ҳамда манбага айланди"*[58], деган фикрларини келтириш ўринли.

учинчидан, бу даврга тегишли манбавий асосни кучайтириш, янги ҳужжатлар тўпламини нашр этиш вақти келди. Маълумки, совет даврида урушга оид кўплаб ҳужжатлар нашр этилган, улар тадқиқотчилар меҳнатини енгиллаштирган ва ҳозиргача фойдаланиб келинмоқда. Сўнгги йилларда уруш даври архив ҳужжатларини илмий муомалага киритиш ишлари яна бошланди[59]. Бу борада нафақат Ўзбекистон Миллий архиви

---

[58] Алимова Д.А. Парадоксы войны: межнациональное согласие и сближение культур, как ресурс победы / Эшелоны идут на восток. Эвакуация в Узбекистан в годы Великой Отечественной войны. – Ташкент, 2019. – С. 22.

[59] "Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси" ва "Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида" туркум китоб-альбомларида эълон қилинган архив ҳужжатлари; Аскар мактублари. Солдатские письма. Китоб-альбом. – Тошкент: "O'zbekiston" nashriyoti, 2022. – 376-б.; O'zbek xalqining Ikkinchi jahon urushida g'alabaga qo'shgan hissasi. Hujjatlar to'plami. – Toshkent: Akademnashr, 2024. – 656 b.

жамғармаларидаги, балки вилоят, туман архивларидаги қимматли ва давр воқелигини тўлиқ акс эттира оладиган ҳужжатларни аниқлаш, бу жараёнга тарихчилардан ташқари архившуносларни ҳам жалб этиш зарурати мавжуд.

Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хотирасини абадийлаштириш, Ватан қаҳрамонлари ҳақидаги маълумотларни топишни осонлаштириш ва оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Миллий архиви базасида маълумотларни электронлаштириб, Интернет сайтини янада такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир. Бу борада хорижий тажрибадан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай мазмундаги Интернет ресурслари Россия Федерациясида мавжуд[60].

тўртинчидан, хориж архивларида ҳам изланишлар олиб бориш ва ўзбекистонлик аскарлар ва ҳарбий асирлар, шу билан бирга, Ўзбекистонда бўлган асирлар тўғрисидаги ҳужжатларни топиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шунингдек, бу йиллар матбуотини таҳлил этиш орқали қимматли маълумотларни тўплаш мақсадга мувофиқ. Профессор Р. Шамсутдиновнинг юқорида қайд этилган китобига киритилган фронт газеталари материаллари қимматли манба бўлиб саналади;

бешинчидан, “оғзаки тарих” усулларидан кенг фойдаланиб уруш замондошларининг эсдаликлари, кундаликларини яратиш, мавжудларини тиклаш, кино-фото-фоно ҳужжатларни илмий таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқ. Сўнгги йилларда бу борада қилинган ишларни эътиборга молик, деб баҳолаш мумкин[61].

---

[60] Бу ҳақда қаранг: Адилов Ж.Х., Ҳамраев С.А. Ўзбекистонлик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари ҳақида сайт яратишда хорижий тажрибанинг ўрни (Россия Федерацияси мисолида) // https: //www.archive.uz /post/uzbekistonlik-ikkinchi-jahon-urushi-qahramonlarihaqida-sait-yaratishda-khorijii-tajribaning-urni-2

[61] Бунга мисол ўрнида Каримберди Тўхтамуроднинг "Қора китоб" (Toshkent: «Qaqnus media» nashriyoti. 2019. – 224-b.) адабий-бадиий нашрини келтириш мумкин. Муаллиф Иккинчи жаҳон уруши даврига замондош бўлганларнинг кўрган-кечирганларини бадиий тарзда баён этган.

Лекин ижтимоий фан вакиллари каби ёзувчи ва журналистлар ҳам жамиятнинг тарихий онгига таъсир кўрсата олишларини унутмаслик керак. Шундай экан, тарихий-бадиий мавзуга қўл урган ёзувчи энг аввало холис ёндашувда бўлиши, сўнгги тадқиқотлар ва янги тарихий фактлар билан ҳам яқиндан танишиши талаб этилади. Зеро жамиятнинг тафаккурини шакллантиришда яратилаётган ҳар бир турдаги адабиёт олдида масъулият борлигини унутмаслик даркор

3-§.“Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” туркумидаги китоб-альбомлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 9 май куни Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимда *“Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз кўрсатган мардлик ва олижаноблик ҳақида кўплаб илмий ва бадиий асарлар яратилгани”* таъкидланган ҳолда алоҳида *“китоб-альбом тайёрлаб, нашр этиш”* таклифи билдирилди. Президентимиз ўз нутқларида *“униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз фашизм балосига қарши курашда жасур аждодларимиз кўрсатган мардлик ва матонатни асло ёдидан чиқармаслиги керак”*лигини таъкидладилар. *“Бу тарихий ҳақиқатни уларга тўла етказиш, фарзандларимизни миллий ғурур ва ифтихор руҳида, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда барча мутасадди ташкилотлар, олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз фаол иштирок этадилар”* деб қайд этдилар[62]. Албатта бу ташаббус замирида хотира қадри ва унутмаслик саодати мужассам эди.

Шу мақсадда Президент томонидан 2018 йил 31 майда “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага

[62] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2018 йил 9 май. – https://president.uz/uz/lists/view/1706.

Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф–5294-сонли фармойиш қабул қилинди. Фармойишда *“уруш йилларида халқимиз томонидан амалга оширилган буюк ишларни, унинг кучли ирода ва қаҳрамонлигини, ўша давр ҳақиқатини келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш”*да *“бундай манбалар ғоят муҳим аҳамиятга эга”*лиги таъкид этилди[63].

Қайд этиш керакки, уруш кетаётган вақтдаёқ Ўзбекистонда урушнинг мудҳишлиги ҳақида, сафарбарлик руҳида қатор публицистик ва бадиий асарлар чоп этилди. Кейинги йиллар давомида ҳам Иккинчи жаҳон урушида халқимиз кўрсатган мардлиги, матонати ва инсонийлиги ҳақида минглаб бадиий, ҳужжатли асарлар яратилди, илмий тадқиқот ишлари нашр этилди. Шу билан бирга Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасини айнан суратлар билан бирга ёритиб берган илмий-тарихий китоб ҳали йўқ эди. Фармойишга асосан, бу мавзудаги китоб-альбом ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб тайёрланиши ва нашр этилиши белгиланди.

Фармойиш билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов раислигида китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқланди.

Ташкилий қўмитанинг йиғилиши 2018 йил 23 июнда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ўтказилди. Йиғилишда тайёрланадиган китоб-альбом кенг кўламли ишлар олиб боришини тақозо этиши таъкидланиб,

---

[63] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф–5294-сонли фармойиши. – https://president.uz/uz/lists/view/1835.

вазирликлар, идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотларининг масъул вакиллари, олимлардан иборат ишчи гуруҳ тузилди.

Йиғилишда Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ фаолияти фақат энг янги давр билан чекланмаслиги, балки Ўзбекистоннинг маъно-мазмун жиҳатидан янги тарихини яратишда фаол қатнашиши зарурлиги қайд этилди. Унда китоб-альбомни тайёрлаш ва нашр эттиришда Марказни Ташкилий қўмитанинг штаби этиб белгилаш таклифи маъқулланди.

Шунингдек, йиғилишда Президент фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди. Унда китоб-альбомни тайёрлаш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Даставвал, китоб-альбом концепцияси тайёрланиб, муҳокама этилди[64]. Илмий жамоа шакллантирилиб, унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Инновацион ривожланиш ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Ц-НИ-27 рақамли мақсадли лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

2019 йил апрелига қадар “Ўзархив” агентлиги, Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви, Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви, Ўзбекистон Қуролли Кучлари давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, Қ.Зоиров номидаги Соғлиқни сақлаш музейи, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон

[64] Концепция книги-альбома в рамках выполнения Распоряжения Президента Республики Узбекистан от 31.05.2018 г. «О мерах по изданию книги-альбома, посвященного достойному вкладу народа Узбекистана в победу над фашизмом во Второй мировой войне». // Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари. – Ташкент, 2018. – № 2. – С. 110–114.

Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар томонидан тарихий ҳужжатлар, суратлар, фильмлар бўйича дастлабки маълумотлар, материаллар тақдим этилди. Китоб-альбом учун матн ёзиш ишлари ташкил этилди. Бунда уч жилдли «Узбекская ССР в годы Великой Отечественной Войны (1941–1945 гг.)» (Ташкент, 1985. I–III-томлар), «Главные документы Великой Отечественной Войны» (Москва, 2015), «Победа одна – на всех: Беларусь – Узбекистан» (Минск, 2019), икки жилдли «Ўзбекистон тарихи (1917–1991)» (Тошкент, 2019) каби адабиётлардан олинган маълумотлардан, мавзу бўйича бошқа бадиий-ҳужжатли асарлар ва илмий ишлардан фойдаланилди.

Тасдиқланган амалий чора-тадбирлар режаси доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан илмий ва бадиий адабиётлар, мақолаларнинг библиографик кўрсаткичини тайёрлаш ишлари бошланди[65].

2019 йил сентябрига қадар китоб-альбом структураси бўйича тақдим этилган материалларни саралаш ҳамда матнни концепция асосида тайёрлаш ва таҳрир қилиш ишлари олиб борилди. Бўлимлар бўйича етишмаётган масалалар бўйича янги матнлар ёзилди, бу борада қўшимча материаллар ҳам тўпланди.

2019 йилнинг сентябрида матн ва материаллар саҳифалаш учун “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйига тақдим этилди. Архивлар ва музейлар томонидан берилган суратлар ва ҳужжатларнинг электрон кўриниши матбаа талабига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Шу сабабдан, нашриётда архив ҳужжатлари ва суратларни сканерлаш ишлари ташкил этилди.

[65] Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон (1941–1945). Библиографик кўрсаткич. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2020. – 284-бет.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи сўралган фотоҳужжатларнинг суратларини тақдим этди.

Илмий жамоа аъзолари С.Саидолимов, М.Рахимов, К.Саъдуллаев, Х.Бобожонов тайёрланган матнга мос суратларни тўплаш устида иш олиб борди. Китоб-альбомнинг “Ўзбекистон ва фронт”, “Жангчиларимизнинг фронтдаги жасоратлари” бўлимларига ёзилган матн бўйича зарур бўлган суратлар ўша вақтда нисбатан камроқ эди. Бунда шахсий альбомларда сақланаётган ноёб суратлар ва тарихий ҳужжатлар тақдим этилиши аҳамиятли бўлди. Хусусан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамадали Топиволдиев, Италиядаги Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида қатнашган юртдошимиз Аҳмаджон Мамажонов, ёзувчи Адҳам Раҳмат оилалари томонидан берилган материаллар китоб-альбомдан ўрин олди[66]. Баъзан уруш қатнашчиларининг суратини излаш, уларнинг оилаларини топиш кўпроқ вақтни талаб этарди. Жанггоҳларда ҳалок бўлган маълум бир юртдошларимиз уйланмаганлиги ва уларнинг фарзандлари йўқлиги, орадан ўтган вақт ичида яқинларининг фамилиялари ҳам ўзгариб кетгани ҳам буни янада қийинлаштирарди. Ана шундай қидирувлардан бири Фанлар академиясининг биринчи мухбир-аъзоларидан бўлган, адабиётшунос Олим Шарафуддиновнинг сурати бўлди. Сурат академикнинг АҚШда фаолият олиб бораётган невараси Элёр Каримовдан олинди[67].

Шунингдек, Х.Бобожонов, К.Саъдуллаев Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви картотекасида ишлаб, фондда сақланаётган, аммо, ҳали эълон қилинмаётган

---

[66] Номи тилларда достон. /Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. Китоб-альбом. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. – Б. 86–87; Европадаги Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида ўзбекистонликлар. /Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. Китоб-альбом. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. – Б. 92–93.

[67] Биринчи академиклардан эди. /Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. Китоб-альбом. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. – Б. 150.

фотоҳужжатларни тўплади. М.Рахимов, К.Саъдуллаев Ўзбекистон Қуролли Кучлари давлат музейи фондини ўрганиб, китоб-альбом учун материаллар саралаб олди. Музей фондида сақланаётган ва Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги Марказий архивидан тақдим этилган ўзбекистонликларнинг жанг майдонларидаги жасоратига оид ҳужжатлар тўплами ҳам ўрганиб чиқилди ва зарур ҳужжатлар китоб-альбомга киритиш учун танлаб олинди.

Ўрол Тансиқбоев уй-музейидан рассомнинг "Уруш йўлларида" туркум асарларининг суратлари олинди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Марказий архивида ишлаш жараёнида аниқланган Абдуллахон Хўжахоновнинг 1945 йили фронтдан фарзандларига юборган мактуб қўлёзмаси топилма бўлди[68].

Шунингдек, К.Саъдуллаевнинг 2019 йил ёзида Беларусга бўлган хизмат сафари давомида "Қаҳрамон Брест қалъаси" ёдгорлик мажмуаси, Минск шаҳридаги Улуғ Ватан уруши тарихи музейи, Якуб Колас адабий хотира музейи билан алоқалар ўрнатилиши ушбу мамлакатни озод қилишда иштирок этган ўзбекистонликларга тааллуқли материаллар сўровини амалга ошириш имконини берди. Бу борада "Қаҳрамон Брест қалъаси" ёдгорлик мажмуаси давлат муассасаси архиви томонидан тақдим этилган ўзбек санитар йигитининг жанг шароитида ярадорлар учун олти бор сув олиб келганлиги ҳақидаги тарихий ҳужжат қимматли бўлди[69].

Ишчи гуруҳ аъзолари барпо этилаётган Шон-шараф музейи экспозицияси тайёрланишида ҳам қатнашди. 2019 йил декабрь

---

[68] "Зафар"ла қайтаман, Ватаним сенга! /Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. Китоб-альбом. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2020. – Б. 139.

[69] "Қаҳрамон Брест қалъаси" ёдгорлик мажмуасидан маълумот. /Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. Китоб-альбом. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2020. – Б. 64.

ойида Ғалаба боғи ва унинг таркибидаги Шон-шараф музейини барпо этиш бўйича тажриба алмашиш мақсадида Ўзбекистон делегацияси Москвага шаҳрига юборилган эди. Делегация таркибида М.Рахимов ва К.Саъдуллаев ҳам сафарда бўлиб қайтди. Сафар давомида Россия Қуролли кучлари Марказий музейи экспозициясидан керакли тарихий ҳужжатлар ҳам суратга олинди. Уларнинг баъзилари китоб-альбомдан ўрин олди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан зарур бўлган газеталар, китобларнинг сифатли суратлари тақдим этилди. Айниқса, машҳур “Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб” эълон қилинган “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1942 йил 22 октябрь сони қидируви анча вақт олди. Кейин ушбу газета Миллий кутубхонада ягона нусхада сақлаб қолинганлиги аниқланди. Газетанинг сурати китоб-альбомнинг 80-бетида берилди[70]. Шунингдек, Ойбекнинг “Навоий” романини биринчи – 1944 йилги нашри муқоваси сурати тақдим этилди[71]. Кутубхона ходимларидан Шоира Рахимова, Матлуба Мирходжаева, Анвар Муродовнинг кўмаги билан илмий жамоанинг сўровига асосан зарур газеталар, китобларнинг электрон кўринишлари қисқа вақтда тақдим этиб борилди.

Кутубхонадан тўпланган материаллар билан танишиш давомида уруш қатнашчиси, ХХ асрнинг 70-йилларида Москва шаҳрида жойлашган ҳозирги Қуролли Кучлар Марказий музейи советининг ўша вақтда аъзоси бўлган В.Липатов муаллифлигидаги “Рейхстаг забткори” мақоласи эътиборни тортди. Унда юртдошимиз Исмоил Тўлаганов Рейхстаг

---

[70] Ўзбек жангчиларига мактуб. /Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. Китоб-альбом. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. – Б. 80.

[71] Адабиёт фашизмга қарши. /Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. Китоб-альбом. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. – Б. 204.

штурмида Ғалаба байроғи ўрнатишда қатнашганлиги ва бу бўйича сурат музей фондида сақланаётганлиги қайд этилган эди[72]. 2019 йил декабрда мазкур музейда бўлганда ушбу сурат бўйича маълумот сўралди. Бироқ, ушбу материал сақлаб қолинмаганлиги аниқланди. Айтишларича, музейда бир вақтлар ёнғин содир бўлиб, фондда сақланаётган айрим ашёларга зарар етган экан. Бу мисоллар юртдошларимиз ҳақида маълумотларни аниқлаш ҳамда тўплаш масаласи қанчалик долзарб эканлигини кўрсатади.

Албатта, китоб-альбомни тайёрлаш жараёнида бошқа ноёб суратлар ва тарихий ҳужжатлар ҳам эълон қилинди. Жумладан, тарихчи олим Р.Шигабдинов томонидан тақдим этилган Давлат Мудофаа комитети раисидан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назорати раисига мудофаа фондига тўпланган маблағ учун миннатдорчилик телеграммасининг сурати шулар сирасига киради[73]. Китоб-альбомнинг “Ёдимда...” бўлими учун Ўзбекистонга эвакуация қилинган Якуб Колас, Анна Ахматованинг юртимизга бағишланган шеърлари қаторида ўша вақтда бола бўлган инсонларнинг хотиралари тўпланди. Бунда телевидение ва кино режиссёри Набижон Раззоқнинг АҚШда суратга олган “Болаликнинг сўнгги ёзи” ҳужжатли фильмидан фойдаланилди.

Таъкидлаш жоизки, халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган жасорати ва матонатини чет мамлакатлардаги аудиторияга етказиш муҳимлиги жиҳатидан бир вақтни ўзида китоб-альбом рус ва инглиз тилларига ҳам таржима қилинди. Шеърлар таржимасини амалга оширишда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасидан Нодир Жонузоқ, Рисолат Ҳайдарова, Раим

[72] Липатов В. Рейхстаг забткори. /Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. Китоб-альбом. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. – Б. 109.

[73] Қаранг: Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. Китоб-альбом. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. – Б. 228.

Фарҳодий, Шаҳло Қосимова, Бегойим Холбекова яқиндан ёрдам берди.

Шундай қилиб, сўз боши ва тўққиз бўлимдан иборат (*«Ўзбекистон ва фронт», «Жангчиларимизининг фронтдаги жасоратлари», «Фронт ортидаги ҳаёт», «Уруш йилларида илм-фан ва таълим», «Уруш йилларида маданий ҳаёт», «Инсонпарварликнинг юксак намунаси», «Ёдимда...», «Абадиятга дахлдор хотиралар», «Муқаддас хотира»*) китоб-альбомни тайёрлашда бир қатор вазирлик ва идоралар, олимлар билан ҳамкорликда иш олиб борилди.

2020 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуси ва ғоялари асосида тайёрланган “Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси” номли китоб-альбом Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан ўзбек, рус ва инглиз тилларида, жами 20 минг нусхада чоп этилди[74].

2020 йил 9 май куни Ғалаба боғида биринчи бор ўтказилган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Ўзбекистоннинг буюк Ғалабага қўшган ҳиссасига оид янги тарихий маълумотлар эълон қилинди. Шунингдек, Президентимиз ўз нутқида Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни янада чуқурроқ ўрганиш, илмий тадқиқотларни амалга оширишга даъват этар экан, ҳар йили 9 май байрами арафасида алоҳида китоб нашр этиш таклифини билдирдилар[75].

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ишлар фақат юбилей доирасида бўлиб қолаётгани йўқ. Балки улар доимий олиб борилишига эътибор берилмоқда.

---

[74] Халқимиз жасорати ва матонати барҳаётдир. – http://uza.uz/oz/society/khal-imiz-zhasorati-va-matonati-bar-ayetdir-07-05-2020.

[75] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи – https://president.uz/uz/lists/view/3564.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 9 сентябрда «“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4820-сон Қарори қабул қилинди. Келажак авлод учун архив ҳужжатлари ва ашёларни сақлаб қолиш мақсадида қабул қилинган мазкур Қарорда Ўзбекистон халқининг буюк Ғалабага қўшган муносиб ҳиссасини илмий асосда ўрганиш вазифаси қўйилди[76].

Албатта, ўз вақтида тарихчи олимлар, фронт журналистлари, уруш қатнашчилари бўлган зиёлилар томонидан бу йилларда халқимизнинг жасорати ва фронт орти ҳаётини ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилди, китоблар чоп этилди. Амалга оширилган ишларни эътироф этган ҳолда уруш даврининг у ёки бу масаласини ўрганишни давом эттириш кераклигини таъкидлаш ўринли. Зеро, ўз вақтида кўплаб ҳужжатлар махфий ҳисобланганлигини ҳам назарда тутмоқ зарур. Ҳозирда “Ўзархив” агентлиги ташаббуси билан уруш йилларига оид ҳужжатлар махфийликдан чиқарилмоқда, хориж архивларидан ҳужжатларнинг электрон нусхасини олиб келиш ишлари олиб борилмоқда.

Агар бирон бир ҳудуд кесимида юртдошларимизнинг қаҳрамонликлари кўриб чиқилса бу масала янада ойдинлашади. Хусусан, Брест қалъаси мудофаасида қатнашган ўзбекистонликларнинг номларини турли манбалар асосида рўйхати тузилса ўттиздан ортиқни ташкил этиши мумкин. Аммо, “Қаҳрамон Брест қалъаси” ёдгорлик мажмуаси илмий котиби Елена Харичкова қайд этишича, 1940 йил кузида Самарқанд шаҳрини ўзидан Брест вилоятига ҳарбий хизматга чақирилганлар

[76] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги «“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4820-сон Қарори. – https://lex.uz/docs/4994576.

сони 519 нафар бўлган[77]. Демакки, бу борада ҳам ҳали ўрганишни, уларнинг номларини аниқлаш ишларини олиб бориш зарур. Қолаверса, фашистлар Германияси томонидан собиқ Совет Иттифоқи босиб олиши бошланган кун – 22 июнда Армия хизматида бўлган минглаб ўзбекистонликлар турли ҳудудлар мудофаасида иштирок этган.

Днепр дарёсини кечиб ўтишда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдулла Қурбоновнинг катта ҳиссаси борлигини ҳам алоҳида таъкид этиш жоиз. Унинг душман кучлари жойлашуви ҳақида муҳим маълумотларни келтириши – ҳал қилувчи жанговар операция бошланишига замин бўлди. Яна мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган юртдошларимиз жасоратини ўрганиш ишларини изчил давом эттириш, ҳар бир инсон жасорати орқали умумхалқ ҳиссасини ёритиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Президентнинг 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ–4820-сон Қарори билан янги маълумотлар, Ғалаба боғида олиб борилаётган илмий-маърифий, оммавий-маданий тадбирларни ўзида атрофлича акс эттирадиган китоб-альбом тайёрлаб, ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида нашр этиш белгиланди. Уни тайёрлаш ва нашр этиш бўйича Президент маслаҳатчиси – Спичрайтер Х.Султонов раҳбарлигида ишчи гуруҳ таркиби ҳам тасдиқланди.

2021 йилги китоб-альбом “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” номи билан чоп этилди ва у “Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган Ғалабага қўшган ҳиссаси”нинг мантиқий давомидир. Унда аввало, Ўзбекистонда

[77] Харичкова Е. В. Брестская крепость – цитадель мужества и славы. / Вторая мировая война и народ Узбекистана: исследования. Сборник научных статей. – Ташкент, 2020. – С. 35–46; Харичкова Е.В. Брестская крепость – цитадель мужества и славы. // Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари. – Ташкент, 2021. – № 1–2. – С. 121–131.

буюк Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан амалга оширилган ишлар кўламини кўрсатиб беришга эътибор берилди.

Агар биринчи китоб-альбом бунёд этилаётган Ғалаба боғи ҳақидаги саҳифа билан якунланган бўлса, ушбу нашр айнан шонли санада очилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ва унинг таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейи ҳақидаги маълумотлар билан бошланган.

Сўнгги йилларда халқимизнинг жасорати ва матонати ҳақида ҳикоя қилувчи янги асарлар чоп этилди, ўзбек киносида ҳам кўп йиллик танаффусдан кейин шу мавзуга мурожаат қилиниб, “Илҳақ”, “101”, “Халқ жасорати” каби янги бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олинди. Улар ҳақида, олиб борилаётган тадқиқотларнинг дастлабки натижалари бўйича маълумотлар иккинчи китоб-альбом саҳифаларидан ўрин олди.

Шундай қилиб, мазкур китоб-альбомда буюк Ғалабанинг 75 йиллиги шарафига Ўзбекистонда халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган қаҳрамонлигини тарих саҳифаларига муҳрлаш, уни келгуси авлодларга етказиш мақсадида амалга оширилган ишлар ва асосийси, берилаётган эътибор ёритилди. Китобда Зулфия ая Зокирова, Мамадали Топиволдиев, Аҳмаджон Мамажонов, Каримжон Исоқов авлодларининг дил сўзлари ҳам берилган бўлиб, уларда халқ жасоратига кўрсатилаётган эҳтиром учун миннатдорлик билдирилган.

Дарҳақиқат, ҳар бир қаҳрамонлик буюк Ғалабани таъминлашга муҳим ҳисса бўлган. Бу жиҳатдан китоб-альбомнинг “Мангу жасорат намуналари” бўлимига Ботир Бобоев, Шоди Шоимов, Самиғ Абдуллаев, Файзулла Норхўжаев, Тешабой Одилов, Шариф Ширинбоев, Камолжон Турғунов, Бурҳон Турсунов, Рихсихон Мўминова ва бошқа ватандошларимизнинг қаҳрамонликларига бағишланган алоҳида мақолалар киритилди. Бу борада нафақат, илмий жамоа аъзолари

мақолаларни тақдим этишди, балки, уруш қатнашчиларининг авлодлари ҳам ота-боболарининг жасорати ҳақида материаллар тайёрлашга жалб этилди. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолалар ўрганилиб, сара ишлар муаллифлар билан келишган ҳолда китоб-альбомда чоп этилди. Айтиш керакки, иш жараёнида матнлар фақат китоб-альбом ҳажмига кўра мослаштирилмади, балки, баён этилган қаҳрамонликлар айни шу жасорати учун мукофотлашга тавсия этилган тақдирлаш варақалари билан солиштириш, жой номларига аниқликлар киритиш билан тўлдирилди. Китоб-альбомда бошқа муаллифларнинг материаллари берилаётганидан яна бир мақсад кўп йиллик танаффусдан сўнг оммавий ахборот воситаларида ушбу даврни ёритишга эътибор кучайгани ҳамда зиёлиларнинг янги авлоди ҳам бу мавзу билан шуғулланаётганини кўрсатиш эди.

Шунингдек, уруш қатнашчилари бўйича ҳужжатлар ва суратларнинг электрон кўринишлари тўпланди. Агар уруш қатнашчисининг авлодлари топилмаган ҳолда, унинг ишлаган жойи бўйича архивлардан ҳам суратлар олинди. Эсон Жовбўриев, Сирожиддин Валиев, Луқмон Ўроқов, Қобилжон Усмонов, Андрей Борзенко, Шарофжон Орифий, Ноил Абубакиров, Саидазим ва Саидолим Аъзамхўжаевлар, Турсунхўжа Ғуломов, Туҳфатхон Нусратов ва бошқа юртдошларимиз ҳақида маълумотлар Ғалаба боғидаги “Шон-шараф” давлат музейи экспозициясида ўз аксини топмаган эди. Китоб-альбом тайёрланганидан кейин музей экспозициясидан Э.Жовбўриев, ака-ука Аъзамхўжаевлар бўйича ҳам материаллар ўрин олди. Китоб-альбомда ўша вақтда ҳали ҳаёт бўлган уруш қатнашчилари Йўлдош Шодиев, Ўрозали Пирманов, Собир Қурбоновларнинг хотиралари ҳам берилди. Йўлдош ота Шодиев

ҳақида материал тайёрланган кунларда уларнинг вафот этганлари маълум бўлди...

Ўзбекистонга тақдим этилган Россия мудофаа вазирлиги Марказий архивида сақланаётган генерал-майор Собир Раҳимовнинг шахсий йиғмажилдидаги ҳужжатлар, Ўрта Осиё Ҳарбий округига тааллуқли материаллар китоб-альбомнинг “Янги архив ҳужжатлари” бўлимидан ўрин олди.

Маълумки, ўзбек тилида нашр қилинган фронт газеталарининг айримларигина Ўзбекистон Миллий архиви, Қуролли кучлар давлат музейи, “Шон-шараф” давлат музейи ва бошқа архив ҳамда музейларда, шунингдек, ушбу газеталарда фаолият олиб борган ёзувчилар ва журналистлар оилаларида қисман сақлаб қолинган.

Бу борада ишчи гуруҳ аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Шамсутдинов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги кутубхоналарда сақланаётган турли манбалар, жумладан, “Қизил Армия”, “Бонг”, “Ватан учун”, “Фронт ҳақиқати”, “Қизил аскар ҳақиқати”, “Ватан шарафи учун”, “Душманга қарши олға”, “Совет жангчиси”, “Суворовчи” каби газеталарни ўрганиб, улардаги эътиборга молик материаллар асосида “Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари” номи билан китоблар нашр этиб келаётганини алоҳида таъкид этиш жоиз. Ҳозирга қадар китобнинг беш жилди эълон қилинган. Иккинчи китоб-альбомга профессор Р.Шамсутдинов томонидан “Қизил Армия”, “Ғалаба байроғи”, “Қизил аскар ҳақиқати”, “Суворовчи” газеталаридан айрим материаллар тақдим этилди. Уларнинг баъзилари чоп этилган беш жилдли китобдан ўрин олмаган. Ушбу материаллар китоб-альбомнинг “Фронт газеталари” бўлимида берилди.

“Аскар хатлари” бўлимида уруш қатнашчилари оиласида сақланаётган мактублар, шунингдек, урушга сафарбар этилган

қорақалпоғистонлик ёшларнинг фронт ортида қолаётган юртдошларига ёзган очиқ хати эълон қилинди. Мазкур мактубларда жанг майдонларидаги қаҳрамонликлар, одамларнинг оғир дамларда бир-бирига бўлган самимияти ўз ифодасини топган.

Фронт ортидаги фидокорона меҳнат ва эвакуация “Меҳр-саховат ва чин инсонийлик намунаси” бўлимида архив ҳужжатлари орқали ёритиб берилди. Уруш йилларида жорий этилган карточка тизими, 1944 йилдаги табиий офат оқибатида дон экинларининг зарар кўрганлиги бўйича ҳужжатлар эса уруш йилларидаги қийинчиликларни ифода этади.

“Унутмас Сизларни Ватан” бўлимида бедарак йўқолган ватандошларимизни қидириш, қулоқ қилинган ўзбекистонликларнинг уруш йилларидаги иштироки ҳамда Беларусдан “Шон-шараф” давлат музейига лейтенант Шавкат Қориевнинг Қизил Байроқ ордени тақдим этилиши ҳақидаги мақолалар ўрин олган.

Китоб-альбомни тайёрлаш жараёнида Херсон областидаги Скадовский-2 совхозидан юборилган жангчилар учун ўрнатилган ёдгорликда ўзбекистонликларнинг номлари ҳам қайд этилганлиги ҳақида маълумот[78] бўйича иш олиб борилди. Бироқ, Интернетдан бу ёдгорликнинг суратини топиб бўлмади. Шунда Ташқи ишлар вазирлигига сўров юборилди ва унинг натижасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги элчихонаси вакиллари ушбу ёдгорлик жойлашган қишлоққа бориб, уни суратга олишди. Тахмин этилганидек, у ердан урушга юборилган ўзбекистонликлар XX асрнинг 30-йилларида қулоқ қилинганлиги маълум бўлди. Тақдим этилган маълумотлар китоб-альбомда ёритилди.

[78] Узбекская ССР в годы Великой отечественной войны Советского Союза (1941 – 1945 гг.). Том 1. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 310–311.

Шунингдек, 1931 йилда қулоқ қилинган ўзбекистонликлар тўғрисидаги архив ҳужжатлар Херсон давлат архиви бўлинмасида қисман сақланиши маълум бўлди. Бу бўйича маълумот мамлакатимизга ушбу ҳужжатларнинг электрон нусхасини олиб келиш бўйича ишларни олиб бориш мақсадида “Ўзархив” агентлигига тақдим этилди.

Тайёрланган иккинчи китоб-альбом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан 3 минг нусхада ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши иштироки юзасидан рақамларни яна бир бор қайд этар экан, бу рақамлар *“замирида муштипар оналаримиз, момоларимиз, мард ва жасур оталаримиз, бутун халқимиз қалбидаги чексиз қайғу ва ҳасрат мужассам”*лигини таъкидладилар[79].

Дарҳақиқат, рақамлар ўша вақтда яшаган ҳар бир одамнинг уруш билан боғлиқ аччиқ хотиралари, армонлари, фожиаларини ҳам ифода этади. Зеро, умумхалқ ҳиссаси уруш йилларида яшаган ҳар бир ўзбекистонликнинг – жасорати бўладими, фронт ортидаги матонати бўладими, эвакуация қилинган аҳолига нисбатан инсонийлиги бўладими, – уларнинг баридан шаклланади. Шу жиҳатдан, жанггоҳларда мардлик ва фронт ортида фидокорона меҳнати билан матонат кўрсатган халқимиз вакилларининг фаолиятини ўрганиш тобора муҳим бўлиб бормоқда. Бу борада китоб-альбомда уруш қатнашчилари бўйича алоҳида мақолалар нашр қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу тантанали маросимда китоб-альбомларнинг номларини алоҳида қайд этиб, уларда

[79] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2021 йил 9 май. – https://president.uz/uz/lists/view/4335.

*“халқимизнинг уруш йилларидаги қаҳрамонлиги ҳақида илгари бизга номаълум бўлган кўплаб янги маълумотлар келтирилган”*лигини таъкидладилар[80]. Шунингдек, Президент 2021 йил 17 августда эълон қилинган “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” интервьюсида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи маркази номини ҳам тилга олдилар[81]. Бу – Ишчи гуруҳ ҳамда Марказ томонидан Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг эътирофи бўлди. 2021 йил декабрида эса, “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” китоб-альбоми яна қўшимча 2 минг нусхада ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

Учинчи китоб-альбом ҳам уруш даврида халқимиз кўрсатган жасорати, олижаноблиги, матонати ва иродасини абадийлаштириш йўлида тайёрланди.

Китоб-альбомнинг “Мангу жасорат намоёни” бўлимида урушнинг асосий жанглари кесимида Амирали Саидбеков, Иноят Наврўзбоев, Аҳмаджон Қурбонов, Карим Султонов, Урайимжон Сотволдиев, Абдулла Аюпов, Қаюмжон Каримов, Ҳаким Усмонхўжаев, Фатхулла Пўлатов каби ватандошларимиз, шунингдек, ҳарбий учувчилар ва шифокорларга бағишланган алоҳида мақолалар киритилган.

Иккинчи жаҳон урушига тааллуқли адабиётларни ўрганиш жараёнида ёзувчи, “Қизил аскар ҳақиқати” газетасида ишлаган фронт журналисти Адҳам Раҳматнинг 1966 йили чоп этилган

---

[80] Ўша жойда.

[81] Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. / “Янги Ўзбекистон” газетаси. – 2021 йил 17 август сони.

“Брест лавҳалари” китоби билан танишиб чиқилди[82]. Китобда ушбу қалъа мудофаасида иштирок этган самарқандлик Аҳмад Ғафуровнинг урушнинг биринчи кунлари ҳақидаги хотираси ўрин олган эди. Уруш мавзуси бўйича илмий адабиётларда ўзбекистонликларнинг Брест мудофаасидаги иштирокига оид маълумотларда уларнинг номлари учрамайди. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг суратлари ва бошқа материаллар билан танишиш ниятида уларнинг авлодини қидириш ишлари олиб борилди. Ниҳоят, ишчи гуруҳ аъзоси, “Ўзархив” агентлиги директори Улуғбек Юсупов кўмагида уларнинг авлоди топилди. А.Ғафуров урушдан кейин ўқитувчилик қилгани, шода-шода медал ва орденлар, хусусан, 1971 йили Брест мудофааси 30 йиллиги муносабати билан эсдалик медали, 1985 йили II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирлангани маълум бўлди. Шундай қилиб, китоб-альбомда Брестни биринчи кунидан бошлаб мудофаа қилган Аҳмад Ғафуров хотираси берилди.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳар бир инсон ҳақида маълумотлар билан танишганда эса, уруш туфайли қанчадан-қанча юртдошларимизнинг орзу-интилишлари, эзгу мақсад-ниятлари амалга ошмай қолганини ҳис этади, киши. Бу ўз навбатида халқ, мамлакат, қолаверса, башар учун катта йўқотиш бўлган. Кичик бир мисол. Ўзбекистон маданий ҳаёти уруш йилларида Қобил қори Сиддиқов сингари олтин овозидан айрилди. Уларнинг суратини ҳам қидириш бошланди. Қобил қори Сиддиқовнинг умр йўлдоши Саломатхон ва қизи Эътиборхон вафот этган эди. Сурат Қ.Сиддиқов ҳақида мақола ёзган профессор Ҳамиджон Икромов томонидан тақдим этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

[82] Адҳам Раҳмат. Брест лавҳалари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966. – 100 б.

Ҳ.Икромов таъкидларига кўра санъаткорнинг сурати биринчи бор мазкур китоб-альбомда эълон қилинди.

Йўқотишлар кўлами оилалар миқёсида ҳам ёрқин намоён бўлади. Хусусан, Зулфия ая Зокирова мисолида беш фарзандини бағрига босолмаган матонатли бувиларимиз тимсоли кўз олдимизга келади. Уруш йилларида ана шундай ташвиш бошқа оилада ҳам содир бўлган. Ака-укалар Ҳаким, Раҳим, Ҳайдар, Ҳабиб ва Анвар Иброҳимовларнинг номлари Тошкент шаҳридаги 64-мактаб ҳудудида жойлашган ёдгорликда қайд этилган. Ушбу оила ҳақидаги маълумот ва ёдгорлик сурати ҳақида маълумотлар биринчи китоб-альбомда берилган эди[83]. Бироқ, ака-ука Иброҳимовлар, оила ҳақида маълумотлар кам эди. Шу сабабдан ишчи гуруҳ томонидан бу ҳақда ижтимоий тармоқ орқали эълон берилди. Натижада “Ташпоиск” гуруҳи ва молдовалик қидирув бўйича мутахассис Василий Сеньковский томонидан оиланинг тўнғич ўғли Раҳим Иброҳимовнинг дафн этилган жойи ҳақида маълумот олинди. “Ўзархив” агентлиги томонидан урушдан Р.Иброҳимов Москва мўйначилик фабрикасининг Бухоро қоракўлчилик заводида директор бўлиб ишлагани аниқланди. Ҳозиргача аниқланган маълумотлар оиланинг ҳаёти Самарқанд, Бухоро, Термиз, Тошкент ва Москва шаҳри билан боғлиқ бўлганлигини кўрсатади. Бу оила ҳақида маълумот қидириш ишлари тўхтаб қолгани йўқ. Р.Иброҳимов ҳақида маълумотлар олиш учун сўров шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий архиви орқали Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги Марказий архивидан Раҳим Иброҳимов ҳақида архив маълумоти олинди. Бу материалларнинг бари китоб-альбом ва “Шон-шараф” давлат музейи экспозициясидан ўрин олди.

[83] Беш ўғлон жасорати. /Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. Китоб-альбом. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. – Б. 148.

Китоб-альбом устида ишлаш жараёнида жанговар йўли ёритилаётган юртдошимизнинг оиласидан урушда қатнашган бошқа яқинлари ҳақида ҳам маълумот берилмоқда, шунингдек, ака-укалар ҳақида алоҳида мақолалар тайёрланмоқда. Хусусан, иккинчи китоб-альбомда ака-ука Аюб, Музаффар ва Шариф Саидовлар, Саидолим ва Саидазим Аъзамхўжаевлар ҳақида материаллар берилган бўлса, учинчи китоб-альбомда Абдуназар ва Ғуломназар Имомназаровлар, шунингдек, Собиржон Охунжонов, Турот Ўсаров ҳақида сўз борганда уларнинг урушдан қайтмаган акалари, укалари ҳақида ҳам маълумотлар ўрин олди. Сурхондарёлик Туробназар бобо авлоди ҳақидаги мақолаларда бир авлод мисолида улкан йўқотишлар кўрсатиб берилди. Жумладан, Туробназар бобонинг эвараси Қизларгул Муродованинг беш фарзанди – Назариддин, Ғойибназар, Абдуназар, Ҳамдамқул, Анвар Жўраевлар ҳам урушга кетган бўлиб, улардан фақат Ғойибназар Жўраевгина ногирон бўлиб қайтган эди. Бу мисоллар урушда бутун бир оилалар йўқ бўлиб кетганлигининг ёрқин далилидир...

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ҳақидаги материалларда уларнинг таржимаи ҳолига оид янги маълумотлар ҳам бериб борилмоқда. Бу борада бир мулоҳазани алоҳида қайд этиш керак. Маълумки, Иккинчи жаҳон урушини совет давридан ажратиб кўриб бўлмайди. Сабаби, қулоқ қилиниш ҳолатлари, қатағонлар – ўша даврнинг мудҳишлигини, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишларни ифода этади. Хусусан, 1937 йили дўкон сотувчиси сифатида фаолият олиб бораётган Иноят Наврўзбоев қишлоқдошларига қарз ҳавола қилиб ёрдам бериш ортидан аниқланган камомад туфайли қамалган ҳамда ўз аризасига кўра урушга биринчи бор жарима батальони таркибида кирган эди. Ёки пандемия вақтида вафот этган самарқандлик журналист Адҳам Ҳайитовнинг Аҳмаджон Қурбонов ҳақидаги мақоласида

унинг Тожикистонга, кейинчалик оиласи Россияга кетишининг сабаблари аён бўлади.

Қатағон қурбонлари ҳақида гапираётганда иккинчи китоб-альбомдан ўрин олган Абдувоҳид қори ва унинг авлодларини аянчли тақдири юзасидан ёзилган мақолани ҳам қайд этиш жоиз[84].

“Аскар хатлари” бўлимида берилган мактублардан намуналарда жангчининг яқинларига далда бўлиши, ҳаёт ташвишлари ифода этилган. Учинчи китоб-альбомда урушнинг турли нуқталарида фаолият олиб бораётган ҳарбий шифокор Исҳоқ Комиловнинг укаси, тиббиёт хизмати капитани Ҳабибулла Комиловга йўллаган хати ҳам ўрин олган.

“Янги архив ҳужжатлари” бўлимида Ўзбекистонга тақдим этилган Россия мудофаа вазирлиги Марказий архивида сақланаётган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Солиҳ Умаровнинг шахсий йиғма жилдидаги ҳужжатлар, ўзбекистонликлар иштирок этган дивизияларга тааллуқли материаллар берилган. Шунингдек, бу бўлимда ишчи гуруҳ аъзоси, профессор М.Рахимов томонидан Франция Фан уйининг “Атлас” қисқа муддатли дастури доирасидаги сафари давомида Франция Миллий архиви, Франция Республикаси Мудофаа вазирлиги тарихий хизмати Архивлар тарихий марказида сақланаётган Франция Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида иштирок этган ўзбекистонликлар бўйича олинган материаллари ҳам ўрин олди.

Китоб-альбомнинг “Фронт ортидаги матонат” бўлимида аҳолининг фронтга ёрдами, авиасозлик саноати, эвакуацияга оид жараёнлар ёритилган. Бўлимда уруш йилларида Ўзбекистонни бошқарган Усмон Юсупов, ташкилотчи раҳбарлардан Содиқ Ҳусаинов, ҳамшира Матлуба Эшонхўжаева, ўндан ортиқ

[84] Сагдуллаев К. Аскар юртига қайтаётган орден / Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида. – Тошкент: “Ўзбекистон” ДУК. – Б. 266–269.

болаларни асраб олиб тарбиялаган Фотима Қосимова ҳақида алоҳида мақолалар, уруш болаларининг хотиралари берилди.

“Халқимизнинг абадий ёдида” бўлимида бедарак йўқолган ватандошларимизни қидириш, 101 асир ҳақидаги материаллар ўрин олган. Хусусан, китоб-альбомда Ўзбекистон “Прометей” ватанпарварлик-қидирув экспедицияси раҳбари, ишчи гуруҳ аъзоси Зарифа Эшмирзаева билан ҳамкорликда ҳали қидирилаётган ўзбекистонлик жангчиларнинг суратлари эълон қилинди.

“Ғалаба боғи” бўлимида мажмуада ўтказилган илмий-маърифий, оммавий-маданий тадбирлар ёритилди. “Миннатдорлик туйғулари” бўлимида Файзулла Норхўжаев, Ғанитой Тошниёзов, Луқмон Ўроқов, Рихси Мўминова, Тўхтасинҳожи Зоҳидов авлодларининг дил сўзлари берилган бўлиб, уларда халқ жасоратига кўрсатилаётган эҳтиром учун миннатдорлик билдирилган.

Тўртинчи китоб-альбомнинг “Мангу жасорат намоёни” бўлими қаҳрамон Брест қалъасининг ҳимоячиси, взвод командири Муҳаммаджон Абдувалиевнинг қалъани мудофаа этишда ҳалок бўлган Авазмат Ниёзматов ҳақидаги мақоласи билан бошланади. М.Абдувалиевнинг қалъани мудофаа этган бошқа ўзбекистонликлар ҳақидаги мақола ва уларнинг суратлари бешинчи китоб-альбомга киритилди. Суратлар Муҳаммаджон Абдувалиевнинг оилавий архивидан олинди. Шунингдек, тўртинчи китоб-альбомда ҳаво сарҳадларида Брест вилоятини мудофаа қилиб, ҳалок бўлган учувчи Ғаффор Қодиров ҳақида Беларусдан Галина Скорина ва Светлана Дудюк муаллифлигидаги мақола эълон қилинди. Буларнинг бари 2019–2023 йиллар давомида олиб борилган мақсадли ўрганиш жараёнида биргина Брест мудофааси бўйича ўзбекистонликларнинг жасоратига оид қимматли материаллар

тўпланганлигидан дарак беради. Шу каби изланишлар бошқа йўналишлардаги жанглар кесимида ҳам олиб борилганлигини қайд этиш мумкин.

Шунингдек, бу бўлимда Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Елена Стемпковская, Вальдемар Шаландин, Қудрат Суюнов, Солиҳ Умаров, ёзувчилар Мирзакалон Исмоилий, Вали Ғофуров, академик Ёлқин Тўрақулов, партизан Ёқуб Маҳмудов, Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида иштирок этган Турғун Қўчқоров, учувчи Муҳаммаджон Ҳолиқов, ҳарбий шифокор Муқаддам Ашрапова ҳамда “Лидер” – “Тошкент” кемаси ҳақида мақолалар ўрин олган. Учувчи Мухтор Расуловнинг экипажи томонидан Рейхстаг майдони узра олинган разведка авиасурати ҳам эълон қилинди.

Бу бўлимда биринчилар қаторида мукофотланган ўзбекистонликлардан Дўстмат Қурбоналиев, ака-ука Раҳмоновлар мисолида урушдан қайтмаган юртдошлар тўғрисида мақолалар ҳам берилган. Уруш давридаги йўқотишлар мавзуси “Халқимизнинг абадий ёдида” номли бўлимда ҳам давом этиб, унда 1944 йили сиёсий қатағон ортидан лагерда вафот этган шоир Усмон Носир, жанггоҳлардан қайтмаган истеъдодли рассом Баҳром Ҳамдамий ҳақида мақолалар ўрин олди.

Ушбу китоб-альбомда Беларусь Миллий архивида сақланаётган партизанлик ҳаракатида иштирок этган юртдошларимизнинг жасоратига оид ҳужжатлар ҳам эълон қилинди.

“Фронт ортидаги матонат” бўлимида алоқа тизими, армиянинг озиқ-овқат билан таъминотида Ўзбекистон ҳиссаси, Мўйноқ консерва заводи, Ҳасан Исломов, Муҳаммад Келдиев, Акмал Пўлат, Азиз Қодиров, Салипа Кубланова ҳақида мақолалар берилган.

“Ўзбекистон – меҳр мамлакати” бўлимида эса уруш йиллари 13 болани ўз қарамоғига олган Ҳамид Саматов,

эвакуацияда бўлган рассом Амшей Нюренберг ҳақида мақолалар ва уруш болаларининг хотиралари ўрин олган.

Китоб-альбом Смоленскдан жасад қолдиқлари топилган қорақалпоғистонлик Арсланбек Кабулбеков ҳақида ва унинг “Жанговар хизматлари учун” медали яқинларига топширилиши ҳақидаги маълумот билан якунланган. Бу жанг бўлган жойларда дала-қидирув ишлари давомида Иккинчи жаҳон уруши йилларида бедарак йўқолган юртдошларимизнинг жасад қолдиқлари ва уларга тегишли буюмлар топилаётгани баробарида қидирув ишининг аҳамияти катталигини яна бир бор тасдиқлайди.

2024 йили нашр этилган бешинчи китоб-альбомда эса Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Абдулла Қурбонов, Набижон Мингбоев, Ғулом Ёқубов, Плис Нурпеисов, Тожиали Бобоев, машҳур мерган Ҳайит Хўжаматов, урушда ярадор бўлиб, кўзи кўрмай қолиб қайтган Ҳасан Исломов, партизан ва бедарак йўқолган аскар онасига фарзанд тутинган Тўрақул Жўраев, Венгриядаги ёдгорлик аҳамиятидаги кўприкни портлашдан сақлаб қолган Ҳамдам Хотамов, Ҳошим Хўжаев, Каримжон Исоқов, Матёқуб Қўшжонов, Восил Қобулов, Тўйчи Одилов, Иноғом Акромов, Қурбон Назаров, Карим Тўрабеков, Роза Иброҳимова каби уруш қатнашчилари ҳақидаги мақолалар ҳамда академик Ойбекнинг “Фронт бўйлаб” китобидан лавҳалар ўрин олди.

Шунингдек, Волгабўйи учун жанглар йўналишидаги муҳим тепалик сақлаб қолиниши учун ҳалок бўлган матонатли ўзбекистонлик баҳодирлар ҳақидаги янги маълумотлар аниқланганини ҳам таъкид этиш зарур. Икромовлар, Ҳаққуловлар ва Саидқосимовлар оилалари мисолида йўқотишлару илҳақлик ёритиб берилган.

“Фронт ортидаги матонат” бўлими академиклар Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий, Обид Содиқов, илғор фронт орти фидойилари Мастура Азизова, Замира Муталова, Тошкент тўқимачилик комбинати, фронт учун парашютлар, қанд лавлагини етиштириш ва чорвачилик тўғрисидаги мақолалардан шакллантирилган. Шунингдек, эвакуация қилиниши ортидан Бухородаги ўзбек оилаларига фарзанд бўлган поляк опа-сингиллар ҳақидаги мақола ҳам ўрин олган.

Умуман, китоб-альбомларни тайёрлашда илмий жамоа фаолияти Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг АЛМ-202106002-рақамли мақсадли амалий лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Шундай қилиб, китоб-альбомларни тайёрлашда Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ ҳали кўпчиликка номаълум бўлган ҳамда илмий муомалага киритилмаган тарихий факт ва маълумотлардан, архив ҳужжатларидан, уруш қатнашчилари оилаларида сақланаётган суратлардан фойдаланишга асосий эътибор қаратилди. Шунингдек, хориж музейлари ва архивлари билан илмий ҳамкорлик доирасида ҳам янги материаллар эълон қилинди.

Шу билан бирга хориж мамлакатлари архивлари, музейларида сақланаётган ҳамда ўзбекистонликларнинг Иккинчи жаҳон урушида иштирокига оид ҳужжатлар ва материалларни аниқлаш ишлари давом эттирилмоқда. Бунда фақат хориж мамлакатларининг марказий музейларидагина ўзбекистонликлар ҳақида маълумотлар мавжуд деб қарамаслик керак. Сабаби, мактаб музейлари, туман архивларида ҳам маълумотлар сақланади. Масалан, Беларусь ҳудудидаги “Учқун” (“Искра”) отрядида фаолият кўрсатган партизан Ғанитой Тошниёзовга оид қимматли маълумотларни Минск области Кленник болалар

боғчаси-таянч мактаб ўқув-педагогик мажмуасининг музейи экспозициясидан ўрин олганлигини қайд этиш мумкин.

Умуман, бу ҳолатлар уруш йилларида халқимиз кўрсатган жасорати, олижаноблиги, матонати ва иродасини абадийлаштириш йўлида қилиниши керак бўлган ишлар кўлами катталигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, ушбу китоб-альбомлар халқимизнинг шонли тарихи ҳақида бўлиши билан бир қаторда ёшларимизда халқимизнинг енгилмас иродаси, мардлиги ва матонати, бемисл жасорати ва қаҳрамонлигидан фахрланиш, уларни тарихдан тўғри хулоса чиқариб, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этади.

Зеро, халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган қаҳрамонлиги, урушдан қайтмаган минг-минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси, фронт ортида кечган оғир ва машаққатли ҳаёти биз учун катта ҳаёт мактаби, ғурур ва ифтихор манбаи бўлиб, вақт ўтган сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади.

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ЖАСОРАТИ

1-§. Кавказ ва Сталинград мудофаасида

Жангнинг қисқа баёни. 1941 йил охирида фашистларнинг бир вақтда бутун фронтда ҳужумга ўтиш ҳамда СССР армиясини қисқа муддатда тор-мор этишга асосланган “яшин тезлигида уруш” доктринаси барбод бўлди. Харьков, Воронеж йўналиши ва Донбассдаги операциялардаги муваффақиятсизликлар ҳамда Дон дарёси бўйлаб фашистлар силжиб келаётгани Волга ва Шимолий Кавказга катта хавф туғдирди.

Душман “Эдельвейс” номи билан ўтказаётган операция режасида Ростов жануби ва жануби-шарқий ҳудудларда жойлашган совет қўшинларини қуршаб олиб, йўқ қилиш ҳамда Шимолий Кавказни эгаллашни мўлжаллаган эди. Кейин қўшиннинг бир гуруҳи Бош Кавказ тизмасини ғарб томонидан айланиб ўтиб, Новороссийск ва Туапсени эгаллаш, қўшиннинг бошқа қисми тизманинг шарқ томонидан Грозний ва Бокуга ҳужум уюштириши керак эди. Шу билан бир вақтда душман тизманинг марказий қисмидаги довонлар бўйлаб босиб ўтиб, Тбилиси, Кутаиси ва Сухумига чиқиб олишни режалаштирган эди. Кавказортини ёриб ўтиш орқали фашистлар Қора денгиз флоти фаолиятини тўхтатиш, турк армияси билан алоқа ўрнатиш, Яқин ва Ўрта Шарқ томонга босқинчилик юришини давом эттиришни кўзлаганди[85].

Сталинград эса, Совет Иттифоқи марказини жануб билан боғловчи қуруқликдаги ва сувдаги асосий алоқа йўллари жойлашган стратегик район эканлиги билан ҳам катта аҳамиятга

[85] Гребенюк С. Битва за Кавказ (оборонительный период с 25 июля по 31 декабря 1942 г.). – https://mil.ru/winner_may/history/more.htm?id=11302757@cmsArticle.

эга эди[86]. Шунингдек, у душманга Кавказдаги нефть конларини эгаллашга ҳам йўл очади. Шу сабабдан шошилинч тарзда, 1942 йилнинг 12 июлида Сталинград фронти 62, 63 ва 64 армиялар негизида ташкил этилди. Унга Жануби-Ғарбий фронтнинг 21 армияси ва 8 ҳаво армияси таркиби ҳам кирди. Ушбу фронтга Доннинг чап қирғоқини мудофаа этиш вазифаси қўйилди. Қирғоқнинг маълум қисмида Шимолий Кавказ фронтининг 51 армияси жойлаштирилди.

Бироқ, ҳали қўшинларни Сталинград йўналишига келтириш ва мудофаа объектлари қурилиши ниҳоясига етказилмаган шароитда жанг бошланиб кетди. Қолаверса, ҳаво ҳужумига қарши мудофаада ҳам душманнинг қўли баланд эди. Танк ҳужумига қарши мудофаа ишлари яхши ташкил этилмаганди. Шу сабабдан, Ставка Сталинград фронти таркибини қўшимча кучлар билан мустаҳкамлаб борди. Хусусан, катта йўқотишлар бўлган 8 ҳаво армиясини кучайтириш учун у Сталинград фронтига 10 авиация полкини юборди[87]. Ставка топшириғи асосида фронт таркибига 28, 38 ва 57 армиялар ҳам келиб қўшилди. 5 августда ушбу фронт иккига бўлиниб, Сталинград ва Жануби-Шарқий фронтлар номи билан юритила бошланди. 28 сентябрда Сталинград фронтига Дон, Жануби-Шарқий фронтга Сталинград фронти номи берилди. Фронтнинг иккига бўлиниши жанг майдони қамровининг кенгайиши ҳамда таркибга келиб қўшилаётган жангчиларнинг сони кўпайиши билан боғлиқ эди.

Сталинград учун жангда икки томондан жами 2 миллион 100 мингдан ортиқ киши иштирок этган[88]. Бироқ, бу жангда фашистларнинг умумий йўқотишлари, яъни ҳалок бўлганлар,

---

[86] Улуғ Ватан уруши: саволлар ва жавоблар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1987. – Б. 168.

[87] Сталинградская битва. Июль 1942 – февраль 1943: энциклопедия / под ред. М.М. Загорулько. – Волгоград, 2016. – С. 11.

[88] Аптрейкин С. Сталинградская битва. (оборонительный период с 17 июля по 18 ноября 1942 г., контрнаступление с 19 ноября 1942 г.). – https://mil.ru/winner_may/history/more.htm?id=11333818@cmsArticle

бедарак йўқолганлар ҳамда ярадор ва асир тушганларнинг умумий сони 1,5 миллионга яқин кишини ташкил этгани, Совет армиясининг йўқотишлари 1 миллион 130 минг экани (улардан 480 минги ҳалок бўлган ва бедарак йўқолганлардир)[89] бу жангда иштирокчилар сони унданда кўпроқ бўлганлигини кўрсатади. Бу борада олимларнинг фикрлари турлича. Хусусан, Б.Невзоров ҳисобига кўра ушбу жангда Совет армиясидан 1 миллион 920 минг киши, фашистлар тарафидан 1 миллион 685 минг киши иштирок этган[90].

Сталинград жангининг биринчи даврида (июль ойи ўрталари – 18 ноябрь) совет қўшинлари мудофаа жанглари билан душманнинг Сталинградни эгаллаш режасини йўқ қилди ва бу босқинчиларга қарши ҳужум бошлашга ўтишга имкониятни юзага келтирди.

А.Исаевнинг аниқлашича Сталинград жангидаги дастлабки, кичик миқёсдаги тўқнашувлар 16 июлда бўлиб ўтган[91]. Йирик миқёсли Сталинград жанги 17 июлда Чир ва Цимла дарёлари оралиғида бошланди. Душман Дон дарёсига бурилишида совет қўшинларини қуршаб олишга ҳаракат қилди. Фашистлар 22 июлда чекинади ва қайтадан ўз гуруҳларини йиғиб, 23 июль куни қатъий ҳужумни бошлайди.

25 июлда гитлерчилар армияси Дон дарёсидан ўтиб, Жанубий фронт ҳамда Шимолий Кавказ фронти қўшинларининг маълум қисмига ҳужумни бошлади. Бунга қадар июль ойи мобайнида Ростов йўналишида бўлиб ўтган аёвсиз жанглардан кейин Жанубий фронтда катта йўқотишлар бўлган эди.

Натижада, фашистлар мудофаани ёриб ўтиб, Донорти ва Сал даштларига чиқиб олишга муваффақ бўлди. 28 июль куни

---

[89] Ўша жойда.

[90] Невзоров Б. Московская битва 1941–1942. Военно-исторический очерк. – М.: Патриот, 2006. – С. 221–223.

[91] Исаев А. Сталинград. За Волгой для нас земли нет. – М., 2017. – С. 9.

жанг олиб боришдаги раҳбарликни яхшилаш мақсадида Жанубий ва Шимолий Кавказ фронтлари қўшинларидан ягона Шимолий Кавказ фронти тузилиб, унга оператив тартибда Қора денгиз флоти ва Азов ҳарбий флотилияси бўйсундирилди. Фронтга Доннинг жанубий қирғоқидаги позицияни тиклаш вазифаси қўйилди. Кавказорти фронтига Терек ва Уруз дарёлари атрофини, Бош Кавказ тизмасидаги довонларни мудофаа қилиш, шунингдек, Грозний, Махачкала йўналишларига ҳам мудофаа ишини ташкил этиш юклатилди.

Сталинград йўналишида эса фашист қўшинлари қаттиқ қаршиликка дуч келди. 30 июль куни душман Кавказ йўналишидаги 4-танк армиясини Сталинградга юбориш қарорини қабул қилишга мажбур бўлади. Натижада, Сталинград қисқа муддатда Кавказ учун жангнинг ёрдамчи йўналишидан асосийсига айланиб, Иккинчи жаҳон урушида туб бурилишни бошлаб берди.

Гарчи, Кавказда душман қўшинлари камайган бўлса-да, фашистлар 30 июлда Сал, 3 августда Ворошилов (Ставропол), 5 августда Тихорецк, 9 августда Майкоп, 10 августда Пятигорск, 12 августда Краснодарни эгаллашга муваффақ бўлди.

Шимолий Кавказ фронти қўшинлари қуршовга тушиб қолмаслик учун август ўрталаридан Бош Кавказ тизмасининг шимолий-ғарбий ёнларига чекина борди ва 1 сентябрь куни бу қўшинларга Қора денгиз гуруҳи номи берилиб, Кавказорти фронти таркибига киритилди. Эндиликда, уларга денгиз бўйи йўналишида мудофаани ташкил этиш вазифаси қўйилди. Душман Бош Кавказ тизмаси орқали ёриб кириши ва Кавказортига шарқий томондан айланиб ўтишини олдини олиш учун довонларда мудофаани 46 армия, Терек дарёси ҳамда Грозний ва Махачкала йўналишида эса, 9 ва 44 армиялар

бирлашган Кавказорти фронтининг Шимолий гуруҳи (11 августдан таркибга 37 армия ҳам киради) эгаллади.

Сталинград йўналишида август–сентябрь ойларида жанг майдонига янги кучлар – италияликларнинг 8 армияси ва руминларнинг 3 армияси киритилди. 10 августда совет қўшинлари Доннинг чап қирғоқига чекинади ва шаҳарни ташқаридан мудофаа қилади. Бироқ, 23 август куни фашистлар Волгага Сталинграднинг шимолидан ёриб киришга муваффақ бўлди. 12 сентябрда эса шаҳарга душман ғарб ва жануби-ғарб томонидан жуда яқин келади. 13 сентябрдан кучли ҳаво ва артиллерия тайёргарлигига эга бўлган фашистларнинг биринчи штурми бошланди. 15 сентябрь куни душман нафақат шаҳарни, балки, Волга бўйлаб кечувлар назорат қилинадиган Мамаев қўрғонини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Лекин, эртасигаёқ шиддатли жанглардан сўнг қўрғон яна Совет армияси ихтиёрига ўтди. Иккинчи штурм 28 сентябрдан бошланди ва душман қўрғоннинг ғарбий ёнбағрида ўз позицияларини мустаҳкамлаб олди. Гарчи, шаҳарнинг 7 районидан 5 тасининг ҳудудлари душман ихтиёрида бўлса-да, улар қўшин, қурол, озиқ-овқат, ёқилғи келаётган марказий қирғоқни қўлга кирита олмади[92].

Октябрь ойининг биринчи ярмида фашистлар 6 армияни қўшимча кучлар билан мустаҳкамлади ва улар шаҳарни мудофаа этаётган 62 армиядан қўшин ва техника сони жиҳатидан 4–5 бараварга устунликка эга бўлди. Ана шундай тайёргарлик билан 14 октябрь куни учинчи штурм бошланди. Душман Мамаев қўрғонининг юқори, шимолий ва жанубий ёнбағирларини эгаллади. Лекин шарқий ёнбағирни забт эта олмади, бу жойни 284 ўқчи дивизия кунига бир неча бор душман ҳужумларини қайтариб мудофаа қиларди.

---

[92] Аптрейкин С. Сталинградская битва. (оборонительный период с 17 июля по 18 ноября 1942 г., контрнаступление с 19 ноября 1942 г.). – https://mil.ru/winner_may/history/more.htm?id=11333818@cmsArticle

Шаҳарда ҳар бир даҳа, ҳар бир уй учун мудофаа жанглари бўлди. Ана шундай уйлардан бири фашистлар 58 кун штурм қилган “Павлов уйи” ҳисобланади. 11 ноябрь куни душман тўртинчи бор шаҳарни эгаллашга ҳаракат қилади ва натижа бўлмагач, уларнинг ўзи мудофаага ўтишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, фашистлар шаҳарни тўлиқ, қолаверса, унинг қирғоқбўйини забт эта олмади[93].

Сталинград жангининг иккинчи даврида (1942 йил 19 ноябрь – 1943 йил 2 февраль) Совет армияси душманга қарши ҳужум жангларини олиб бориб, немис-фашист қўшинларини тор-мор келтирди. Айнан иккинчи даврга келиб, ҳужум қилиш операцияларига тайёргарлик кучли бўлди, барча куч ва имкониятлар сафарбар этилди. Душман ичкарисига киришда пиёда қисмларнинг бир эшелонли тузилишидан икки эшелонлига ўтишга катта аҳамият берилди[94].

19 ноябрь куни 80 минутли артиллерия тайёргарлигидан кейин Жануби-Ғарбий фронт ва Дон фронтининг 65 армиясини юриши бошланди. Шу куннинг ўзидаёқ Жануби-Ғарбий фронт душманни Серафимовичнинг жануби-ғарбидан ва Клетск районидан ёриб ўтди. Ниҳоят, 23 ноябрга келиб, Жануби-Ғарбий ва Сталинград фронтлари Дон бўйидаги Калач районида бирлашиб, душманни 6 дала армиясининг асосий кучларини қуршаб олишга муваффақ бўлди. Совет мамлакати томонидан уруш давомида биринчи бор бундай қуршов амалга оширилган эди. Бу қисқа фурсатда совет қўшинларининг жануб томонга ҳужумини кенгайтиришга ва 400–550 километр олдинга силжишга имкон берди. Мазкур “Уран” операцияси бошлангандан кейин Ржев йўналишида 25 ноябрь – 20 декабрь кунлари Ғарбий ва Калинин фронтлари кучи билан душманни

[93] Ўша жойда.

[94] Сталинградская битва. Июль 1942 – февраль 1943: энциклопедия / под ред. М.М. Загорулько. – Волгоград, 2016. – С. 12.

чалғитувчи “Марс” операцияси ўтказилди. Бу эса, душманнинг йирик кучларини бир жойга тўплашга ва уларни Сталинград йўналишида фойдаланишга бўлган имкониятини йўқ қилди. Албатта, Вермахт ўз ҳарбий кучларини қуршовдан олиб чиқиш юзасидан зарур чоралар кўра бошлади, бу бўйича “Қишки момоқалдироқ” операциясини ишлаб чиқди. 12 декабрь куни душман Котельниковск районидан совет қўшинларини ёриб ўта бошлади. 19 декабрь куни фашист танкларининг қуршовдаги қўшинларига 35–40 километр масофа қолган эди. Шунда қуршовда қолган армия қўмондони Ф.Паулюс юборилган қўшимча кучлар қаршисига кесиб чиқишга рухсат сўрайди. Аммо, Гитлер томонидан Сталинградни қўлдан бой бермаслик буюрилади. Совет қўшинлари томонидан жангга захирадаги 2 гвардия армияси киритилади. 20–23 декабрь кунлари Мишкова дарёси бўйида бўлиб ўтган аёвсиз жангларда душман катта йўқотишларга дуч келди ва ўзини мудофаа қилишга ўтди. Шу вақтни ўзида Ўрта Донда қуршовдаги 6 армияни озод қилиши мумкин бўлган италияликларнинг 8 армияси ва немис-румин қўшинларини йўқ қилиш мақсадида 16 декабрдан бошлаб 8 кун давомида “Кичик Сатурн” операцияси ўтказилди ва Сталинград–Ростов йўналишидаги вазият ҳам Совет армияси фойдасига тубдан ўзгаришига олиб келди[95].

Декабрь ойи охирида душманни Сталинград жангида мағлубиятга учраётгани Кавказда ҳам фашистлар учун қуршовда қолиш ва тор-мор этилиш хавфи юзага келди. Шу сабабдан 1943 йилнинг 1 январида гитлерчиларнинг Моздок яқинидаги қўшинлари шимолий-ғарбий йўналишда чекина бошлади. Кавказ орти фронтининг Шимолий гуруҳи қўшинлари 3 январдан бошлаб чекинаётган душман қўшинларини таъқиб этишни

[95] Аптрейкин С. Сталинградская битва. (оборонительный период с 17 июля по 18 ноября 1942 г., контрнаступление с 19 ноября 1942 г.). – https://mil.ru/winner_may/history/more.htm?id=11333818@cmsArticle

уюшмаган ҳолда олиб боради. Сабаби, бу гуруҳ душманни Шимолий Кавказда бир муддат ушлаб туриши, кейин Қора денгиз гуруҳи зарба билан қуршовга олиши режалаштирилганди. Бироқ, Қора денгиз гуруҳи қўшинлари 11 январда Майкоп йўналишида, 16 январда Краснодар йўналишида ҳужумга ўтсада, фашист қўшинларини чекинишига халақит бера олмади. Шимолий гуруҳ эса, 3 январда Моздок, 11 январда Пятигорск, 21 январда Ставрополь ва Шимолий Кавказнинг бошқа шаҳарларини озод қилди.

1943 йилнинг 10 январида Дон фронти қуршаб олинган душманни йўқ қилиш бўйича “Ҳалқа” операциясини бошлади. 6 армиянинг жанубий гуруҳи Ф.Паулюс бошчилигида 31 январь куни, шимолий гуруҳи К.Штреккер бошчилигида 2 февраль куни асир олинди. Шундай қилиб, операция давомида фашистларнинг 22 дивизияси ва 149 алоҳида қисмлари йўқ қилинди, 91 мингдан ортиқ киши, жумладан, 24 генерал асир олинди.

Умуман, олти ярим ой давом этган Сталинград жанги Иккинчи жаҳон уруши боришида катта стратегик аҳамиятга эга бўлди. У ғалаба совет мамлакати ва унинг иттифоқчилари томонида бўлишини кўрсатди.

Кавказда эса, жанг давом этарди. 24 январь куни Шимолий гуруҳ қўшинлари Шимолий Кавказ фронти сифатида ташкил этилди, 5 февралдан унинг таркибига Қора денгиз қўшинлари киритилди. Қора денгиз гуруҳи 29 январда Майкопни, кейин Шимолий Кавказ фронти таркибида 12 февраль куни Краснодарни озод қилди. Душманнинг тор-мор этилган бўлинмалари қаршилик кўрсатиш билан Кубань этаклари ва Таман ярим оролига чекина борди.

4 апрелда Шимолий Кавказ фронти навбатдаги ҳужумга ўтиш операциясини бошлади. Аммо, душманнинг кучли қаршилигига учраб, 6 апрелда ҳужумни тўхтатди. Душман

осмонда устунликка эга бўлганлиги ҳам қўл келди. 14 апрелда қайтадан ҳужумга ўтилди, лекин, қўшинлар душманнинг “Готенкопф” мудофаа чизиғини ёриб ўта олмади. Бу мудофаа чизиғидан душманга жанг бориши яққол кўриниб турарди. Натижада 17 апрелда фронтнинг асосий қисмида фаол жанговар ҳаракатларни тўхтатишга тўғри келди. Шу билан бирга Кубанда шиддатли ҳаво жанглари бўлиб ўтди. Ушбу ва Курск ёйи жангларида фашистлар авиацияси катта йўқотишлар ҳисобидан қисқарди[96].

Новороссийск-Тамань ҳужум операциясига (9 сентябрь – 9 октябрь) пухта тайёргарлик кўрилди. Операция бошланишидан аввал 15 кун давомида артиллерия гуруҳи ўт очиб, душман мудофаа иншоотларини бузди, 5 сентябрдан унчалик катта бўлмаган отрядлар душманни тайёрланаётган кенг кўламли ҳужум зарбасидан чалғитишди[97].

Ниҳоят, 9 дан 10 сентябрга ўтар кечаси Новороссийск яқинида десант отрядлари туширилиб, авиация ва артиллерия томонидан кучли зарба берилди. Бу душман учун кутилмаган вазият эди. Ҳужум денгизда ҳам бошланиб кетди: кемалар торпедалар билан душманнинг тўлқинқайтаргичлардаги ўт очиш нуқталарини яксон этди, Новороссийск бандаргоҳига кириш дарвозаларидаги минали тўсиқларини йўқ қилди. Кўрфазга кирган кемалардан яна бир қисми фашистларнинг қирғоқдаги ўт очиш нуқталарига торпедалар билан зарба берди. Сўнгра кўрфазга десант кемалар киришга муваффақ бўлди.

Гитлерчилар қаршилик кўрсатишда давом этди. 11 ва 14 сентябрь кунлари фронтнинг асосий кучлари ҳужумга ўтди. 16 сентябрь тонгида Новороссийск, 3 октябрда Тамань шаҳри озод

---

[96] Самойлов С. Новороссийско-Таманская наступательная операция (9 сентября – 9 октября 1943 г.) – https://mil.ru/winner_may/history/more.htm?id=11800209@cmsArticle.

[97] Самойлов С. Новороссийско-Таманская наступательная операция (9 сентября – 9 октября 1943 г.) – https://mil.ru/winner_may/history/more.htm?id=11800209@cmsArticle.

қилинди, 9 октябрда эса, Тамань ярим ороли душмандан тўлиқ тозаланди. Шу тариқа 442 кун давом этган Кавказ учун жанг (1942 йилнинг 25 июлидан 1943 йилнинг 9 октябри) якунланди.

Кавказ ва Сталинград учун жангларда Ғалабани таъмин этишда ўзбекистонликларнинг иштироки ҳам аҳамиятли бўлди. Қолаверса, Сталинград – кўплаб ўзбекистонлик уруш қатнашчиларининг жанговар йўлининг бошланиши бўлиб қолди. Улар орасидан кейинчалик қаҳрамонлар ва генераллар етишиб чиқди. Айнан Кавказ учун жангларда Ўрта Осиё ҳарбийларидан биринчи бўлиб Собир Раҳимовга 1943 йил 19 март куни “генерал-майор” унвони берилди.

Шунингдек, СССР Давлат Мудофаа комитетининг 1941 йил 3 ноябрдаги 894сс-сонли қарори билан Ўзбекистонда ташкил этилган миллий ҳарбий қисмлардан айримлари айнан Сталинград остоналарида жангга кирди. Ўзбек тилидаги биринчи фронт газетаси – “Қизил Армия” ҳам Сталинград фронтида ташкил топди[98].

Сталинград жанги арафасида ўзбекистонлик Елена Стемпковская (1921 йилда Минск вилоятида туғилган, кейинчалик ота-онаси билан Сирдарё вилоятига кўчиб келиб яшаган, урушнинг илк кунларида Тошкент шаҳридан кўнгилли бўлиб урушга кетган) қаҳрамонлик кўрсатди.

1942 йил июнь ойида у 76-ўқчи дивизия 216-ўқчи полки таркибида бўлиб, Белгород вилоятидаги Зимовенька қишлоғида қуршовда қолган батальонни полк штаби билан алоқасини таъминлаб турарди. Кичик сержант Е.Стемпковская алоқа ишларини бир зум тўхтатмади, чунки уларнинг ротасига батальон чекинаётганда ҳимоя қилиш вазифаси топширилган эди. Фашистлар мудофаани ёриб ўтиб, батальоннинг команда

[98] Исмоилий М. Юрагимизда, бағримизда. // Меҳнат ва турмуш. – Тошкент, 1970. – 5-сон. – Б. 7.

бериш пунктига бостириб киришади. Е.Стемпковская қаршилик кўрсатиб, учтасини отиб ўлдиришга муваффақ бўлади. Қолган гитлерчилар бир вақтда ҳаракат қилиб, уни асир олишади.

Е.Стемпковскаяга ҳарбий сирларни билиш мақсадида азоб беришади, сочидан тортиб қишлоқ кўчаларида судрашади. Аммо, у миқ этмайди. Ҳатто, қўлларини чопиб ташлашса-да Елена Стемпковская ўз қасамёдига содиқ қолади[99], унинг қатъияти ва иродаси жангчилар учун жасорат рамзига айланди. Е.Стемпковскаяга урушдан кейин 1946 йил 15 майда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди...

Волгабўйи мудофаасида. Фашистларнинг Сталинградга юришини бошланғич давридаёқ кўплаб ўзбекистонликлар жасорат кўрсатишди. Хусусан, 2 августга ўтар кечаси 153 ўқчи дивизия 557 ўқчи полкининг бир гуруҳи Дон дарёсининг ўнг қирғоқига разведкага борганида жанг бошланиб кетади. Унда немис пулемёт расчёти қуршовида автоматчилар ротаси ўқчиси Раҳмон Аҳмедов бир ўзи 15 га яқин гитлерчиларни йўқ қилади, қолганларни таъқиб этади. У “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланди[100]. Қўлга тушган асирларнинг сўзига кўра жангда жами 18 та фашист ўлдирилганлиги ҳақидаги маълумотни ўзи бу олишувда Р.Аҳмедовнинг ҳиссаси катта бўлганлигини кўрсатади[101].

Август ойида бўлиб ўтган ва мудофаани ёриб кирмоқчи бўлган Вермахтнинг 4 танк армиясини тўхтатиб қолган машҳур жангларда ҳам ўзбекистонликлар иштирок этди. Жумладан, Бош қўмондонлик захираси 1104 пушка-артиллерия полки 2

---

[99] Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги Марказий архиви (РФ МВМА). 33-фонд, 793756-рўйхат, 45-ҳужжатлар йиғмажилди.

[100] Раҳмон Аҳмедов – 1916 йилда туғилган, 1939 йили ҳарбий хизматга Самарқанд вилояти Пахтакор туманидан чақирилган, совет мамлакатига фашистлар бостириб кирган кундан бошлаб урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682524-рўйхат, 902-ҳужжатлар йиғмажилди.

[101] 63 армия қўмондонига 153 ўқчи дивизиянинг жанговар ҳолат бўйича маълумоти – РФ МВМА. 312-фонд, 4245-рўйхат, 12-ҳужжатлар йиғмажилди, 83-варақ.

дивизиони катта телефончиси Турон Нуралиев 9 август куни душманнинг оловли ҳужуми пайтида алоқани тиклашга муваффақ бўлади. Шиддатли жанг кетаётган Абганерово темир йўл бекати атрофида ҳам кичик сержант Т.Нуралиев алоқа симларини ётқизди. У кўрсатган жасорати учун “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланди[102].

21 август куни гвардия сержанти Қули Элмуродов хизмат қилаётган 4 рота 175,1 белгили тепаликка ҳужум қилаётганида душманнинг станокли пулемёти халақит беради. Шунда 14 гвардия ўқчи дивизия 38 гвардия ўқчи полк бўлинмаси командири Қ.Элмуродов қўлига икки граната олиб, душман тарафга юради ва унинг пулемёт расчётини йўқ қилади. Сўнгра у пулемётни эгаллаб, фашистларнинг ўзига қарата ўт очади. 12 италиялик аскарлар қўлини кўтариб таслим бўлишди. Қ.Элмуродов кўрсатган жасорати учун 1942 йил 2 октябрь куни Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди[103].

28–30 август кунлари 124 ўқчи дивизия 406 ўқчи полк 2 миномёт ротаси командири Бекмурод Элбоев душманнинг 6 пулемёт нуқтасини ва 17 фашистни йўқ қилди, миномёт ротасини пароканда этди. Серафимович шаҳри жануби-ғарбидаги 160-тепалик учун жангда кузатувчи у ерда душман пулемёти ўрнатилганлигини хабар беради. Шунда сержант Б.Элбоев ўз миномёти билан олдинга чиқиб ўт очади. Душман пулемётни олиб кетишга ҳаракат қилади. Бироқ, у ўрнатган миналар уларни зарарсизлантирди. Кўрсатган жасорати учун Б.Элбоев “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланган[104].

---

[102] Турон Нуралиев – 1919 йилда туғилган, 1939 йили ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682524-рўйхат, 903-ҳужжатлар йиғмажилди.

[103] Қули Элмуродов – 1916 йили Бухоро вилоятидаги Исобой қишлоғида туғилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682524- рўйхат, 995-ҳужжатлар йиғмажилди; Қаранг: Эрназаров Т. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек жангчиларининг қаҳрамонлиги (1941–1945 йиллар). – Тошкент, 1954. – Б. 27.

[104] Бекмурод Элбоев – 1922 йилда туғилган, 1941 йили Китоб туманидан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 312-ҳужжатлар йиғмажилди.

9 сентябрь куни Городишче атрофида бўлган жангларда 124-алоҳида ўқчи бригаданинг автоматчилар взводи командири Шамсиддин Мажидов ўз автомати билан ҳужум уюштираётган фашистларни тўхтатиб қолди ва улардан 8 нафарини йўқ қилди. Унинг кўмаги билан ҳарбий қисм янги марраларини эгаллашда давом этди. 17 сентябрь куни Ш.Мажидов иштирокида 5 фашист асир олинди. У "Жасурлиги учун" медали билан тақдирланган[105].

13 сентябрь куни 380 гвардия миномёт дивизиони штаб бошлиғи Ҳаким Усмонхўжаев Сталинград бўсағаларида, кузатув пунктидан шаҳарга ҳужум қилиш учун келаётган душманнинг 7 танки ва 200 га яқин пиёдаларини пайқаб қолади. У мўлжални аниқ олиб, қуроллардан ўт очишга топшириқ беради. Натижада, душманнинг 2 танки ва 70 га яқин аскар ва офицерлари йўқ қилинади, қолганлари саросимага тушиб қолади. Шу билан ҳужум бартараф этилади[106].

Шарқлик ўн бир қаҳрамон. Клетская станицасида 115,2 белгили тепалиги учун жанг аёвсиз бўлди. Фашистлар 1942 йил 17 сентябрга ўтар кечаси аввалги ҳужумдан ўзини ҳали ўнглай олмаган мудофаачиларга 300 нафар автоматчи аскар ва офицерларини юборди. Тепаликни Михаил Кабрибов бошчилигидаги 76 ўқчи дивизия 216 ўқчи полкнинг ўқчи взводи ҳимоя қилаётган эди. Улар 11 киши бўлиб, 8 нафари ўзбекистонлик эди.

Кейинчалик омон қолганлиги маълум бўлган қамашилик Абдураҳмон Эрдонов (1923 йилда туғилган) бу тепалик мудофааси ҳақида шундай хотирлаган эди: *"Биз 115,2 тепалигида биринчи марта жанг қилдик. Шиддатли жанг олти*

---

[105] Шамсиддин Мажидов – 1916 йилда туғилган, 1940 йилда Андижонда ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682524-рўйхат, 891-ҳужжатлар йиғмажилди.

[106] Ҳаким Усмонхўжаев – 1916 йилда туғилган, 1937 йили ҳарбий хизматга Тошкент шаҳридан чақирилган – Nazirov M. Hakim Usmonxo'jayev // O'zbekiston Ikkinchi jahon urushi davrida. Uchinchi kitob-albom. – Toshkent, 2022. – B. 50–53.

соатдан ортиқ давом этди. Ўзбек, қозоқ, татар, озарбайжон йигитлари бу жангда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатдилар. Улар ўз олдиларига қўйилган вазифани бажардилар – ДОТ ер билан яксон қилинди. Бу ғалаба бизга қимматга тушди: тепаликка взводнинг қирқ жангчисидан фақат ўн икки киши етиб келди. Шу заҳоти бир киши ҳолат ҳақида маълумотни етказиш учун икки асир билан бирга полк штабига юборилди. Ўн бир киши қолган эди...

Тўсатдан қарши ҳужумга ўтган гитлерчиларни кўриб қолдик. Улар уч юздан кам эмас эди – демак, ҳар биримизга ўттизтадан тўғри келади. Биз жангга икки қўл пулемёти, автоматлар ва милтиқларни тайёрладик. Гранаталарни четга олиб қўйдик – энг охирги ҳолатда зарур бўлса, деб”[107]...

Қамашилик Бобоёр Ғаффоров (1920 йилда туғилган) пулемётдан ўқ ёғдириб, душманни кутиб олди. Бошқа жангчилар ҳам ўт очдилар. Аммо, патрон қолмагач, гранаталар ота бошлашади. Ҳатто, душман отаётган гранаталарни тутиб олиб, уларни ўзига қайтаришади. Граната ҳам қолмагач, кейин қўл билан жанг қилишди. Ёрдам учун етиб келган кучлар тирик қолган фашистларни тепаликдан суриб чиқаришди[108]. 12 кун давом этган жанг тугагач, майдонда 150 немис аскарлари ва офицерларининг жасадлари борлиги маълум бўлди.

Бу жойга “Шарқлик ўн бир қаҳрамон тепалиги” номи берилди. Жангда Б.Ғаффоров билан бирга қамашилик Диёр Аҳмедов (1920 йилда туғилган), Субҳон Файзиев (1922 йилда туғилган), Нормурод Ҳайитов (1923 йилда туғилган), нарпайлик Баҳром Алимбеков (1912 йилда туғилган), Ҳудойқул Мусаев (1918 йилда туғилган), Сафар Мардонов (1923 йилда туғилган)

---

[107] Насонов В. Қашқадарёликлар Ватан учун жангларда. – Тошкент, 1970. – Б. 5.; Эрданов А. Высота, обретшая имя. / газета “Правда Востока”. – 5 февраля 1975 года.
[108] Ўша мақолалар.

ҳалок бўлади. Ўзбекистонликларнинг бари Қизил Байроқ ордени билан тақдирланади.

17 сентябрда фашистларнинг 25 нафаридан иборат гуруҳи 76 ўқчи дивизия 216 ўқчи полк бўлинмасига фронт ортидан кириб йўқ қилмоқчи бўлганида полк пулемётчиси Иброҳим Намозов снайпер-кузатувчи сифатида уларни пайқаб қолади. У олдинга силжиб уларни тарқатиб юборади ва фурсатдан фойдаланиб, 20 тасини йўқ қилишга муваффақ бўлади. Пулемётчи И.Намозов “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган[109].

Нафақат шаҳар, балки, Волга бўйлаб кечувлар назорат қилиниши жиҳатидан стратегик аҳамиятга эга бўлган Мамаев қўрғони учун шиддатли жангларда ўзбекистонликлар ҳам иштирок этган. Жумладан, Эргаш Норбўтаев 23 сентябрь куни жанг давомида 7 фашистни йўқ қилди, ўзи эса ярадор бўлди. У “Сталинград мудофааси учун” медали билан тақдирланган[110].

23 сентябрдан 24 сентябрга ўтар кечаси кичик сержант Отажон Маннопов 4 разведкачи билан бирга фронтнинг бошқа нуқтасида душманнинг олд томонига ўтади. Йўлда улар душманнинг 10 аскардан иборат гуруҳи билан тўқнаш келади. Жанг давомида 63 ўқчи дивизия 346 ўқчи полк пиёда разведкаси взводи разведкачиси О.Маннопов нинг ўзи 4 фашистни йўқ қилиб, 1 румин офицерини асир олади. Унинг бошчилигидаги гуруҳ йўқотишларсиз полкка қайтиб келади. О.Маннопов “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган[111].

---

[109] Иброҳим Намозов – 1922 йили туғилган, 1942 йили Нарпай туманидан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 313-ҳужжатлар йиғмажилди.

[110] Эргаш Норбўтаев – 1909 йилда туғилган, ҳарбий хизматга 1941 йили сентябрида Ғузор туманидан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 690155-рўйхат, 4707-ҳужжатлар йиғмажилди; Эрназаров Т. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек жангчиларининг қаҳрамонлиги (1941–1945 йиллар). – Тошкент, 1954. – Б. 28.

[111] Отажон Маннопов – 1920 йилда туғилган, 1940 йили ҳарбий хизматга Пискент туманидан чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 311-ҳужжатлар йиғмажилди.

23–25 сентябрь кунлари 63 ўқчи дивизияси 346 ўқчи полк миномётчиси Қўзи Рустамов ўз миномёти ва пиёдалар билан бирга ҳаракатланиб, чекинаётган душманга қарата ўт очади. Унинг расчёти 20 та фашистни йўқ қилади. 25 сентябрь куни Қ.Рустамов ярадор бўлса-да жанг майдонини ташлаб кетмайди. Душман сон жиҳатдан устун ҳолда қайта ҳужум уюштирганда у яна 7 фашистни йўқ қилишга муваффақ бўлади. Қ.Рустамов Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган[112].

26 сентябрь куни Орловка қишлоғи атрофида ҳужум қилиш учун душманнинг 12 танки ва 500 га яқин аскар ва офицерлари тўпланади. Шунда миномёт дивизиони штаб бошлиғи Ҳаким Усмонхўжаев бошқа ўқчи ҳарбий қисмлар билан ҳамкорликда душманга ўт очади. Натижада рақибнинг 3 танки ёндирилиб, бир рота пиёдалари йўқ қилинади. Ғаним ҳужумдан чекинишга мажбур бўлади.

Гвардия капитани Ҳ.Усмонхўжаев жангларнинг боришида штаб ишини тўғри ташкил этиб, оғир шароитларда ҳам қўмондонлик билан доимий алоқа бўлишини таъминлади. У Қизил Юлдуз ордени, “Сталинград мудофааси учун” медали билан тақдирланган[113].

13 гвардия ўқчи дивизия 42 гвардия ўқчи полк разведкачилар взводи бўлинма командири Фаттоҳ Фармонов Сталинград учун жангга 15 сентябрдан бошлаб иштирок этган. У душман ичкарисига бориб, қўмондонлик учун муҳим бўлган маълумотларни келтирган. Хусусан, Сталинград шаҳрида ўзи соқчини, кейин ухлаётган 16 фашистни гранаталар билан йўқ қилган. Разведкага борганда бир ўзи 10 гитлерчи билан тўқнаш келади. Фашистлар унга қарата ўт очишади. Шунда Ф.Фармонов автоматидан уларни отиб ташлаб, ҳужжатларини олиб келади. У

[112] Қўзи Рустамов – 1921 йилда туғилган, 1941 йилда Шаҳрисабздан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 262-ҳужжатлар йиғмажилди.
[113] РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 2562-ҳужжатлар йиғмажилди.

“Сталинград мудофааси учун” медали ва Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган[114].

Павлов уйи ҳимоячиси. 1942 йилнинг 27 сентябрида Яков Павловга Сталинграддаги марказий майдонда жойлашган 4 қаватли уйни разведка қилиш топшириғи берилади. У уч жангчи билан бинодан фашистлар кетишини таъминлаб, уни тўлиқ эгаллайди. Лейтенант Иван Афанасьев взводи билан таркиб мустаҳкамланиб, мудофаачилар сони 25 кишига етади. Уй ертўлаларида шаҳарда яшовчилар яширинган эди. Бинога душман тарафдан артиллерия ва ҳаво ҳужумлари уюштирилишига қарамай улар уйни 58 кун давомида мудофаа қилишади. “Павлов уйи” ҳимоячилари орасида 13 гвардия ўқчи дивизия 42 гвардия ўқчи полки 3 батальон аскари Камолжон Турғунов (1922–2015) ҳам бор эди. Тўрт тарафлама қамалда қолган уй учун ҳаёт-мамот жанги бўлади[115].

Кейин жангчиларга Павлов уйини ташлаб, майдондаги сут ранг уйга ҳужумга ўтиш топшириғи берилади. Унинг командири, лейтенант И.Афанасьев “Дом солдатской славы” номли китобида Камолжон Турғуновнинг ҳужумдаги иштирокини шундай ҳикоя қилган: *“Бинонинг ғарб томонидан уйга душман яқинлашиб келарди. Улар ҳар дақиқада қўшни хоналарга кириб қолишлари мумкин эди. Турғунов жангчилар ёнига аста эмаклаб бориб, биргаликда хавфга барҳам бериш ҳақида буйруқ олди. У бино томон кетаётганида ногоҳон икки фашистга рўпара келди. Шунда ўзини йўқотмади, улар граната олишга улгурмасидан автомат билан фашистларни гум қилди”*. Сут ранг уй учун

[114] Фаттоҳ Фармонов – 1919 йилда туғилган, 1939 йилда Бухородан ҳарбий хизматга чақирилган, кейин урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 169-ҳужжатлар йиғмажилди.

[115] Маврулов А. “Павлов уйи” ҳимоячиси Камолжон Турғунов (1922–2015). // Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида. Китоб-альбом. – Тошкент, 2021. – Б. 142–143.

жангда К.Турғунов оғир яраланди. У бир йилча госпиталларда даволаниб, яна сафга қайтди[116]...

18 октябрь куни эрталаб соат 4.00 да Бударин районида ҳужумга ўтишга буйруқ берилади. Ёмғир остида жанг давом этарди. Бир қанча аҳоли пунктларини озод қилишда иштирок этган пулемётчи Вали Ғофуров қуролдошларини пана қилиб туриш учун ўз жойида қолади. Бошқа жойга кўчиш учун В.Ғофуров окопдан бошини чиқарган пайтида яқин орада бўлган портлаш тўлқинидан ҳушсиз йиқилади. У икки кўзи ва бир оёғидан жароҳат олган эди. Кейинчалик В.Ғофуровнинг оёғини даволашди, лекин унинг кўзларига нур қайтмади[117].

2 ноябрда 326,4 тепалиги учун жангларда қуршовда қолган 68 денгиз ўқчи бригадаси 1 курсантлар ротаси пулемётчиси Аҳмад Тошматов ўзига душманни яқинлашишига имкон бериб, кейин уларни станокли пулемётдан отади. У фашистларнинг тўрт ҳужумини қайтариб, 100 дан ортиқ аскар ва офицерларини ҳамда иккита ўт очиш нуқтасини йўқ қилади. Натижада душман ортга чекинишга мажбур бўлади. А.Тошматов ушбу жангдаги жасорати учун Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган[118].

Шунингдек, Волга бўйи мудофааси учун жангларда 36 гвардия ўқчи дивизия 47 гвардия алоҳида алоқа ротаси телефончиси Ҳамроқул Йўлдошев[119], 27 гвардия ўқчи дивизияси 74 гвардия ўқчи полки миномёт батальони наводкачиси Ўрол

---

[116] Каримов Ш. Ғалабага қўшилган ҳисса. – Тошкент, 1990. – Б. 119–120.

[117] Вали Ғофуров – 1922 йилда туғилган, 1941 йилда Нальчикдаги ҳарбий билим юрти курсанти. 1942 йилнинг ёзида ҳали ўқишни тугатмасдан курсант Вали Ғофуров ва унинг сафдошларига лейтенант унвони берилиб, Сталинград мудофаасига юборилади. Урушдан кейин В.Ғофуров игнада ёзишни ўрганди ва ёзувчи бўлиб танилди. Унинг “Вафодор” романи машҳур ҳисобланади. – Po‘latova S. Vali G‘ofurov // O‘zbekiston Ikkinchi jahon urushi davrida. To‘rtinchi kitob-albom. – Toshkent, 2023. – B. 44–46.

[118] Аҳмад Тошматов – 1919 йили туғилган, 1939 йилда Қўқондан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 119-ҳужжатлар йиғмажилди.

[119] Ҳамроқул Йўлдошев – 1921 йилда туғилган, 1941 йили Самарқанд шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган. У “Жанговар хизматлари учун”, “Жасурлиги учун” медаллари билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 241-ҳужжатлар йиғмажилди; шу фонд, 682526-рўйхат, 947-ҳужжатлар йиғмажилди.

Суяров[120], 21 армия ҳаво ҳужумига қарши мудофаа этувчи 1263 армия полки 1 батарея наводчиги Низомиддин Ортиқов[121], 124 ўқчи дивизия 622 ўқчи полк автоматчи-ўқчиси Исмон Ҳолиқов[122] ва бошқа ўзбекистонликлар жасорат кўрсатди.

Шимолий Кавказ стратегик мудофаа операциясида. Кавказ жангининг бош йўналишларидан бири бўлган Туапсе мудофаасида Собир Раҳимов ҳам қатнашди. Дастлаб 353 ўқчи дивизия таркибида бўлган подполковник С.Раҳимовга 1 августдан 395 ўқчи дивизияга қўмондонлик қилиш топширилди. Бу дивизия 1941 йил сентябрида Ворошиловградда асосан шахтёрлар ҳисобидан тузилган эди.

Сентябрь ойи ўрталарида гитлерчилар ушбу дивизия мудофаа қилаётган Горячий Ключ, шунингдек, Кохт ва Кочканова тоғлари яқинига 3 дивизияни киритади. Аммо, жангчилар ва дивизия қўмондонининг мустаҳкам қатъияти сабаб фашистлар муваффақият қозонмади.

Октябрь ойи бошларида фашист дивизияси қўмондони генерал фон Буг полковник С.Раҳимов дивизиясини 3 кун ичида тор-мор келтириб, Туапсени эгаллашини айтади. Биринчи кунни ўзидаёқ 395 ўқчи дивизия душманнинг 15 ҳужумини қайтарди, фашистлар 900 га яқин аскар ва офицерларини йўқотди. Жанг 3 кун эмас, 3 ойга чўзилиб кетди. Бу вақт оралиғида дивизия 8 минг гитлерчини йўқ қилди, ҳатто фон Бугнинг ўзи ҳам ўлдирилди[123]. Душман денгиздан ўтолмади.

---

[120] Ўрол Суяров – 1918 йилда туғилган, 1939 йилда Самарқанд туманидан ҳарбий хизматга чақирилган. У “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 284-ҳужжатлар йиғмажилди.

[121] Низомиддин Ортиқов – 1917 йили туғилган, Оққўрғон туманидан ҳарбий хизматга чақирилган. У “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 4658-ҳужжатлар йиғмажилди.

[122] Исмон Ҳолиқов – 1914 йилда туғилган, 1942 йил Жалақудуқ туманидан урушга сафарбар этилган. У “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 311-ҳужжатлар йиғмажилди.

[123] Юсупов Л. Генерал Сабир Рахимов. Биографический очерк. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 69–70.

Кавказ учун жангларда бошқа ҳарбий қисмлардаги ўзбекистонликлар ҳам жасорат кўрсатди. Жумладан, 216 ўқчи дивизия 665 ўқчи полк сиёсий раҳбар ўринбосари Омон Қурбонов 7 сентябрь куни “Красная Победа” колхози атрофидаги узумзорга борган разведка гуруҳида иштирок этди. Гуруҳ гитлерчилар билан жанг қилиб, 20 нафарини йўқ қилди, қолганлари эса қочди.

18 сентябрь куни О.Қурбонов Абинская-Ахтирская йўлида жангчилар билан бирга пистирма уюштирди ва шахсан ўзи 6 фашистни йўқ қилди. 26 сентябрда у 194,2 белгили тепаликдаги фашистлар ҳужумини қайтаришда қатнашди. Кўрсатган жасорати учун О.Қурбонов “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланди[124].

216 ўқчи дивизия 665 ўқчи полк 3 миномёт ротаси миномёт расчёти командири Турғун Жўраев 25 сентябрь куни Эриванский хутори учун жангда миномёти билан 20 тагача руминни яксон этиб, душман ҳужумини барбод қилди. Сержант Т.Жўраев “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланди[125].

84 алоҳида денгиз ўқчи бригадаси 3 алоҳида ўқчи батальони 3 ўқчи ротаси ўқчиси Қосимжон Ҳайитов сентябрь ойи давомида Красногор станицаси учун жангларда ўз автоматидан 13 фашист аскар ва офицерларини ер тишлатди, ўзи ярадор бўлса ҳам жанг майдонини ташлаб кетмади. У кўрсатган жасорати учун 1943 йили Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди[126].

---

[124] Омон Қурбонов – 1917 йилда туғилган, 1938 йили Бухоро шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 249-ҳужжатлар йиғмажилди.

[125] Турғун Жўраев – 1918 йилда туғилган, 1940 йили Фарғона вилоятидан чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 351-ҳужжатлар йиғмажилди.

[126] Қосимжон Ҳайитов – 1896 йилда туғилган, 1942 йили Андижондан урушга сафарбар этилган. 1947 йили II даражали Ватан уруши ордени билан ҳам тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1400-ҳужжатлар йиғмажилди; шу фонд, 744808-рўйхат, 333, 106-ҳужжатлар йиғмажилдлари.

9 Армия 9 алоҳида ўқчи бригада 4 алоҳида ўқчи батальон 4-пулемётчиси Эримбет Жаланазаров 10 октябрь куни Малгобек учун жангларда станокли пулемёти билан 15 дан ортиқ фашистларни ер тишлатди ва бўлинма олдинга қараб юришга муваффақ бўлди. У кўрсатган мардлиги учун II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди. Тақдирлаш варақасида чимбойлик Эримбет Жаланазаров 12 октябрь куни ҳалок бўлгани қайд этилган[127].

337 ўқчи дивизия 1131 ўқчи полк 2 батальон 6 рота сафида Назир Фахриддинов ҳам 10 октябрдан Кичик Малгобек атрофидаги жангларда қатнашади. У 24 октябрь куни икки жангчи билан бирга ҳужум қилаётган 15 гитлерчини йўқ қилди, икки жанговар дўсти ҳалок бўлиб, ёлғиз қолганида гранаталар улоқтириб фашистларни ўз окопларига яқинлашишига имкон бермади. Бу билан Назир Фахриддинов гитлерчилар батальон қанотини ёриб ўтишига йўл қўймади ва Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди[128].

9 алоҳида сапёр бригадаси 1637 алоҳида сапёр батальони командири Шоҳмурод Олимов 24 октябрь куни 18 Армиянинг олд мудофаа чизиғидаги 1103,1 тепалигида мудофаа ишларини олиб борди: 6 та енгил ДЗОТлар, ўқчи бўлинмаларга 27 та окоп, автоматчиларга 36 та ўқ отиш катакчалари, батальон командирлари учун 2 та, рота командирлари учун 3 та командирлик пунктлари қурилди. Бу ишларнинг бари душманнинг кучли олови ичра, 2 ранг ҳарбий муҳандис Ш.Олимов бошчилигида ташкил этилди. Фашистлар тепаликка миномёт ўтини ёғдирганида у оғир ярадор бўлди. Ш.Олимов замбилда ётган ҳолида аниқ кўрсатмалар берди: ўринбосари

[127] Эримбет Жаланазаров – 1920 йилда туғилган, 1942 йили Чимбойдан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 296-ҳужжатлар йиғмажилди.

[128] Назир Фахриддинов (Похрединов) – 1921 йилда туғилган, 1942 йили урушга Жалақудуқдан сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 271-ҳужжатлар йиғмажилди

кимлиги, нима ишлар қилиниши, уларнинг муддати, ярадорларни қаерга эвакуация қилиш кераклиги ва бошқа. Сўнгра унинг ўзи тепаликка яқин жойдаги госпиталга эвакуация қилинди. У 1943 йили Қизил Байроқ ордени, 1944 йили “Кавказ мудофааси учун” медали билан тақдирланган[129].

Туапсе мудофаасида Ўрта Осиё Ҳарбий округининг 83 Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси ҳам иштирок этди. Дивизия бунга қадар Эрон операциясида қатнашган бўлиб, 3 ноябрь куни Машҳаддан етиб келиб, Туапсе яқинига Қора денгиз қўшин гуруҳининг захира қисми сифатида жойлаштирилади. Дивизия захирадалигидаёқ, 6 ноябрь куни Гойтх довонидан темир йўл разъездигача, кейинроқ, 379,9 белгили тепаликкача бўлган ерларни мудофаа қилишда қатнашди. Дивизия таркибидаги 67 артиллерия полки ўт очиш нуқталарини эгаллаган заҳоти ўт очиб, гитлерчилар ҳаракатланишини тўхтатиб қолди.

22 ноябрь куни дивизия Қора денгиз гуруҳи таркибидан 18 Армия бўйсунувига ўтказилди. Шунда дивизияга 383 ўқчи дивизия билан алоқада бўлиб, бирга ҳаракатланиш ҳамда Пшиш дарёси орқали Гойтхга чиқиш ва Индюк, Каменистая, Семашхо тоғлари атрофида душманни йўқ қилиш топширилди. Фашистлар Семашхо тоғлари орқали Қора денгизга чиқишни мақсад қилиб олган эди.

25 ноябрь куни Пшиш дарёсининг ўнг қирғоқида душманнинг ўнга яқин артиллерия ва миномёт батареялари жойлашгани ва улар олти стволли миномётлар билан қуролланганлиги маълум бўлди. Шунингдек, душманнинг ҳар бирида уч минг кишидан иборат 2 полкига нисбатан ҳар бирида

[129] Шоҳмурод Олимов (ҳужжатларда “Алимов Шах Муратович” деб қайд этилган) – 1910 йилда Бухоро шаҳрида туғилган, 1941 йили Москва шаҳридан чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 655-ҳужжатлар йиғмажилди; Мукофотлар картотекаси, 3-шкаф, 8-қути.

бир ярим минг киши бўлган 3 полк жанг қилиши ҳам аён бўлиб қолди.

Ана шундай кучлар тенг бўлмаган шароитда 26 ноябрь куни дивизиянинг 150 ва 428 полклари 1,5 километрга олдинга силжиб, номсиз тепаликни эгаллади ва душманнинг 11 ДЗОТи ҳамда 1 ротадан ортиқ фашистларни йўқ қилди. Бироқ, қўшни ўқчи дивизия ўз вақтида ва кейинги кунларда ҳам ҳужумга ўта олмаганлиги, душман авиацияси томонидан уюштирилган ҳаво ҳужумлари оқибатида дивизия таркибида катта йўқотишларга олиб келди. Бу вақтда дивизиянинг 100 тоғ-ўқчи полки эгаллаган Индюк тоғини мудофаа этаётганди.

Шунда Каменистая тоғини айланиб ўтиб, у ерда ўрнашиб олган гитлерчиларга ҳужум уюштиришга қарор қилинади. Бу жойда шиддатли жанглар бўлиб ўтади.

Дивизия командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Александр Лучинский қайд этганидек, дивизия 20 декабрь куни Пшиш дарёсига чиқиб, Гойтх қишлоғини эгаллаганида йўқотишлар шахсий таркибнинг 20 фоизига тўғри келди[130].

Шундай қилиб, дивизия 383 ва 353 ўқчи дивизиялар билан биргаликда душманнинг Семашхо гуруҳини йўқ қилишга муваффақ бўлди, ҳаёт қолганлари эса Пшиш ортига чекинишга мажбур бўлди.

Туапсе мудофаасида иштироки учун ўзбекистонлик жангчилар орден ва медаллар билан тақдирланди. Жумладан, 150 тоғ-ўқчи полки автоматчилар бўлинмаси командири, кичик сержант Мирзавали Тўқлибоев Қизил Байроқ орденига муносиб деб топилди. У полкнинг 7 ҳужум жангида иштирок этиб, 10 гитлерчиларни йўқ қилди. Ротанинг ўнг қанотига бўлган душман

---

[130] Лучинский А. А. 83-я интернациональная [Электронный ресурс] – http://budetinteresno.info/kraeved/tuapse_war_11.htm
(Из книги «В боях за Туапсе» / составитель Г. С. Акопян. – Краснодар, 1988. – 238 с.).

ҳужумини икки автоматчи билан биргаликда қайтаришга муваффақ бўлди[131].

Шунингдек, полк таркибида ўқчи рота командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант Раҳим Ҳамроев Қизил Юлдуз ордени[132], полк ўқчиси Сардор Саримсоқов[133] ва 428 полкнинг рота фельдшери Исматулла Солиҳов[134] “Жасурлиги учун” медали билан мукофотланди.

2-§. Сталинград йўналишидаги ҳужум қилиш операцияларида

1942 йил 19 ноябридан бошлаб Сталинград бўсағасидаги жангларда, *душманни қуршовга олиш ва унга қарши ҳужум уюштиришда* 21-кавалерия дивизияси ҳарбий комиссари, кейинчалик генерал-майор бўлган Муллажон Узоқов (1907–1960), 157-танк бригадасида мото-ўқчи пулемёт батальонининг ўқчи ротаси командири Мамасоли Жабборов (1919–1944), танкчи Абдулла Аюпов (1923–2022)[135] каби кўплаб ўзбекистонликлар иштирок этди.

---

[131] Мирзавали Тўқлибоев – 1919 йилда туғилган, 1940 йили Чиноз туманидан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 320-ҳужжатлар йиғмажилди.

[132] Раҳим Ҳамроев – 1910 йилда туғилган, 1941 йилдан Қизил Армия сафида – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 320-ҳужжатлар йиғмажилди.

[133] Сардор Саримсоқов – 1917 йилда туғилган, 1940 йили Тошкент шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йил 10 февраль куни Краснодар ўлкасида бўлган жангда ҳалок бўлган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 320-ҳужжатлар йиғмажилди; 58-фонд, 18001-рўйхат, 1253-ҳужжатлар йиғмажилди.

[134] Исматулла Солиҳов – 1915 йилда туғилган, 1939 йили Тошкент шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йил 18 январь куни Краснодар ўлкасида бўлган жангда ҳалок бўлган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 319-ҳужжатлар йиғмажилди; 58-фонд, 18001-рўйхат, 1253-ҳужжатлар йиғмажилди.

[135] Абдулла Аюпов – 1941 йилда урушга сафарбар этилган, лейтенант, Москва мудофаасида яралангандан кейин Сормовода танкчилар мактабида ўқиб, танк механик-ҳайдовчиси бўлган. 1942 йил ноябрь ойида у фашист қўшинларини қуршаб олишда иштирок этган – Suyunov A. Abdulla Ayupov // O‘zbekiston Ikkinchi jahon urushi davrida. Uchinchi kitob-albom. – Toshkent, 2022. – B. 41–46.; РФ МВМА. 11-шкаф, 14-кути.

Катта лейтенант Мамасоли Жабборов ротаси Добринский хутори атрофидаги душман мудофаасини ёриб ўтиб, биринчи бўлиб хуторни эгаллади. Бунда рота 300 га яқин фашистларни йўқ қилиб, 456 нафар аскар ва офицерларини асир олди, душманнинг мулк ва қуролларини қўлга киритди. Унинг ўзи Александр Невский ордени билан тақдирланди[136].

1942 йил 20 ноябрда 302 ўқчи дивизия 825 ўқчи полки 2 ўқчи рота взвод командири ёрдамчиси, машҳур снайпер Ҳайит Хўжаматов "тил" ушлаш мақсадида сафдошлари билан бирга душман ичкарисига ҳужум уюштириб, адъютант ва полк штаби котибини ҳужжатлар билан бирга олиб келишга муваффақ бўлди[137]. Бу моҳир снайперни ҳали иккинчи фронт очилмасдан аввал АҚШ давлати 1943 йилнинг 23 июнида "Жанговар хизматлари учун" Хочи билан тақдирлади[138].

24 ноябрдан 25 ноябрга ўтар кечаси эса, Бош Қўмондонлик захирасидаги 426 қирувчи танкка қарши артиллерия полкидан лейтенант Рауф Қаюмов командирлигидаги батарея 219 тепалик атрофида душманнинг пиёда қисмлари бўлган 5 блиндажи ва 2 ДЗОТини яксон қилди. Бу кечада батарея икки бор фашистларнинг ҳужумини қайтарди, уларнинг 50 аскари йўқ

---

[136] Мамасоли Жабборов – Уйчи районидан 1939 йили ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 148-ҳужжатлар йиғмажилди; Мирзакалон Исмоилий. Наманган лочини / Озод инсон ҳақида қўшиқ. – Тошкент, 1965. – Б. 28–32.

[137] Ҳайит Хўжаматов (ҳужжатларда Хаит Хужматов) – 1917 йилда туғилган, 1939 йили Бешкент туманидан ҳарбий хизматга чақирилган, сўнгра урушга сафарбар этилган. 1942 йил 2 августда 51 армия штаби жойлашган Зимовниковда турли қисмлардан омон қолган аскарлар ҳисобидан полковник Е.Ф.Макарчук бошчилигида тузилган алоҳида отряд таркибида жанг қилган, у ўзининг мардлиги ва жангларда ташаббускорлиги билан ажралиб турган. Ҳ.Хўжаматов "Жасурлиги учун" медали билан тақдирланган. У 1943 йил 20 февралда Ленин орденига, 3–6 март кунлари Ряженая атрофидаги жангларда фаол иштирок этгач, 23 мартда Қизил Юлдуз орденига тавсия этилади. Бу вақтга келиб, Ҳ.Хўжаматов 159 фашистни йўқ қилган, жангда ўзи ҳам оғир ярадор бўлиб, 10 кун даволангандан сўнг яна сафга қайтади – РФ МВМА. 33-фонд, 682524-рўйхат, 817-ҳужжатлар йиғмажилди, шу фонд, 682525-рўйхат, 27-ҳужжатлар йиғмажилди; шу фонд, 682526-рўйхат, 773-ҳужжатлар йиғмажилди. У 1943 йилнинг охирида бўлган жанглардан бирида ҳалок бўлди.

[138] РФ МВМА. Хорижий мукофотлар картотекаси. 36-кути.

қилинди. Катта лейтенант Р.Қаюмов Қизил Юлдуз, II даражали Ватан уруши орденлари билан тақдирланган[139].

26 ноябрь куни 61 кавалерия дивизия Шарнутовский қишлоғи (ҳозирда Сарпин тумани Шарнут посёлкаси) атрофида фашистларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Дивизиянинг 13 алоҳида от-артиллерия дивизиони батареясининг уч томонидан душманнинг 36 танки кела бошлайди. Танклар ўз ўти билан расчётни ишдан чиқаради. Шунда бир ўзи қолган ўқловчи Камол Пўлатов[140] қуролидан отишни тўхтатмасдан танк йўлини тўсишга ва қуролини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Бироқ, бошқа йўл қолмагач, К.Пўлатов бир қадам ҳам орқага чекинмасдан[141] ўзини снарядлар шодаси билан бирга танк остига ташлайди.

Уни ушбу жангда ҳалок бўлган деб ҳисоблаб, бир қадам ҳам орқага чекинмасдан кўрсатган қаҳрамонлиги учун Камол Пўлатовга СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 21 апрелдаги Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони берилади[142].

Аслида К.Пўлатов жанг майдонида ҳушсиз йиқилган бўлса-да тирик қолган эди. У ярадор ҳолида асир олинди. 1945 йилнинг 3 майида асирликдан озод қилингач, НКВД текширувларидан

---

[139] Рауф Қаюмов – 1920 йилда туғилган, 1938 йили Тошкент шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 784-ҳужжатлар йиғмажилди; шу фонд, шу рўйхат, 533-ҳужжатлар йиғмажилди.

[140] Камол Пўлатов – 1918 йили Ромитан туманидаги Атторон қишлоғида туғилган, 1938 йили ҳарбий хизматга чақирилган. Фашистлар совет мамлакатига бостириб кирган 1941 йил ёзида у қишлоқдаги мактабда ўқитувчилик қилаётган эди. К.Пўлатов биринчилар қаторида фронтга йўл олади.

[141] 1942 йил 28 июлда қабул қилинган СССР Мудофаа Халқ Комиссарининг 227-сонли буйруғи асосини ташкил этган – “Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ!” шиори назарда тутилмоқда. Уруш ҳаракатларида чекиниш муқаррар бўлган ҳолларда ҳам бу қоидага амал қилинарди. Чунки, жанг қилаётганларнинг ортидан киритилган махсус ҳарбий қисм чекинаётган аскарларни отиб ташларди.

[142] РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 28-ҳужжатлар йиғмажилди.

кейин 353-ўқчи дивизиясида хизматни давом эттиришга юборилади. Май охирида хизматдан бўшатилади[143].

Сиёсий ҳушёрлик ортидан Бухоро вилояти ижроия қўмитаси 1946 йили СССР Олий Совети Президиумига К.Пўлатов тирик қолганлигини таъкидлаб, 1943 йил 21 апрелдаги Фармонини бекор қилиш тўғрисида мурожаат қилиб, унинг номи берилган жойларни қайта номлашга рухсат сўрайди. СССР Олий Совети Президиумининг 1947 йил 14 октябрдаги қарори билан Фармоннинг Камол Пўлатовга Совет Иттифоқи Қаҳрамонини беришга тааллуқли қисми бекор қилинади[144]...

6 декабрдан бошлаб бўлиб ўтган жангларда 116 гвардия ўқчи полки 3 ўқчи батальони миномёт ротаси командири Мирза Рустамов 850 немис аскарлари ва офицерларини, душманнинг юки бор 20 та автомашинасини йўқ қилди. У Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди[145].

18 декабрда Васильевка қишлоғи атрофидаги жангларда душман автоматчилари ҳамроҳлигидаги танклар ҳужумида сержант Файзулла Ботиров 2 танкни нишонга олиб, уларни ёндиришга муваффақ бўлди. 87-ўқчи дивизия 1058 артиллерия полки наводчиги Ф.Ботиров Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди[146].

24–30 декабрь кунлари Суровикино бўсағасида душман билан бир неча бор отишмада Бош Қўмондонлик захирасидаги 107-миномёт полки телефончиси Юсуф Абдуллаев зарар етган

---

[143] Каргапольцев С. Камал Пулатов. – https://warheroes.ru/hero/hero.asp?Hero_id=23363.

[144] Каргапольцев С. Камал Пулатов. – https://warheroes.ru/hero/hero.asp?Hero_id=23363; К.Пўлатов бошига кетма-кет оғир жудоликлар тушади. Ёлғиз фарзанди Рауфжон хасталаниб вафот этади. Умр йўлдоши Фотима ҳам ҳаётдан эрта кўз юмади. Бу унинг соғлиғига зиён етказмай қолмайди. К.Пўлатов 1950 йилда вафот этади – Иброҳимов И. Унвонсиз қаҳрамон қисмати. / “Халқ сўзи” газетаси. – 2020 йил 3 апрель сони.

[145] Мирза Рустамов – 1920 йилда туғилган, гвардия катта лейтенанти – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1296-ҳужжатлар йиғмажилди.

[146] Файзулла Ботиров – 1918 йилда туғилган, 1942 йили Қоракўл туманидан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1296-ҳужжатлар йиғмажилди.

алоқа линиясини тузатиб, полкни таркибидаги бўлинмаларга қўмондонлик қилинишини таъминлади. У “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган[147].

Айнан Суровокино станциясида бўлган жангда Муллажон Узоқовга мина парчаси тегиб, у оғир ярадор бўлади. М.Узоқовни жанг майдонидан олиб чиқиб, дала госпиталига юборишади. У ўн беш кун госпиталда ётгандан сўнг қўли гипсланган ҳолда яна жанг майдонига қайтади[148].

173 ўқчи дивизия 1313 ўқчи полки 1 ўқчи рота старшинаси, катта сержант Рауф Аҳадов 1942 йил 28 декабрда Казак қўрғони тепалигига ҳужум уюштирилаётганида немис окопига эмаклаб боради ва у ерда 2 фашистни йўқ қилиб, 1 оберефрейторни асир олади[149]. Фашистлар иккинчи бор ҳужум уюштирганда Р.Аҳадов юзга яқин немисни йўқ қилди[150]. У ушбу тепаликка биринчи бўлиб, байроқ ўрнатишга муваффақ бўлди. Р.Аҳадов “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган.

126 ўқчи дивизия 366 ўқчи полк миномёт батареяси миномётчиси Аҳмад Маҳмудов расчёт таркибида душманнинг 3 танки, 1 автомашинасини ишдан чиқарди, 200 гача бўлган аскарлар ва офицерларини йўқ қилди. У “Жасурлиги учун”, “Сталинград мудофааси учун” медаллари билан тақдирланган[151].

Кейинчалик Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган Валижон Набиев (1916–2000) ҳам 1942 йилнинг ноябрь ойидан Серафимович шаҳри атрофига жойлашиб олган фашистларга ҳужум бошлаган кавалерия полки таркибида Сталинград учун жангларда иштирок этди. Полк Красное селони озод қилди,

---

[147] Юсуф Абдуллаев – 1918 йилда туғилган, 1942 йил Хоразм вилоятидан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 942-ҳужжатлар йиғмажилди.
[148] Адҳам Раҳмат. Ўзбек генераллари. – Тошкент, 1964. – Б. 83.
[149] Рауф Аҳадов – 1921 йилда Тошкентда туғилган, 1941 йили ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 650-ҳужжатлар йиғмажилди.
[150] Адҳам Раҳмат. Ватан ботирлари. – Тошкент, 1963. – Б. 153.
[151] Аҳмад Маҳмудов – 1905 йили туғилган, Урганч шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 149-ҳужжатлар йиғмажилди.

кейин Чернятка станциясига қараб йўл олди. Кейин Тацинск станциясида бир ҳафта жанг бўлиб, бунинг орасида В.Набиев беш марта разведкага бориб, душман кучларини аниқлайди ва бир “тил” билан қайтади. “Тил”дан олинган маълумотлар асосида полк ҳужумга ўтади ва икки соатдан кейин душман бу станцияни ташлаб қочишга мажбур бўлади[152].

1943 йил 4 январида 67 гвардия ўқчи дивизия томонидан разведкачиларга яширин йўл билан Алексеевка қишлоғига кириб душман мудофаасида ваҳима кўтариш вазифаси қўйилди. Бу ҳарбий қисмлар нисбатан кам йўқотиш билан қишлоққа кириб олиши назарда тутилди. Дивизиянинг 68 алоҳида гвардия разведка мотоўқчи ротаси разведкачиси Темир Аҳмедов бу вазифани бошқа разведкачилар билан бирга бажарар экан 26 фашистларни йўқ қилди, 9 таси асир олинди. Унинг ўзи 5 фашистни йўқ қилиб, 1 тасини асир олди[153].

Миллий ҳарбий қисмлар. 1941 йил декабрида Самарқанд вилоятида, Қорадарёда ташкил этилган 90-алоҳида ўқчи бригада Ростов – Сталинград йўналишидаги жангларда иштирок этди. Хусусан, бригада сиёсий бўлимининг 1943 йил 13 январда 3 гвардия армия сиёсий бўлимига жанговар хатти-ҳаракатлар ҳақидаги киритган маълумотида таркибдаги 2 алоҳида ўқчи батальони жангчиларининг кўрсатган қаҳрамонликлари қайд этилган. Батальонга 1943 йил 8 январида Ефремово–Степановка районида жойлашган душман гуруҳини қуршаб олиб йўқ қилиш ва 181,1; 184,4; 134,6 белгили тепаликларни мудофаа этиш вазифаси қўйилади. Батальон командири, катта лейтенант Абдураҳмон Ёқубов ва унинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, капитан Қодир Саримсоқов жангнинг энг масъулиятли жойларида бўлиб, ўз вақтида жанговар ҳаракатланишдаги

[152] Адҳам Раҳмат. Олтин юлдуз кавалерлари. – Тошкент, 1977. – Б. 124.
[153] Темир Аҳмедов – 1921 йил туғилган, 1942 йили Қорасув туманидан сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1779-ҳужжатлар йиғмажилди.

камчиликларни бартараф этишади ва натижада вазифа бажарилади.

Душман ҳужуми пайтида кичик лейтенант Қаҳҳор Юсупов взводга бошчилик қилиб, ҳарбий қисм билан 100–150 метр олдинга силжишга муваффақ бўлган. 2 рота 1 взвод командири ёрдамчиси Абдуҳолиқ Қодиров взвод командири яралганидан кейин ўша заҳоти взводга раҳбарликни қабул қилиб, қўйилган вазифа бажарилишини таъминлайди. Катта сержант Темур Бердиев 1942 йилнинг 20 декабридан 3 ротанинг 2 взводига командирлик қила бошлагач, қисқа муддатда взвод ҳеч қандай йўқотишларсиз 40 тагача гитлерчиларни йўқ қилишга муваффақ бўлди. Катта сержант Тўра Жўраев командирлигидаги взвод билан душман мудофаасини ёриб ўтиб, режалаштирилган ҳужумнинг олдини олди. Оддий аскар Ражаб Расулов 1943 йил 8 январида станокли пулемёти билан 17 гитлерчини йўқ қилган[154].

Урушдан кейин генерал-лейтенант бўлган Собиржон Охунжонов (1919–2012)[155] хотирлашича, 1941 йилда Фарғонада тузилган 94 алоҳида ўқчи бригада 1942 йилнинг 18–20 августларида Фарғонадан фронтга жўнаб кетган. Август–октябрь ойларида мазкур ва 90 алоҳида ўқчи бригада Москва мудофаа зонасида жанговар машқларда бўлган.

94 алоҳида ўқчи бригада Москва яқинидаги Коломна шаҳри ёнидаги дала лагерида жанговар байроқни қабул қилиб олади, кейин бир неча эшелонда Сталинград фронтига жўнаб кетади ҳамда унинг жанговар йўли бошланади. Бу ҳақда С.Охунжонов шундай хотирлайди:

“Кечаси зенит батареясининг ҳимоясида Себряково станицасида вагонлардан тушган бригадамиз 350–400 километрлик масофани босиб ўтиб, Дон қирғоқидаги

[154] РФ МВМА. 1899-фонд, 1-рўйхат, 1-ҳужжатлар йиғмажилди, 5-6-варақлар.
[155] Rajapov E. Sobirjon Oxunjonov. // O‘zbekiston Ikkinchi jahon urushi davrida. Uchinchi kitob-albom. – Toshkent, 2022. – B. 35–40.

Серафимович плацдармида биринчи жангга кирди. Аввал 1 гвардия армия, сўнгра 3 гвардия армия таркибида, 278, 266 ўқчи дивизиялар, 59 гвардия ўқчи дивизия ва бошқа ҳарбий қисмлар билан ҳамкорликда оғир ва шиддатли жангларда қатнашди”[156].

Бригада Сталинград фронтига етиб келганидан кейин биринчи бўлиб 3 пиёдалар батальони ва артиллерия дивизиони 3 батареяси белгиланган ҳудудни фашистлар ҳужумидан мудофаа этиб, жангга киришди. Артиллерия дивизионига урушдан кейин генерал-лейтенант бўлган Файзулла Норхўжаев (1911–1983) бошчилик қилди[157].

Бригада таркибида бўлган Исмоил Тўхтасинов дастлабки жанглар ҳақида хотирлар экан, тиккама-тикка олишувда ўзбек ўқчиларининг қўли баланд келганлигини таъкидлайди: *“Тиккама-тикка қўл жанги бошланди. Айни шу ерда ўзбек ўғлонларининг маҳорати қўл келди. Ҳушёрлик. Чапдастлик. Биқинга тушуриш. Муштлар. Калла қилиш. Оёқлар. Ҳамма-ҳаммаси иш берди... немислар тумтарақай бўлиб қочди... Дастлабки ғалабадан руҳланган ўқчилар душманни қадам-бақадам қувиб, таъқиб этиб бордилар...*

Немислар яна ёпирилиб кела бошлади... Бир неча бор қўл жанги бўлиб ўтди. Ҳар сафар душманлар чекинди. Қайта-қайта янги куч, техника билан ҳамла қилди... Жанг авжига чиқди. Замбараклар гумбурлади. Миналар ёрилди. Ер ларзага келди...” [158].

Капитан Собиржон Охунжонов командирлигидаги 94 алоҳида автоматчилар ротасида 100 жангчи, шулардан 6 таси

---

[156] Охунжонов С. Волга бўйидаги жасорат. / “Тошкент оқшоми” газетаси. – 1993 йил 1 февраль сони.
[157] Ражабов Э. Файзулла Норхўжаев // Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида. Китоб-альбом. – Тошкент, 2021. – Б. 120–121.
[158] Тўхтасинов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент, 1991. – Б. 14–16.

офицер[159], жумладан, уларнинг сафида лейтенант Рўзимат Тошматов[160] ҳам бор эди. Автоматчилар нафақат жангларда иштирок этган, шу билан бирга разведкаларга ҳам борган.

С.Охунжонов ўз хотираларида душманнинг қаттиқ қаршилигини енгишда Маматқул Мустафоев[161], Исмоилжон Тўхтасинов[162] бошлиқ батареялар қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганини, Морозовск темир йўл станциясини ишғол қилишда ҳар бирлари 10–15 тадан фашистларни йўқ қилган Аъзамжон Усмонов, Каримжон Эгамбердиев, Собиржон Эгамбердиев[163], Мадумаржон Сотволдиев, Сафарали Ҳасанов, Қосимжон Аҳмадалиев, Ўроқвой Мамажоновларни қайд этади[164].

Албатта жанглар аёвсиз кечган, эришилаётган ҳар бир каттаю кичик ғалаба ортида ҳалок бўлган юртдошларнинг жасорати бор. Аҳмад Тошбоев ана шундай қаҳрамонлардан бири эди: *“Тенгсиз жанг бошланди. Икки томон тутдай тўкилди. Автоматчилар батальони танк ва самолётлар ёрдамида 9*

---

[159] Охунжонов С. Волга бўйидаги жасорат. / “Тошкент оқшоми” газетаси. – 1993 йил 1 февраль сони.

[160] Рўзимат Тошматов – 1901 йилда туғилган, қўқонлик, 1923–1927 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган, 1941 йилда урушга сафарбар этилган. Ротада 2 взвод командири. – Манба: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси “Шон-шараф” давлат музейида сақланаётган архив ҳужжатлари (кейинги ўринларда – ЎзРМВ ҒБЁМ архив ҳужжатлари): РФ МВМА. 1907-фонд, 2-рўйхат, 3-ҳужжатлар йиғмажилди, 94 алоҳида ўқчи бригадасининг офицерлар таркиби штат-лавозим китоби; У “Сталинград мудофааси учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 84а-шкаф, 27-қути.

[161] Мамат Мустафоев – 1918 йилда туғилган, 1941 йили Олтиариқдан урушга сафарбар этилган, старшина – Манба: ЎзРМВ ҒБЁМ архив ҳужжатлари: РФ МВМА. 1907-фонд, 2-рўйхат, 46-ҳужжатлар йиғмажилди, 94 алоҳида артиллерия дивизиони жангчиларининг номма-ном рўйхати. Унда маълумотлар 35-рақам билан қайд этилган.

[162] Исмоил Тўхтасинов – 1921 йилда туғилган, 1941 йил декабрида Марғилондан урушга сафарбар этилган, наводчик – Манба: ЎзРМВ ҒБЁМ архив ҳужжатлари: РФ МВМА. 1907-фонд, 2-рўйхат, 46-ҳужжатлар йиғмажилди, 94 алоҳида артиллерия дивизиони жангчиларининг номма-ном рўйхати. Унда маълумотлар 240-рақам билан қайд этилган; РФ МВМА. 210-шкаф, 31-қути.

[163] Собир Эгамбердиев – 1921 йилда туғилган, асакалик, “Сталинград мудофааси учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 36а-шкаф, 13-қути.

[164] Охунжонов С. Волга бўйидаги жасорат. / “Тошкент оқшоми” газетаси. – 1993 йил 1 февраль сони.

ротага ҳужум бошлади. Ўқчилар сергак турдилар. Қуршов хавфида ҳандақларидан жилмадилар. Ҳандақ тепасига келиб қолган танкларга ёнилғи тўлдирилган шишалар улоқтирилди. Яқинлашиб қолган душман танкларидан бири командир Хонкелдиев хандағини босди. Гир айланди. Командир, алоқачи, ёрдамчи танк остида қолишди. Буни кўрган Аҳмад Тошбоев замбарагини командир жойлашган жойга қаратди, душман танкига зарба урди. Танк ишдан чиқди. Автоматчилари ичкарига югурди. Буни сезган Тошбоев командирликни ўз зиммасига олди...

Оддий аскар, бўлинма командири Аҳмад Тошбоев замбарагининг овози чиқмай қолди. Одамлари нобуд бўлди. Яраланган Тошбоев ўрмалаб иккинчи замбаракка ўтди. Отди. Отди. Отди. Ёнбошдан келган танк замбаракни босди. Замбарак тилка-пора бўлди. Аҳмад Тошбоев ёнилғи тўлдирилган шиша отиб, душман танкини ёндирди. Шу жангда у қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Артиллериячи ўқчилар орқага қайтмадилар. Етти соат давомида ҳамлани қайтариб турдилар. Осмондан бомба ёғилиши, ўқ ёмғири, танкларнинг босиб келиши, пиёдалар хуружи – ҳеч нарса баҳодир ўқчиларнинг қаршилигини қайтара олмади”[165].

Ўзбекистонликлар шунингдек, *қуршовдаги душман гуруҳлари йўқ қилиниши жангларида ва асир олинишида* ҳам иштирок этди. Жумладан, 1943 йил 10–16–18 январь кунлари Сталинград атрофидаги немис гуруҳларини йўқ қилиш бўйича ҳужум жангларида 67 гвардия ўқчи дивизия 812 гвардия ўқчи полки ўқловчиси Иброҳим Қўшмуродов 120 м/м минбатарея расчёти таркибида жанг қилди. Расчёт томонидан 2 танкка қарши қурол, 1 минбатарея, 3 пулемёт нуқтаси, юк ва пиёдалар билан 3 автомашина, 9 ўт очиш нуқталари яксон қилинди ва душманнинг

[165] Тўхтасинов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент, 1991. – Б. 11–12.

2 пиёдалар ротаси тарқоқ ҳолига келди. У расчёт билан чекланмасдан ўзи автомат билан яна 6 фашист, жумладан, 1 офицерни йўқ қилди. И.Қўшмуродов Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган[166].

Варваровка қишлоғи шимолидаги 97,5 ва 111,6 тепаликларидаги мустаҳкам мудофаасини ёриб ўтишда 38 ўқчи дивизия 29 ўқчи полк штаб бошлиғининг оператив масалалари бўйича ёрдамчиси Ноил Абубакиров фаоллик кўрсатди. У мудофаани ёриб ўтиш бўйича режани ишлаб чиқишда шахсан иштирок этди ва жанг вақтида қўмондонлик топшириқларини бажарди. 11 январь куни ўқчи полк бўлинмалари душман мудофаасига 4 километр ичкаригача киришга муваффақ бўлди. Бироқ душман 111,6 тепалигида кучли гарнизонни қолдириб, полк бўлинмаларини бир-биридан узоқлаштиришга эришди. Шунда Н.Абубакиров қўшни бўлинмалар билан алоқа ўрнатиб, уларга танк ҳужумини уюштириш вазифасини қўяди. Тунда полк бўлинмаларининг муваффақиятли ҳаракатланиши натижасида 111,6 тепалиги деярли йўқотишларсиз забт этилди. Полк томонидан немис артиллерия полки тор-мор этилди, 100 асир, байроқ, 3 рация, 6 қурол, 20 пулемёт, 21 мотоцикл, штаб енгил машинаси ўлжа сифатида олинди. У Қизил Юлдуз ордени, “Сталинград мудофааси учун” медали билан тақдирланди[167].

Абадият тепалигидаги баҳодирлик. Сталинград жангининг сўнгги босқичида Ростов йўналишида ҳам жанглар шиддатли давом этарди. 1943 йил 5 январь куни Морозовск шаҳри озод қилинганидан кейин 112 бошқирд кавалерия дивизияси таркиби сийраклашиб қолади. Шунда дивизия таркиби ўрта осиёлик аскарлар ҳисобидан ҳам тўлдирилиб, мустаҳкамланади.

---

[166] Иброҳим Қўшмуродов – 1918 йилда туғилган, 1941 йил Чирокчи туманидан урушга сафарбар этилган. – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 956-ҳужжатлар йиғмажилди.
[167] Ноил Абубакиров – 1919 йилда туғилган, 1941 йилдан Тошкент шаҳридан чақирилган. – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 412-ҳужжатлар йиғмажилди.

Фашистлар эгаллаган ҳар бир жойни тиш-тирноғи билан ўз қўлида сақлаб қолишга ҳаракат қиларди. Айниқса, Белая Калитва яқинидаги 79,9 белгили тепалик учун жанг аёвсиз кечди. 8-кавалерия корпуси қўмондон ўринбосари, кейинчалик генерал-лейтенант бўлган Григорий Белов қайд этишича, ўша вақтда душман ихтиёридаги 8-сон шахтага ҳужум уюштириш учун аввал 3-сон бис-шахта жойлашган мустаҳкам тепалик эгалланиши керак бўлган. Бу тепаликда шахтанинг тош бинолари душман тарафидан узоқ муддатга мўлжаллаб қурилган ўт очиш нуқталарига – ДОТларга айлантирилган эди. Шунингдек, у ерда кўплаб бошқа муҳандислик қурилмалари ҳам бўлиб, буларнинг бари душманга 8-сон шахтага борувчи йўлларни назорат қилишини таъмин этарди. Бу тепаликни кундуз куни ва кучли артиллерия тайёргарлигисиз эгаллаш имкони йўқ эди. Шу сабабдан, дивизия командири, генерал-майор Минигали Шаймуратов тепаликни тунда забт этишга қарор қилади. Айни тун вақтида тепаликда фашистлар пулемётчиларини навбатчиликка қолдириб, ўзлари землянкаларга кириб кетишарди.

Мазкур 79,9 белгили тепаликни эгаллашга лейтенант Аннақлич Атоев бошчилигидаги взвод тайин этилади[168]. Взвод дивизия таркибидаги 294 кавалерия полкида, аксарияти яқинда келиб қўшилган жангчилар ҳисобидан шакллантирилган бўлиб, уларнинг тенг ярми – ўзбеклар эди.

1943 йил 20 январдан 21 январга ўтар кечаси А.Атоев бошчилигидаги взвод душман ДОТ ва ДЗОТларига яширин ҳолда кириб, гранаталар ёрдамида тепаликка мустаҳкам жойлашишади. Фашистлар хаёлида забт этиб бўлмайдиган тепалик эгалланди. Энди гуруҳга нима бўлганида ҳам тепаликни

[168] Белов Г.А. Путь мужества и славы. / Слава башкирских конников / Авт.-сост. Ф.Н. Вахитов, Н.И. Камалова. – Уфа: Китап, 2005. – С. 57.

ўз қўлида сақлаб қолиш ва бу ердан нафақат танк, қолаверса, биронта немис эмаклаб ўтмаслиги юзасидан қатъий вазифа қўйилади. Жангчилар амалга оширилаётган муҳим жанговар операциянинг муваффақияти уларнинг мардлиги ва қатъиятига боғлиқ эканлигини яхши англар эди.

1943 йилнинг 21 январь куни гитлерчилар бой берилган тепаликни қайтаришга ҳаракат қилди. Аввал душман 4 зирҳли машиналарда автоматчилар ротасини, кейин 2 эсэслар ротаси ва охирида яна қўшимча зирҳли машиналарда автоматчилар гуруҳини ташлади. Кучлар тенг бўлмаган ҳолда шиддатли жанглар бошланиб кетди ва тун ярмигача давом этди. Ҳужум қайтарилди. Бироқ, гуруҳда катта йўқотишлар бўлиб, 30 жангчидан 17 киши қолди.

Эртасига, яъни 22 январь куни яна бир муваффақиятсиз ҳужумдан кейин фашистлар 10 танк билан пиёдалар батальонини киритди. Жангчилар *«Охиригача қаршилик кўрсатамиз. Ўламиз, лекин немисларга эгалланган тепаликни бермаймиз»* – деб аҳд қилишди. Улар аҳдларига содиқ қолиб, тепаликни ташлаб кетишмади. Азиз жонлари эвазига бу ердан бирон немис ўта олмади. Икки кун давомида жангчилар душманнинг 7 ҳужумини қайтарди. Бу вақт оралиғида улар 300 фашистни, 3 танк ва зирҳли машинани йўқ қилишди.

Бу маълумотлар жангчиларнинг тақдирлаш варақаларида қайд этилган[169]. Дивизиянинг жанговар ҳаракатлар журналида эса атоевчиларнинг жасорати 22–24 январь кунлари бўлиб ўтганлиги, унда жами 400 дан ортиқ фашистлар ўлдирилганлиги кўрсатилган[170].

Тунда душман артиллерияси овози тинганида гуруҳга ёрдамга қўшимча куч тепаликка юборилади. Қияликлар

[169] РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 520-ҳужжатлар йиғмажилди.
[170] РФ МВМА. 3552-фонд, 1-рўйхат, 10-ҳужжатлар йиғмажилди.

фашистларнинг мурдалари билан тўла эди. Тепаликдан уч оғир ярадор жангчини топишади. Улардан тошкентлик Юлай Сиддиқов полкдошлари қўлида вафот этади. Бухоролик Сафар Зиёев ва Сумскдан Павел Халеевни (тақдирлаш варақасида Харитон Халуев) госпиталларга олиб кетишади[171]. Госпиталда С.Зиёев дивизия командири М.Шаймуратовга жанг тафсилотларини сўзлаб беради ва вафот этади[172].

Генерал-майор М.Шаймуратов кўрсатган беқиёс жасорати учун ўттиз жангчини Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этади. Бироқ, фақат взвод командири А.Атоев Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони, бошқа 29 жангчи 3 гвардия армияси ҳарбий кенгашининг 1943 йил 11 февралдаги 12/н-сон буйруғига асосан I даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди. Гарчи, бу 30 жангчи 28 панфиловчи қаҳрамонлигини такрорлаган бўлса-да, уларнинг барига панфиловчилар каби Қаҳрамон унвони берилмади...

Қор эриганидан кейин, эрта баҳорда шу ерда яшовчи Александра Михайловна Питяева бошчилигида ҳалок бўлган жангчилар окопга дафн этилади. 1965 йили Белая Калитвага бошқирд дивизияси газетасининг муҳаррири бўлган Ахтам Ихсоновдан жанг бўлган жой ва ҳалок бўлган жангчиларнинг номлари қайд этилган мактуб келади. Шундан сўнг, ҳалок бўлганларнинг қабрлари қидирилганида 20 йилдан ошиқ вақт мобайнида А.Питяева қараётган қабрлар эканлиги маълум бўлади. Шу йили аскарларнинг жасад қолдиқлари ҳалок бўлган жангчилар майдонига қайтадан дафн этилади.

Жанг бўлган жой – ўша вақтда Белокалитва металлургия заводи ҳудудида атоевчи жангчилар шарафига ёдгорлик ўрнатилади. Ёдгорликнинг тантанали очилиши 1967 йил 19

---

[171] Малородов Б.Я., Шаяхметов Н.Ш. Несокрушимая и легендарная 112-я… Документально-публицистическое издание. – Уфа: Восточная печать, 2014. – С. 157.
[172] Насыров А.Х. Подвиг генерала. – Уфа: Китап, 2006. – С. 29.

январида бўлиб ўтади. Шу муносабат билан атоевчи жангчилардан манзиллари маълум бўлганларга, яқинларини ёдгорлик очилишига таклиф этиш юзасидан хатлар юборилади. Шунда тепаликдан госпиталга оғир аҳволда олиб кетилган Павел Халеев омон қолганлиги маълум бўлади ҳамда у ёдгорлик очилишида иштирок этади. Кейинчалик П.Халеевга I даражали Ватан уруши ордени топширилади.

Шу вақтдан 79,9 белгили тепалик халқ орасида шонли қаҳрамонлар шарафига “Абадият тепалиги” деб юритила бошланди.

Қайд этилганидек, атоевчиларнинг номлари архивдан тақдирлаш варақалари топилишига қадар мақолаларда турлича берилган. Г.Белов маълумотига кўра атоевчилар сафида серқуёш Ўзбекистон фарзандларидан Амир Баджинов, Раҳим Биджаев, тошкентлик Исмоил Азаматов (кейинчалик Аъзамов эканлиги маълум бўлади), Маҳмуд Каримов, Давлат Тўлаганов, Юлай Сидиқов, самарқандлик Раҳмат Азимов, фарғоналик Малик Отахонов, Бухоронинг Ғиждувонидан Сафар Зиёев, Бухоро вилоятидан Икром Йўлдошев, қорақалпоқ Акром Абраҳмоновлар бор эди[173].

Уруш қатнашчиси, ёзувчи Адҳам Раҳмат атоевчилар ҳақида 1974 йили эълон қилган материалида ўзбекистонлик жангчилар номларини қуйидагича қайд этган: Исмоил Азимов, Акром Абдураҳмонов, Раҳмат Азимов, Малик Отахонов, Амир Мажидов, Қобил Боймуродов, Раҳим Тожиев, Сафар Зиёев, Мурод Илҳомов, Баҳром Эшқобилов, Маҳмуд Каримов, Исломхорис Қосимов, Комил Файзиев, Давлат Тўлаганов, Акром Йўлдошев[174].

---

[173] Белов Г.А. Путь мужества и славы. / Слава башкирских конников / Авт.-сост. Ф.Н. Вахитов, Н.И. Камалова. – Уфа: Китап, 2005. – 276 с. – С. 58.

[174] Адхам Рахмат. На Безымянной высоте. / газета «Правда Востока», 16 июня 1974 года.

Ҳозирга қадар атоевчиларнинг номларига аниқлик киритиш масаласи мавжуд. Аввало, 3 гвардия армия ҳарбий кенгаши буйруғида ҳамда дивизиянинг «Қизил отлиқлар» газетасида эълон қилинган рўйхатда қайд этилган исм-фамилияларнинг айримларида хатоликлар бор. Буни тадқиқотчилар рўйхат жангчиларнинг ҳужжатлари билан солиштирмасдан шошилинч тайёрланганлиги билан изоҳлайди[175]. Қолаверса, атоевчиларнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилган тақдирлаш варақалари собиқ СССР Мудофаа вазирлигининг марказий архивида 1981 йил апрелидагина топилади[176].

Демакки, атоевчилар ҳақида маълумотлар тўлиқ эмаслиги, хусусан, манзиллари номаълумлиги туфайли улар ҳақида изланишлар олиб бориш бўйича ишлар силжимаган кўринади. Шу сабабданми, кейинчалик, бу жасорат ўзбекистонлик олимлар ва мутахассислар эътиборидан четда қолди.

Тақдирлаш варақаларига кўра 112 кавалерия дивизияси 294 кавалерия полки 1 эскадронидаги ўзбекистонлик атоевчилар қуйидагилардир:

1. Акром Абдураҳмонов (ҳужжатда – Абдрахманов Акрам), 1921 йилда туғилган, қорақалпоқ, Қорақалпоғистоннинг Хўжайли туманидан (ҳужжатда Хаджинский) чақирилган. Манзили (ҳужжатга кўра): Ходжентский р-н, д. Шестая.

2. Исмоил Аъзамов (ҳужжатда Агзамов Исмаил), 1912 йилда туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳрининг Киров туманидан чақирилган. Манзили: Тошкент шаҳри, Шахтинский тор кўчаси, 37 уй.

---

[175] Ахмадиев Т.Х. Башкирская гвардейская кавалерийская. – Уфа: Китап, 1999. – С. 121.

[176] Ахмадиев Т.Х. Башкирская гвардейская кавалерийская. – Уфа: Китап, 1999. – С. 122.

3. Раҳмат Азимов (ҳужжатда Азимов Рахмет), 1921 йилда туғилган, ўзбек, Самарқанд туманидан чақирилган. Манзили: Самарқанд шаҳри, Авиа-Улан кўчаси, 66 уй.

4. Малик Отахонов (ҳужжатда Атаханов Малик), 1923 йилда туғилган, ўзбек. Манзили Фарғона вилоятида.

5. Амир Баджигов (Адҳам Раҳмат мақоласида Амир Мажидов деб қайд этган), 1922 йилда туғилган, ўзбек, ҳужжат бўйича Тайлузск туманидан чақирилган. Манзили: Ўзбекистон, Тайлузовск тумани, Кара-Юрсанский қишлоқ кенгаши.

6. Раҳим Биджаев (ҳужжатда Биджаев Рахим, Адҳам Раҳмат мақоласида Раҳим Тожиев деб қайд этган), 1922 йилда туғилган, ўзбек, ҳужжат бўйича Ўзбекистоннинг Тайлузовск туманидан чақирилган. Манзили: Ўзбекистон, Тайлурзакская вилояти, Тайлузовск тумани, Караларский қишлоқ кенгаши.

Амир Баджигов ва Раҳим Биджаев Ўзбекистоннинг Тошлоқ ёки Тойлоқ тумани ҳудудидан, бунга аниқлик киритиш бўйича изланишлар давом эттирилмоқда.

7. Сафар Зиёев (ҳужжатда Зияев Сафар), 1915 йилда туғилган, ўзбек, Бухоро шаҳридан чақирилган. Манзили: Ғиждувон шаҳри, Тожикистон кўчаси.

8. Мурод Илҳомов (ҳужжатда Ильхамов Мурат), 1922 йилда туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳри Киров туманидан чақирилган. Манзили: Тошкент вилояти, Киров тумани, Куйбишев номли колхоз.

Бедарак йўқолганлиги ҳақидаги ҳужжат бўйича манзили: Тошкент вилояти, Калинин тумани, Куйбишев номли колхоз, Сталин қишлоқ кенгаши[177].

9. Икром Йўлдошев (ҳужжатда Юлдашев Икрам), 1912 йилда туғилган, ўзбек, Шофиркон туманидан чақирилган. Манзили: Шофиркон тумани, Денов қишлоғи.

[177] РФ МВМА. 58-фонд, 977525-рўйхат, 81-ҳужжатлар йиғмажилди.

10. Маҳмуд Каримов (ҳужжатда Каримов Махмут), 1921 йилда туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳридан чақирилган. Манзили: Тошкент шаҳри, Литейная кўчаси, 3 уй.

11. Комил Пайжаев (ҳужжатда Пайжаев Камил, Адҳам Раҳмат мақоласида Комил Файзиев деб қайд этган), 1920 йилда туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳри Сталин туманидан чақирилган. Манзили: Тошкент шаҳри, Сталин тумани, 152-сон база.

12. Юлай Сиддиқов (ҳужжатда Сиддиков Юлай), 1922 йилда туғилган, ўзбек, Орджиникидзе туманидан чақирилган. Манзили: Тошкент вилояти, Орджиникидзе тумани, Киров қишлоқ кенгаши.

13. Давлат Тўлаганов (ҳужжатда Тулаганов Давлей), 1913 йилда туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳри Фрунзе туманидан чақирилган. Манзили: Тошкент шаҳри, Набережная кўчаси, 12 уй.

14. Ибельхарис Қосимов (ҳужжатда Касымов Ибельхарис), 1908 йилда туғилган, ўзбек, ҳужжат бўйича Косон туманидан чақирилган. Бўлинма командири. Манзили: Косон тумани Майманак қишлоқ кенгаши.

15. Ирик Ҳасанов (ҳужжатда Хасанов Ирик), 1911 йилда туғилган, ўзбек, Зомин туманидан чақирилган. Манзили: Зомин тумани, Пешағор қишлоқ кенгаши (ҳужжатда Пшегорский).

Шунингдек, 3 гвардия армия ҳарбий кенгаши буйруғи билан I даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланганлар орасида Баҳром Эшқобилов (буйруқда Ишкабылов Бахран) ҳам бор. Аммо, ҳозирга қадар унинг тақдирлаш варақаси архивдан топилмаган. Шу сабабдан жангчининг қаердан эканлиги номаълумлигича қолмоқда.

Адҳам Раҳмат мақоласида тилга олинган Қобил Боймуродов (ҳужжат бўйича Баймуратов Килуб) ҳам ўзбек бўлиб, у Тожикистонда яшаган ҳамда ўша ердан урушга сафарбар этилган

(1911 йил туғилган, манзили: Кўктам тумани, “Париж коммунаси” колхози).

Тақдирлаш варақаларидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, уруш шароитида кўплаб ўрта осиёлик жангчиларнинг исмларини ҳарбий қисмда кўпчилик талаффуз қилишига қулай бўлган номлар билан аташган ёки қисқартма кўринишида чақиришган. Бу эса, кейинчалик ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Шу маънода Юлай, Ибельхарис, Ирик номлари ортида жангчиларнинг асл исмлари номаълумлигича қолмоқда.

Бу, ҳужжатлар шошилинч тарзда, аскарларнинг шахсий маълумотлари билан солиштирмасдан тайёрланганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Қолаверса, Баджигов, Биджаев, Пайжаев каби фамилияларнинг бузилган ҳолда қайд этилганлиги ҳам ноаниқликларни аён этади. Бу эса, жангчиларнинг яқинлари ўз жигарларини ҳалок бўлганларини билмасликка сабаб бўлган. Бунга биргина Мурод Илҳомов ҳанузгача бедарак йўқолган, деб ҳисобланиши далил бўла олади.

Албатта, ушбу жангчилар бўйича маълумотларга аниқлик киритиш юзасидан изланишлар давом эттирилиши керак. Шу билан бирга таъкид этиш керакки, ҳозирда Абадият тепалиги деб ном олган 79,9 белгили тепаликдаги қаҳрамонликда ўзбекистонликларнинг ҳиссаси катта бўлган. Уларнинг номларини тиклаб, абадийлаштириш – тинч заминда яшаётган авлодларнинг муқаддас бурчидир.

Яна бир мулоҳаза. Ҳаёт қолган П.Халеевдан бошқа биронта жангчининг яқинларига беқиёс жасорати учун тақдирланган орден топширилмаган кўринади. Ҳатто, Аннақлич Атоевнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони ва янгитдан тайёрланган Ленин ордени фарзандига 2020 йилда тақдим этилди. Шу маънода Абадият тепалигининг ўзбек баҳодирларига тегишли I даражали Ватан уруши орденлари Ўзбекистон Республикаси

Мудофаа вазирлиги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейига топширилиши ҳамда алоҳида экспозиция ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Зеро, бу баҳодирлар шонли ва суронли уруш йилларида жасорат, матонат ва инсонийликнинг юксак намунасини кўрсатган Ўзбекистон халқининг фарзандларидир.

Сталинград йўналишида 22 январь куни бошқа юртдошлар ҳам кўплаб жасорат намуналарини кўрсатишди. Жумладан, 155,6 тепалиги учун жангларда 277 ўқчи дивизия 354 ўқчи полки ўқчи рота командири Луқмон Бақоев ҳужум бошлайди ва гитлерчилар кутилмаган зарбадан гангиб қолади. Вақтдан фойдаланган жангчилар душманнинг олд хандақини эгаллаб, ичкарига ёриб киришади. Рота томонидан уч станокли пулемёт ва душманнинг 100 га яқин аскари ва офицерлари йўқ қилинади. Ушбу жасорати учун кичик лейтенант Л.Бақоев Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган[178].

22 январь куни Алексеевка қишлоғи чизиғини мустаҳкамлашда 762-қирувчи танкка қарши артиллерия полки 4-батарея қурол командири Шоакбар Азизов душманнинг 10 олов нуқтаси ҳамда 200 га яқин аскар ва офицерларини йўқ қилди. У Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган[179].

24 январдан 25 январга ўтар кечаси разведкачи Темир Аҳмедов хизмат қилаётган ротага Котлубандан Гумракка борувчи йўлни эгаллаш вазифаси қўйилади. Сабаби, бу йўлдан душман чекиниш эҳтимоли катта эди. Рота бу вазифани ҳал этиб, 40 фашистни йўқ қилди, яна 15 фашистни асир олди. Жумладан, Т.Аҳмедов 4 тасини йўқ қилиб, 1 тасини асир олган эди. У

---

[178] Луқмон Бақоев – 1918 йилда туғилган, Самарқанд туманидан – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1843-ҳужжатлар йиғмажилди; Салахутдинов Ф. Самаркандская партийная организация в годы Великой Отечественной войны (июнь 1941 г. – май 1945 г.) – Самарканд, 1961. – С. 164–165.

[179] Шоакбар Азизов – 1910 йилда туғилган, 1942 йил Тошкент шаҳридан чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 807-ҳужжатлар йиғмажилди.

кўрсатган мардлиги сабабли “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланди[180].

26 январда Сталинград шаҳридаги “Қизил Октябрь” заводи атрофида бўлган жангда 52 гвардия ўқчи дивизияси 151 гвардия ўқчи полк гвардия батальони ўқчиси Тожибой Юсупов бир қўлида автомат иккинчисида граната билан ротани олдинга силжишга халақит бераётган 11 фашистни асир тушишига мажбур қилди. Ўзи ярадор бўлса-да жангни давом эттирди, взвод командирининг иккинчи бор берган буйруғидан кейингина Т.Юсупов санитария қисмига борди. У Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган[181].

1-сонли совхоз учун жангларда эса кичик сержант Сафарбой Рўзметов биринчилар қатори фашист окопларини ёриб кирди ва душман танкидаги қўл пулемётини эгаллади. У ерда сержант 2 кун давомида ўтириб, ўз ротасини пана қилди ва фашистларга ҳужумга ўтишга имкон бермади. 214 ўқчи дивизия 788 ўқчи полки 7 ўқчи рота бўлинмаси командири С.Рўзметовнинг ўзи автомати билан 12 фашистни йўқ қилди.

Большая Россошка учун бўлган жангларда эса, у ўз бўлинмаси билан душман ДЗОТига ҳужум уюштирди ва станокли пулемётни яксон қилди, 6 немис аскари ва 1 ефрейторини асир олди.

1 февралда Мокрая Мечётка сойи учун бўлган жангларда ўз взводи билан ҳужум уюштириб, қулай ҳудудни эгаллади ҳамда душманнинг 3 пулемёт нуқтаси, 2 миномёти, 8 аскари ва 1 офицери йўқ қилинди. У “Жасурлиги учун” медали ҳамда Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган [182].

---

[180] РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1779-ҳужжатлар йиғмажилди.

[181] Тожибой Юсупов – 1917 йилда туғилган, 1939 йили Учқўрғон туманидан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1122-ҳужжатлар йиғмажилди.

[182] Сафарбой Рўзметов – 1912 йили туғилган, 1942 йил 20 июнида Хоразмнинг Шовот туманидан чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1830-ҳужжатлар

15 гвардия ўқчи дивизия 50 гвардия ўқчи полки 3 ўқчи батальони пулемёт ротаси бўлинма командири, гвардия сержанти Ҳамро Очилов 1941 йилнинг сентябридан бошлаб 1943 йил августига қадар ўзининг станокли пулемётидан 1250 фашист аскарлари ва офицерларини йўқ қилган, Сталинград областидаги Вороново станцияси, Алексеева, Песчаний карьер қишлоқлари атрофида бўлган душманнинг 15 ўт очиш нуқталарини яксон этган. У Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган[183].

Қуршовдаги душман гуруҳлари йўқ қилинишида 93 алоҳида ўқчи бригадаси алоҳида разведкачилар ротаси 1 взвод разведкачиси Ёқуб Бурҳонов[184], 87 ўқчи дивизияси 357 алоҳида сапёр батальони сапёри Луқмон Низомов[185], 15 гвардия ўқчи дивизия 44 гвардия ўқчи полки 2 миномёт ротаси миномётчиси Умар Исроилов[186], шунингдек, 173 ўқчи дивизия (ушбу жанг натижаларига кўра 1943 йил февралида дивизия 77 гвардия ўқчи дивизия сифатида ташкил топди) таркибида Камол Худойберганов, Ортиқ Омонов[187] ва бошқа ўзбекистонликлар ҳам жасорат намуналарини кўрсатишди. Хусусан, пулемётчи Ортиқ Омонов жанглардан бирида душманни ўзига яқин келишига имкон беради, сўнгра пулемёт ўти билан уларни йўқ қилади. Шу тариқа у фашистларнинг икки ҳужумини қайтаради.

йиғмажилди; шу фонд, 686044-рўйхат, 1305-ҳужжатлар йиғмажилди; Қаранг: Боевой путь войск Туркестанского военного округа. – М., 1959. – С. 221.

[183] Ҳамро Очилов – 1919 йилда туғилган, 1939 йили Карманадан ҳарбий хизматга чақирилган, сўнгра урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 29-ҳужжатлар йиғмажилди.

[184] Ёқуб Бурҳонов – 1918 йили туғилган, 1942 йили Тошкент шаҳридан урушга сафарбар этилган. У Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат,818-ҳужжатлар йиғмажилди.

[185] Луқмон Низомов – 1913 йилда туғилган, 1942 йили Ғиждувон туманидан чақирилган. У “Жасурлиги учун”, “Сталинград мудофааси учун” медаллари билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 349-ҳужжатлар йиғмажилди.

[186] Умар Исроилов – 1918 йилда туғилган, Ўрта Чирчиқ туманидан чақирилган. “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1191-ҳужжатлар йиғмажилди.

[187] Джураев Т. В боях за Советскую Родину (Боевые подвиги воинов-узбекистанцев на фронтах Великой Отечественной войны). – Ташкент, 1970. – С. 95.

Бироқ, гитлерчилар О.Омоновни ҳар тарафдан қуршаб олишга ҳаракат қилади. У яралганига қарамасдан жангни давом эттиради. О.Омоновни фашист ўқи йиқитганидан кейингина пулемёт ўт очишдан тўхтайди[188]...

Қуршовдаги душман гуруҳлари йўқ қилиниши бўйича "Ҳалқа" операциясида 94 алоҳида ўқчи бригада ҳам иштирок этди. Жангнинг мазкур якуний босқичида бригада жасорат намуналари билан бирга катта талофат кўрди. Хусусан, И.Тўхтасинов хотираларида бу қуйидагича баён этилган: *"94 бригада 266 дивизия ҳамкорлигида темир йўл ёқалаб, шарққа – Волга дарёсига қараб душманни қувиб борди... Душман талвасада қолиб, қилган ҳужум ҳаракатини қайтаришда комбат Ҳусниддин Хонкелдиев[189] моҳирлик билан жангни бошқарди... Беш танк, уч ўт очиш нуқтаси яксон қилинди. Юздан ортиқ автоматчилар ўлдирилди. Қўрқмас старшина Облоёр Қосимов[190] сафдан чиққан пулемётчи ўрнини эгаллади. Ёпирилиб келаётган немис пиёдаларини тинимсиз ўққа тутди, қайтарди. Хонкелдиев ўқчиларига ҳужум йўлини очиб берди. Қосимов жасурлиги учун Қизил Юлдуз ордени кавалери бўлди. Ўқчилар... қон кечиб, Волга қирғоғига етдилар...*

Иккинчи батальон йиғма бўлинмаси мардона жанг қилди. Бўлинма биринчи бўлиб аҳоли пунктига кирди... Сафдан чиққан

---

[188] Ўша жойда.

[189] Лейтенант Ҳусниддин Хонкелдиев – 1919 йилда туғилган, 1941 йилдан Тошкент шаҳридан урушга сафарбар этилган, 97 алоҳида ўқчи бригада таркибида бўлган – РФ МВМА. 219-шкаф, 5-кути.
Кейин бу бригада таркибига 1942 йили ўтказилганлик эҳтимоли бор – Муаллифлар.

[190] Облоёр Қосимов – 1916 йилда туғилган, 1938 йили Марғилондан ҳарбий хизматга чақирилган, кейинчалик кичик лейтенант – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 3801-ҳужжатлар йиғмажилди; 3 батарея старшинаси, алоқа бўлинмаси командири – Манба: ЎзРМВ ҒБЁМ архив ҳужжатлари: РФ МВМА. 1907-фонд, 2-рўйхат, 46-ҳужжатлар йиғмажилди, 94 алоҳида артиллерия дивизиони жангчиларининг номма-ном рўйхати. Унда маълумотлар 196-рақам билан қайд этилган.

комбат ўрнини Ҳорун Эрматов[191] эгаллади. Замбаракчилар душман ўт очиш нуқталари, ҳандақларини вайрон этиб, ўқчиларни ҳимоя қилдилар. Учта енгил танк, бешта машина, саккиз замбарак, тўртта миномёт, ўн пулемётни қўлга туширдилар, мустаҳкамланган ўн уч ҳандақни эгалладилар, уч юздан ортиқроқ немисни қириб ташладилар. 50 тасини асир олдилар...

Ғарбдан ҳамла қилаётган 21 армия шаҳар учун жанг олиб борган 62 армия билан Мамаев қўрғонида учрашдилар. Қамалдаги душман қўшинлари иккига бўлинди... Қўмондонлик жанговар қисмлар қаторида 94 ўқчилар бригадасига раҳматнома эълон қилди. Биринчи раҳматнома ва хушхабар ўқчиларни янги ғалабаларга илҳомлантирди...

Шаҳарга қараб бораётган 94 ўқчи – ўзбеклар бригадаси бир ҳамла билан катта қишлоқ – Ильинни озод қилдилар. Лекин бригада немис гарнизони уюштирган қаршиликка дуч келиб қолди. Роталарда, батальонларда, батареяларда одам қолмади. Тўлдириш имкони бўлмади. Комбриг И.А.Краснов[192] аянчли аҳвол ҳақида армия қўмондонлигига хабар қилди. Қўмондонлик 266 дивизиядан инженер-сапёрлар ротасини 94 бригадага юборди. Шу рота ёрдамида бригада ўқчилари қўшни қишлоқдаги ҳандақларда, пистирмаларда беркиниб, жанг қилаётган уч юздан ортиқ душман офицер ва солдатларини ҳайдаб чиқардилар.

Шаҳар учун бўлган жанглар қон-жон эвазига совет қўшинлари фойдасига ҳал бўлди... Кўплар қаторида 94 бригада

---

[191] Ҳорун Эрматов – 1907 йилда туғилган, тошлоқлик, лейтенант, 1942 йили “Сталинград мудофааси учун”, “Жанговар хизматлари учун” медаллари билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 417-ҳужжатлар йиғмажилди; Мукофотлар картотекаси, 35а-шкаф, 9-қути.

[192] 94 алоҳида ўқчилар бригадасига 1941 йил 8 декабридан Игнатий Краснов (1898–1944) командир этиб тайинланган. 1943 йили бригада тарқатилгандан кейин полковник И.Краснов 18 ўқчи корпусга қўмондон ўринбосари этиб тайинланган. 1944 йил унга генерал-майор ҳарбий унвони берилган.

ўқчилари раҳматномага сазовор бўлди... Кўплар тақдирланди. Тирик қолганларга “Сталинград мудофааси учун” медали берилди...

Ҳолдан тойган, бутунлай сийраклашган 94 ўзбек ўқчи бригадасига нафасни ростлаб олиш учун дам берилди. Ўзини ростлаб олиш муддати уч кунгина давом этди. Март ойининг ўрталарида Михайловка қишлоғида бригада 266 ўқчилар дивизиясига қўшиб юборилди” [193].

Айнан Михайловский ва Михайловка учун жангларда 94 алоҳида ўқчи бригада пулемёт ротаси пулемёт расчёти командири Мирза Раҳимов ҳам жасорат кўрсатиб, ўз расчёти билан икки бор душман автоматчилари ҳужумини қайтарди. Унинг ўзи немис снайперини йўқ қилди. М.Раҳимов “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган[194].

И.Тўхтасинов ўз хотираларида бир сафда жанг қилган бошқа юртдошларнинг номларини ҳам қайд этган. Бригадада бир олишувнинг ўзида бир қанча босқинчиларни қириб ташлаган ва 20 тасини қуролсизлантириб, ўз қисмига ҳайдаб келган Карим Эгамбердиев[195], икки танк ва автоматчиларни йўқ қилган Худойназар Тўхтаназаров[196], ўт очиш нуқтасини фрицлар билан яксон этган ва ярадор бўлишига қарамай жангда қолиб ўт очган

---

[193] Тўхтасинов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент, 1991. – Б. 36–40.

[194] Мирза Раҳимов – 1922 йилда туғилган, 1941 йил Олтиариқдан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 579-ҳужжатлар йиғмажилди.

[195] Тўхтасинов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент, 1991. – Б. 38.; Каримберди Эгамбердиев – 1906 йилда туғилган, 1941 йили Асакадан урушга сафарбар этилган – Манба: ЎзРМВ ҒБЁМ архив ҳужжатлари: РФ МВМА. 1907-фонд, 2-рўйхат, 35-ҳужжатлар йиғмажилди, 94 алоҳида ўқчи бригадаси 4 алоҳида ўқчи батальони оддий аскар ва сержантлар таркиби ҳисобини юритиш китоби. Унда маълумотлар 153-рақам билан қайд этилган.

[196] Тўхтасинов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент, 1991. – Б. 9.; Худойназар Тўхтаназаров – 1906 йилда туғилган, 1941 йили декабрида Марғилондан урушга сафарбар этилган, яшаш жойи Намуна жамоа хўжалиги бўлган – Манба: ЎзРМВ ҒБЁМ архив ҳужжатлари: РФ МВМА. 1907-фонд, 2-рўйхат, 46-ҳужжатлар йиғмажилди, 94 алоҳида артиллерия дивизиони жангчиларининг номма-ном рўйхати. Унда маълумотлар 259-рақам билан қайд этилган.

Саид Абдуллаев[197], оз сонли бўлинма билан душман ортига ўтиб, кўп сонли фашистларни таслим этган Мустақим Акбаров[198], бинодан ҳужумга ўтган фашистларга граната отиб, ичкарисига кириб олиб уларни йўқ қилган Усмон Ғиёсов[199], немис унтер-офицерини асирга олиб, аравасига боғлаб келган ошпаз жангчи Тўлан Тоиров[200] каби мард жангчилар бор эди.

Шундай қилиб, душман мудофаасини ёриб ўтиб, фельдмаршал Паулюс бошчилигидаги немис-фашист қўшинининг Сталинград гуруҳини асирга олиш ва йўқ қилишда иштирок этган 94 алоҳида ўқчи бригада 1943 йил баҳорида 266 Артемовск-Берлин дивизиясига қўшилди. Бу дивизия жангчилари Силезия ратушасига байроқ тикдилар, Рейхстагни олишда қатнашдилар[201].

Жанг майдонларида ва дала госпиталларида ярадорларга ёрдам кўрсатиб, уларнинг ҳаётини сақлаб қолишда ўзбекистонлик шифокорлар, тиббиёт ходимларининг ҳам ўрни катта бўлган. Жумладан, 1942 йил апрелидан Ҳаракатдаги Армияда, июнь ойидан 51 сонли фаолияти кучайтирилган алоҳида тиббиёт ротасида шифокор бўлиб хизмат қилган

---

[197] Тўхтасинов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент, 1991. – Б. 21–22.; Саиджон Абдуллаев – 1916 йилда туғилган, Фарғона шаҳридан, оддий аскар. 1942 йил 11 декабрь – 1943 йил 20 январь оралиғида бўлган жанглардан бирида бедарак йўқолган – РФ МВМА. 58-фонд, 18001-рўйхат, 1374-ҳужжатлар йиғмажилди.

[198] Тўхтасинов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент, 1991. – Б. 39.; Мустақим Акбаров – 1916 йилда туғилган, 1941 йил декабрида Тошкент шаҳридан урушга сафарбар этилган, лейтенант, “Сталинград мудофааси учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 3-шкаф, 18-қути; 33-фонд, 44677-рўйхат, 377-ҳужжатлар йиғмажилди.

[199] Усмонали Ғиёсов – 1921 йилда туғилган, 1941 йили октябрида Фарғонадан урушга сафарбар этилган, алоҳида разведкачилар ротаси бўлинма командири, сержант – Манба: ЎзРМВ ҒБЁМ архив ҳужжатлари; РФ МВМА. 1907-фонд, 2-рўйхат, 48-ҳужжатлар йиғмажилди, 94-алоҳида ўқчи бригадаси алоҳида разведкачилар ротаси жангчиларининг номма-ном рўйхати. Унда маълумотлар 8-рақам билан қайд этилган.

[200] Тўлан Тоировга бошқа сафар ёнбошидан 20 чоғли немис ҳужум қилади. Шунда у аравадан тушиб, отларни олдинги маррага ҳайдаб юборади-да, ўз босқинчиларга қарши ўт очади. Мана шу тенгсиз жангда Тўлан Тоиров қаҳрамонларча ҳалок бўлди – Қаранг: Тўхтасинов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент, 1991. – Б. 35–36.

[201] Тўхтасинов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент, 1991. – Б. 4.

Пўлатой Қодирова кўп ярадорларга жарроҳ сифатида ёрдам берган[202]. У “Жанговар хизматлари учун”, “Сталинград мудофааси учун” медаллари билан тақдирланган. П.Қодирова Сталинградга ҳарбий қисм билан кирган биринчи ўзбек аёли, деб қайд этилган[203].

17–21 июль кунлари шифокор Искандар Самандаров ярадорларнинг катта оқими шароитида 495 киши яраларини боғлади. 19 июль куни Дробишево қишлоғига душман ҳаво кучлари ҳужуми пайтида яраларни боғлайдиган жой атрофи бомбардимон қилинади. Лекин у хавфга қарамай ишни давом эттириб, ярадорларга ёрдам беради. И.Самандаров “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланган[204].

13 сентябрда жанг кетаётган вақтда Алламберген Туримбетов эвакуация қилинган ярадорларга ғамхўрлик қилиб, тиббий ёрдам кўрсатди. Унинг ўзи 18 сентябрь куни 8 кишини, 21 сентябрда 7 ярадорни, 26 сентябрда 6 жангчини, 27 сентябрда ярадор полк командирини, 10 октябрда 10 кишини жанг майдонидан эвакуация қилди. 30 сентябрда ўзи ҳам ярадор бўлди.

1942 йил 26 октябрдан то 1943 йил январь ойига қадар бўлган муддатда шифокор Нуриддин Шарафуддинов бошчилигида ҳарбий қисмларнинг санитария хизмати иши тўғри ташкил этилди. Натижада, тиббиёт санитария батальони мингдан ортиқ ярадорларга хизмат қилишига, ҳатто, энг оғир операциялар амалга оширилишига муваффақ бўлди. Бунга олд қатордаги ярадорларга малакали ёрдам кўрсатиш учун ўз вақтида

---

[202] Пўлатой Қодирова – 1920 йили туғилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 807-ҳужжатлар йиғмажилди.

[203] Тўлаганова М. Ўзбекистон хотин-қизлари Улуғ Ватан уруши йилларида. – Тошкент, 1974. – Б. 3.

[204] Искандар Самандаров – 1915 йилда туғилган, 1942 йил июлида Тошкентдан чақирилган, август ойидан 8 гвардия армия 38 ўқчи корпус 50 ўқчи дивизия 10 тиббиёт-санитария батальони операция-боғлов взводи шифокори – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1321-ҳужжатлар йиғмажилди.

батальоннинг тезкор гуруҳини ўнг қирғоққа ўтказиш орқали эришилди. Ярадорларга ўнг қирғоқда батальон қошида 150 кишига, полкларда 50–60 кишига мўлжалланган иссиқ тутадиган блиндажлар бўлиши йўлга қўйилди, 35 санитария ходимлари тайёрланди. Бу ишларни барида шахсан Н.Шарафуддиновнинг ўзи иштирок этган. А.Туримбетов[205] ва Н.Шарафуддинов[206] Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган.

Шунингдек, 36 гвардия ўқчи дивизия 106 гвардия ўқчи полкининг санитария ротаси кичик шифокори Муслим Алиев[207], 29 ўқчи дивизия 128 ўқчи полки санитария взводи ходими Маҳмуд Ботирбеков[208] ва бошқа тиббиёт ходимлари номларини келтириш мумкин. Сталинград фронти дала госпиталларининг бирида кейинчалик халқаро “Флоренс Найтингейль” медалига сазовор бўлган Рихсихон Мўминова (1921–2000) ҳам ҳамшира бўлиб, фронтнинг олд маррасида ярадор жангчиларга ёрдам кўрсатди[209].

Сталинград учун жангларда Нарзи Ражабов (1924–1944), Очил Қодиров (1910–1945), Облоқул Узоқов (1922–1955), Ботир

---

[205] Алламберген Туримбетов – 1921 йили туғилган, 1942 йил августида Чимбой туманидан сафарбар этилган, 391 қирувчи танкка қарши артиллерия полки фельдшери – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 186-ҳужжатлар йиғмажилди; Панабергенов А. Советская Каракалпакия в годы Великой Отечественной войны. – Нукус, 1980. – С. 65.

[206] Нуриддин Шарафуддинов – 1910 йилда туғилган, 1930 йилдан Қизил Армия сафида хизмат қилган, 1941 йил августидан урушга қатнашган. У 1942 йил августидан Дон фронти таркибидаги 45 ўқчи дивизиянинг шифокори бўлган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 189-ҳужжатлар йиғмажилди.

[207] Муслим Алиев – 1918 йилда туғилган, 1941 йили Тошкент тиббиёт институтини тамомлагач ноябрь ойида урушга сафарбар этилган. Тиббиёт хизмати капитани М.Алиев “Жанговар хизматлари учун”, “Сталинград мудофааси учун” медаллари ва Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 222-ҳужжатлар йиғмажилди; шу фонд, 686044-рўйхат, 829-ҳужжатлар йиғмажилди; Пулатов И. Из истории участия народов Средней Азии в Великой Отечественной войне. – Ташкент, 1966. – С. 162–163.

[208] Маҳмуд Ботирбеков – 1920 йилда туғилган, 1942 йили Жиззахдан чақирилган. У Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 2034-ҳужжатлар йиғмажилди.

[209] Холбоева З. Рихсихон Мўминова // Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида. Китоб-альбом. – Тошкент, 2021. – Б. 178–181.

Бобоев (1914–1984), Элбой Қорабоев (1917–1989), Ҳаллоқ Аминов (1915–1993), Боис Эргашев (1921–2000), Абдулла Қурбонов (1925–2004) ва бошқа Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари иштирок этган. Учала даражадаги Слава ордени билан тақдирланган Мўмин Каримов (1920–1978), Ҳурмат Ҳусаинов (1920–2002) ва бошқа ўзбекистонликлар ҳам Волга бўйида бўлган жангларда қатнашган.

3-§. Кавказни озод қилиш жангларида

Кавказни озод қилиш бўйича ҳужум операциялари тўққиз ойдан кўпроқ вақт давом этди. 1943 йилнинг 1 январидан 4 февралигача давом этган *Шимолий-Кавказ стратегик ҳужум операциясида* иштирок этган кўплаб ўзбекистонликлар жасорат намуналарини кўрсатишди. Жумладан, 295 ўқчи дивизия 883 ўқчи полк отлиқ разведка взводи командири Низом Нуруллаев 1943 йил 7 январидан 3 февралигача бўлган муддатда қўйилган вазифаларни аниқ бажардики, бу душман жойлашган аҳоли пунктлари ва ўт очиш нуқталарига ҳужум уюштириш бўйича тўғри қарор қабул қилинишини таъминлади. Лейтенант Н.Нуруллаев командирлигида отлиқ разведкачилар 20 дан ортиқ фашист аскарларини қўлга туширди, шунингдек, улар бошқа ўлжалар билан полкка қайтди. У “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланди[210].

1943 йил 16 ва 17 январь кунлари Ставрополь станицаси учун жангларда душман мудофаа чизиғини ёриб ўтишда 83 тоғ-ўқчи дивизия 428 тоғ-ўқчи полки пиёда разведка взводи ўқчиси Тожи Юнусов ҳам иштирок этди. У душман ДЗОТларини

[210] Низом Нуруллаев – 1917 йилда туғилган, 1939 йилда Самарқанд шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 928-ҳужжатлар йиғмажилди.

блоклашда, станицадаги уйларга беркинган фашист босқинчиларини тозалашда жасорат кўрсатди[211].

Ушбу полкнинг 4 ўқчи рота пулемёт взводи командири ёрдамчиси, кичик сержант Довул Каримов 20 январь куни Григорьевская станицаси учун жангларда взводга бошчилик қилди. Патронлар қолмаганда рота билан бирга душман устига ёпирилиб борди. Икки граната билан станокли пулемётни расчёти билан яксон этди, душманнинг 10 аскари ўлди. Унинг ўзи 12 фашистни йўқ қилишга муваффақ бўлди. Ярадор бўлишига қарамай ҳужум якунламагунича жанг майдонини ташлаб кетмади[212]. Бу икки жангчи кўрсатган жасорат учун Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланишди.

56 гвардия ўқчи дивизия 164 гвардия ўқчи полки гвардия алоқа ротаси телефончиси Ғулом Исматов эса 22 январь куни Тахтамуқай овули учун жангларда кучли миномёт ва пулемёт ўти ичра полк командирлиги пунктини батальон билан боғловчи телефон линиясининг 10 жойидаги узилишларни, 23 январда Суповский хутори учун жангларда эса линиядаги 15 узилишларни тезда бартараф этди. У “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланди[213].

Шу полк таркибидаги 120 мм. миномёт батареяси бўлинма командири Собитхон Юнусов 320 тепалиги учун жангларда душманнинг расчёти билан 2 миномёт ўтини бостирди. 24 ва 25 январь кунлари у разведка қилиб, душман пиёда қисмлари

---

[211] Тожи Юнусов – 1910 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, 1942 йили Нукус шаҳридан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1532-ҳужжатлар йиғмажилди.

[212] Довул Каримов – 1918 йилда туғилган, 1940 йили Тошкент туманидан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 469-ҳужжатлар йиғмажилди.

[213] Ғулом Исматов – 1919 йилда туғилган, Бухоро туманидан чақирилган. 1943 йили 15 мартдаги жангда ярадор бўлган, 21 март куни полк госпиталида вафот этган. Қабри Краснодар ўлкаси Холмская станицасида – РФ МВМА. 33-фонд, 717037-рўйхат, 622-ҳужжатлар йиғмажилди; 58-фонд, 18001-рўйхат, 641-ҳужжатлар йиғмажилди.

жойлашувини аниқлади. Гвардия катта сержанти С.Юнусов миномёт ўти билан 15 фашистни йўқ қилиб, яна 100 га яқини тарқалиб кетишини таъминлади. Бунга у 20 та минани сарфлади. С.Юнусов кўрсатган жасорати учун “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланди[214].

4 Ҳаво Армияси 24 алоҳида алоқа полки линия назоратчиси Шокир Мансуров ҳар қандай об-ҳаво шароитида алоқа линияларидаги узилишларни бартараф этишда жонбозлик кўрсатган. Хусусан, Терек тизмаси орқали Грозний-Калаус-Нижний Наурда алоқа симларини ўтказишда машина билан ўтиб бўлмаганда артиллерия олови ичра қорда 18 километрлик масофада ўз елкаларида ва белларида алоқа симлари, ускуналарини олиб юрди. Бир сафар тунда алоқада узилиш бўлганида 24 километрлик масофадаги ях, кучли шамол ва қор тепалар оралаб югуриб уни қидириб топди ҳамда уни ўз вақтида бартараф этишга муваффақ бўлиб, 4 Ҳаво Армияси ҳарбий қисмлари ўртасида алоқани таъминлади. Бундан ташқари ефрейтор Ш.Мансуров рекорд даражада қисқа муддатда Кавказская станицаси – Армавир ўртасида алоқа линиясини ётқизди. У “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланган[215].

Кубан йўналишида полковник Собир Раҳимов қўмондонлик қилаётган 395 ўқчи дивизия 19 январдан ҳужум жангларига ўтди. 25 январда дивизия Кохт тизмасига чиқишга муваффақ бўлди,

---

[214] Собитхон Юнусов – 1917 йилда туғилган, ҳарбий кадр, Наманган вилояти Косонсой туманидан. 1943 йили 7 ноябрда жанглардан бирида ҳалок бўлган. Қабри Қримнинг Жанкой қишлоғида – РФ МВМА. 33-фонд, 717037-рўйхат, 622-ҳужжатлар йиғмажилди; шу фонд, 11458-рўйхат, 155-ҳужжатлар йиғмажилди.

[215] Мансур Шокиров – 1918 йилда туғилган, 1939 йилдан Тўрақўрғондан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 466-ҳужжатлар йиғмажилди.

февраль охиригача дивизия 50 аҳоли пунктини озод қилиб, Дамба – Троицкое чизиғига етиб борди[216].

Краснодар(–Новороссийск) ҳужум операцияси 1943 йил 9 февралидан 24 майигача давом этди. Бу операция доирасидаги жангларда ҳам кўплаб ўзбекистонликларнинг ботирликларини қайд этиш мумкин. Хусусан, Бош Қўмондонлик Резерви 3 муҳандислик-мина қўядиган бригада 94 муҳандислик-мина қўядиган батальони бўлинма командири, катта сержант Тожибой Қодиров Новороссийск шаҳри яқинида темир йўл кўтармасини бузиб, темир йўл рельсларини Мисхако ҳудудида причалларни қуришга етказишда жасорат кўрсатди. У 27 февралга ўтар кечаси душманнинг миномёт ўти ичра контузия бўлишига қарамай ўз бўлинмаси билан 100 километрлик темир йўл кўтармасини бузиб олди ва 15 дона шпал билан бирга 4 километрлик масофага олиб чиқди. У Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди[217].

17 – 24 апрель кунлари Мисхакода Новороссийск шаҳри учун бўлган жангларда мўйноқлик Арзу Турекеев ҳам иштирок этган. 83 алоҳида денгиз ўқчи бригадаси 16 алоҳида ўқчи батальони пулемёт ротаси пулемётчиси А.Турекеев ҳаводан тўхтовсиз бомбардимон қилиниши ва артиллерия-миномёти ўти ичра патрон етказиб бериш вазифасини бажарарди.

20 апрель куни пулемётнинг биринчи ва иккинчи номерлари сафдан чиққан ва душман қўшни бўлинма мудофаасидан оралаб ўтаётганида у пулемётни манфаатли позицияга жойлаштириб, ўқчиларни чақирди. Кейин фашистлар томонга қараб ўт очдики, взводгача бўлган пиёдалар йўқ қилинди. Натижада А.Турекеев душманни чекинишга мажбур этди.

---

[216] Юсупов Л. Генерал Сабир Рахимов. Биографический очерк. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 77–78.

[217] Тожибой Қодиров – 1918 йилда туғилган, 1939 йилда Наманган туманидан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1132-ҳужжатлар йиғмажилди.

У 21 ва 22 апрель кунлари ўз позициясини тиклашга ҳаракат қилган фашистларнинг 6 та ҳужумини қайтариб, 30 аскарини яксон этди. У Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган[218].

165-алоҳида ўқчи бригадаси ўқчи взводи командири Амирали Саидбеков Новороссийск учун жангларнинг олд қаторида жанг қилиб, взводини 5 маротаба душман ДЗОТларига қарши ҳужумга олиб кирди. Кичик лейтенант А.Саидбековни ўзи 42 нафар фашист аскар ва офицерларини йўқ қилди, бу жасорати учун у Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

Шунингдек, А.Саидбеков 22 апрель куни душманнинг шиддатли ҳаво ҳужуми пайтида у снайперлик милтиғи билан фашистларнинг “Ю-88” жанговар самолётини ёндиришга муваффақ бўлди[219].

1943 йил март – апрель ойларида Кубанни озод қилиш учун жангларда 9 армиянинг 253 миномёт полки 2 дивизиони алоқа бўлинмаси командири Суннат Алимов кузатув пунктларининг батареялар билан алоқаси узлуксиз бўлишини таъминлади. У душманнинг шиддатли олови остида шахсан ўзи линиядаги кўплаб узилишларни бартараф этиши фашистларга қарата тўхтовсиз ўт очишга имкон берди. Натижада, Семисводний хутори, Анастасиевская станицаси, Прикубанский хутори ва бошқа жойлар эгалланди. Унинг ўзи I даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган[220].

---

[218] Арзу Турекеев – 1905 йилда туғилган, 1942 йили Мўйноқдан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1106-ҳужжатлар йиғмажилди.

[219] Амирали Саидбеков – 1920 йилда туғилган, 1939 йилда Фарғона вилоятидан ҳарбий хизматга чақирилган. У 1943 йили II даражали Ватан уруши ордени билан ҳам тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1678-ҳужжатлар йиғмажилди; 1945 йили Польша учун жанглардан бирида ҳалок бўлган ва вафотидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган – Yusupov Sh. Amirali Saidbekov // O‘zbekiston Ikkinchi jahon urushi davrida. To‘rtinchi kitob-albom. – Toshkent, 2023. – B. 121–126.

[220] Суннат Алимов – 1921 йилда туғилган, 1941 йил июнида Тошкент шаҳридан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1790-ҳужжатлар йиғмажилди; сержант С.Алимов 2 август куни бўлиб ўтган жанговар операция вақтида кузатув пунктида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У Краснодар ўлкаси Славян тумани Отруб-7

159 алоҳида темир йўл батальони техник рота взвод командири Ҳайдар Ҳалимов Тимошевская бекатидан Жеролиевская бекатигача темир йўл кўприкларини тиклаш юзасидан жанговар топшириқ бажарилишини таъминлади. Бунда взвод таркибидаги ҳар бир жангчи нормани 350 фоизгача бажаргани, қолаверса, лейтенант Ҳ.Ҳалимовнинг ўзи қўшимча ишларга маҳаллий аҳолини жалб этгани аҳамиятли бўлиб, белгиланган муддатдан аввал темир йўл ётқизилишига эришилди. У “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланди[221].

Ички ишлар Халқ Комиссарлиги ички қўшинлар 169 ўқчи полк бўлинма командири Ислом Бобохонов 3 май куни ҳужумга ўтишда расчёти билан миномётдан аниқ нишонга олиб, душманнинг ўт очиш нуқталарини йўқ қилди ва бўлинмалар олдинга силжишини таъминлади. Кейин батальон олдинга силжишида халақит бераётган душманни станокли пулёмети жойлашган ДЗОТни ҳамда у ердаги 3 гитлерчини яксон этди. Взвод командири яралганда сержант И.Бобохоновнинг ўзи командирлик қилиб, яна душманнинг 3 ўт очиш нуқталари ва 4 автоматчиларини йўқ қилди. Кўрсатган жасорати учун у II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди.

1103 ўқчи полк наводкачиси Ашур Раҳмонов 4 майдан 15 майгача бўлган ҳужумга ўтиш жангларида ўзини қатъиятли жангчи сифатида кўрсатди. 9 май куни у танкка қарши пушкасидан мўлжалга олганда душман танки экипажи билан ёниб кетди.

хутори жанубий чегарасида дафн этилган – 58-фонд, 18001-рўйхат, 994-ҳужжатлар йиғмажилди.

[221] Ҳайдар Ҳалимов – 1917 йилда туғилган, 1938 йилда Бухоро шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган. У 1944 йили “Кавказ мудофааси учун” медали билан ҳам тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1135-ҳужжатлар йиғмажилди; 131-фонд, 12523-рўйхат, 97-ҳужжатлар йиғмажилди.

10 майда 141,7 тепалигида А.Раҳмонов гитлерчилар ошхонасини хизматкорлари билан бирга, 2 қўл пулемётини яксон этди. 14 май куни шу тепаликда душман ҳужумини қайтарар экан у яқинлашиб келган 5 танкидан 3 тасини ҳамда 30 га яқин фашистларни йўқ қилди. Кўрсатган жасорати учун у II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди.

37 Армия таркибидаги 8 алоҳида парк сапёр бўлинмаси командири Самиғ Абдуллаев миномёт ротасининг 3 зарбдор кўнгиллилар батальони таркибида 30 апрелдан 1 майга ўтар кечаси Прикубанский хутори яқинидаги Адагум дарёсини 3 участкасида ва ботқоқ босган тўқайда жанговар топшириқни бажарди. Сержант С. Абдуллаев душман қирғоқига 6 та А-3 қайиқларида десант тушириш бўйича сапёрлар командасига бошчилик қилди. У фашистларнинг пулемёт, миномёт ҳамда артиллериядан ўт очиши шароитида бир неча бор ҳужумни қайтариб, ниҳоят бешинчи уринишда Адагум дарёсининг жанубий қирғоқига десант туширишга муваффақ бўлди.

Бу операция давомида мардона жанг қилган Ислом Бобохонов[222], Ашур Раҳмонов[223] ва Самиғ Абдуллаев[224] II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистонликларнинг *“Мовий чизиқ” (“Готенкопф”) мудофаа чизиғини ёриб ўтишдаги жасоратлари* ҳам аҳамиятли бўлди. Жумладан, 56 армия 8 алоҳида муҳандислик батальони бўлинма командири Юсуф Остоновга 25 майга ўтар кечаси 114,1 тепалиги яқинида душман тўсиқлари орасидан танклар ва пиёдалар учун йўлак қилиш топшириғи берилди. У ўз гуруҳи

[222] Ислом Бобохонов – 1919 йилда туғилган, 1939 йилдан Ички қўшинлар таркибида – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1480-ҳужжатлар йиғмажилди.
[223] Ашур Раҳмонов – 1918 йилда туғилган, 1942 йили Тошкент вилоятидан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1073-ҳужжатлар йиғмажилди.
[224] Самиғ Абдуллаев – 1917 йилда туғилган, 1938 йилда Тошкент вилоятидан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1743-ҳужжатлар йиғмажилди.

билан душманнинг олд мудофаа чизиғига яқинлашиб, пулемётлар ва миномётлар ўт очаётган шароитда минали майдонни аниқлади ва белгиланган вазифани бажарди.

Сержант Ю.Остонов шахсан 204 танкка қарши миналарни зарарсизлантирди, улардан 18 таси олинмайдиган қилиб қўйилган миналар эди. Шундай қилиб, 26 май тонгида бу йўлдан танк ва пиёда қисмлари юриб, душманга қарши ҳужумни бошлаб юборди.

26 майга ўтар кечаси 16 алоҳида муҳандислик батальонидан Мирза Асраев 244 танк полкининг танклари ўтишига йўл қилишда иштирок этди. 26 майнинг кундузи у ташланган танк десанти таркибида ҳаракат қилиб, қўл гранаталари ва 2 пулемёти бўлган 1 офицер, 2 унтер-офицерни асир олди. Юсуф Остонов[225] ва Мирза Асраев[226] II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган.

1943 йил 26 май куни Плавненский хутори учун бўлган жангда 85 алоҳида танк полки рота автоматчиси Йўлдош Отахонов қуролдоши билан бирга душман томонга боради ва улар қуршов ичида қолиб кетишади. Шунда ўзини йўқотмасдан икковлон 21 гитлерчини йўқ қилиб, взвод келишигача қатъият кўрсатишди. У “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланган[227].

---

[225] Юсуф Остонов – 1918 йилда туғилган, 1939 йилдан ҳарбий кадр, Вобкент туманидан чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1073-ҳужжатлар йиғмажилди.

[226] Мирза Асраев – 1918 йилда туғилган, 1940 йилда Поп туманидан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1480-ҳужжатлар йиғмажилди; 1945 йил 13 мартда Шарқий Пруссия учун жанглардан бирида ҳалок бўлган. Қабри Калининград вилояти Корнево посёлкасида – РФ МВМА. 58-фонд, 18003-рўйхат, 421-ҳужжатлар йиғмажилди.

[227] Йўлдош Отахонов – 1918 йилда туғилган, Марғилондан чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1533-ҳужжатлар йиғмажилди; 1943 йил 7 октябрда Краснодар ўлкасида бўлган жанглардан бирида ҳалок бўлган – РФ МВМА. 58-фонд, 18001-рўйхат, 999-ҳужжатлар йиғмажилди.

37 армия 569 миномёт полки 3 батарея разведка бўлинмаси командири Ҳудойқул Ҳошимов ҳам мардлик кўрсатди. У 1943 йилнинг 26 майида биринчи бўлиб ушбу стратегик аҳамиятга эга тепаликка чиқишга муваффақ бўлди. Душманнинг тўхтовсиз пулемёт ва бошқа қуроллардан ёғдираётган ўқ ёмғири ҳамда бомбардимон этишига қарамай Ҳ.Ҳошимов пиёда қисмларини ҳужумга ўтишида мадад бериб турди. Бу жангда у бир ротагача бўлган фашистларни йўқ қилди. У “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган[228].

11 ўқчи корпус 807 артиллерия полки 5 батарея разведкачиси Солижон Комилов 1943 йил 11 июнь куни Калабатка яқинидаги Курка дарёси дамбасидаги жанг пайтида батарея командири ва алоқачилари сафдан чиққанда, душманнинг кучли олови ичида унинг ёлғиз ўзи разведкачи сифатида вазифаларини бажариш қаторида пиёда қисм билан алоқани таъминлади. Шу жангда С.Комилов пиёда силжишига халақит бераётган душман пулемётини аниқлади ва уни батарея олови билан йўқ қилди. У “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган[229].

Братчики хутори остонасидаги жангларда 389 ўқчи дивизия 1277 ўқчи полк 9 ўқчи рота ўқчиси Муҳаммад Тошниёзов иштирок этган бўлиб, у душманнинг ўт очиш нуқталарини разведка қилди. М.Тошниёзов кўрсатмасига мувофиқ рота миномётлари, 3 станокли пулемётлар йўқ қилинди. Унинг ўзи ҳам автомати билан 25 га яқин фашист аскар ва офицерларини яксон этди. У “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган[230].

---

[228] Ҳудойқул Ҳошимов – 1919 йилда туғилган, 1939 йилда Қоракўл туманидан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1012-ҳужжатлар йиғмажилди.

[229] Солижон Комилов – 1921 йилда туғилган, 1941 йилда Фарғона вилоятидан чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1794-ҳужжатлар йиғмажилди.

[230] Муҳаммад Тошниёзов – 1920 йилда туғилган, Сурхондарёдан чақирилган (бошқа ҳужжатда Яккабоғ туманидан деб кўрсатилган) – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 224-ҳужжатлар йиғмажилди; 1943 йил 25 сентябрда Краснодар ўлкаси Замости

15 гвардия алоҳида миначилар батальони миначиси Рўзи Қораев Шимолий Кавказ фронтининг муҳандислик қўшинлари қўмондони ўринбосари жанговар буйруғи бўйича Братчики-Батарейний пристанида жангчилар билан бирга душман мудофаасини ичкарисигача киришга муваффақ бўлди. Р.Қораев ДЗОТларни блокировка қилиш ва у ердаги расчётларини йўқ қилишда иштирок этди.

Р.Қораев 1943 йил 16 июнида ўша жойда душманнинг ротагача бўлган аскарлари ҳужумини қайтарди. У номсиз оролчадан туриб, автомат ўти ва гранаталар билан душманни олға силжишига имкон бермади. Бу билан у муҳим марра ушлаб қолинишини таъминлади. Р.Қораевнинг ўзи 3 аскарни йўқ қилди. У Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган[231].

107 алоҳида ўқчи бригада 2 алоҳида ўқчи батальони 2 ўқчи ротадан катта сержант Усмон Исмоилов Кавказнинг бош тизмаси Донгуз-Орун-Баши мудофаасида взвод командири ёрдамчиси сифатида иштирок этган эди. Новороссийск остонасидаги ҳужум қилиш жангларида эса у ярадор бўлса-да, жангни ташлаб кетмади. Балки, сафдан чиқарилган взвод командири ўрнида командирлик қилиб, душманнинг мустаҳкам пунктини эгаллаш бўйича буйруқ бажарилишини таъминлади. Фашистлар қайтадан ҳужумга ўтганида 4 жангчи билан бирга 60 кишидан иборат душман сиқувини бартараф эта олди. Фашистлар 45 тагача ўлдирилган ва ярадор жангчилари билан чекинишига тўғри келди. Бу жангда кўрсатган жасоратидан кейин У.Исмоиловга

хуторида бўлган жанглардан бирида бедарак йўқолган – РФ МВМА. 1739-фонд, 2-рўйхат, 23-ҳужжатлар йиғмажилди.

[231] Рўзи Қораев – 1919 йилда туғилган, 1940 йили Самарқанд вилоятидан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 990-ҳужжатлар йиғмажилди; 1943 йил 30 сентябрь куни жангда ҳалок бўлган, унинг жасади олиб чиқиш имкони бўлмагани сабабли Ахтанизовская лимани майдони, Краснодар ўлкаси Темрюк тумани Голубицкая станицасида қолган – РФ МВМА. 58-фонд, 18001-рўйхат, 938-ҳужжатлар йиғмажилди, шу фонд, 977525-рўйхат, 338 ва 339-ҳужжатлар йиғмажилдлари.

Қизил Байроқ ордени берилди ва бўлинма командири этиб тайинланди[232].

16 июль куни Кримская яқинидаги 114,1 тепалиги учун жангларда 5 гвардия ўқчи бригада 3 алоҳида ўқчи батальонидан лейтенант Олим Ермакбоев командирлигидаги взвод ҳужумга ўтиб, душманнинг 2 взводгача бўлган аскар ва офицерларини йўқ қилди. Унинг взводи биринчи бўлиб гитлерчиларнинг мудофаасини ёриб, окопларга киришга муваффақ бўлди. Уларни фашистлар ҳар қанча қуршаб олишга ҳаракат қилмасин, ҳужумни қайтариб ўз позициясини бой бермади. Гвардия лейтенант О.Ермакбоев 1943 йили Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди[233]. 16 июлда 4 алоҳида ўқчи батальон взвод командири, гвардия кичик лейтенанти Тўламат Ниёзматов бошчилигидаги взвод ҳам тепаликдаги душман ҳандағини биринчи бўлиб эгаллади.

216 ўқчи дивизия 665 ўқчи полк ўқчи взводи командири Дўстмат Пирматов 1943 йилнинг 7 ва 8 август кунлари 195,5 тепалиги учун жангларда ўз взводи билан биринчи бўлиб ҳужумга ўтди. У душман ҳандақига бостириб кириб, гранаталар отди ва бунинг натижасида ўнлаб гитлерчилар ҳалок бўлди. Кичик лейтенант Д.Пирматов ярадор бўлса-да, жангни бошқаришда давом этди ва душманнинг 2 бор ҳужумини қайтарди.

Т.Ниёзматов[234] ва Д.Пирматов[235] Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган.

---

[232] Усмон Исмоилов – 1919 йилда туғилган, 1939 йили Фарғона вилоятидан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1106-ҳужжатлар йиғмажилди.

[233] Олим Ермакбоев – 1920 йилда туғилган, 1940 йили Тошкент шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган. У 1945 йили “Кавказ мудофааси учун” медали билан ҳам тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 939-ҳужжатлар йиғмажилди; Мукофотлар картотекаси, 30-шкаф, 22-қути.

[234] Тўламат Ниёзматов – 1922 йилда туғилган, 1941 йилда Тошкент шаҳридан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1074-ҳужжатлар йиғмажилди.

2 гвардия ўқчи дивизия 6 гвардия ўқчи полк 8 ўқчи рота взвод командири Жалгас Кожамжаров 1943 йил 8 август куни Қрим туманидаги 167,4 тепалиги учун жангда душман мудофаасини ёриб, окопларга взводи билан кириб 20 фашистни йўқ қилди. Унинг ўзи 4 нафар фашистни, гранаталар билан станокли пулемёт ва унинг расчётини яксон этди. Ярадор ҳолида взводга командирликни давом эттирди. Гвардия лейтенанти Ж.Кожамжаров 9 август куни вафот қилди. У II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган[236].

1943 йил 9 сентябрдан бошланган *Новороссийск-Тамань ҳужум операциясид*а ҳам ўзбекистонликлар жасорат намуналарини кўрсатишди. Жумладан, 9 Армия 384 алоҳида алоқа линия батальони бўлинма командири Маҳмуд Бўриев взводи билан 9 сентябрь куни душманнинг шиддатли отишмаларига қарамай линиядаги узилишларни тезликда бартараф этишга муваффақ бўлди. 14 сентябрда линиядаги узилишлардан бирини тузатаётганда катта сержант М.Бўриев ярадор бўлди, лекин ўзининг жанговар постини ташлаб кетмай вазифасини бажаришда давом этди. 15 сентябрда иккинчи бор ўнг қўлидан ярадор бўлган ҳолида у линиядаги узилишни тузатишни давом эттирди. М.Бўриев “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланди[237].

55 гвардия ўқчи дивизияси 164 гвардия ўқчи полки миномёт ротаси командири, гвардия капитани Йўлдош Розиқов Таман

---

[235] Дўстмат Пирматов – 1919 йилда Фарғонада туғилган, ҳарбий хизматга Термиз шаҳридан чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1801-ҳужжатлар йиғмажилди.

[236] Жалгас Кожамжаров – 1912 йилда туғилган, 1941 йилда Термиз шаҳридан урушга сафарбар этилган. Краснодар ўлкаси Кримская станицаси ҳудудида дафн этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 896-ҳужжатлар йиғмажилди; 58-фонд, 18001-рўйхат, 682а-ҳужжатлар йиғмажилди; 1047-фонд, 2-рўйхат, 37-ҳужжатлар йиғмажилди.

[237] Маҳмуд Бўриев – 1918 йилда туғилган, 1939 йили Хатирчи туманидан ҳарбий хизматга чақирилган, 1944 йили “Кавказ мудофааси учун” медали билан ҳам тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 847-ҳужжатлар йиғмажилди; 60269-фонд, 35574-рўйхат, 78-ҳужжатлар йиғмажилди.

ярим оролини душмандан тозалаш жангларида ўзини кўрсатди. 15 сентябрь куни Новороссийск шаҳри кўчаларидаги жангларда у хароба уйлардан миномётлар билан душманнинг ўт очиш нуқталарини тўғри нишонга олиб йўқ қилди. Шу тарзда у миномётлар ҳамда пиёда қисмлар билан бирга бирин-кетин уйларни эгаллаб олдинга силжиб борди. Рота 15 сентябрь куни душманнинг 4 станокли пулемёти, 2 танкка қарши ва 40 га яқин фашистларни йўқ қилди. Миномётлар тўғри жойлаштирилиши ва тезда ўт очиш позициялари алмаштирилиши натижасида белгиланган вазифа бажарилди. Й.Розиқов 1944 йили II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган[238].

97 алоҳида моторлаштирилган муҳандислик батальони таркибида жанг қилаётган сержант Самиғ Абдуллаев 63 алоҳида Таман танк бригадаси танклари билан биргаликда Кубан этаклари ва Таман ярим оролини гитлерчилардан тозалашда иштирок этди.

16 сентябрдан 9 октябрь оралиғида танклар учун йўл очишда мина майдонларидан жами 2798 та, жумладан, олинмайдиганлардан 39 та, сюрпризлардан 34 та мина зарарсизлантирди. Муҳандислик ишларини бажариш жараёнида душманнинг 87 аскар ва офицерлари, 4 ўт очиш нуқтаси йўқ қилинди.

17 сентябрь куни танклар олдинга силжиганида С.Абдуллаев йўлдаги кўприк душман томонидан миналаштирилганини кўради. Шунда у портлатишга тайёр турган гитлерчилардан бирини автомати билан ўлдиради ва қолгани чекинади. Ярадор ҳолида сержант С.Абдуллаев кўприкка бориб ёндирилган пиликни топади ва узади. Шу тариқа кўприк портлатилиши олди олиниб, танклар йўлда давом этади.

---

[238] Йўлдош Розиқов – 1916 йилда туғилган, 1937 йили ҳарбий хизматга чақирилган, 1941 йил 23 июнида Поп туманидан урушга сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 2731-ҳужжатлар йиғмажилди.

Госпиталдан ҳали саломатлигини тўлиқ тикламасдан туриб С.Абдуллаев жанг майдонига қайтади. У Жигинское аҳоли пунктига кетаётганида танк колоннаси билан бирга қуршовда қолади. Шунда сержант С.Абдуллаев пулемёт-миномёт ўт очишини ташкил этиб, 4 соатдан ортиқ вақт мобайнида гитлерчиларнинг ҳужумини қайтаради. У душман ўт очиш нуқталарига бориб, гранаталар отиб йўқ қилади. Шу тариқа танкларни қуршовдан чиқишини таъминлаб, уларни миналардан портлашининг олдини олади.

Кавказ учун жангларда кўрсатган жасорати учун Самиғ Абдуллаевга 1944 йил 16 майда СССР Олий Совети Президиуми Фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди[239].

18 сентябрь куни Борисовка қишлоғи, Гудзева тоғлари ва Раевская станицасига ҳужумга ўтилганда душманнинг пулемёт ва артминомёт олови ичра 174 армия муҳандислик батальони сапёри Имирали Кошаков минали майдондан 5 гвардия Новороссийск танк бригадаси олдинга силжиши учун йўл очиб борди. Бунда у 93 танкка қарши миналарни зарарсизлантирди. Шунингдек, И.Кошаков портлатиш орқали йўл очиб, танкларни Раевская станицасининг жанубий-ғарбий чегарасига силжишини таъминлади. Унинг томонидан жанг майдонидан душман шикаст етказган 4 танк эвакуация қилинди. У II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган[240].

Темрюк шаҳрини озод қилиш бўйича олиб борилган жангларда 9 армия 45 алоқа полки сим-телеграф ротаси линия назоратчиси Исмоил Мамажонов алоқа узлуксиз бўлишини таъминлади. Жумладан, 122,4 тепалиги яқинида бир кун давомида алоқа линиясида 30 маротабагача узилишлар бўлганида

[239] РФ МВМА. 33-фонд, 793756-рўйхат, 1-ҳужжатлар йиғмажилди.

[240] Имирали (Амирали) Кошаков – 1915 йилда туғилган, 1940 йили Бағдод туманидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1944 йили “Кавказ мудофааси учун” медали билан ҳам тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 644-ҳужжатлар йиғмажилди; Мукофотлар картотекаси, 45-шкаф, 18-қути.

у 5-10 дақиқада тиклаган. Темрюк шаҳри атрофида душман авиацияси бомбардимон қилганида 2 километрлик ҳудуддаги линияга шикаст етиб, симлар ишдан чиққанида ефрейтор И.Мамажонов зудлик билан сим ғалтакларини алмаштириб, белгиланган муддатдан аввал алоқани тиклашга муваффақ бўлди. У “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган[241].

44 алоҳида темир йўл бригадаси 27 кўприк темир йўл батальони 2 дурадгорлик кўприк ротаси слесар-кўприксозлари Бобоқул Жўраев ва Абдулла Расулов Қора денгиз–Варениковская темир йўл участкасида кўприкларни тиклашда нормани 200 дан ортиқ фоизга бажариб, жонбозлик кўрсатишди. Улар 1 октябрь куни душман минасидан ҳалок бўлишган. 3 дурадгорлик кўприк ротаси дурадгор-кўприксози Фузаил Ҳайдаров ҳам нормани 250 фоизгача бажарди. У 5 октябрь куни мина портлашидан ҳалок бўлди.

Бригаданинг 102 алоҳида тиклаш-темир йўл батальони кўприк дурадгори Холмирза Суяров 1943 йил 4 – 8 октябрь кунлари Қрим-Варениковская темир йўл линиясида тиклаш бўйича жанговар топшириқни бажараётганида ҳалок бўлди. У рельс ташувчи сифатида нормани 140 – 170 фоизга бажарган. Бригада таркибидаги бу 4 ўзбекистонлик II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган[242].

34 армия қирувчи-танкка қарши артиллерия полки 4 батарея жангчиси Долим Турғунов 8 октябрь куни оператив пунктни эгаллашда душман пулемётини пайқаб қолди ва эмаклаб бориб окопга 2 граната ташлади. Натижада, 4 фашист ўлдирилиб, 3

---

[241] Исмоил Мамажонов – 1918 йилда туғилган, 1940 йилдан Хатирчи туманидан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 596-ҳужжатлар йиғмажилди.

[242] Бобоқул Жўраев 1907 йилда, Абдулла Расулов 1909 йилда туғилган, Фузаил Ҳайдаров 1910 йилда туғилган, учаласи ҳам 1942 йилда Шаҳрисабздан урушга сафарбар этилган; 1922 йилда туғилган Холмирза Суяров Китоб туманидан чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1593-ҳужжатлар йиғмажилди.

таси қуроллари ва пулемёт билан бирга полк команда пунктига етказилди. У “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган[243].

10 гвардия Ҳаво-десант дивизияси 24 гвардия Ҳаво-десант ўқчи полки 45 мм пушка наводчиги Абил Юсупов 8 октябрь куни Анновка қишлоғи учун жангларда ўзи разведкага борганида душман мудофааси учун яширинган 40 танк борлигини аниқлади. Унинг ўзи 3 танк, 1 автомашина йўқ қилиб, батальон командирига фашистлар қуршовга тайёргарлик кўраётганлигини етказди. У II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган[244].

Мельничний хутори учун жангларда 1174 қирувчи-танкка қарши артиллерия полки бошқарма взводи катта разведкачиси Тўхтамурод Ғиёсов кузатув пунктига йўналтирилган кучли артиллерия ва миномёт отишмаларга қарамай кузатувни тўхтатмади ва душманнинг 2 та артиллерия, 1 та миномёт батареяларини пайқаб қолди. Бу маълумотларни телефон орқали етказгач, улар яксон этилди. Кузатув пункти жойлашуви ўзгарганида ефрейтор Т.Ғиёсов душманнинг кучли олови ичра бир ўзи мулкни олиб ўтди. Шунингдек, ярадор бўлган сержантни олиб чиқиб, санитарларга топширди. У “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган[245].

Кавказ учун жангларда ўзбекистонлик учувчиларнинг ҳам иштироки аҳамиятли бўлди. 4 Ҳаво армияси 889 тунги енгил-бомбардимон авиаполки звено штурмани Аъзам Юнусовга 1943 йил 14 апрелида полк томонидан мукофот учун тақдим этилган

---

[243] Долим Турғунов – 1922 йилда туғилган, Тошкент вилоятидан чақирилган. 1944 йили “Кавказ мудофааси учун” медали билан ҳам тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 644-ҳужжатлар йиғмажилди; 449-фонд, 9923-рўйхат, 191-ҳужжатлар йиғмажилди.

[244] Абил Юсупов – 1922 йилда туғилган, 1942 йили урушга Тошкент шаҳридан сафарбар этилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 3773-ҳужжатлар йиғмажилди.

[245] Тўхтамурод Ғиёсов – 1922 йилда туғилган, 1940 йили Тошкент шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 596-ҳужжатлар йиғмажилди.

тақдирлаш варақасида 1942 йилнинг сентябридан унинг звеноси У-2 самолётида тунда 243 бор умумий 471 соат ҳисобида жанговар парвозни амалга оширгани қайд этилган. Бу жанговар парвозлар давомида звено душманга зарба бериб, ёнғинга олиб келган 14 портлаш, жами 51 ёнғин ўчоғини юзага келтирган.

1942 йил 26 декабридан 1943 йил 25 мартигача звено Шимолий Кавказ фронтининг фронт орти бўйича бошқарма штаби ва 4 Ҳаво армиясининг оператив бўлими топшириғини бажарди. Бу вақт оралиғида звено кундузи БС линиясини аниқлаш юзасидан 51 марта, йўлларни баҳорда юриб бўлмаслиги оқибатида қийин шароитда қолган 58 армиянинг қуруқликдаги қўшинлари учун осмондан озиқ-овқат маҳсулотларини ташлаш бўйича 61 марта ҳамда алоқа йўналишида 167 марта парвозни амалга оширди.

Катта лейтенант Аъзам Юнусовнинг ўзи тунда У-2 самолётида 143 жанговар парвозни 259 соат ҳисобида амалга ошириб, 12100 кг. оғирлигидаги 413 дона бомбани ташлади. У фашистлар босиб олган вақтинча ҳудудларга, душман мудофаасининг олд томонига рус ва немис тилларида 160 минг варақани ҳам ташлашга муваффақ бўлди.

А.Юнусов душман томонидан зенит қуроллари билан кучли мудофаа этилаётган Моздок темир йўл станцияси, Дигора ва бошқа йирик аҳоли пунктларига 36 марта жанговар парвозни амалга оширган.

Унинг бомбардимон қилиш бўйича парвозлари натижасида 3 бор ёнғин билан давом этган йирик портлаш содир бўлди, душманнинг 4 тузилмасидаги қўшинлари тўпланган жойлар вайрон этилди, артиллерия батареяси, зенит ўт очиш

нуқталарини бостирди, 8 та ёнғин ўчоғини юзага келтирди, 5 тагача темир йўл кўтармасини аниқ нишонга олди[246].

А.Юнусов Қизил Байроқ ордени билан тақдирлангач, полкда эскадрильянинг алоқа бошлиғи этиб тайинланади. У Кавказ мудофааси учун бўлган жангларда 1943 йили II даражали Ватан уруши ордени билан ҳам мукофотланган. Тақдирлаш варақасида катта лейтенант А.Юнусов яна 128 жанговар парвозларни 195 соат ҳисобида амалга оширганлиги қайд этилган. Бомбардимон қилиш амалиёти бўйича душман қўшинлари тўпланган жойларда у 12 ёнғин ўчоғи, 3 портлатишни юзага келтирган, 2 пулемёт нуқтасини бостирган.

Таман ярим оролини фашист босқинчиларидан тозалашда А.Юнусов тунда 7–8 бор жанговар парвозни 8–9 соат мобайнида амалга ошириб душман мудофаасини олд томонини бомбардимон қилди. Бунинг натижасида қуруқликдаги қўшинларга олдинга силжишига кўмак берди.

45 қирувчи авиация полки катта учувчиси, лейтенант Дмитрий Иванович Коваль[247] ҳам Кавказ учун жангларда иштирок этади. 1943 йилнинг 15 апрелида у Кримская станицаси яқинида жойлашган ердаги қўшинларни мудофаа этиш учун 4 “Аэрокобра” ва 3 “Китти-Хаук” самолётлар гуруҳи таркибида ҳаракатланади.

Душманнинг 25 қирувчи “МЕ–109” самолётлари кузатувида 60 га яқин “Ю–88”, “ХЕ–111” бомбардимончи самолётлар киритилади. Жанг 40 дақиқача давом этади ва натижада бир қисм самолётлар бомба ташлай олмасдан ортга қайтади. Мудофаани ёриб ўтган самолётлар эса бетартиб тарзда бомбалар ташлайди. Ҳаво жанги ғалаба билан якун топади ҳамда 5 “Ю–88” ва 1 “МЕ–

---

[246] Аъзам Юнусов – 1915 йилдан Наманганда туғилган, 1937 йилдан Армия сафида – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 859 ва 1742-ҳужжатлар йиғмажилди.

[247] Дмитрий Коваль – 1918 йилда туғилган, 1936 йилдан Армия сафида, Тошкент шаҳридан чақирилган.

109” уриб туширилди. Улардан 1 “Ю–88”ни шахсан Д.Ковалнинг ўзи йўқ қилди.

Кавказ учун жанг кетаётган вақтда, 1943 йилнинг 24 майида унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилади[248]. Бу вақтга келиб, Д.Коваль айнан шу станица учун жанглардан бирида, 8 май куни ҳалок бўлган эди[249].

Кавказ жангида Тошкент шаҳридан 1940 йили ҳарбий хизматга чақирилган катта лейтенант Ғулом Алимов – Шуҳрат ҳам иштирок этган бўлиб, у II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган. Шунингдек, мукофот берилганлар орасида 32 гвардия ўқчи дивизия 80 гвардия ўқчи полк рота командири, гвардия катта лейтенанти Ҳасан Қориев[250], 83 тоғ-ўқчи дивизия 45 тоғ-ўқчи полки взвод командири Шодмат Эшмуҳамедов[251], 503 алоҳида зенитли артиллерия дивизиони йирик калибрли пулемётлар ротаси бўлинма командири Бобохўжа Орипов[252], 176 ўқчи дивизия 404 ўқчи полк взвод командири, лейтенант Омон Тўхтаев[253], 242 тоғ-ўқчи дивизия 903 тоғ-ўқчи полки 3 рота бўлинма командири Комил Толипов[254], 337 ўқчи дивизия 449 алоҳида алоқа ротаси взвод командири, лейтенант Камол

---

[248] РФ МВМА. 33-фонд, 793756-рўйхат, 21-ҳужжатлар йиғмажилди.

[249] РФ МВМА. 58-фонд, 18001-рўйхат, 46-ҳужжатлар йиғмажилди.

[250] Ҳасан Қориев – 1900 йили Қўқон шаҳрида туғилган, 1941 йили урушга сафарбар этилган. 1943 ва 1947 йиллари “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1684-ҳужжатлар йиғмажилди; шу фонд, 744808-рўйхат, 991, 104-ҳужжатлар йиғмажилдлари.

[251] Шодмат Эшмуҳамедов – 1914 йилда туғилган, 1941 йилда Тошкент шаҳридан урушга сафарбар этилган. 1943 йили “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1637-ҳужжатлар йиғмажилди.

[252] Бобохўжа Орипов – 1919 йилда туғилган, 1940 йилда Тошкент шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йили “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 913-ҳужжатлар йиғмажилди.

[253] Омон Тўхтаев – 1919 йилда туғилган, 1939 йилда Яккабоғ туманидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1945 йили II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686046-рўйхат, 377-ҳужжатлар йиғмажилди.

[254] Комил Толипов – 1922 йилда туғилган, Тошкент шаҳридан чақирилган. 1943 йили “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 935-ҳужжатлар йиғмажилди.

Шамсиев[255], 176 ўқчи дивизия 591 ўқчи полк 2 батальон алоқа бўлинмаси командири Файзи Намозов[256], 11 гвардия ўқчи корпуси 4 алоҳида батальони пиёда разведка взводининг сиёсий қисм бўйича командир ўринбосари Қурбон Назаров[257], 6 гвардия ўқчи бригадаси автоматчиси, кейинроқ, 55 гвардия ўқчи дивизия 164 гвардия ўқчи полк 1 батальон бўлинма командири Аҳмад Болтаев[258], 55 гвардия ўқчи дивизия 168 гвардия ўқчи полки 2 батальон автоматчи-ўқчиси Содиқ Отабоев[259], 389 ўқчи дивизия 1279 ўқчи полки 7 рота ўқчиси Мукаррам Акромов[260], 260 армия зенитли артиллерия полки 1-батарея тўпчиси Рауф Ёқубов[261], 83 тоғ-ўқчи дивизия 503 алоҳида зенитли артиллерия дивизиони 2 батарея тўпчиси Солиҳ Қодиров[262], 9 гвардия ўқчи бригадаси

---

[255] Камол Шамсиев – 1915 йилда туғилган, 1939 йилда Самарқанд шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йили “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланган. 1943 йил 18 мартда Сочи шаҳридаги 3201-саралаш эвакогоспиталида вафот этган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 272-ҳужжатлар йиғмажилди; 58-фонд, 18001-рўйхат, 925-ҳужжатлар йиғмажилди.

[256] Файзи Намозов – 1920 йилда туғилган, 1940 йилда Қарши туманидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йили “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1578-ҳужжатлар йиғмажилди.

[257] Қурбон Назаров – 1917 йилда туғилган, 1939 йилда Бухоро шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йили “Жасурлиги учун”, 1944 йили “Кавказ мудофааси учун” медаллари билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 215-ҳужжатлар йиғмажилди; Мукофотлар картотекаси, 60-шкаф, 16-қути.

[258] Аҳмад Болтаев – 1922 йилда туғилган, 1941 йили Урганч туманидан урушга сафарбар этилган. 1943 йили 2 бор “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1017 ва 2224-ҳужжатлар йиғмажилдлари.

[259] Содиқ Отабоев – 1912 йилда туғилган, 1942 йили Фарғона вилоятидан урушга сафарбар этилган, 1943 йили II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 896-ҳужжатлар йиғмажилди.

[260] Мукаррам Акромов – 1913 йилда туғилган, 1942 йилда Уйчи туманидан урушга сафарбар этилган. 1943 йили “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1597-ҳужжатлар йиғмажилди; 1943 йил 25 сентябрда Краснодар ўлкаси Замости хуторида бўлган жанглардан бирида бедарак йўқолган – РФ МВМА. 1739-фонд, 2-рўйхат, 23-ҳужжатлар йиғмажилди.

[261] Рауф Ёқубов – 1907 йилда туғилган, 1941 йил Тошкент шаҳридан чақирилган. 1943 йили “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1091-ҳужжатлар йиғмажилди.

[262] Солиҳ Қодиров – 1914 йилда туғилган, 1940 йили Қўқон шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган. У 1943 йили “Жасурлиги учун” медали ва Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 602-ҳужжатлар йиғмажилди; 686044-рўйхат, 933-ҳужжатлар йиғмажилди.

алоҳида гвардия 120 мм. миномёт дивизиони миномёт наводчиги Юсуф Маматқулов[263], Бош Қўмондонлик Резерви 1449 ўзиюрар артиллерия полки бошқарма взводи катта разведкачиси Шариф Каримов[264], 18 армия 1258 зенитли артиллерия полки разведкачиси-кузатувчиси Қилич Ҳайдаров[265], 11 гвардия ўқчи корпуси алоҳида гвардия сапёр ротаси сапёрлари Азамат Мадаминов[266], Комил Ғофуров[267], Ином Ғуломов[268], 1169 Армия пушкали артиллерия полки 6 батарея телефон алоқачиси Икромиддин Ҳамидов[269], 317 ўқчи дивизия 259 алоҳида алоқа ротаси катта телефончиси Расулжон Қодиров[270], 351 ўқчи

---

[263] Юсуф Маматқулов – 1915 йилда туғилган, 1939 йилда Андижон вилоятидан ҳарбий хизматга чақирилган. Қизил Юлдуз, II даражали Ватан уруши орденлари ва “Кавказ мудофааси учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 782-ҳужжатлар йиғмажилди; РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1791-ҳужжатлар йиғмажилди; Мукофотлар картотекаси, 55-шкаф, 8-кути.

[264] Шариф Каримов – 1922 йилда туғилган, Чиноз туманидан чақирилган. 1943 йили “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган. 1944 йили 29 январда Қрим учун бўлган жанглардан бирида ҳалок бўлган, қабри Маяки қишлоғида – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 2739-ҳужжатлар йиғмажилди; 58-фонд, 18002-рўйхат, 100-ҳужжатлар йиғмажилди.

[265] Қилич Ҳайдаров – 1919 йилда туғилган, 1939 йилда Ғузор туманидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йили Қизил Юлдуз ордени, 1944 йили “Кавказ мудофааси учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1677-ҳужжатлар йиғмажилди; Мукофотлар картотекаси, 92-шкаф, 9-кути.

[266] Азамат Мадаминов – 1923 йилда туғилган, 1942 йили Фарғона вилоятидан урушга сафарбар этилган. 1943 йили “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1398-ҳужжатлар йиғмажилди.

[267] Комил Ғофуров – 1921 йилда туғилган, 1941 йили Тошкент вилоятидан урушга сафарбар этилган. 1943 йили “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 601-ҳужжатлар йиғмажилди.

[268] Ином Ғуломов – 1917 йилда туғилган, 1942 йили Оққўрғон туманидан урушга сафарбар этилган. 1943 йили “Жанговар хизматлари учун”, 1944 йили “Кавказ мудофааси учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1398-ҳужжатлар йиғмажилди; Мукофотлар картотекаси, 24-шкаф, 16-кути.

[269] Икромиддин Ҳамидов – 1915 йилда туғилган, Фарғона вилоятидан чақирилган, 1943 йили “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 626-ҳужжатлар йиғмажилди.

[270] Расулжон Қодиров – 1912 йилда туғилган, 1942 йили Андижон туманидан урушга сафарбар этилган. 1943 йили 2 марта “Жанговар хизматлари учун”, шунингдек, “Жасурлиги учун” медаллари билан тақдирланган. Польша учун жанглардан бирида ярадор бўлиб вафот этган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 708-ҳужжатлар йиғмажилди; 686044-рўйхат, 362-ҳужжатлар йиғмажилди; Мукофотлар картотекаси, 36-шкаф, 17-кути; 58-фонд, 18002-рўйхат, 1211-ҳужжатлар йиғмажилди.

дивизия 904 артиллерия полки телефончиси Ҳаллоқ Рўзметов[271], 389 ўқчи дивизия 950 артиллерия полки 3 дивизиони ҳарбий фельдшери, тиббиёт хизмати катта лейтенанти Эргаш Мўминов[272], 472 алоҳида тиббиёт-санитар батальони шифокори Одил Шокиров[273], шу батальон санитария-кимёвий муҳофаза бўлинмаси командири, 3 ранг ҳарбий шифокори Наим Раҳимов[274], 42 тоғ-ўқчи дивизия 903 тоғ-ўқчи полки рота фельдшери Абдуҳамид Абдуллаев[275], 2 гвардия ўқчи дивизияси 1 гвардия ўқчи полки санитар ротаси санитари Эрмат Зоиров[276], 44 алоҳида темир йўл бригадаси 27 кўприк темир йўл батальони 2 кўприк ротаси дурадгор-кўприксози Насриддин Каримов[277] каби ўзбекистонликлар бор.

---

[271] Ҳаллоқ Рўзметов (ҳужжатда Халек Разметов) – 1919 йилда туғилган, 1940 йили Ҳонқа туманидан ҳарбий хизматга чақирилган, 1943 йили Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1964-ҳужжатлар йиғмажилди.

[272] Эргаш Мўминов – 1921 йилда туғилган, Тошкент шаҳридан (бошқа ҳужжатда Чиноз туманидан) чақирилган. 1943 йили “Жанговар хизматлари учун” медали, 1944 йили II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 851-ҳужжатлар йиғмажилди; шу фонд, 690155-рўйхат, 5223-ҳужжатлар йиғмажилди.

[273] Одил Шокиров – 1908 йилда туғилган, 1941 йилда Тошкент шаҳридан урушга сафарбар этилган. 1943 йили “Жанговар хизматлари учун” медали ва Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682525-рўйхат, 341-ҳужжатлар йиғмажилди; 33-фонд, 686044-рўйхат, 851-ҳужжатлар йиғмажилди.

[274] Наим Раҳимов – 1912 йилда туғилган, 1941 йили Каттақўрғон шаҳридан урушга сафарбар этилган. 1943 йили “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланган. 1944 йили 14 сентябрда 169 алоҳида тиббиёт-санитария батальонида ярадорлик оқибатида вафот этган. Қабри Руминиянинг Терновель шаҳридаги госпиталь боғида – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1401-ҳужжатлар йиғмажилди; 58-фонд, А-71693-рўйхат, 756-ҳужжатлар йиғмажилди.

[275] Абдуҳамид Абдуллаев – 1903 йилда туғилган, 1941 йилда Фарғона вилоятидан урушга сафарбар этилган, 1943 йили Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 686044-рўйхат, 1882-ҳужжатлар йиғмажилди; 1943 йил 6 апрелда Краснодар ўлкаси Украинский хуторида ярадор бўлиш оқибатида вафот этган – РФ МВМА. 33-фонд, 11458-рўйхат, 112-ҳужжатлар йиғмажилди

[276] Эрмат Зоиров – 1914 йилда туғилган, Фарғона вилоятидан чақирилган. 1943 йили “Жанговар хизматлари учун” медали билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 717037-рўйхат, 9-ҳужжатлар йиғмажилди.

[277] Насриддин Каримов – 1900 йилда туғилган, 1942 йилда Мирзачўлдан урушга сафарбар этилган. 1943 йили Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган – РФ МВМА. 33-фонд, 682526-рўйхат, 1022-ҳужжатлар йиғмажилди.

Албатта бу Кавказ ва Волгабўйида жанг қилган ўзбекистонликларнинг минглаб жасоратларидан айрим намуналардир. Зеро, фақатгина махсус “Кавказ мудофааси учун” медали билан 2974 нафар, “Сталинград мудофааси учун” медали билан 2738 нафар юртдошлар тақдирланган. Дарҳақиқат, бу жанглар уларда иштирок этган ўзбекистонликларнинг шонли қаҳрамонлик саҳифалари билан тўла. Бироқ уларнинг барини ҳам тиклаш имкони йўқ. Зеро, уруш шароитида *“кўпгина ҳужжатлар йўқолган”*лиги, *“вақтинча чекиниш чоғида эса муҳим маълумотлар қуйдирилган”*лигини ҳам ёддан чиқармаслик керак[278]. Бу жиҳатдан уруш қатнашчиларининг хотиралари, сафдошлари ҳақидаги ёдномалари катта аҳамиятга эга. Хусусан, И.Тўхтасиновнинг хотиралари билан танишар экан киши кўз олдида бир ҳарбий қисмнинг мардонавор юриши гавдаланади.

Умуман, миллий ҳарбий қисмлар – 90 ва 94 алоҳида ўқчи бригадалар урушгача махсус тайёргарлик кўргандан кейин жангларда қатнашган бўлса-да, уларда йўқотишлар кўлами катта бўлди. И.Тўхтасиновнинг таъкидига кўра, 94 алоҳида ўқчи бригадасидаги *“ўн уч минг кишидан саккиз юздан сал ортиғи уйига қайтди, холос. Кўпи ярим жон”*[279]. Шу маънода бу ҳарбий қисмларнинг жанговар йўлини ўрганиш – дунё тинчлиги учун фашизмга қарши курашган азиз юртдошларнинг номларини абадийлаштиришдек муқаддас бурчга хизмат қилади.

4-§. Жанг майдонларида ҳарбий учувчилар

Маълумки, 1939–1941 йиллардаги СССР ҳукуматининг халқаро майдонда олиб борган ташқи сиёсати 1939 йилдаги Мўғулстон, 1939–1940 йиллардаги Финляндия давлатлари билан бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашувларга сабаб бўлган. Иккинчи жаҳон

[278] Тўхтасинов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент, 1991. – Б. 3–4.
[279] Тўхтасинов И. Ўзбек ўқчилари. – Тошкент, 1991. – Б. 3.

уруши бошланишидан олдинроқ бўлиб ўтган бу низолар курашаётган томонлардан янги такомиллаштирилган қурол-яроғларни, илғор техника воситаларини қўллашни тақозо этган. Агар XX асрнинг бошларида бўлиб ўтган Биринчи жаҳон уруши ва ундан кейин мамлакат ичкарисида олиб борилган фуқаролар урушларида пиёдалар ва отлиқ қўшинлар етакчи ўринларни эгаллаган бўлса, 40-йилларнинг бошларига келиб авиация, реактив қурол-яроғларга бўлган талаб ортиб кетди. Эндиликда жанговар ҳаракатлар иштирокчисига айланган давлатлар ўз армия ва ҳарбий кучларини айни шу воситалар билан таъминлашлари биринчи галдаги вазифалардан бири бўлиб қолганди. Албатта, жанговар авиация ва Ҳарбий Ҳаво Кучлари ҳар қандай ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг ҳарбий салоҳиятини оширувчи етакчи кучга айланган эди. Улардан ҳар бир давлат ўзи олиб бораётган жанговар тўқнашувларда кенг кўламда фойдаланди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий авиация муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, фашистлар Германияси томонидан 1941 йилнинг 22 июнь тонгида собиқ Иттифоқ чегараларини бузиб кирилишида, чегара олди ҳудудларни зудлик билан яксон этилишида ҳарбий авиациянинг ўрни катта бўлди. Соҳа мутахассислари ва тадқиқотчиларнинг олиб борган изланишлари шуни кўрсатадики, уруш бошланган даврда фашистлар Германияси ҳарбий авиацияси кучли даражада такомиллашган бўлиб, юқори тезликда учувчи ва энг илғор қурол-яроғлар билан таъминланган Мессершмитт-109, 110 (ME – 109, ME – 110), Юнкерс, Хейнкель ва Фокке-Вульф каби ўнлаб турдаги замонавий самолётларга эга эди. Бу самолётларни бошқариш ҳарбий учувчилардан катта маҳорат ва малакани талаб этган, шу туфайли ҳам фашистлар армияси авиацияси яхши тайёрланган ва жанговар парвозларни

мукаммал тарзда амалга оширадиган етук малакага эга ҳарбий учувчилар билан таъминланган эди[280].

Бундан ташқари, фашистлар томонидан босиб олинган ва уларнинг сателит давлатларига айланган Европанинг бошқа кўплаб давлатлари саноати, иқтисодиёти ва ҳарбий салоҳияти барчаси фашистлар Германиясини куч-қудратини юксалтирувчи манбаларга айлантирилди. Ушбу давлатлар уни нафақат иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлади, балки катта миқдордаги инсон оқими билан ҳам таъминлади. Натижада ушбу давлатлар фуқароларидан ташкил топган ҳарбий тузилмалар фронтнинг барча йўналишлари бўйича Совет Иттифоқига қарши жангларга олиб кирилди. Бу жанговар ҳаракатларда 1941 йилнинг 22 июнидан бошлаб Руминия, 25 июндан Финляндия, 27 июндан Венгрия давлатлари Ҳарбий Ҳаво Кучларида иштирок этган бўлса, Италия давлати эса ўзининг 83 та жанговар самолёти билан июль ойи ўрталаридан фашистлар Германияси авиацияси билан биргаликда Совет Иттифоқи ҳудудидаги ҳаво жангларида қатнаша бошлади.

Хусусан, румин аёлларидан таркиб топган ҳарбий-тиббий авиаэскадрилья Сталинград остоналаридаги жангларда ярадор бўлган жангчиларни жанг майдонларидан мунтазам равишда эвакуация қилиш билан шуғулланган. Улар томонидан зудлик билан эвакуация қилиш ва биринчи тез тиббий ёрдамни кўрсатилиши натижасида ярадорлар орасида йўқотишлар сони кескин тарзда камайган.

Ҳарбий авиацияни кенг кўламда жорий этиш, унинг тезкор ва тўсатдан зарба бериш каби хусусиятларидан самарали фойдаланиш орқали фашистлар авиацияси урушнинг дастлабки йилларида бир мунча устунликка эга бўлди.

[280] Хазанов Д.Б. Война в воздухе. Горькие уроки. – М.: Яуза, Эксмо, 2006. – С. 185.

Фашистлар Германияси авиацияси тарихига оид адабиётларни ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, урушнинг дастлабки кунлариданоқ ҳаводан бериладиган оммавий ҳужумлар ўзининг яхши самарасини берган. Немисларнинг Bf 109 қирувчи самолётлари бомбардимончи самолётлар билан биргаликда асосан совет аэродромларини вайрон этишган. Биргина Германия биринчи ҳарбий ҳаво флотининг ўзи 1941 йилнинг 22 июнь санасидан 13 июль кунига қадар бўлган вақт оралиғида 1698 та совет самолётларини йўқ қилган, улардан 487 таси ҳаво жангларида йўқ қилинган бўлса, 1211 таси айнан аэродромлар ва қўниш майдончаларида вайрон этилган. Бу албатта, совет авиацияси ҳолатига ва ҳарбий учувчиларнинг руҳиятига салбий таъсир этган. Урушнинг илк кунларидаги катта йўқотишлар, айниқса, ҳарбий аэродромлардаги ишчи, техник ходимлар ва ёрдамчи гуруҳлар таркибидаги талафотларнинг кўплиги бунга асос бўла олади[281].

Машҳур авиация генерали Вальтер Швабедиссен ўзининг “Сталин лочинлари: совет авиациясининг 1941–1945 йиллардаги ҳаракатлари таҳлили” (Сталинские соколы: Анализ действий советской авиации в 1941–1945 гг.) китобида шундай маълумотларни келтириб ўтган: “*Минг-минглаб номаълум совет учувчиларининг номларини ҳеч ким аниқлай ҳам олмайди, эслай ҳам олмайди. Айнан улар, наридан-бери тайёрланган, ёмон ўқитилган, деярли ҳеч қанақанги учиш тажрибасига эга бўлмаган (жанговар тайёргарлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади) ўн минглаб учувчилар ўзларинг таналари билан Германия авиацияси йўлини тўсишди ва охир-оқибат уни тор-мор этишди”*[282].

[281] Қаранг: Корнюхин И.А. Авиация Второй мировой войны. – М.: Русич, 2001. – 128 с.
[282] Қаранг: Швабедиссен В. Сталинские соколы: Анализ действий советской авиации в 1941–1945 гг./ Пер. с англ. – Мн.: Харвест, 2001.– 528 с.

Авиация генерали В.Швабедиссеннинг ушбу китоби герман-совет уруши давридаги советлар авиациясининг ҳолати ва ҳаракатларини таҳлил этиш натижасида ёзилган бўлиб, унда фашистлар Германияси авиация разведкаси далилларига ва жанговар ҳаракатларда иштирок этган кўплаб немис учувчилари томонидан келтирилган маълумотларга таянган. Муаллиф Қизил Армия Ҳарбий Ҳаво Кучларининг уруш олди ва уруш давридаги ҳақиқий ҳолатини акс эттирган, қўмондонлик таркибининг олиб борган стратегик саъй-ҳаракатларига, авиация техникаси турларига ва авиация тузилмаларига баҳо берган. Ушбу маълумотлар дастлаб 1960 йил июнь ойида Америка Қўшма Штатлари Ҳарбий Ҳаво Кучлари Институти журналининг 175-сонида да чоп этилган.

Ҳақиқатдан ҳам, архив манбаларида олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, урушнинг дастлабки ойларида Қизил Армия Ҳарбий Ҳаво Кучлари авиациясида жуда катта йўқотишлар юз берган. Бунинг асосий сабабларидан бири қилиб 1937–1939 йиллардаги қатағонларни келтириб ўтиш шарт. Бутун Иттифоқ миқёсида бўлгани каби ушбу қатағонлар ўзбекнинг кўплаб етук ҳарбий кадрларини ҳам четлаб ўтмади. Ўзбек ҳарбий авиациясининг қалдирғоч саркардаларидан бири – полковник Ризо Ёқубовнинг (1898–1957) ҳаёти бунинг ёрқин исботидир.

Унга 1932 йилда Жуковский номидаги Ҳарбий Ҳаво академияси қошидаги командирлар малакасини ошириш курсларини тугатганидан сўнг “ҳарбий учувчи-кузатувчи” унвони берилган бўлиб, Ризо Ёқубов фаолияти давомида 35 авиабригада командири, Конотоп аэропорти бошлиғи, 206-енгил бомбардимон авиабригада командири, Волск шаҳридаги 2-ҳарбий-техника мактаби бошлиғи ва ҳарбий комиссари бўлган. Мудофаа Халқ Комиссарлигининг 1935 йил 26 ноябрдаги 2484-

сонли буйруғига биноан унга бригада командири ҳарбий лавозими тайин этилди, бу эса ўз навбатида генерал унвони берилиши билан баробар эди. Лекин Р.Ёқубов полковник унвонидан кўтарилмади.

Ўрта Осиё Ҳарбий округи Олий Ҳарбий Совети раиси Ризо Ёқубовга нисбатан 1938 йил 14–15 февраль кунлари революцияга қарши ҳаракатлари ва унинг халқ душманлари билан муносабатлари юзасидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилди. Лекин суриштирув давомида унинг айбдорлиги ўз исботини топмади ва унинг номи оқланди.

Бироқ орадан бир мунча муддат ўтганидан сўнг, Р.Ёқубов 1938 йилнинг 28 май куни қайта қамоққа олинди ва СССР Ички ишлар Халқ Комиссарлигининг 1938 йил 23 августдаги махсус қарорига биноан яширин ҳарбий фитна иштирокчиси деган ноқонуний айблов билан 8 йилга Меҳнат-тузатиш лагерига жўнатилди. У бу муддатни Сибирдаги темир йўл лагерида ва Сибир лагерларида ўтади. 1943 йилнинг апрель ойидан бошлаб эса ҳарбий салоҳиятга эга офицер-маҳбус сифатида Молотов (ҳозирги Перм) шаҳридаги 1-рақамли махсус қамоқхонага қарашли 172-рақамли завод конструкторлик бюросида катта конструктор вазифасида жазо муддатини ўтай бошлади.

Ушбу завод уруш йиллари Қуролланиш Халқ Комиссарлигига қарашли бўлганлиги сабабли бу ерда фронт учун бир қанча турдаги артиллерия тўплари, қурол-аслаҳалар, снарядлар, миналар ва машҳур “Катюша” артиллерия тўплари снарядлари учун эҳтиёт қисмлари чиқарилган.

Ризо Ёқубов жазо муддатини 1946 йилнинг 28 май куни тўлиқ ўтаб бўлди ва озодликка чиқарилди. У Владимир вилояти Александров шаҳарчасида яшай бошлади, қурилиш-монтаж бошқармасида прораб лавозимида иш фаолиятини давом эттирди. Лекин 1949 йил 3 апрель куни иккинчи маротаба қайта

қамоққа олинди ва СССР Давлат Хавфсизлиги вазирлиги қошидаги махсус Қўмита қарорига биноан 1949 йил 18 июлда Красноярск ўлкасига сургун қилинди. Қайта-қайта қамоққа олинишлар, асоссиз айбловлар, узоқ давом этган охири кўринмайдиган тергов жараёнлари натижасида Ризо Ёқубов ўз соғлиғини йўқотди, руҳан ва жисмонан чарчади. Шу сабабли ҳам у 1953 йил 4 сентябрь куни СССР Олий Кенгаши Президиуми раиси К. Ворошилов ва СССР Министрлар Кенгаши раиси Г. Маленков номига хат ёзиб ўзига қўйилган айбловлар бўйича олиб борилган жиноят ишини қайта кўриб чиқишларини сўрайди.

Совет тузуми ноҳақликлари қурбонига айланган айбсиз бир инсон томонидан ёзилган бу хат қатағонлик сиёсатини, ушбу сиёсатни амалга ошириш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилган ҳарбий терговчиларнинг асл башарасини ва тергов жараёнларида жазо ташкилотлари томонидан олиб борилган инсон дош бериши амри маҳол бўлган қийноқларни барчасини рўйи-рост очиб ташлади.

Ҳарбий коллегиянинг 1955 йил 18 июнь санасидаги қарорига биноан Ризо Ёқубовдан олдин қўйилган барча айбловлар олинди ва номи оқланди, унинг ҳарбий унвонлари қайта тикланди. Захирадаги полковник Ризо Ёқубов 1957 йил 23 апрель куни Москвада 58 ёшида вафот этди.

Ушбу маълумотлар Россия Федерацияси давлат архиви ҳамда давлат кутубхоналарида Ризо Ёқубов ҳаётига оид изланишлар олиб борган олим Эркин Ражапов тадқиқотидан олинди[283]. Бундан ташқари, Россия тарихчиларидан Н.С. Черушев ва Ю.Н. Черушевларнинг “Ишчи-деҳқон Қизил

[283] Раджапов Э.Г. Был ли Резо Якубов польским разведчиком. // Молодой учёный. – Казань, 2014. – № 2 (61). – С. 647–652.

Армиясининг 1937–1941 йилларда отилган энг сара кадрлари” номли биографик луғатидан ҳам фойдаланилди.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ўзбекистонлик ҳарбий учувчилар мавзуси деярли ўрганилмаган мавзулардан биридир. Бунинг асосий сабабларидан бири – мавзуга оид барча маълумотлар ҳозирга қадар махфийлик грифи остида сақланганлигидир.

Асосан СССРнинг бошқа ҳудудларида жойлашган учувчилар тайёрлаш олий ҳарбий билим юртларини ўқиб битирган юртдошларимизнинг кўпчилиги Иккинчи жаҳон уруши бошланишигача бўлган даврда етук офицер кадрлар бўлиб етишишган. Улар бевосита ўз хизмат бурчларини мамлакатнинг чекка ҳудудларида ҳамда чегара олди ҳарбий округларида ўтаб келишган.

Ишчи-деҳқон Қизил Армияси офицери сифатида улар Мудофаа Қўмитаси Кадрлар Бош бошқармаси томонидан рўйхатга олинганлар. Уларнинг барчасига юритилган шахсий ҳисоб карточкаларида ўқиб битирган ҳарбий авиация билим юртлари ёки учувчилар тайёрлаш мактаблари номи, ҳарбий хизматини ўтаётган ҳарбий қисм рақами, иш стажи, оила аъзолари тўғрисидаги ва бошқа кўплаб маълумотлар киритиб борилган. Ҳозирда СССР давлати тарихи ва Мудофаа Қўмитаси тарихига оид баъзи бир архив маълумотлари ўзининг сақланиш муддатлари тугаганлиги боис махфийлик грифи остидан чиқарила бошланди. Шу туфайли Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ кўплаб архив манбалар очиқ деб эълон қилинмоқда.

Лекин СССР Мудофаа Қўмитаси Кадрлар Бош бошқармаси архив маълумотлари манбалари ҳамон махфийлик грифи остида сақланмоқда. Ўзбекистонлик ҳарбий кадрларни, шу жумладан ҳарбий учувчи кадрларнинг фаолиятини ёритиб берувчи барча ҳужжатлар Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Москва

вилояти Подольск шаҳрида жойлашган Марказий архивида сақланмоқда. Офицерлар таркибига оид ушбу ҳужжатлар махфийлик грифи остида сақланаётганлиги боис, ҳозирда илмий адабиётлар ва Интернет ресурсларидан фойдаланиш билан чекланишга тўғри келмоқда.

Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 30-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб дунёда урушнинг бошланиши муқаррар бўлиб турган бир паллада собиқ Иттифоқ миқёсида ҳарбий кадрларни, хусусан, ҳарбий учувчиларни тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратила бошланди. Иттифоқнинг деярли барча йирик шаҳарларида учувчилар тайёрлаш мактаблари фаолият юритган.

Жаҳондаги сиёсий вазият ва келиб чиқиши муқаррар бўлган уруш туфайли, ҳамда СССРнинг 1939–1940 йиллардаги Монголия ва Финляндия давлатлари ҳудудида олиб борган урушлари натижаси шуни кўрсатдики, бутун Иттифоқ бўйлаб жойлаштирилган авиация мактаблари ва учувчилар тайёрлаш билим юртлари ўқув дастурлари тезкор усулда амалга оширила бошланди. Аҳоли ўртасида кенг кўламда тарғибот ишлари олиб борилди. Ўқувчи-ёшларни орасида тарғиботни кучайтириш мақсадида “Комсомол-самолётга!”, “Комсомол, авиация техникасини эгалла!” каби жарангдор шиорлар, чақириқлар кўплаб ёшларни учувчилар тайёрлаш ҳарбий билим юртлари курсантлари бўлишга чорлади.

Бутун Иттифоқ бўйича мудофаага кўмаклашувчи ОСОАВИАХИМ ташкилотлари қошидаги аэроклублар кенг тарқалди. 1936 йилда 122 та аэроклублар мавжуд бўлса, 1940 йилга келиб улар сони деярли икки баробарга кўпайди ва 205 тани ташкил этди. Кўплаб ёшлар ана шу аэроклубларда ўзларининг бошланғич билимларини олишди. Агар 1936 йилда 176 нафар аэроклуб битирувчилари олий ҳарбий авиация билим

юртлари курсантлари сафидан жой олган бўлса, 1938 йилга келиб улар сони 14 106 тани ташкил этди[284].

Умумий ҳисобда, собиқ Иттифоқ Ҳарбий Ҳаво Кучлари 1938 йилга келиб захирадаги учувчи кадрлар сонини 106 238 тага, инженер-техниклар сонини эса 47 501 нафарга етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шу билан бирга авиация мутахассисларини тайёрлаш ҳам кенг йўлга қўйилди, масалан, 1936 йилдан 1940 йилгача бўлган даврда 24 122 нафар ҳарбий учувчилар тайёрланди, бу кўрсаткич 1936 йилда 2714 тани ташкил этган бўлса, 1940 йилда эса 9613 тага етди. Авиация соҳасида етакчи нуфузга эга бўлган штурманлар тайёрлашда эса бу рақамлар 13 361 тага, авиация техниклари 30 637 тага ортди[285].

Ана шундай курсантлар орасида Ҳамид Саримсоқов, Абдусамат Тойметов, Адҳам Ғозиназаров, Саттор Саломов, Юрий Боголюбов, Абдусамат Туяқов, Муҳаммаджон Шокиржонов каби кўплаб юртдошлар Иккинчи жаҳон уруши фронтларида мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатишди.

Ўзбекистонда ташкил этилган ва Иккинчи жаҳон уруши фронтларидаги жанговар ҳаракатларда бевосита иштирок этган авиация ҳарбий қисмларидан бири 34 Қизил Байроқ, Суворов ва Кутузов орденлари соҳиби Тошкент бомбардимончи авиация полкидир. 1939 йилнинг 1 июнь санасида ташкил этилган ушбу авиация полки Ўрта Осиё Ҳарбий округининг илк авиация полкларидан саналади. Минтақадаги кескин сиёсий вазиятлардан келиб чиққан ҳолда полк кўплаб жанговар ҳаракатларда иштирок этган.

---

[284] Степанов А. С. Развитие советской авиации в предвоенный период (1938 – первая половина 1941 гг.). М.: Русский фонд содействия образованию и науке, 2009. – 544 с.
[285] Ҳарбий Ҳаво Кучлари архиви. 103-инвентар рақами, 5–33 варақлар.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ жанговар сафарбарликка жалб этилган ушбу полк 1941 йилнинг октябрь ойигача Эрон ҳудудларидаги жанговар ҳаракатларда қатнашди. Эрон ҳудудига ушбу авиация полкини киритилишининг асосий сабабларидан бири – 1941 йилга келиб Эрон ҳукуматини фашистлар Германиясига хайрихоҳ бўлиши ва ўз ҳудудида Германия қўшинлари жойлаштирилиши учун розилик бериши мумкинлигида эди. Эрон ҳамда Яқин Шарқ давлатларидаги катта нефть захираларининг борлиги ҳамда айнан Эронда юқори сифатли авиация бензини ишлаб чиқарилиши бир-бирига қарши жанг олиб бораётган икки давлатни айнан шу ҳудудга ўз ҳарбий кучларини қаратишига сабаб бўлган эди.

Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси инглиз разведкасининг берган маълумотларига асосланган ҳолда 1941 йилнинг 22 июнидаёқ Ташқи ишлар комиссари В. Молотовга Эрон ҳудудларига Қизил Армия қўшинларини киритиш таклифини беради ва шу тариқа Буюк Британия СССРнинг Эрон давлатидаги иттифоқчисига айланади. Разведка маълумотларига асосланиб Ўрта Осиё Ҳарбий округи ҳамда Кавказ орти ҳарбий округлари ҳарбий қисмларига зудлик билан сафарбарлик эълон этилди. Ўрта Осиё Ҳарбий округи таркибида янги 53 алоҳида армия ташкил этилди. 34 авиация полкининг асосий вазифаси совет-Эрон чегарасида хавфсизликни таъминлаш, Эрон ҳудудига фашистларнинг десант қисмлари киритилишини олдини олиш ва тўлақонли разведка ишларини олиб бориш ҳамда аҳоли ўртасида тарғибот мақсадида жанговар варақалар тарқатишдан иборат бўлган.

1941 йил октябрь ойидан бошлаб авиаполк Ҳаракатдаги Армияга жўнатилди ва шахсий таркиб ўзининг дастлабки жанговар парвозларини Москва остоналаридан бошлади.

Москва мудофааси учун бўлган жангларда иштирок этган авиаполк 1941 йил декабрь – 1942 йил январь ойигача бўлган муддатда Ленинград фронтига ўтказилди. Ана шу қисқа муддат ичида полк учувчилари томонидан 325 маротаба жанговар парвозлар амалга оширилди. Авиаполк томонидан берилган авиазарбалар асосан Ленинград атрофидаги ҳудудларда жойлашган душманнинг автомобил техникаси, артиллерия жойлашув нуқталари, темир йўл кесишмалари ва шахсий таркибига қаратилди.

Полк ўзининг кейинги жанговар ҳаракатларини Курск, Орёл шаҳарларида жойлаштирилган душманнинг захира бўлинмаларини йўқ қилиш билан давом эттирди. 1943 йил 5 май санасида Мудофаа қўмитасининг 207-буйруғига биноан “Улуғ Ватан урушида кўрсатган мардлик ва жасорат намуналарини ёдда сақлаш ва мустаҳкамлаш учун” 34 тезкор бомбардимончи авиаполкка “Тошкент” фахрий номи берилди. Немис-фашист босқинчиларига қарши бўлган жангларда Қўмондонлик томонидан берилган топшириқларни аъло даражада бажарганлиги учун 1945 йил 23 февраль санасида III даражали Кутузов ордени, Берлин учун бўлган жанглардаги кўрсатган мардлиги ва жасорати учун еса II даражали Суворов ордени билан тақдирланди.

Ўзининг Иккинчи жаҳон урушидаги жанговар фаолиятини Берлинни забт этиш билан якунлаган ушбу полк ўзбекистонлик ҳарбий учувчиларнинг мардлиги ва жасоратини шу тариқа тарих зарварақларига муҳрлаб қўйди.

Уруш бошланган дастлабки пайтда Германия армиясининг авиацияси сон жиҳатдан Иттифоқ авиациясига нисбатан беш баравар устунликка эга эди. Шунинг учун ҳам урушнинг дастлабки ойларида СССР авиациясида жуда катта йўқотишлар кузатилди, ҳарбий учувчиларга бўлган талаб кескин ортди.

Авиация соҳасидаги техник хизматчилар ёки хизмат фаолияти бевосита учувчилик билан боғлиқ бўлмаган бошқа авиация соҳаси мутахассислари ҳам ҳарбий учувчиликка йўналтирила бошланди. Мисол тариқасида, Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган ҳарбий учувчи Абдусаттор Эшонқуловнинг жанговар йўлини келтириб ўтиш жоиз.

1916 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Абдусаттор Эшонқулов 1937 йилда Қизил Армия сафига чақирилди ва Волск шаҳрида жойлашган ҳарбий-техник авиация билим юртига ўқишга юборилди. 1939 йилда ушбу билим юртини муваффақиятли тамомлаган ёш офицер хизмат фаолиятини Липецк шаҳридаги олий авиация малака ошириш курсларида бошлади.

Ҳавога кўтарилган самолётнинг ҳар бир муваффақиятли парвози унга кўрсатилган сифатли техник хизмат билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу авиация техник хизматчиларидан билим ва кўникмалари юқори даражада бўлишини талаб этган. Шу сабабли ҳам, Абдусаттор Эшонқуловнинг зиммасига ниҳоятда қийин, лекин масъулиятли вазифа юклатилган эди. Унинг билими, маҳорати ва кўникмалари кўплаб ёш авиатехникларнинг ўз касбини чуқур ўрганишларида муҳим ўрин тутди.

Воронеж шаҳридаги қирувчи авиация полкида техник-лейтенант унвонида самолёт механиги бўлиб ҳарбий соҳада хизматини давом эттираётган ўғлон ана шундай оғир шароитда учувчилик касбига йўналтирилди ва у 1942 йилда Воронеж шаҳридаги учувчиларни дастлабки тайёрлаш бўйича 6-авиация мактабини тугатди.

Маълумки, бутун уруш давомида 1942 йил – энг оғир, синовли ва машаққатли йил бўлган. Ана шундай қийинчиликларга қарамасдан, мамлакат ичкарисига эвакуация

қилинган саноат корхоналари, шу жумладан, авиация саноати ҳам бир маромда ишлай бошлади. Ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган ИЛ-2 самолётлари ўз даврининг энг илғор самолётларидан бири бўлиб, уларда энди реактив снаряд қурилмалари ўрнатила бошланди. Бу даражадаги юқори техник кўрсаткичларга эга самолётларни бошқариш учувчилардан олий даражадаги маҳоратни талаб этарди.

Абдусаттор Эшонқуловдаги билим, кўникма ва салоҳият уни ана шундай самолётларни ҳам бошқара олишига замин бўлди. У 1943 йилда Балашов шаҳридаги учувчилар ҳарбий авиация билим юртини ўқиб тугатди ва 28 нафар битирувчи учувчилар билан биргаликда III даражали Суворов орденли 62 Гродно ҳужумкор авиация полкида звено командири бўлиб жанговар хизматини давом эттирди. 2 Белоруссия фронти 4 Ҳаво Кучлари армиясининг 233 ҳужумкор авиация дивизияси таркибидаги ушбу полк душман қўшинларига, унинг техникаси ва таъминотига катта зарар етказди.

1945 йилнинг 8 май куни ҳам Берлин осмонидаги ҳаво жангларида иштирок этиб, аеродромга кеч қайтиб келган Абдусаттор Эшонқулов бир мунча муддат ўтгач автоматдан отилаётган ўқ товушларини эшитиб ташқарига югуриб чиққан пайти Ғалаба тўғрисидаги хушхабарни эшитганида, ўзининг жангларда кўрсатган жасорати, мардлиги ва Берлинни олиш учун бўлган жанглардаги мардонавор иштироки учун келгусида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишидан мутлақо бехабар эди...

Абдусаттор Эшонқуловни Қаҳрамонлик унвонига тавсия этган 4 ҳаво армияси қўмондонлиги томонидан 1945 йилнинг 23 май санасидаги тақдирлаш варақасида қуйидаги маълумотлар келтирилган: *“Катта лейтенант А. Эшонқулов 62 ҳужумкор авиация полкининг жанговар ҳаракатларида 1944 йилнинг*

феврал ойидан бошлаб иштирок этиб келмоқда. Ана шу муддат ичида 100 дан ортиқ жанговар парвозларни амалга оширди.

Бу парвозлар мобайнида катта лейтенант, звено командири Эшонқулов душманнинг 10 та танкини, 69 та автомашина, 2 та паровоз, 43 та қурол-аслаҳа ортилган тиркамаларини, дарёларда жойлашган кечув жойлар, техника ва танклари жамланган жойларини ҳамда беш юздан ортиқ аскар ва офицерларини тор-мор этди".

233 ҳужумкор авиация полки командирининг 1944 йил 7 июль санасидаги 08/н рақамли буйруғи асосида учувчи лейтенант Абдусаттор Эшонқулов немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда жанговар топшириқларни намунали тарзда бажаришда кўрсатган жасорати ва 12 марта амалга оширган муваффақиятли парвози учун Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

2 Белоруссия фронти 4 ҳаво армияси қўмондонлигининг 1944 йил 20 сентябридаги 041/н рақамли буйруғига биноан 27 та муваффақиятли парвози учун Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Қўмондонликнинг 1944 йил 14 декабрдаги шахсий таркибни тақдирлаш бўйича 064/н-сонли буйруғига биноан 34 маротаба амалга оширган муваффақиятли жанговар парвози учун III даражали Суворов орденли 233-ҳужумкор Гродно авиация полки учувчиси, катта лейтенант Абдусаттор Эшонқулов II даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланди.

Булардан ташқари, *"Катта лейтенант Эшонқулов яна 27 та жанговар парвозини чекинаётган душман қўшинларининг олд қаторларда жойлашган техникаси, танклари, қурол-яроғ ва шахсий таркибига катта талафот етказган ҳолда эскадрилья етакчиси сифатида амалга оширди. Бу жанговар парвозларда у*

ўзининг мардлиги, жасурлиги ва топқирлиги билан шахсий намуна кўрсатди.

Ўзининг бутун жанговар фаолияти давомида катта лейтенант Эшонқулов қўл остидаги ҳаво ҳужумкор авиацияси учувчилари бирорта ҳам самолётни йўқотмасдан, жиддий талафотларсиз жанглар олиб борган".

Катта лейтенант, ўзбекнинг мард ва жасур ўғлони, илк ўзбек ҳарбий учувчилардан бири Абдусаттор Эшонқулов 1945 йилнинг 18 августи куни Олий Совет Президиумининг Қарорига биноан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Қаҳрамонга Ленин ордени ва 8226- рақамли Олтин Юлдуз медали тантанали равишда топширилди.

Яна бир Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган ҳамюртимиз – қорақалпоқ элининг мард ўғлони Плис Нурпеисовдир. 1919 йил Қорақалпоғистон Республикасида туғилган ўғлон 1939 йилда фронтга сафарбар этилган.

50 та муваффақиятли жанговар парвози учун у 1944 йили иккита Қизил Байроқ ҳамда II даражали Ватан уруши орденлари билан тақдирланган.

СССР Қуролли Кучлари Кадрлар Бош бошқармасининг 1947 йил 27 мартдаги 0556-сонли буйруғига биноан 4 Ҳаво армияси таркибидаги 47 узоқ масофага учувчи разведкачи авиаполк кузатувчи-учувчиси гвардия катта лейтенанти Плис Нурпеисов 1945 йилниг 23 апрель санасида жанговар топширикдан қайтмаганлиги боис, Қуролли Кучлар офицерлари таркибидан чиқарилган.

Иккинчи жаҳон уруши фронтларидаги жанговар фаолиятини 1941 йилда Москва остоналаридаги жангларда Ғарбий Фронтнинг 206-бомбардимончи авиация дивизияси таркибида бошлаган Мухтор Расулов 1922 йилда Фарғона вилояти Фарғона шаҳрида туғилган. У Қизил Армия сафига

Ўзбекистон ССРнинг Тошкент шаҳар Сталин райони Ҳарбий комиссарлиги томонидан 1940 йилда чақирилган. М. Расулов Ҳарбий Ҳаво Кучларида хизматга йўналтирилганлиги боис 1941 йилда Воронеж учувчилар мактабини тугатган, ҳарбий унвони – катта сержант.

Москва учун бўлган жанглардаги иштироки ва кўрсатган мардлиги учун М. Расулов “Москва мудофааси учун” медали билан тақдирланган. 1942 йилнинг 21 сентябридан 1943 йил 30 августигача бўлган муддатда Ғарбий фронтнинг 38 тезкор бомбардимончи авиация полкининг ўқчи-радисти. 1944 йил 26 февралдан бошлаб 1 Украина фронтининг 219-бомбардимончи авиация дивизиясининг 6 бомбардимончи авиация полкида жанговар фаолиятини давом эттирган.

Уруш йилларида М. Расулов 89 та жанговар парвозни амалга оширган. Улардан 32 таси жанговар разведка парвозлари эди. Разведка парвозларида белгиланган жойни тезкорлик билан суратга олиш тайинланган. Олинаётган суратлар сифатли бўлиши ва белгиланган ҳудудни аниқ суратга олиш учун жанговар парвозларни кундуз кунлари амалга оширишган. Бу нарса ўта эҳтиёткорликни ва душман зенит ўқларига чап беришликни талаб этган. Айниқса, ҳаво булутли пайтлари суратга олиш мушкул бўлганлиги боис, кўпинча булутлар орасида пастлаб учишга тўғри келган. Кўпинча ана шундай парвозлар пайтида улар ортидан душман самолётлари учиб келиб ўққа тутган, шу лаҳзаларда улар эпчиллик билан жанг қилиш баробарида суратга олишга улгуришган.

М. Расулов асосан Пе-2 жанговар самолётида учган, шахсан ўзи битта МЕ-109 самолётини уриб туширган, гуруҳ таркибида еса яна 2 та самолётини уриб туширган. У Елец, Краков ва Прага осмонидаги жангларда мардонавор иштирок этиб, қўмондонлик томонидан кўплаб ташаккурномаларни қўлга киритган.

Энг диққатга сазоворлиси шуки, Мухтор Расулов экипажи 1945 йил май ойида биринчилардан бўлиб Берлин осмонида разведка ишларини олиб борган экипажлардан саналади. Улар Берлин харобалари ва ёнаётган Рейхстаг биносини тасвирга олган. Ҳозирда ушбу фотосурат ва экипаж аъзоларининг фотосурати “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейи экспозициясидан ўрин олган.

М. Расуловнинг жанговар фаолиятини ўрганиш баробарида шу нарса аён бўлдики, авиация кучлари қўмондонлиги ҳар доим ҳам тўғри қарорлар қабул қила олмаган, учувчиларнинг жанговар тайёргарлигини уруш ҳаракатларига мос ёки мос эмаслиги ҳар доим ҳам текшириб борилмаган. Кўпчилик ҳолларда ҳаво жанги машқларини тўлалигича ўзлаштира олмаган ёш кадрларни ҳам парвозга йўллаш ҳоллари кузатилган. Бу нарса ҳали тайёргарлиги етарли даражада бўлмаган ёш кадрларни ўтга ташлаш билан баробар эди.

Биргина мисол: Мухтор Расулов ўзининг “Инсон, тарих ва тақдир” номли автобиографик китобида шундай сатрларни келтириб ўтган: *“Мен ўшанда раҳбариятга (полкдаги ёш учувчиларни ҳаво жангларига йўналтирилган пайтда): “– Биз ҳали ҳарбий учишларга тайёр эмасмиз. Бизга мисоллар кўрсатиб, синаб кўриб, кейин жанг майдонига киритинглар”, – дедим. Бошқалар ҳам гапимга қўшилишди...*

Эскадрилья командирига эътирозимизни билдирдик. У ўзини муаммонинг ечимига дахли йўқ қилиб кўрсатди. “– Вы хотите, чтобы они меня признали трусом что ли? Я же командир ваш (Нима сизлар мени қўрқоқ дейишларини хоҳлайсизларми? Мен сизларнинг командирингизман)”, – деди. Шундан сўнг комиссарнинг олдига бордик. Унга “Аҳвол мана шунақа. Одам 8–9 ойда учувчи бўлиб қоладими? Масалан, мен ҳозиргача бор-йўғи икки мартагина самолётга ўтирганман, холос”, – дедим. “Д-да-

а-а! Что рекомендуете? (Нима тавсия этасизлар?)” – деди. “Мы не имеем права вам рекомендовать. Мы только будем вас просить, чтобы учли это обстоятельство. Подготовьте нас. Пусть у вас появится вера, надежда на нас, что мы готовы воевать (Биз сизга тавсия беришга ҳаққимиз йўқ. Сиздан фақат мана шу вазиятни ҳисобга олишларингизни сўраймиз, холос. Бизларни тайёрланглар. Биз жанг қилишга тайёр эканлигимизга сизларда ишонч ҳосил бўлсин)” – дедим мен ҳам. “Я тоже за это (Мен ҳам шуни тарафдориман)” – деди у. Эртасидан синов учишларини бошладик...

Шундай қилиб бир ҳафта бизни синашди. Орамиздан самолётни ердан кўтара олмаганлар ҳам бўлди... 9 та экипаждан етти кунда 4 та экипаж тайёр бўлди. Қолган 5 та экипаж яна тайёргарлик кўрадиган бўлиб, ўша ерда қолди” [286]. Ушбу сатрлар авиация генерали Вальтер Швабедиссеннинг фикрларининг яққол исботидир.

Бу борада ҳарбий учувчи Муҳаммаджон Шокиржонов хизмат қилган 4 енгил бомбардимончи авиация полкини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Муҳаммаджон Шокиржонов 1913 йилда Тошкент вилояти Оржоникидзе (ҳозирги Қибрай) туманида туғилган. Қизил Армия сафида 1935 йилдан бошлаб хизмат қилган. Ҳарбий учувчи, 1936 йилда Севастополь (Качинск) учувчилар авиация мактабини тамомлаган, 1938 йилда учувчилар тайёрлаш бўйича командирлар қисқа ўқув курсини тугатган. Унга 1938 йилда авиация кичик лейтенанти, 1940 йилда эса авиация лейтенанти унвони берилган. 1940 йилги Финляндия урушида қирувчи-учувчи сифатида иштирок этган. Ушбу жанговар ҳаракатларда кўрсатган мардлиги учун “Жасурлиги учун” медали билан тақдирланган. У 1941 йилнинг 11 июль куни жанговар топшириқдан қайтмаган.

[286] Расулов М. Инсон, тарих ва тақдир. – Тошкент, 2015. – Б. 28–29.

Муҳаммаджон Шокиржонов хизмат қилган 4 енгил бомбардимончи авиаполкнинг жанговар ҳаракатлар журналини ўрганиш жараёнида шу нарса аён бўлдики, ўша кунги жангларда Муҳаммаджон Шокиржонов биринчи бор ҳавога кўтарилганда ўзига юклатилган жанговар топшириқни шараф билан адо этиб полкка қайтиб келган. Иккинчи парвози эса унинг учун охиргиси бўлган. Бу 1941 йилнинг 21 август кунида М. Шокиржоновнинг оила аъзоларига “1941 йил 11 июль куни жанговар топшириқдан қайтмади” – деган қорахатни жўнатилишига сабаб бўлган.

Иккинчи жаҳон уруши тарихини тадқиқ этиш асносида юзлаб, ҳаттоки, минглаб шунақанги тарихи номаълум тақдирларни учратиш мумкин. Ҳамма учун бирдек кулфатлар ёғилган ўша аянчли дамларда ёш ўспирин йигитларнинг букилмас иродаси, мардлиги ва матонати тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш давомида уларнинг жасоратига тан беради киши. Улар зиммасидаги топшириқларни бажариш учун жанговар машиналарни ҳавога кўтарар экан, унинг қанотларида ўзларининг сўнгги орзу-умидларини, қалбларидаги охирги дил изҳорларини, жондан азиз инсонлари ҳақидаги сўнгги хаёлларини мангуликка олиб кетганлар. Уларнинг кўпчилиги ўз яқинлари билан хайрлаша олишга ҳам, ҳаттоки, севиш-севилиш бахти нима эканлигини ҳис эта олмаган ҳолда бу жанговар топшириқлардан қайтиб келишмаган ва бир умрга мангуликка дахлдор бўлиб ўзларидан сўнг бағрикенг мовий осмонда хотиралар қолдириб кетганлар.

Орадан неча ўн йилликлар ўтиб, бугунги кун ёшлари савлат тўкиб турган ўрмонлар ва ботқоқликлар қаъридан улар билан бирга мангуликка дахлдор бўлиб кетган самолётларни, аниқроғи, улардан қолган металл парчаларини кавлаб олишмоқда. Улар ҳозиргача бедарак кетган деб ҳисобланган, тақдири номаълум аскар тарихининг бир саҳифасини ёритиб берувчи манба сифатида ўрганилмоқда...

5-§. Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида

Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликлар фашистлар томонидан босиб олинган Европа мамлакатларини озод этишда ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бу фақатгина Ҳаракатдаги Армия сафидаги жанговар фаолият билан чекланмади. Балки, мақсади оккупация ҳудудларида Гитлер Германияси ва унга иттифоқдош мамлакатларнинг ўрнатган босқинчилик ҳокимиятига қаршилик кўрсатиш ҳамда фашист қуролли кучларини тор-мор келтириш бўлган ҳаракатда ҳам иштирок этиш билан ҳам белгиланади.

Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида оккупация ҳудудларида яшаётган туб аҳоли вакиллари билан бирга асирликдан қочишга муваффақ бўлган, ярадор ҳолида қутқарилган бошқа миллатга мансуб шахслар ҳам иштирок этиши, шунингдек, уруш шароитида гитлерчилар босиб олган мамлакатлар географияси кенгайиши унинг миқёс жиҳатидан фашизмга қарши халқаро миллий-озодлик ҳаракати сифатида қарор топишига замин бўлди. Шунингдек, СССР ҳудудида алоҳида мадад гуруҳлари шакллантирилиб, қаршилик кўрсатиш ҳаракатида иштирок этиш учун Европа мамлакатларига юборилди.

Қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчилари фашизмга қарши тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришарди, бу борада яширин тарзда адабиётлар чоп этиб тарқатишарди, оккупантлар манфаати учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга зарба бериш, қўпорувчилик ва иш ташлашларни ташкил этишарди. Шунингдек, улар транспорт воситаларига қуролли ҳужумлар уюштиришарди, аксилгитлерчи коалиция мамлакатлари армиялари учун разведка маълумотларини тўплашарди ҳамда қочиб ўтишга муваффақ бўлган ҳарбий асирлар ва учувчилар томонидан ярадор қилинган жангчиларга ёрдам беришарди.

Ҳаракат партизанлик номи билан СССРда, шунингдек, Польша, Югославия, Греция, Ғарбий Европа мамлакатларидан – Италияда кўлами кенг бўлди. Биргина 2019 йили Италияда чоп этилган Марта Тонжианининг “Қалб амри билан. Апуан Қаршилиги ва совет партизанларининг ҳиссаси” китобида Аҳмаджон Мамажонов фаолияти кенг ёритилди[287]. У Турғун Қўчқоров билан бирга асирликдан қочиб, Гарибальди бригадасига бориб қўшилади. Улар ҳарбий базалар, кўприклар ва поездларни портлатиш ишларини ташкилларштиришда фаол иштирок этган. А.Мамажонов “Алессандро Михайло”, “Сандро” номлари билан шуҳрат қозонди.

Аҳмаджон Мамажонов ўз хотираларида Турғун Қўчқоров билан бирга қандай қилиб омон қолганларини ҳикоя қилади:

“Унинг исми Қўчқоров Турғун эди. Мен партизанларга у менинг акам эканлигини ёздим... Ва партизанлар уни... менинг фамилиям билан чақира бошлашди: Михайло Турон.

Бир куни, эҳтимол немислар мен қилаётган ишларни билиб олишган ёки кимдандир эшитишган бўлса керак, немис унтер-офицери мени чақириб олди ва мени лагердан узоқроққа, тоғлар ичига олиб борди. Мен олдинда борар эдим, у эса орқада пулемёт билан... Кейин миномётлардан ўқ узила бошлади. Ва битта снаряд бизнинг ёнгинамизда портлади. Мен имкониятни бой бермадим, унинг автоматини тортиб олиб унга ўқ уздим... Агар бу ҳодиса содир бўлмаганида, у мени отиб ташлаган бўларди”.

Улар 1944 йилнинг 18 ноябрдан бошлаб итальян партизанлари билан бирга немис босқинчиларига қарши курашни давом эттиришади.

1945 йил 22 апрелда партизанлар Каррарани немислардан озод қилишга муваффақ бўлишди. Партизанлар штаби

[287] Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 92.

Т.Қўчқоров ва А.Мамажоновга Италия паспортини олишга ва уларга уй-жой ажратишга кўмаклашди. Уларга Пальмиро Тольятти имзолаган партия билети берилади. Шунингдек, Аҳмаджон Мамажонов 1945 йили Қаҳрамон мақомидаги “Ватанпарвар” гувоҳномаси билан тақдирланди.

Июль ойида уларда ватанга қайтиш имкони пайдо бўлади. Партизанлар хайрлашув байрамини қилиб беришади. Уларнинг омон қайтишларида П.Тольятти берган партия билети иш беради. Агарда Италияда одамлар бу ҳужжатни кўриб, меҳмон қилишган бўлса, совет ҳудудида текширувлардан тирик чиқишларига ёрдам беради.

Италия ҳозирга қадар ўз қаҳрамонларини унутмаган. 2022 йил июнь ойида “Қалб амри билан” китоби муаллифи Марта Тонжиани А.Мамажонов ва Т.Қўчқоров хонадонларига ташриф буюриб, уларнинг қабрларини зиёрат қилди ҳамда фарзандларига ўз китобларини ҳадя қилди.

Шунингдек, бу бригадада Андижон вилоятининг ўзидан яна Михаил Мирумянц, Владимир Греев, Степан Опанаценко ҳам бор эди. Шунингдек, 42-Гарибальди бригадасида 1921 йили туғилган, 1941 йил октябрида Наманганнинг Уйчи районидан чақирилган Турсунбой Маминов[288], 115-Гарибальди бригадасида темирчи “Жузеппе” номи билан машҳур бўлган, 1916 йил Тошкентда туғилган Жума Турдиқулов[289], Биринчи рус зарбдор партизан бригадасида Тошкент вилоятидан, 1925 йили туғилган Ўрозали Одилов[290], Базовицца бригадасида қорақалпоғистонлик Кенжабой Алпаров[291] ҳам партизанлик фаолияти билан банд бўлдилар. Улар ортга, юртларига қайтиб келишмади. Бирлари Италияда дафн этилди, бошқалари бедарак кетишди...

---

[288] Талалай М. Г. Русские участники Итальянской войны 1943–1945: партизаны, казаки, легионеры. – М.: ООО «Старая Басманная», 2015. – С. 279.
[289] Ўша асар. – С. 319.
[290] Ўша асар. – С. 329.
[291] Ўша асар. – С. 221.

Михаил Талалай тадқиқотида Италиядаги Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида қатнашган бошқа қатор партизанлар ҳақида ҳам маълумот берилган. Хусусан, улар орасида мусулмон фамилиялар (Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида Ўрта Осиё билан бир қаторда Озарбайжон, Татаристон вакиллари ҳам иштирок этишган) мавжудлигини қайд этиш мумкин. Бироқ, улар ҳақидаги маълумотлар тўлиқсизлиги, яъни фамилиянинг ўзи ёки рус, итальян номлари маълумлиги улар ҳақида ўрганиш ишлари олиб борилишини тақозо этади. Зеро, Гарибальди, биринчи рус зарбдор, Базовицца бригадалари таркибида Ўрта Осиёдан кўплаб кишилар фаолият олиб боришган.

Умуман, Италиядаги Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида партизанларни итальянча талаффуз билан номлаш одат бўлган. Албатта, бу ўзгаришлар оқибатида баъзан ном эгасининг ҳақиқий исмини аниқлаш муаммоси юзага келади. Хусусан, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказга тақдим этилган маълумотга кўра 1920 йил 10 майда Ўзбекистонда туғилган ва асирга олиниб, Италиянинг Лигурия ҳудудига олиб келинган Закария Эргашев у ердан қочгач, Юлия деб аталувчи 2-партизанлар бригадаси сафига ўтади. Урушдан кейин у Парма шаҳрида яшаб қолади ва 1970 йилнинг 6 июлида вафот этади. Юртдошимизнинг асл исми – Закариё, Зокир, балки умуман бошқа бўлиши ҳам мумкин. Бу масалада ҳали ўрганиш ишлари давом этмоқда. Сабаби, берилаётган ном доим ҳам шахс ҳақиқий исмининг бош ҳарфи билан бошланмаган. Масалан, “Озодлик” кўнгиллилар корпусида фаолият юритган Шариф Саматов “Алесандро” номи билан машҳур эди.

У 1942 йили Белоруссия ҳудудидаги жанглардан бирида асир тушади. Асирларни олиб кетаётган поезд йўлдаги бекатларда маълум муддат тўхтаб, яна йўлда давом этарди. Ана

шундай бекатлардан бирида Ш.Саматов қўриқчини қуролсизлантириб, унинг кийимини кийиб қочишга муваффақ бўлади. Бекатдан чиқиш заҳоти у яна асирликка олинади. Ш.Саматов бу ер Австрия ҳудуди эканлигини билгач, яна қўриқчини қуролсизлантиради ҳамда дуч келган поездга ўтириб қочади. У бекатлардан бирида ташқарига чиққанида фашистлар томонидан учинчи бор асирга олинади ҳамда шу тариқа Ш.Саматов Миландаги Сан Виторе қамоғига жойлаштирилади.

1943 йилнинг баҳорида Италиядаги қўзғолон ва оммавий намойишлар вақтида Ш.Саматов бошқа маҳбуслар қатори озод этилади[292]. У дастлаб дала разведкаси – скаутчилик билан шуғулланади. Ш.Саматов қўлга олинганидан кейин Миландаги немис босқинчилари буйруғи билан унга отиш йўли билан ўлдириш ва буни 1945 йилнинг 1 майида амалга ошириш белгиланади. Аммо, 25 апрелда Италия миллий озодлик қўмитаси қўзғолон ташкил этиб, Шариф Самадовни маҳбусликдан озод этади.

Польша ҳудудида жанговар фаолият олиб борган партизанлардан самарқандлик Сайфулло Нуруллаевни ҳам қайд этиш мумкин. 1915 йили таваллуд топган Сайфулло Нуруллаев урушда катта сержант даражасигачи кўтарилган. У асирликдан қочиб, Люблиндаги ўрмонларида фаолият юритаётган партизан отрядига бориб қўшилади. Жиленко гуруҳи таркибида С.Нуруллаев 1944 йил 7 июнда Люблин-Красник темир йўли йўналишида 5 та ҳарбий поездни портлатишда иштирок этди. Бунинг натижасида фашистлардан 50 нафари ҳалок бўлиб, 140 таси яраланди.

Яна бир самарқандлик Галим Галиевич Булатов ўз отряди билан 10 дан ортиқ кўприкни портлатишда, душманнинг ҳарбий

[292] Фатаева О. Итальянский партизан из Самарканда – https://samtur.uz/ct/261-italjanskij-partizan-iz-samarkanda.html

техникалари жойлашган ҳудудларини вайрон қилишда фаоллик кўрсатди[293]. Бошқа ўзбекистонлик Аня Сухорукова эса радиостанцияси орқали разведка маълумотларини етказиб турди.

Ўзбекистонликлар Болгария ва Югославия ҳудудларидаги Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида ҳам фаол иштирок этишди. Бу ҳақда Болгария – Совет дўстлиги музейи директори Ц. Генов болгариялик партизан батальони сиёсий комиссари Стойчо Гичев ҳикоясини келтириб, шундай деган эди: “Преполье яқинидаги жангдан кейин бизнинг батальонимиз тоғларга, Препомер шаҳри томон чекинишди. Йўлимиз давомида бизга батальоннинг кейинги жангларида фаол иштирок этган 28 нафар Қизил Армия аскарлари келиб қўшилишди. Улар ўзбеклар бўлиб, Қизил Армиянинг Курск атрофи ва Киевдаги қаҳрамонона жангларида асир бўлишган эди. 1944 йилнинг бошида гитлерчилар уларни Югославияга олиб боришди. Бу ерда жасур қизил армиячилар маҳаллий аҳоли билан алоқа ўрнатиб, қайси районларда партизанлар борлигини билиб олишди ва улар томонга ўтиш режасини тузишди. Қулай фурсатдан фойдаланиб, улар гитлерчи аскарларни ўлдириб, отларга қурол ва аслаҳаларни ортиб, Югославия партизанлари томон ўтиб олишди. Айнан шу қизил армиячиларни кейинчалик бизнинг батальонга юборишди. Барчаси, улардан ҳар бири интизомли солдатлар эди. Жангларда худди қўрқувни билмагандек ўзини тутишарди. Ўзларининг жасурлиги билан барчани ҳайратда қолдиришарди. Айниқса, улар Преполье яқинидаги жангларда алоҳида ўрнак кўрсатишди”[294]. Гуруҳга Умань яқинида асир олиниб, Германиядаги концентрацион лагерига юборилган Солихон

[293] Бакман Я. И. Воины Узбекистана – участники движения Сопротивления в странах Европы // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1973. – № 5. – СС. 41–42.
[294] Бакман Я. И. Воины Узбекистана – участники движения Сопротивления в странах Европы // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1973. – № 5. – СС. 41–42.

(баъзи адабиётларда Сайлихон) Файзиев бошчилик қиларди. У билан Зиёмат Ҳусанов ҳам бирга эди.

З.Ҳусановнинг партизанлик йўли бошланиши бевосита Курск ёйидаги жанглар билан боғлиқ бўлган. У 1943 йилнинг 5 июлида, Курск жангининг биринчи кунида Белгород яқинидаги Дальние Пески қишлоғи атрофда бўлган шиддатли жангда иштирок этади.

У икки аскар билан бирга баландликдаги позицияни эгаллашга ҳаракат қилади, ўз захирасидаги охирги пулемёт ўқи қолгунча фашистларнинг йўлини тўсади. Ёнидаги жангчилар ҳалок бўлишига қарамасдан, сержант З. Ҳусанов яна ўрнидан туриб, ёлғиз ўзи фашистларни ўққа тутаверади. Бир фурсат тин олишга ҳам улгурмайди.

Уни фашистлар уч томондан ярим доира қилиб ўраб олмоқчи бўлишади. Зиёмат Ҳусанов уларнинг мақсадини тушуниб, ўқ отишнинг йўналишини ўзгартиради. Барча патронлари тугаганидан сўнг, Зиёмат Ҳусанов қўлида граната билан жангга киради.

Эртаси куни баландлик озод қилинади. Лекин З. Ҳусановнинг жасади топилмайди. Унинг ўлими ҳақида гувоҳларнинг сўзларига асосланиб, жангдаги жасорат кўрсатиб ҳалок бўлганлиги ҳақида ҳужжат тайёрланади. 1944-йил 22 февралдаги СССР Олий Кенгаши Президиумининг фармони билан 78-гвардия ўқчи дивизиясининг 228-гвардия ўқчи полкининг пулемёт расчёти командири, гвардия сержанти Зиёмат Усмонович Ҳусановга вафотидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилади.

Кейинчалик Зиёмат Ҳусанов оғир ярадор бўлиб, асирга тушгани маълум бўлади. У Харков яқинидаги ҳарбий асирлар концлагерига юборилади. Ҳарбий асирлар лагеридан қочиш учун

З. Ҳусанов немислар томонидан тузилган “Туркистон легиони”га қўшилади.

1944 йил январида у “Туркистон легиони”га қабул қилинади, лекин бу бўлинма Шарқий фронтга эмас, балки Югославияга юборилади. Хизмат пайтида у бошқа асирларни партизанларга қўшилишга ишонтиради. 1944 йил 15 майда Зиёмат Ҳусанов С.Файзиев бошчилигидаги асирлар билар бирга казармани жанг билан тарк этади ва қурол билан партизанларга қараб кетади.

Шундай қилиб, Зиёмат Ҳусанов Югославиядаги партизанлик ҳаракатида фаол қатнаша бошлайди. Айниқса, у Черногория ва Болгариядаги қаршилик кўрсатиш ҳаракатларида алоҳида жасорат кўрсатади.

Жангларнинг бирида З. Ҳусанов душманни четлаб ўтади, немис пулемётчисини йўқ қилади ва қўлга олинган пулемётдан душманга ўқ узади. Лекин яқинида портлаган миномёт бўлакларидан унинг ўзи яна ярадор бўлади. Портлаш қаттиқ бўлганини кўрганлар уни вафот этган, деб ҳисоблашади.

Бу сафар ҳам у тирик қолган эди. Маълум бўлишича, жанг тугаганидан сўнг, уни маҳаллий черногориялик аёл топган эди. Кейин З. Ҳусановни қайиқда бошқа ярадорлар билан Италиядаги госпиталга даволаш учун олиб кетишади ва ўша жойда у тўрт марта операция қилинади. Уруш тугагач, 1945 йил 9 майида Зиёмат Ҳусанов Одесса денгиз бандаргоҳига келади.

Кўп ўтмай З. Ҳусанов ҳаётида кутилмаган даҳшатли воқеа содир бўлади. У илгари немисларга хизмат қилган хоинлардан бирининг уйдирма гапи асосида ҳибсга олинади.

Зиёмат Ҳусанов уч йил давомида турли текширувлардан ўтади. Бўҳтонлар ўз исботини топмагач, 1948 йилда у озод этилади. Лекин СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1952 йил

28 июндаги фармони билан З. Ҳусанов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонидан маҳрум қилинади.

Оиланинг тинчи бузилади. Бу ҳолатларда ўша вақтда амал қилган тартибга кўра, аввал оила Тошкент вилоятининг Қибрай туманига кўчиб ўтади. Кейинчалик Сайрамга қайтиб, ўқитувчилик қила бошлайди. Уруш йилларида 25 ўқчи корпусининг қўмондони бўлган генерал-лейтенант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Гани Сафиуллин ўтган асрнинг 60-йиллари охирида Шаҳрисабзга Совет Иттифоқи Қаҳрамони Нажиб Нўғоев ҳайкали очилиши учун келганида Зиёмат Ҳусанов жасорати ҳақида гапириб беради.

Бунга қадар Тошкент давлат университетининг журналистика факултетини тамомлаётган Миркарим Мирсовуров “Ватан шарафи учун” номли фронт газетасида ўзининг мактаб ўқитувчиси Зиёмат Ҳусанов Совет Иттифоқи Қаҳрамони эканлиги ҳақидаги материал билан танишган ҳамда унга унвонни қайтариш бўйича ҳаракатлар бошланган эди.

Г. Сафиуллинга Зиёмат Ҳусанов ҳаёт эканлиги ва Сайрамда ўқитувчилик қилаётгани ҳақида маълумот беришади. Сўнгра у ҳам бу жараёнларда иштирок этади, Болгария Халқ Республикаси архивлари ва музейларидан маълумотлар олинади. Давлат хавфсизлик қўмитаси, СССР Олий Кенгаши Президиуми, Ўзбекистон ва Қозоғистон Олий Кенгаши Президиумлари ходимлари жалб этилади. М. Мирсовуровнинг қайд этишича, Зиёмат Ҳусанов СССР Олий Кенгашида раис ўринбосари сифатида фаолият олиб борган ўзбекистонлик Ёдгора Насриддинова билан ҳам икки бор учрашган экан.

Ниҳоят, СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1968 йил 13 февралдаги фармони билан Зиёмат Ҳусановнинг унвони тикланади ва тантанали топширилади. У Болгария партизанлик ҳаракатининг аъзоси сифатида Болгария Халқ Республикаси

Ҳукуматининг Фахрий ёрлиғи, вафотидан кейин “Халқ озодлиги учун” ордени билан тақдирланди.

Шунингдек, Югославия Миллий-озодлик Армияси 9-корпусида самарқандлик Лев Калонтаров (ҳужжат бўйича Леонид Юсупович Колонтаров)[295] ҳам иштирок этиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У билан бир сафда бўлган фарғоналик Ўқсонбой Холматов жанглардаги жасоратлари учун Югославиянинг мукофотларига муносиб деб топилди[296]. Уларнинг қаторида айни шу корпусда Ҳусайн Зоҳиров ҳам бўлган.

Словенияда Самарқанддан Галина Гриценко, Қули Мамадалиев, Босния ва Герцеговинада тошкентлик Ю. Рижов, Македонияда андижонлик Маматхон Жалиловлар иштирок этдилар.

Чехословакиядаги ҳаракатда Константин Данилов, Василий Мельников, Раимбой Алламов, Абдулла Нарзуллаев, Розиқ Ҳамроев, Абдураҳмон Ўрозниёзов иштирок этган.

Пельгржимов шаҳри яқинида отрядлар ўртасида тезкор алоқа ўрнатиш муаммога айланаётганлиги сабабли “Прага учун” чех партизанлари қўшилмаси Совет қўмондонлигидан мадад сўраб мурожаат қилади. Шунда сафларида тажрибали разведкачилар бўлган 13 кишилик махсус гуруҳ тузилиб ушбу қўшилмага юборилади. Улар орасида ўзбек Алихон Кошиков ҳам бор эди[297].

Машҳур қаҳрамон шоир Муса Жалилнинг яширин гуруҳида ўзбекистонлик Фуат Сайфулмулуков, Гариф Шабаев, Фарит Султонбеков, Гараф Фахрутдинов ва Рушад Хисамутдиновлар

---

[295]РФ МВМА. 58-фонд, 18004-рўйхат, 38-йиғмажилд, 362-варақ. – 1919 йили туғилган, 1943 йилнинг 25 ноябрида ўлдирилган.

[296] Джураев Т. Д. Узбекистанцы – участники партизанской войны. – Т.: Узбекистан, 1975. – С. 142.

[297] Джураев Т. Д. Узбекистанцы – участники партизанской войны. – Т.: Узбекистан, 1975. – С. 140.

бор эди. Улардан Ф.Сайфулмулуков, Г.Шабаевлар Муса Жалил билан бирга гильотина орқали жисман маҳв этилган эди.

Г.Фахрутдинов бошчилигида 18 ҳарбий асир гуруҳи француз партизанларига келиб қўшилди. Р.Хисамутдинов Францияда совет партизанларидан ташкил топган батальонга командирлик қилди. Ф.Султонбеков Лембург шаҳридаги лагерда жойлаштирилади ва у ердан 1945 йилнинг апрелида озод этилади[298].

Франциядаги ҳаракатда бошқа ўзбекистонликлар, жумладан, М.Горький номидаги отрядда Мамбетназар Абдунаимов, 1-совет партизан полкида Насиб Амиров, Михаил Андронин, Иван Дудко, Александр Михеев, Сергей Петров, Михаил Сисадзе, Раҳмон Раҳимов, Абдулла Раҳматов, Сарибой Шомуродов, шунингдек, Рашид Исмоилов, Филипп Лаенковлар бор эди[299].

Умуман, 1944 йилнинг баҳорига келиб Франция ҳудудида 55 совет партизанлар отрядлари фаолият олиб борган. Улар Париж, Лимож, Тулуза, Клермон-Феррана, Пуатье, Монпелье ва бошқа шаҳарларни озод этишда қатнашишди. Биргина 1-совет партизан полкида Совет Иттифоқидаги 37 миллатларнинг вакиллари бор эди. Шунингдек, “Озодлик учун”, “Катрин”, “Ковпак”, “Котовский”, “Париж коммунаси”, “Чапаев”, “Озодлик”, “Сталинград”, “Султон”, “Бухоро” отрядлари ва “Ватан” аёллар отряди бор эди[300].

Фарғоналик Ҳошим Исмоилов совет фуқароларидан партизан отрядини ташкил этади. Унинг отряди 1944 йил

---

[298] Бакман Я. И. Воины Узбекистана – участники движения Сопротивления в странах Европы // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1973. – № 5. – С. 42.

[299] Қаранг: Франция ўтган кунлар // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1960 йил 30 март, 3-бет.

[300] Rahimov M.A., Nursaidova M.Sh. Fransiya Qarshilik ko‘rsatish harakatida o‘zbekistonliklarning ishtirokiga oid yangi arxiv hujjatlari / Ikkinchi jahon urushi va O‘zbekiston xalqi: tadqiqotlar. Ilmiy maqolalar to‘plami. 2-jild. – Toshkent – 2022-y. – B. 97–98.

мартида Альба шаҳри яқинидаги совет асирлари лагерининг қўриқлаш хизматини йўқ қилади. Кейинчалик отряд 2-совет партизан полки таркибига қўшилади. У билан биргаликда бу полкдан Андрей Айрапетов, Ҳасан Жабборов, Тожибой Зиёев ва бошқалар Франциянинг орденлари билан тақдирланишган.

Франция Мудофаа вазирлиги тарихий хизмати Архивлар тарихий марказидаги Франция Қаршилик кўрсатиш ҳаракати иштирокчиларининг картотекасида илгари номаълум бўлган юртдошлар, жумладан, қўқонлик Кац ва Маммон Берта, андижонлик Сурен Айрапетов, тошкентлик Елена Богуславская (Калиновская) ҳақида маълумотлар учрайди. Уларнинг айримлари кейинчалик Францияда қолишган[301].

Бельгия қаршилик кўрсатиш ҳаракати сафида Ўзбекистондан 1923 йили туғилган, хоразмлик Машариф Бобожонов, 1918 йили туғилган бухоролик Александр Кривоносовлар ҳам бор эди[302].

Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида иштирок этганлардан яна бири Ўзбекистон ССРнинг 1938 ва 1939 йиллардаги бокс бўйича чемпиони Андрей Борзенко эди. У Бухенвальд концентрацион лагерида асир бўлиб, лагер қўриқчилари ҳамда немис, австриялик, итальян боксчилари билан жами 80 марта рингда жанг қилади. Бирон марта мағлуб бўлмайди. Акс ҳолда у учун якуний нуқта – крематорий бўлар эди[303]. У лагердаги яширин ташкилот фаолиятида қатнашади.

Ушбу ва бошқа кўпгина маълумотлар ўзбекистонликларнинг Европадаги Қаршилик кўрсатиш ҳаракатларида фаол иштирок этганлигидан далолат беради. Шу билан бирга мавзу кенг ўрганишни тақозо этади. Охирги 20

---

[301] Ўша мақола. – Б. 98–99.

[302] Бывшие советские военнопленные в рядах сопротивления Бельгии. – http://forum.patriotcenter.ru/index.php?topic=39328.0;wap2

[303] Борзенко Андрей Михайлович – http://www.pobeda1945.su/frontovik/115196

йиллар давомида хорижда, хусусан, минтақамизда Қаршилик кўрсатиш ҳаракатига оид архив ҳужжатларини ўрганиш ишлари кучаётганини, янги илмий-тадқиқотлар, оғзаки тарих материаллари эълон қилинаётганлигини ҳам таъкид этиш мумкин. Тарихий хотира маданиятига эътибор берилаётган ҳозирги кунда Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида иштирок этган ўзбекистонликларнинг фаолиятини ёритиб бериш долзарблашмоқда. Сабаби, дунёни, жумладан, Европани фашизм балосидан халос этишда кўплаб ўзбекистонликлар ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишган. Уларнинг ҳар бирини номи билан боғлиқ жасоратларини тарихга муҳрлаш зарур. Шундагина аниқ мисоллар воситасида тарих келажак авлод учун сақлаб қолинади. Бу борада хорижий манбалар ва адабиётлар қаторида архивлардаги, “Шон-шараф” музейи фондидаги, бевосита Қаршилик кўрсатиш ҳаракати аъзоларининг оилаларидаги материалларни тизимли ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

III-БОБ. ФРОНТ ОРТИДАГИ ҲАЁТ

1-§. Саноатнинг ҳарбий мақсадлар асосида қайта қурилиши

1941 йил декабргача бўлган даврда фашистик Германия қўшинлари томонидан собиқ Иттифоқнинг ғарбий чегарасидаги маълум ҳудудлар босиб олинди. Босиб олинган ҳудудлар собиқ Иттифоқ иқтисодий ҳаётида улкан аҳамиятга эга бўлиб, асосий саноат маҳсулотларини берувчи марказлар эди. Қуйидаги жадвал[304] кўрсаткичларида оккупация қилинган ҳудудларнинг собиқ Иттифоқ миқёсида саноат маҳсулотлари, қора металлургия ишлаб чиқариши ва ишчилар сони бўйича етакчи мавқеларни эгаллаганини кўришимиз мумкин:

Фашистлар Германияси босиб олган СССР ҳудудларининг аҳоли ва ишлаб чиқариш салоҳияти

	Умумий собиқ Иттифоқ (1940 йил маълумоти)	Босиб олинган ҳудудлар	Босиб олинган ҳудудларнинг улуши (% ҳисобида)
Аҳоли (млн. киши)	190,7	84,9	45
Ишчи ва хизматчилар сони (млн. киши)	31,2	11,9	38
Саноат маҳсулотлари (1926/1927 й. ўзгармас нархларида млрд. руб.)	138,5	45,9	33
Чўян (млн.т)	14,9	10,6	71
Пўлат (млн.т)	18,3	10,5	58
Кўмир (млн.т)	165,9	105,2	63
Нефть (газ конденсати билан бирга млн.т)	31,1	2,6	8
Электр энергияси (млрд. киловатт-соат)	48,3	20,4	42

[304] Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг. Статистический сборник. – Москва: Информационно-издательский центр Госкомстата СССР, 1990. – С. 21.

Умумий жиҳатдан, 1941 йил ноябрида 1941 йил июнь ойига нисбатан саноат ишлаб чиқариш 2,1 баробар камайди[305]. Урушда ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш учун зарур қурол-яроғларни армияга етказиш эса айнан қўшимча саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватларини яратиш талаб этиларди. Оккупация ҳудудларида ишлаб чиқариш қувватларини тўлдириш учун ҳали босиб олинмаган ҳудудларда имкониятлардан кенг фойдаланиш зарур эди.

Ҳарбий саноатни жонлантиришда собиқ Иттифоқнинг шарқий ҳудудларига, жумладан, Ўзбекистонга катта эътибор берилди. Ўзбекистондаги саноат корхоналарини қисқа вақт ичида трансформация қилиш ва мудофаа маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўтказиш лозим эди. Иқтисодиёт тармоқлари ичида саноатни трансформация қилишга алоҳида эътибор берилди. Ҳарбий ишлаб чиқариш бевосита саноат билан боғлиқ. Уруш йилларида саноатни трансформация қилишда қуйидагиларга эътибор берилди:

Биринчидан, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини максимал кўпайтириш хамда уларнинг сифатини ошириш;

Иккинчидан, мавжуд корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш асосида ишлаб чиқариш қувватларини ошириш;

Учинчидан, янги саноат корхоналарини барпо этиш (асосан, металлургия ва машинасозлик);

Тўртинчидан, “фуқаролик корхоналари”ни ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштириш.

Иккинчи жаҳон урушигача собиқ Иттифоқ саноати “ҳарбий” ва “фуқаролик” маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ихтисослаштирилган эди. “Ҳарбий” махсулот

[305] Вещиков П. Экономика СССР испытание выдержала // Военно-исторический журнал. – Москва, 2006. – № 1. – С. 14.

ишлаб чиқарувчи корхоналар (ихтисослаштирилган ҳарбий-саноат халқ комиссарликларига тегишли) уруш йилларида асосий қурол-яроғ ва ўқ-дори турларининг 2/3 қисмини етказиб берди[306].

1941 йилнинг иккинчи ярми ва 1942 йил бошларида ҳарбий техника талофатлари ва ўқ-дори сарфининг ўсиши натижасида ҳарбий-саноат маҳсулотларига талаб кескин кўпайди. Уруш даврида “ҳарбий” корхоналарнинг йўқ қилиниши ёки кўчирилиши туфайли қурол-яроғ ва техника ишлаб чиқариш кескин камайди. Шу сабабли, “фуқаролик” корхоналарининг ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиши фронт таъминоти босимини бир мунча юмшатди. Уруш йилларида собиқ Иттифоқда ишлаб чиқарилган 65-68% саноат маҳсулотлар фронт эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилди[307].

Кадрларнинг кескин суратда танқислиги, саноат хом ашёси, ёқилғи, дастгоҳлар, асбоблар ниҳоятда етишмаслигига қарамай, 1941 йил декабрга келибоқ, Тошкентдаги 63 та корхона ва республикадаги бошқа 230 та корхона мудофаа маҳсулотлари бера бошлади[308]. “Тошқишлоқмаш” заводи урушнинг биринчи ҳафталаридан бошлаб, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. 1941 йилнинг охирига келиб завод ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини 240%га бажарди[309]. Фронт эҳтиёжлари биринчи ўринга қўйилган ҳолда, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга бошқа корхоналардан кадрлар ва техника жалб қилинди. 1941 йил октябрида республика

---

[306] Симонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 154.

[307] Симонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 152.

[308] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 2000. – Б. 440.

[309] Голованов А. Саидов И. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. – Самарканд: СамГУ, 2006. – С.6.

корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 51% ҳарбий буюртмалар асосида ишлаб чиқарилди[310].

Баъзи ҳолларда ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшимча корпус ёки цех қуришга тўғри келарди. Масалан, Ўзбекистонга эвакуация қилинган “Колхозник” номли заводда ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўшимча иккита цех қурилди. Режалар муддати тиғиз белгиланганлиги учун ишчилар кунига 17 соатдан ишлашга мажбур бўлдилар. Завод раҳбариятининг ташаббуси ва ишчилар оғир меҳнати туфайли 1941 йилнинг ноябридан завод қурол-яроғ ишлаб чиқара бошлади[311].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистоннинг кўплаб саноат корхоналари ҳам ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида душман авиациясига қарши самарали курашиш учун турли воситалар ишлаб чиқарилди. Ушбу мақсадлар учун 1199 дона аэростатларни тўсиқларини кўтариб-тушириш лебёдкаси ишлаб чиқарилди[312]. Ҳаво-десант қўшинлари учун 36 дона ГП-1 русумли юк платформаси, 74 дона ДПТ-2 русумли ҳаво-десант подвескаси, 55 дона ДАРМ кўтармалари ишлаб чиқарилди.[313]

Бундан ташқари бизнинг юртимизда рота, батальон, полк бўғинларида қўллаш учун мўлжалланган миномётлар ишлаб чиқарилган, жумладан, 6682 дона 50 мм, 9473 дона 82 мм, 979 дона 120 мм миномётлар артиллерия қисмларига етказиб берилди. 26 954 дона 45 мм ва 76 мм танкка қарши тўплар

---

[310] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 112.
[311] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 110.
[312] Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА). 1619-фонд, 12-рўйхат, 708-йиғмажилд, 227-варақ.
[313] ЎзМА. 1619-фонд, 12-рўйхат, 708-йиғмажилд, 227-варақ.

ҳамда120 мм миномётлар учун олд қисмлари ва олиб юрувчи шатаклар ишлаб чақарилиб фронтга етказиб берилган. Ҳарбий муҳандислик қўшинлари учун қуйидаги миқдорда ва русумдаги мина-трал қуроллари ишлаб ишлаб чиқарилган ва муҳандислик қўшинларига етказиб берилган: 3463 дона РЯМ, 1052 дона МИРАБ, 116 жамлам ПАРАВАН-охранит. Кимё қўшинлари учун 9287 дона ВАП-6 ва ВАП-100 ускуналари, 45300 дона РДП-3 ўлчагичлар, 3100 дона брандспойтлар ишлаб чиқарилди ва кимё қўшинлари учун фронтга етказиб берилди.[314]

Тошкент паровоз-ремонт заводи ҳам турли ҳарбий техникаларни ишлаб чиқаришга ўтди. Завод асосан ҳарбий-санитар поездлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. 1942 йил октябрида заводда тайёрланган “Ўзбекистон” номли бронепоезд Курск жанги, Киев, Житомер ва Польшанинг озод этилишида иштирок этиб, ғалабани Берлиндан 60 км. узоқликда жойлашган Бранденбург шаҳрида кутиб олди[315]. Уруш йилларида Ўзбекистонда жами 5 та бронепоезд, 14 та ҳарбий санитар поездлари, 4 та ҳаммом ва кир ювиш поездлари қурилди ва фронтга юборилди[316].

Архив маълумотларидан, 1943 йилда Ўзбекистонда фаолият юритган 702, 708, 770, 735, 725-сонли заводлар Миномёт Халқ Комиссарлиги, 84 ва 154-сонли заводлар эса Авиасаноат Халқ Комиссарлиги ихтиёрида бўлганлиги маълум бўлади[317].

1941 йилда Москва вилояти Химки шаҳридан 84-сонли авиация заводи Тошкентга кўчирилиб, унда уруш йилларида ПС-84 русумидаги самолёт (1942 йил сентябридан номи ЛИ-2 га ўзгартирилган) ишлаб чиқарилган. ПС-84 самолёти АҚШнинг

---

[314] ЎзМА. 1619-фонд, 12-рўйхат, 708-йиғмажилд, 227-варақ.

[315] Нуруллин Р. Узбекистан – арсенал фронта в годы войны// Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – 1996. – Б. 193.

[316] ЎзМА. 1619-фонд, 12-рўйхат, 708-йиғмажилд, 229 б-варақ.

[317] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3774- йиғмажилд, 218-варақ.

Дуглас компанияси томонидан лойиҳалаштирилган бўлиб, 1938 йилдан бошлаб собиқ Иттифоқда лицензия асосида ишлаб чиқарила бошланган.

Ушбу русумдаги самолётлар фуқаро авиацияси учун мўлжалланган эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент авиация заводида ишлаб чиқарилган ЛИ-2 самолётлари ПС-84 нинг ҳарбий модификацияси бўлиб, улардан ҳарбий юклар, десант ташишда ва бомбардимончи самолёт сифатида фойдаланилган[318]. Шу билан бирга Ўзбекистонда ҳарбий авиация учун 17342 дона авиамоторлар, узоқ масофага учувчи самолётлар учун 25 дона АКЗС-3 русумли ҳаво-зарядловчи станциялар ишлаб чиқарилиб фронт эҳтиёжлари учун юборилди[319]

Авиация бомбаларини ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор қаратилди. Натижада 3 та ФАБ-5000, 10 900 та ФАБ-250, 322 100 та ФАБ-100, 49 000 та АО-100, 143 300 та АО-25, 60 000 та АО-3, 24 000 та АО-2,5, 31 500 та ХАБ-100 русумларидаги авиация бомбалари ишлаб чиқарилиб бомбардимончи авиация қисмларига етказиб берилди[320].

Муваффақиятли амалга оширилган трансформация натижасида қурол-яроғ ишлаб чиқариш тобора кўпайиб бориб, қуролланиш бўйича мувозанат собиқ Иттифоқ фойдасига ўзгара борди. Бу ҳолатни қуйидаги жадвал(6)[321] кўрсаткичлари яққол исботлайди.

---

[318] Шавров В. История конструкций самолетов в СССР 1938–1950 гг. 2-е изд. – Москва: Машиностроение, 1988. – С.136.
[319] ЎзМА. 1619-фонд, 12-рўйхат, 708-йиғмажилд, 227-варақ.
[320] ЎзМА. 1619-фонд, 12-рўйхат, 708-йиғмажилд, 228-варақ.
[321] Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 59.

Жадвал 6.

1942-1945 йилларда собиқ Иттифоқ ва фашистик Германия армияси ҳарбий кучлари нисбати

	СССР армияси			Германия ва унинг иттифоқчилари армияси		
	1942.XI	1944.I	1945.I	1942.XI	1944.I	1945.I
Қўшинлар сони (минг киши)	6124	6165	6532	6270	4906	3100
Танклар ва САУ	6956	5357	12900	6800	5400	3950
Тўп ва миномётлар	77734	92650	108000	70980	54570	28500
Самолётлар	3254	8500	15540	3500	3073	1960

XX аср 30 йилларидан собиқ Иттифоқда амалиётга жорий этилган халқ хўжалигининг турли тармоқларида, шу жумладан, саноатда турдош корхоналар ўртасида мусобақалар ташкил этилиши уруш йилларида ҳам давом этди. Масалан, 1943 йилда социалистик мусобақада ғолиб бўлган республика ҳудудидаги корхоналар учун жами 14 та кўчма қизил байроқлар таъсис этилди.

Бундай мусобақалар қайсидир маънода рақобатчилик муҳитини сақлаб қолиш мақсадида жорий қилиниб, улар қуруқ расмиятчиликка айланмаслиги ҳамда иштирокчи корхоналар иқтисодий қизиқишни уйғотиш мақсадида ғолиб корхоналар учун мукофот пуллари жорий этилди. Мукофот миқдори иттифоқ даражасидаги корхоналар учун 15000 сўм ва республика даражасидаги корхоналарга эса 10000 сўм этиб белгиланди[322].

[322] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3750-йиғмажилд, 53-варақ.

Мусобақаларда ғолиблик учун мукофот пуллари қай тариқа сарфланиши ҳақида аниқ кўрсатмалар берилмаган. Одатда (тахминан 70% ҳолатларда) мукофот пуллари илғор ишчи-хизматчилар меҳнатини рағбатлантириш учун сарфланди. Баъзи ҳолларда, мукофот пулларига банкет ўтказишни энг афзал йўл деб билган корхона раҳбарлари ҳвм учраб турган[323].

Маҳаллий ва эвакуация қилинган корхоналар базасида ҳарбий машинасозлик ривожланиб, 1943 йилда бу соҳа 4 баробар ўсди. Шунингдек, кичик ва ўрта гидростанциялар қурилиши эвакуация қилинган корхоналар узлуксиз ишини таъминлаб берди. Ўзбекистонда 1942-1943 йилларда электр энергияси ишлаб чиқариш 4 баробар кўпайди[324].

Қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш кўпайиши билан саноатнинг ферроэритмалар, никель, мис, алюминий, темир ва бошқа металларга бўлган талаби ортиб борарди. Аммо 1941-1942 йилларда собиқ Иттифоқнинг асосий темир рудаси манбаси бўлмиш Кривой Рог ва Керч, Никитовкадаги симоб конлари, Тихвиндаги боксит манбалари, Кола ярим оролидаги никель конлари оккупация зонасида ёки фронт олди ҳудудларида қолди.

Ҳарбий ҳаракатлар даврида йўқотилган конлар ўрнини тўлдириш учун Шарқий районларда янги хом-ашё манбалари ва қазилма бойликлари конлари очилди. Уларнинг аксарияти Ўрта Осиё ва Қозоғистонга тўғри келди. 1941 йил 16 августда қабул қилинган ҳарбий-хўжалик режасида 1942 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида қуввати 2900 минг тонна бўлган 12 кўмир конини ишга тушириш белгиланди[325].

---

[323] Потёмкина М.Н. Зарплата и социальная справедливость в условиях мобилизационной модели (1941–1945 годы). Мобилизационная модель экономики: исторический опыт России XX века: сборник материалов II всероссийской научной конференции. – Челябинск 2012 г. – С. 503.

[324] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т. 1. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 59.

[325] Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 155.

Уруш йилларига қадар Ўзбекистонда бир қанча рангли металлар конлари топилган эди. Уруш бошланиши билан юзага келган ҳолатда Ўзбекистонда вольфрам, молибден, мис, олтин ва бошқа металл конлари ишга туширила бошланди. 1942 йилдан бошлаб Лангар ва Олмалиқ конларини тезликда ишга тушириш ишлари бошлаб юборилди[326].

Ўзбекистонда ялпи саноат ишлаб чиқариш ҳажми ва саноатнинг республика иқтисодиётида тутган улуши ўзгариб борди. Ўзбекистонда қора металлургиянинг пайдо бўлиши, нефть ва кўмир қазиб олишнинг кўпайиши, машинасозлик, кимё саноати, энергетика соҳаларининг салмоқли ривожи уруш йилларида иқтисодиётда саноатнинг улуши кўпайишида муҳим аҳамият касб этди. Республикада уруш йилларида металлни қайта ишлаш саноати 4 баробар, машинасозлик саноати эса 11,4 марта ўсди[327].

Кўчирилган корхоналардан ташқари Ўзбекистонда 280 та янги саноат корхонаси барпо этилди[328]. 1941-1945 йилларда Ўзбекистонда нефть қазиб чиқариш 4 баравар, кўмир қазиб чиқариш 30 баравар, электр энергия ишлаб чиқариш 2,42 баравар ва пўлат эритиш 2 баравар кўпайди. Шунингдек, республика металлга ишлов бериш саноати қуввати 4,8 баравар ва машинасозлик ишлаб чиқариш қуввати 13,4 баравар ўсди[329]. Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги йилларида Ўзбекистон саноати анча ўсиб, республика қишлоқ хўжалиги

---

[326] Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войны. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 69.

[327] Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 178.

[328] Голованов А., Саидов Н. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. – Самарканд: СамДУ, 2006. – С. 16.

[329] Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войны. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 86.

машинасозлиги, текстил ва дастгоҳ қуриш саноат тармоқларига тегишли 22 та йирик корхонага эга эди[330].

Янги қурилган корхоналар ичида бир қанча кимё заводлари бор эди. Бу корхоналар республиканинг танқис кимё маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирди. Айниқса, собиқ Иттифоқ ҳудудидаги кимёвий ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг портловчи моддалар ишлаб чиқаришга ўтиши кимёвий ўғитлар таъминоти масаласини кескинлаштирди. Ушбу танқисликни яқин вақтда тўлдириш мақсадида 1942 йилдан Ўзбекистонда иккита, Қўқон ва Когон суперфосфат заводлари қурилиши бошланди[331].

Ўзбекистонда ҳам ялпи ишлаб чиқаришда саноатнинг аҳамияти ортиб борди. Ялпи ишлаб чиқаришда саноатнинг улуши 1938 йилда 69,4%дан 1945 йилда эса 80%га кўпайди[332]. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги мувозанатнинг кескин ўзгариши иқтисодий ресурсларнинг ҳарбий саноатга кўплаб ажратилиши билан боғлиқ эди.

Саноат ходимларининг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти фронтни қурол-яроғ, жанговар техника, моддий ресурслар билан таъминлаш учун бор имкониятларини ишга солди. Иккинчи жаҳон уруши давомида биргина Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ҳарбий қурол-аслаҳа ва анжомларни оғирлиги бўйича ҳисоблаб чиқилганда, у қуйидагиларни ташкил этди: миналар – 147 000 тонна, бомбалар – 61 000 тонна, снарядлар – 10 000 тонна. Жами 218 000 тоннани ташкил қилган.[333]

---

[330] Очерки по истории Народного хозяйства СССР. – Москва: Госполитиздат, 1959. – С. 355.
[331] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3260-йиғмажилд, 208-варақ.
[332] Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 177.
[333] ЎзМА. 1619-фонд, 12-рўйхат, 708-йиғмажилд, 230 б – варақ.

1941 йил охирига келиб шарқий ҳудудлар (Урал, Ғарбий Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозоғистон) собиқ Иттифоқнинг асосий саноат, хом ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таъминотчисига айланиб қолди. 1941 йилнинг иккинчи ярми ва 1942 йилда давлат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини трансформацияси натижасида собиқ Иттифоқнинг шарқий ҳудудлари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳарбий-саноат комплекси яратилди. Иқтисодиёт трансформацияси натижасида армияни қурол-яроғ, бошқа керакли маҳсулотлар билан муттасил таъминлаш ва саноат учун зарур асосий хом-ашё ва фойдали қазилмалар етказиб бериш масалалари ҳал этилди.

Уруш бошланиши билан республика саноат корхоналари ишлаб чиқариш қувватлари ҳарбий буюртмаларни бажаришга қаратилди. Бу вазифани амалга ошириш учун халқ истеъмоли товарлари ва умуман тинчлик даврида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар қисқартирилди. Саноат трансформацияси жараёни натижасида армияни қурол-яроғ ва бошқа керакли маҳсулотлар билан муттасил таъминланиши ҳамда саноат учун зарур хом-ашё ва фойдали қазилмалар таъминоти масалалари нисбатан ижобий ҳал этилди.

2-§. Қишлоқ хўжалиги

Фашистлар Германияси собиқ Иттифоқ ҳудудига бостириб киришидан аввал ўз қўшинларини озиқ-овқат билан таъминлаш ва оккупацион ҳудудларда аграр сиёсатга доир аниқ режаларни ишлаб чиқди. Режаларда қишлоқ хўжалигининг фашистик Германия манфаатларига буткул бўйсундирилиши ва таланиши вазифаси қўйилди. Ҳужжатларда ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларда “биринчи галдаги вазифа Германия қўшинларини имкон қадар тўлиқ озиқ-овқат билан таъминлаш”

кераклиги таъкидланди[334]. Фашистлар Германиясининг режалари амалга оширилиши Европада озиқ-овқат заҳираларининг камаймаслиги ва армиянинг таъминотига ажратиладиган маблағларни камайтирарди. Бошқа томондан ҳаракатдаги армияга Европадан озиқ-овқат келтириш масаласини енгиллаштирарди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий ва иқтисодий оғир вазият қишлоқ хўжалигини ҳам маълум даражада трансформация этишни талаб этди. Аммо қишлоқ хўжалигини саноат каби трансформация этиш жараёни бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқлар қишлоқ хўжалигининг ўзига хос жиҳатлари, яъни табиий шароит туфайли экин турларини бирданига уруш талабларига мос равишда ўзгартириб бўлмаслик билан изоҳланади.

Маълумки, урушнинг бошланиши билан собиқ Иттифоқ ғарбидаги ҳудудлар босиб олинди. Ушбу ҳудудлар айрим қишлоқ хўжалик экинларини етказиб беришга ихтисослашган эди. Масалан, оккупация қилинган ҳудудларда собиқ Иттифоқдаги жами экин майдонларининг 47%и, шу жумладан, буғдой экиладиган майдонларнинг 38%и қолиб кетди[335]. Ушбу қишлоқ хўжалигидаги йўқотишларнинг оғирлигини маълум даражада Ўзбекистон каби фронт орти ҳудудлари қоплаши керак эди. Шунинг билан бирга Ўзбекистон ўз аҳолисини озиқ-овқат ва фронтни зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (асосан, пахта ва ипак) билан таъминлаши зарур эди.

1941 йил 17 ноябрда қабул қилинган ВКП(б) МҚ ва СССР ХКСнинг қўшма қарорида собиқ Иттифоқ миқёсида янги мураккаб шароитларда қишлоқ хўжалиги олдига қўйиладиган

---

[334] Преступные цели фашисткой Германии в войне против Советского Союза. – Москва: Воениздат, 1987. – С. 37.

[335] Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг. Статистический сборник. – Москва, 1990. – С. 22–23.

асосий вазифалар белгиланиб берилди. Қарорда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан фронтни таъминлашда дон, техника экинлари ва сабзавотлар ҳосилини кўпайтиришда Урал, Сибир, Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг алоҳида аҳамияти кўрсатилди[336].

Қарорда белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш жуда мураккаб эди. Бир томондан, қишлоқ хўжалигига тегишли техника ва ишчи кучи бошқа халқ хўжалиги тармоқларига ва фронтга жалб қилиниши оқибатида вазият мураккаблашди. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги маълум даражада "иккинчи даражали" тармоқ деб қаралиши натижасида соҳага ажратиладиган умумий маблағ миқдори камайди.

Собиқ Иттифоқ бюджетидан қишлоқ хўжалигига урушдан аввалги 1940 йилда 2,3 млрд. рубль, 1942 йилда 0,2 млрд. рубль, 1943 йилда 0,6 млрд. рубль ва 1944 йилда 0,7 млрд. рубль капитал маблағлари ажратилди[337]. Моддий ва техник таъминотнинг ёмонлашуви қишлоқ хўжалигининг ўсиши ва умумий ҳолатига салбий таъсир ўтказди. Бу ҳолат ўз навбатида Ўзбекистонда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигининг кескин камайишига олиб келди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда кескин вазият юзага келди. Бундай шароитда Ўзбекистонда асосий техник ва сабзавот-полиз экинлари ялпи ҳосили тушиб кетиши муаммосини икки йўл билан ҳал этса бўларди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ҳосилини кўтариш учун экстенсив йўлдан бориб, экин майдонларини кенгайтириш ёки интенсив усулни қўллаб ҳосилдорликни ошириш керак эди. Мавжуд вазиятда экстенсив усулдан фойдаланиш учун имкониятлар кенгроқ эди. Чунки

---

[336] История Великой Отечественной войны Советского Союза 1941–1945 гг. – Москва: Воениздат, 1961. – С. 168.
[337] Народное хозяйство СССР 1922–1972 гг.: Юбилейный статистический ежегодник. – Москва: Статистика, 1972. – С. 145.

собиқ Иттифоқнинг шарқий ҳудудлари (Ўрта Осиё, Қозоғистон, Сибирь) да янги ерларни ўзлаштириш учун кенг имкониятлар бор эди.

Иккинчи йўлга келсак, интенсив усулда мавжуд ер майдонларида ҳосилдорликни кўтариш учун иш кучи, техника, кимёвий ўғитлар, маблағ, сифатли уруғлар етишмас ва бу йўлда самарага эришиш узоқ вақтни талаб этарди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини кўтаришда экстенсив йўлдан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Диссертация мавзуси даврий чегарасидан чиқиб шуни айтиш мумкинки, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам собиқ Иттифоқ қишлоқ хўжалигини кенгайтиришда экстенсив йўл ҳукмрон бўлиб келди. Буни қишлоқ хўжалигининг моддий ва техник қолоқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистонда ирригация қувватларини ошириш ва шу асосда экин майдонларини кенгайтиришни таъминлаш муҳим вазифага айланди. Ирригация иншоотларини қуришда техника, ишчи кучи ва қурилиш-муҳандислик материаллари кескин етишмасди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бошқа даврларга нисбатан ирригация қурилиши фаоллашган бўлса-да, бу ишларга маблағ ажратилиши камайди (1941 йилда 86127 рублдан 1942 йилда 64280 рублгача)[338]. Шунинг учун одатда бундай қурилишлар ҳашар усулида ташкил этиларди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда йирик суғориш иншоотлари Шимолий Тошкент (Тошкент вилояти), Чуст ва Юқори Учқўрғон (Наманган вилояти), Сўх-Шоҳимардон (Фарғона вилояти), Назархон-Тозаёрмиш, Нукусобод, Шўро, Шуманой (Қорақалпоғистон), Душанбек-Қоратоғ (Сурхондарё вилояти) каби каналлар; Рудаксой (Бухоро вилояти), Косонсой (Наманган

[338] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 186.

вилояти) сув омборлари, умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган Фарҳод ГЭС қурилиши, эскидан фойдаланиб келинаётган Хазарбоғ, Овгир, Хайрабод, Катта Фарғона, Шимолий Фарғона, Охунбобоев номли каналлар қайта таъмирланди[339]. Бундай қурилишлар қийин шароитларда, содда меҳнат шароитларида аҳоли меҳнат кучи билан амалга оширилди. Масалан, 15 минг гектар ерни суғориш имконини берган Шимолий Тошкент каналининг қурилиши айнан қишнинг совуқ пайтида, яъни 1942 йил 17 февралда бошланди[340]. 1942 йилда Тошкент вилоятининг Мирзачўл ва Сирдарё туманларида эса қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида 20 минг гектар ерни ўзлаштириш бошланди[341].

Республика оборотида мавжуд ерлардан унумли фойдаланиш мақсадида қонунчилик соҳасига ҳам ўзгартиришлар киритилди. 1942 йил 2 мартдаги СССР ХКС қарори билан колхозларга қўшни колхозларнинг фойдаланилмаётган ерларидан фойдаланишга рухсат берилди[342]. Бу ҳуқуқнинг жорий этилиши яроқли ерлардан максимал фойдаланишга имкон яратди.

Ўзбекистон ирригация қурилишида ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Янги ерлар ўзлаштирилаётган бир пайтда, фойдаланиб келинаётган ерлар қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқа бошлади. Янги ўзлаштирилган ҳудудларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши ва давлат томонидан ажратиладиган маблағнинг камайиши натижасида ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб кетди.

---

[339] Насриддинов К. Ўзбекистонда 1941–1945 уруш йиллари даврида ирригация ва мелиорация ишлари // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 174.

[340] “Қизил Ўзбекистон” газетаси. – 1942 йил 18 февраль сони.

[341] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3265-йиғмажилд, 316-варақ.

[342] Джалилов И. Возникновение и развитие советского земельного права в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1970. – С. 197.

Мавжуд ирригация тизимини таъмирлаш ишларига республика бюджетидан маблағ ажратилиши йил сайин камайиб бориб, бу мақсадларга 1941 йилда 49,9 млн. рубль ва кейинги 1942 йилда эса 43,9 млн. рубль сарфланди[343]. Қўриқ ерларни охиригача ўзлаштирмаслик, мутахассис ва ишчи кучининг етишмаслиги ҳамда “ўзлаштирилган гектар”лар ортидан қувиш Ўзбекистон ер ва сув ресурсларидан самарасиз фойдаланишига сабаб бўлди. Натижада оғир меҳнат ва кўплаб маблағ сарфланиши оқибатида қўлга киритилган ютуқлардан тўлиқ фойдаланиш имкони бўлмади.

Ирригация қурилишидаги бундай муаммонинг келиб чиқиш сабабларини Қорақалпоғистон мисолида кўриб чиқиш мумкин. Уруш йилларида ҚҚАССРда ўнлаб ирригация иншоотлари қуриш ишлари олиб борилаётган бир пайтда, мавжуд суғориш тармоқларига эътибор сусайиб борди. Суғориш тизимида банд бўлиб турган насос, чиғир ва иш ҳайвонлари ишдан олиниб, бошқа мақсадларга йўналтирилди.

Масалан, фақат 1942 йилда 4 минг чиғирлар ишдан тўхтатилди[344]. Натижада ирригация ҳолати ёмонлашди ва ерларнинг бир қисми қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетди. 1938-1944 йилларда ҚҚАССРда ирригация иншоотларини тозалаш ва ремонт қилишда 1938 йилда – 8166,9 минг, 1939 йилда – 6661,3 минг, 1941 йилда – 6442,2 минг, 1942 йилда – 6173,2 минг, 1943 йилда – 6133 минг ва 1944 йилда – 3647,5 минг кубометр ҳажмида ер ишлари бажарилди[345]. Кўриниб турганидек, 1938 йилдан 1944 йилгача ирригация иншоотларини тозалаш ва ремонт қилиш ҳажми муттасил камайди. 1944 йилда

---

[343] ЎзМА. Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3318-йиғма жилд, 16-варақ.
[344] Қосимов Й. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг сув учун кураши тарихидан. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 78.
[345] Ўша жойда.

1938 йилга нисбатан бажарилган иш ҳажми деярли 2,3 баробар камайди.

Уруш йилларида фақат Қорақалпоғистонда эмас, балки Ўзбекистоннинг бир қанча вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди. Оқибатда 1941-1945 йилларда Ўзбекистонда 320 минг гектар ер қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқди[346]. Айниқса, 1942-1943 йилларда бу салбий ҳолат кучайди. Бу ҳолатнинг юзага келиш сабабларидан яна бири соҳага давлат томонидан капитал маблағларни ажратишни аниқ режалаштирилмаслиги бўлди. Ер ишларини бажариш бир неча босқичдан иборат бўлса-да, одатда бу ишларнинг молиялаштирилиши биринчи босқич билан чекланди. Масалан, 1944-1945 йилларда Ўзбекистонда суғориш тизими нисбатан яхши ташкил этилган Фарғона вилоятидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида фақатгина биринчи босқичдаги ишлар учун 11088 сўмлик смета тасдиқланди[347].

Юқорида Иккинчи жаҳон уруши йилларида оккупация туфайли маълум экин турларининг етиштирилиши кескин камайиб кетганлиги таъкидланган эди. Бундай қишлоқ хўжалик экинлари жумласига қанд лавлагиси ҳам киради. Масалан, урушгача собиқ Иттифоқ миқёсида етиштириладиган қанд лавлагисининг 87%и Украина ССР ҳиссасига тўғри келарди[348].

Фашистик Германия томонидан Украинанинг тўлиқ босиб олиниши ва РСФСРда қанд лавлагиси ялпи ҳосилининг 4 баробар камайиши шакар билан таъминот масаласини қийинлаштирди. Шакар озиқ-овқат саноати учун жуда зарур маҳсулот бўлгани сабабли йўқотилган қанд лавлагиси

---

[346] Насриддинов К. Ўзбекистонда 1941–1945 уруш йиллари даврида ирригация ва мелиорация ишлари … – Б. 178.
[347] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 4163-йиғмажилд, 1-варақ.
[348] Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг. Статистический сборник. – Москва, 1990. – С. 96.

майдонларини шарқий ҳудудлар, жумладан, Ўзбекистонда тиклаш ишлари бошлаб юборилди.

Республика деҳқонлари қанд лавлагиси етиштиришни ўзлаштиришга катта эътибор бердилар. Ўзбекистон ҳудудида қанд лавлагисининг экилиши асосан бошқа экинлар майдонларининг қисқартирилиши эвазига амалга оширилди. 1941 йил СССР ХКС ва ВКП(б) МҚнинг қўшма қарори асосида 1942 йилда Ўзбекистонда қанд лавлагиси учун 70 минг гектар ер ажратиш мақсадида 52400 гектар беда ва 22600 гектар пахта майдонлари қисқартирилди[349].

1943 йилда республика деҳқонлари давлатга 1565 минг центнер қанд лавлаги топширдилар[350]. 1942 йил қанд лавлагиси ҳосилдорлиги 162 ц/га ва 1944 йилда эса 260 ц/га бўлди[351]. Ўзбекистон собиқ Иттифоқда етиштирилган қанд лавлагининг чорак қисмини ишлаб чиқара бошлади. Бу эса, фақат республикадаги қанд ишлаб чиқариш заводларинигина эмас, балки бошқа республикаларни ҳам қанд лавлагиси билан таъминлаш имконини берди.

1944 йилда қанд лавлагиси экиладиган ҳудудлар озод этилиши билан Ўзбекистонга ушбу экин учун ажратиладиган ерлар қисқартирилди. Шу йилда республика таркибидаги тўрт вилоятда, жумладан, Тошкент вилоятида 5900 га, Фарғона вилоятида 14300 га, Самарқанд вилоятида 18800 га ва Қашқадарё вилоятида 1000 га ер қанд лавлагиси учун ажратилган эди:[352].

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, Ўзбекистондаги қанд заводлари маҳсулотлари маҳаллий аҳолига деярли сотилмади. Одатда, республика аҳолиси шакар эмас, қайта ишланмаган қанд

---

[349] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2787 йиғмажилд, 265-варақ.
[350] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б. 447.
[351] Тилеукулов С. Социалистические преобразования орошаемого земледелия Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 143.
[352] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 4163 йиғмажилд, 122-варақ.

лавлагиси билан таъминланди. Республикада йиғиштириб олинган қанд лавлагининг барчаси ҳам заводларда қайта ишланмасдан, қанд лавлагисининг маълум миқдори қайта ишланмаган ҳолатда аҳоли истеъмоли учун ажратилди. Масалан, 1943 йилнинг ўзида 20700 т. қанд лавлагиси республика ташкилотлари ҳамда Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро вилояти аҳолиси ўртасида тақсимланди[353]. Шунингдек, 1943 йил ҳосили хисобидан Тошкент шаҳридаги жамоат ошхоналари таъминоти учун кунига 30 вагон қанд лавлагиси юборилганлиги маълум[354].

1943 йилдан собиқ Иттифоқнинг ғарбий ҳудудлари озод қилиниши бошланди. Озод этилган ҳудудларда ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги вайрон этилган эди. Ўзбекистон ушбу ҳудудлардаги иқтисодий инфратузилмани, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигини тиклашда ёрдам кўрсатди. Масалан, 1943 йилда Россиянинг Краснодар ўлкасида қоракўлчиликни тиклаш мақсадида Ўзбекистондан 150 бош зотли қоракўл қўйлари юборилди[355].

1943 йил 17 сентябрдан 17 октябргача эса Ўзбекистондан Украинанинг озод этилган ҳудудларига 3636,7 центнер дон, 1075 бош йирик қорамол, 7989 бош қўй ва эчкилар, 295 центнер сабзавотлар, 1975 центнер қуритилган мевалар, 34,5 центнер гўшт ва ёғ ҳамда 1018,5 центнер бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилди[356]. Умумий ҳисоб китобларга кўра, Ўзбекистондан Украинага жами 200 минг бош чорва юборилди[357]. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, шу йилларда Ўзбекистон қишлоқ

---

[353] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3753 йиғмажилд, 66-варақ.
[354] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3753 йиғмажилд, 6об-варақ.
[355] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3740-йиғма жилд , 183-варақ.
[356] Советский тыл в Великой Отечественной войне. Кн.1. / Институт истории СССР АН СССР. Под ред. П.Н. Поспелова. – Москва: Мысль, 1974. – С. 90.
[357] История советского крестьянства. Т.3. Крестьянство накануне и в годы Великой Отечественной войны. 1938–1945. – Москва: Наука, 1987. – С. 329.

хўжалиги чорвачиликка эмас, асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган эди.

Уруш даврида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига юкланган вазифалар, соҳа олдида турган муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги ва эътиборсизлик оқибатида қишлоқ хўжалиги деярли вайрон ҳолатга келди. Қишлоқ хўжалигининг асосий муаммолари (кадрлар муаммосини, минерал ўғитлар ва техниканинг етишмаслиги) ҳеч бири тўлиқ ҳал этилмади. Колхозлар ва совхозлар бутун эътибор ва ресурсларини қандай бўлмасин қишлоқ хўжалиги режаларини бажаришга йўналтирдилар. 1941-1942 йиллардаги давлат режалари асосан аввалги заҳиралар эвазига бажарилди. 1943 йилдан бошлаб эса қишлоқ хўжалигида инқироз тўлиқ босқичга кирди. Бирин-кетин қишлоқ хўжалиги режалари бажарилмай бошланди. Айниқса, марказнинг алоҳида эътиборида турган пахта ялпи ҳосили кескин камайди.

Юқорида келтирилган ҳолатлар туфайли Ўзбекистонда 1942 ва 1943 йилларда пахта тайёрлаш давлат плани бажарилмади. 1941 йилда давлатга 1646018 тонна, 1942 йилда 870534 тонна, 1943 йилда эса 495 минг тонна пахта топширилди[358]. Шундай қилиб, 1941-1943 йилларда пахта ялпи ҳосили 3,5 баробар, ҳосилдорлик эса 2,5 баробар камайиб кетди. 1942 йилга пахта плани республика бўйича 67,2% ва баъзи ҳудудлар бўйича: Тошкент вилоятида 50,3%, Андижон вилоятида 53,5%, Бухоро вилоятида 54,3% га бажарилди[359]. Республика пахтачилиги оғир аҳволга тушиб қолди. Собиқ Иттифоқнинг асосий пахта базаси ҳисобланган Ўзбекистонда бундай аҳволнинг кузатилиши марказнинг режаларига кирмасди.

---

[358] Ризаев Г. Аграрная политика советской власти в Узбекистане 1917–1965 гг. – Ташкент: Узбекистан, 1967. – С. 129.

[359] Пўлатов И. Улуғ Ватан уруши ғалабасига Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1967. – Б. 25.

Республикада ялпи ҳосил камайишини фақатгина ғўза экиладиган майдонлар қисқариши билан тушунтириш тўғри эмас эди. Уруш йилларида республика бўйича ғўза майдонлари атиги 927,6 минг гектардан 912,1 минг гектарга камайган эди[360]. Ғўза майдонларининг қисқариши тахминан 15 минг гектарни ташкил этиб, бу майдон республика миқёсида пахта ялпи ҳосилининг 1941-1942 йиллар оралиғида бунчалик кескин тушиб кетишига етарли таъсир қила олмасди.

Республикада ғўза майдонлари қисқариши ҳолатини пахта ялпи ҳосили миқдорига бирламчи таъсир бўйича аҳамиятли фактор деб қараш, тўғри эмас. 1941-1943 йилларда Ўзбекистонда давлат пахта режаси бажарилмаганлигининг асосий сабаби сифатида ҳосилдорлик даражасининг кескин тушиб кетиши бўлди. 1941 йилда республикада пахта ҳосилдорлиги гектаридан 18,1 центнер бўлса, 1942 йилда бу кўрсаткич 11,6 центнерни ташкил этди[361]. Шунингдек, бошқа ҳолатлар ҳам пахтачиликка эътиборнинг камайишига сабаб бўлди. Жумладан, 1942 йил 8 июндаги СССР ХКС ва ВКП(б) МҚнинг қароридаги шартлар маълум даражада колхоз ва совхозларнинг пахта етиштиришга бўлган иқтисодий қизиқишини пасайтирди. Ушбу қарорда пахта нархи коэффицентига буғдой сотиш нормаси 50%га камайтирилиб, давлат томонидан ҳар тонна америка нави пахтасига 125 кг ва миср нави пахтасига 200 кг буғдой сотилиши белгиланди[362].

Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва ер тақсимотидаги ўзгаришлар молиявий тақсимот масаласига ҳам бевосита таъсир кўрсатди. 1941 йилда республикада техник экинларга ажратиладиган кредит 5250 минг рублга камайтирилиб, томорқа хўжаликларини ташкил этиш

[360] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3318 йиғмажилд, 16-варақ.
[361] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3318 йиғмажилд, 15об-варақ.
[362] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3143 йиғмажилд, 73-варақ.

харажатларини (минерал ўғитлар сотиб олиш, мелиорация, бошқа ташкилий масалалари) кредитлаш эса 4350 минг сўмга кўпайтирилди[363].

1944 йил 6 мартдаги ВКП(б) МҚнинг қарорида Ўзбекистон раҳбарияти охирги икки йилда пахтачилик билан жиддий шуғулланмай қўйишда айбланди[364]. Мазкур қарорга биноан республикада пахтачиликни тиклашга қаратилган кенг тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Уларга кўра, урушнинг дастлабки йилларида ғалла экинларига ажратилган ерларга қайтадан пахта экиш бошланди. Масалан, Ўзбекистон ССР ХКК нинг 488-сонли қарори билан Самарқанд вилоятида шоли, буғдой ва сабзавот учун мўлжалланган 1500 гектар ерга пахта экиладиган бўлди[365]. 1944 йилги пахта давлат режаси ортиғи билан бажарилди. Мазкур қарор урушдан кейинги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги структурасини эски ҳолатга қайтишини кўрсатиб берди.

Уруш йилларида қишлоқ хўжалигининг муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тармоқларидан бири чорвачилик ҳолати ҳам кескин ёмонлашди. Ўзбекистон чорвачилиги ХХ асрнинг 30-йилларида жамоалаштириш ва қулоқлаштириш туфайли анча зарар кўрган эди. Уруш бошланиши туфайли аҳвол янада қийинлашди. Юзага келган мураккаб шароитларга қарамасдан, 1941 йилда Ўзбекистонда давлатга гўшт топшириш режаси 108,3%га бажарилди[366].

Ўзбекистон чорвачилиги армияни гўшт билан таъминлашда барча имкониятларни ишга солди. Ем-ҳашак ва озуқанинг етарли эмаслиги ҳолатида чорва моллари вазнда ортда қолиб кетдилар. 1942 йилда республика бўйича гўштга топширилган 45% чорва

---

[363] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2578 йиғмажилд, 113-варақ.
[364] Ризаев Г. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917–1965 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1967. – С. 14.
[365] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3756- йиғмажилд, 98-варақ.
[366] ЎзМА. Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3012-йиғма жилд, 5-варақ.

моллари етарли вазнга эга эмас эди[367]. Бу ҳолатдан яна икки муаммо келиб чиқарди. Яъни, етарли вазнга эга бўлмаган чорва моли гўшти сифати қониқарсиз эди. Иккинчидан, давлат гўшт режасини (тонна ҳисобида) бажариш учун 80 минг чорва молини қўшимча топширишга тўғри келди. Вазият оғирлигидан гўштга бузоқли сигирлар ҳам топшириб юборилди[368].

Бундай усулларнинг қўлланиши натижасида, собиқ Иттифоқ таркибига кирган республикалар ичида фақатгина Ўзбекистонда 1940 йилга нисбатан 1942 йилда гўшт ишлаб чиқаришда ўсишга (81 минг тоннадан 97 минг тоннагача) эришилди[369]. Ўзбекистонда гўшт ишлаб чиқаришнинг ўсиши чорванинг оммавий сўйиб юборилиши билан изоҳланади. Натижада уруш йилларида республикада чорва моллари сони кескин қисқариб кетди. Масалан, 1941-1943 йилларда Фарғона вилоятида қўй ва эчкилар 18,5%га, йирик қорамоллар сони эса 10,8%га қисқарди[370].

Шу билан 1941-1943 йилларда республикадан давлатга гўшт топшириш режасини бажариш учун ички имконият ва захираларни сарфлаб бўлди. 1944 йилда республика чорвачилиги тўлиқ инқироз ҳолатида эди. 1944 йилнинг 1-чорагида давлатга мажбурий гўшт топшириш режаси Тошкент вилоятида 9,5%, Сурхондарё вилоятида 12,7%, Наманган вилоятида 16,1%, Фарғона вилоятида эса 18,6%га бажарилди. Наманган, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ҳамда ҚҚАССРда Қизил Армия фондига гўшт топшириш умуман барбод бўлди[371].

---

367 ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3753 йиғмажилд, 153-варақ.
368 Ўша жойда.
369 Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг. Статистический сборник. – Москва, 1990. – С. 113.
370 Голованов А. Саидов И. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. – Самарканд: СамГУ, 2006. – С.33.
371 ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 4163 йиғмажилд, 17-варақ.

Республика чорвачилигидаги муаммолар туфайли ҳар йили ўн минглаб чорва моллари ҳалок бўларди. 1942 йилда Ўзбекистон қоракўлчилигида фавқулотда вазият юзага келди. Бухоро, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг чорвачилик совхозларида ем-хашак етишмаслиги оқибатида кўплаб қўйлар нобуд бўлди. Масалан, Бухоро вилоятининг қоракўлчилик совхозларида қўйларнинг нобуд бўлиши ўртача 10-15 фоиздан ошиб кетди. Жумладан, “Томди” ва “Жангельди” совхозларида 500 тадан, “Чорвадор” ва “Муборак” совхозларининг ҳар бирида 2000 мингдан ортиқ чорва нобуд бўлди[372].

Урушгача бўлган йилларда республика қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланиши қониқарсиз аҳволда эди. 1943 йил биринчи ярмида республика МТСларининг эҳтиёт қисмларга бўлган талаби тахминан 12 млн. рубль бўлишига қарамай, уларга жорий даврда 2338,0 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилди[373]. Шу сабабли эхтиёт қисмларининг етишмаслиги ва техник сервис сифатининг пастлиги шароитида қишлоқ хўжалик техникаси ҳолати қониқарсиз даражага келди. Масалан, 1943 йилда баҳорги чопиқ ишларига тайёр бўлмаган тракторлар сони Самарқанд вилоятида 29,1%ни, Бухоро вилоятида 39,8%ни, Қашқадарё вилоятида эса 28,7%ни ташкил этди[374].

Уруш йиллари бузилиб, эскириб яроқсиз ҳолатга келаётган қишлоқ хўжалиги техникасининг ўрни асосан уй ҳайвонларидан фойдаланиш эвазига тўлдирилди. Мавжуд вазиятда бошқа муқобил вариантлар ҳам йўқ эди. 1944 йилнинг 1 январига қадар республика колхоз ва совхозларида меҳнатга яроқли уй

[372] ЎзМА. Р-839-фонд, 32-рўйхат, 3753-йиғма жилд, 210-варақ.
[373] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3774 йиғмажилд, 217-варақ.
[374] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3774 йиғмажилд, 217-варақ.

хайвонлар сонини: отлар 369100 тага, туялар 38019 тага ва эшакларни 1190720 тагача етказиш режалаштирилди[375].

Республикада қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш даражаси секин-аста ўрта асрлар даражасига яқинлашиб борди. Қишлоқ хўжалигида уй хайвонларидан фойдаланиш меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини пасайтирди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинган уй ҳайвонлари республика бўйича ем-ҳашак сарфини кўпайтириб, гўшт ва сут чорвачилиги билан озуқавий емлар учун рақобат қилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги жиддий ва тўлиқ ҳал этилмаган муаммолардан яна бири кадрлар масаласи эди. Уруш йилларида қишлоқ меҳнаткашлари асосини аёллар, қариялар ва болалар ташкил этди. Уларнинг меҳнати туфайли янги каналлар қазилди, фронт ва фронт орти озиқ-овқат, саноат эса хом ашё билан муттасил таъминланди. Қишлоқ хўжалик ишларига қисман шаҳар аҳолиси ва ҳашарчиларни жалб қилиниши муаммонинг енгиллашувига жиддий таъсир этмади.

Уруш йиллари деҳқонларнинг маъсулияти ва фидокорона меҳнатига қарамасдан, уларга нисбатан тоталитар тузумнинг ишончсизлик сиёсати ҳамон давом этаётган эди. Совет давлати колхоз қурилишининг бутун тарихи давомида колхоз ва совхозлар мулкини қўриқлашга алоҳида эътибор берди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳам бундан истисно бўлмади. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳар қандай камчилик ва суистеъмолчилик учун жиноий жавобгарлик жорий этилди.

Масалан, 1942 йил 24 октябрда Ўзбекистон ХКСнинг 1421-сонли қарори билан Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси баъзи моддалари тўлдирилди. Унга кўра, қанд лавлагисига ҳар қандай зарар етказиш, қанд лавлагиси бўйича давлат режасини

[375] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3740 йиғмажилд, 47-варақ.

бажаришга қарши тўсқинлик қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат барча мол-мулк мусодара қилинган ҳолда, ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланадиган бўлди[376].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида совет даври тарихшунослигида колхоз тизимининг иқтисодий устунлиги тўғрисидаги фикрлар кўплаб учрайди. Бу ҳақда 1945-1991 йилларда қатор илмий тадқиқотлар яратилди. Уларнинг баъзиларида уруш йилларида қишлоқ хўжалигида ўсиш бўлганлиги ҳақида таъкидлананади. Тадқиқотлар бундай фикрларда ҳеч қандай асос йўқлигини кўрсатди. Юқорида берилган фикрлар ва фактлар уруш йилларида республика қишлоқ хўжалигида ҳеч қандай ўсиш бўлмаганлиги ва умуман бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатиб беради.

Уруш йилларида қишлоқ хўжалигидаги муаммолар йил сайин йиғилиб бориб, вазият ёмонлашиб борди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги урушнинг дастлабки йилларида ички заҳиралар эвазига фронт ва аҳолининг юқори талабларини қондирди. Бу ҳолат узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидан фойдаланиш даражаси, унинг тикланиш имкониятларидан ўзиб кетди. 1943 йилдан бошлаб республика қишлоқ хўжалигининг қониқарсиз ҳолатини кўрсатиб берувчи турли белгилар кўрина бошлади. Бу белгилар сифатсиз бажарилган иш, ҳосилдорликнинг кескин пасайиши ва режаларнинг барбод бўлишида кўрина бошлади. Масалан, 1943 йилда республика бўйича кейинги йил учун картошка уруғини тайёрлаш 33,2%га, Бухоро вилоятида эса 0,1%га бажарилди. Текширувлар натижасида мавжуд уруғликлар сифатсизлиги ва далалар кейинги йил учун деярли тайёрмаслиги аниқланди[377].

[376] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2289 йиғмажилд, 20-варақ.
[377] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3753 йиғмажилд, 169-варақ.

Бундай ҳолатлар йилдан-йилга қишлоқ хўжалигидаги аҳволнинг ёмонлашётганлигини англатар эди.

Уруш колхоз тизимидаги ишлаб чиқариш муносабатлари ноэффективлигини яна бир бор кўрсатиб берди. Ҳатто, XX аср 30-40 йилларда собиқ Иттифоқ қишлоқ хўжалиги асосий кўрсаткичлар (ялпи ҳосил, ҳосилдорлик, иш унумдорлиги, чорва сони ва бошқалар) бўйича Биринчи жаҳон урушигача бўлган Россия Империяси даражасигача етмади. Колхозлар қанча маҳсулотлар бера олишидан қатъий назар, давлат улардан ўзи учун керак нарсанинг ҳаммасини тортиб оларди. Фашистлар Германияси томонидан босиб олинган ҳудудларда колхоз ва совхозлар сақлаб қолинди. Сабаби фашистлар оккупацион ҳудудлар қишлоқ хўжалигини талашда колхоз ва совхоздан мақбулроқ тизимни ўйлаб тополмадилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам қишлоқ хўжалигига иккинчи даражали соҳа сифатида қаралди. Республика қишлоқ хўжалигидаги мураккаб вазиятни қандайдир яхшилаш мақсадида 1944 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига 13700 минг рубль узоқ муддатли ишлаб чиқариш кредитлари ажратилди. Ушбу суммадан 4500 минг рубль чорвачиликка, 300 минг рубль экин майдонларини қайта тиклашга, 1000 минг рубль минерал ўғитлар сотиб олишга, 700 минг рубль томорқа хўжаликларига ҳамда шулардан ортган сумма ижтимоий мақсадларга йўналтирилди[378].

Бу маблағлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги жуда оғир вазиятни тўғрилаш учун етарли бўлмади. Умуман олганда, уруш туфайли иқтисодиёт тармоқлари ичида энг кўп вайрон бўлган соҳа қишлоқ хўжалиги бўлди. Ҳарбий ҳаракатлар туфайли миллионлаб унумдор ерларнинг камайиши, қишлоқ хўжалик техникаси ва от-уловнинг урушга сафарбар этилиши, чорва

[378] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 4163 йиғмажилд, 326-варақ.

молларининг оммавий сўйилиши ва бошқа ҳолатлар қишлоқ хўжалиги ҳолатига ўта салбий таъсир кўрсатди.

Қишлоқ хўжалигидан ҳаддан ташқари ресурсларнинг тортиб олиниши ва уларни қайта тиклашга эътиборнинг сустлиги 1944 йил охири ва 1945 йил бошларида республика қишлоқ хўжалигини чуқур инқироз ҳолатида тушириб қўйди.

Юқорида келтирилган республика қишлоқ хўжалигида юзага келган мураккаб вазиятда Ўзбекистон барча имкониятларини фронт, саноат ва аҳоли таъминотига йўналтирди. Уруш йиллари мобайнида республика деҳқонлари давлатга 4 млн. 148 минг т. пахта, 82 млн. пуд ғалла, 54067 т. пилла, 195 минг т. шоли, 57 минг 444 т. мева, 36 минг т. қуритилган мева, 159 минг 300 т. гўшт, 22 минг 300 т. жун ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етказиб бердилар[379].

Уруш даврида фронт ва аҳолини озиқ-овқат, саноатни хом ашё билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалигининг барча ресурслари жалб қилинди. Айниқса, Ўзбекистон каби фронт орти ҳудудларига максимал вазифалар юклатилди. Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида дон экинлари улуши ошиб, янги экин тури – қанд лавлагиси экила бошланди. Шунингдек, армия, республиканинг маҳаллий ва эвакуация қилинган аҳолиси озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

3-§. Осоавиахим фаолияти

Иккита жаҳон уруши оралиғида бир нечта кўнгилли жамиятларнинг бирлашиши натижасида ташкил қилинган мудофаага кўмаклашувчи Осоавиахим ташкилоти, Иккинчи жаҳон уруши арафасида ҳарбий захираларни тайёрлашда, уруш бошланган пайтда эса уларни ҳаракатдаги армияга сафарбар қилишда муҳим рол уйнади. Уруш йилларида ташкилотга

[379] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б. 450.

топширилган юклама жуда ортиб кетди ва ўқув пунктларида фронт учун юз минглаб ўқчилар, авиторлар, парашютчилар, танкчилар, кавалериячилар, мерганлар, алоқачилар, тиббиёт ходимлари тайёрланди ва улар фронтдаги жасоратлари билан фашизм устидан қозонилган ғалабага катта ҳисса қўшганлар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Шуҳрат ордени тўлиқ кавалерларининг қарийб ярми Осоавиахим жамиятида таълим олганлиги юқоридаги фикримизнинг исботидир.

1939-1945 йилларда бўлиб ўтган Иккинчи жаҳон урушининг бутун даҳшати ҳали ҳам халқимизнинг ёдидан кўтарилган эмас. Уруш йилларида бизнинг юртимизда ғалабани таъминлаш мақсадида улкан ишлар бажарилди. Ўзбекистон фарзандлари фронтдаги жанговар ҳаракатларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб миллатимиз довруғини кенг ёйдилар, заҳматкаш халқимиз эса фронт ортида туриб фронт учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни етказиб бердилар, ўзлар емай жанг майдонларидаги жангчиларни туйғаздилар, ўзлари киймай жангчиларни кийдирдилар, уруш бўлаётган ҳудудлардан кўчириб келтирилган аҳолини, болаларни қабул қилиб олдилар, уларга ғамхўрлик қилдилар. Кўчириб келтирилган завод ва фабрикаларни ўрнатиб, уларни монтаж қилиб, тезкорлик билан уларда урушни таъминлаш учун маҳсулотлар ишлаб чиқара бошладилар.

Ўзбекистоннинг ғалабага қўшган улкан ҳиссасини эътироф этиб, яна шуни таъкидлаш керакки, ватанимиз Қуролли Кучлар учун юқори малакали офицер кадрларни етаказиб бериш билан бирга, Осоавиахим тизимида Қизил Армия учун кадр захирасини ҳам тайёрлаган.

Собиқ СССРда 1920-1930 йилларда ҳарбий хизматга чақирув ёшигача бўлган ва чақирув ёшидаги фуқароларни ҳарбий ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг кенг тизимини яратиш,

Иккинчи жаҳон уруши арафасида ҳарбий тайёргарликдан ўтган сафарбарлик захирасини тайёрлаш катта аҳамиятга эга бўлди. Аҳоли ҳарбий тайёргарлигини қайта қуриш натижасида 1941 йил бошига келиб Осоавиахимда 156 минг гуруҳ, 26700 жамоа ва 3500 отряд фаолият кўрсатди, уларда 2 млн 600 мингдан ортиқ киши тайёрланди. Ҳаммаси бўлиб, 1941 йил бошига келиб Осоавиахим янги дастурлар бўйича 400 мингга яқин учувчи, парашютчи, алоқачи, денгизчи ва бошқа ҳарбий мутахассисларни тайёрлади. 1941 йил 22 июнгача жамият 13 миллиондан ортиқ одамни бирлаштирган фабрикалар, колхозлар, муассасалар, университетлар ва мактаблардаги 328 минг бошланғич ташкилотлардан иборат эди[380].

1926 йил 4 июнда Ўрта Осиё ҳарбий округи (САВО) ташкил этилади. Округ штаби ва асосий тузилмалари Тошкент шаҳрида жойлашади. Республикада Қизил Армия учун ҳарбий мутахассислар тайёрлаш мақсадида 1918 йил 12 июлда Тошкентда Туркистон совет командирлари курси очилади[381]. Турли командирлар тайёрлаш курслари билан бирга мамлакатнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашда, Қуролли Кучлар ва халқ хўжалиги учун кадрларни тайёрлаш ва уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда армия ва флотнинг жанговар захираси манбаи ҳисобланган Осоавиахим катта рол уйнади.

1941 йилнинг 22 июнь кунида фашистлар Германияси собиқ СССР ҳудудига бостириб кирди. Совет халқи ва унинг армияси учун мураккаб синов даврлари бошланди. ҚА таркибига аҳоли орасидан ҳарбий ишга мажбур фуқароларнинг оммавий сафарбарлиги бошланди.

---

[380] Касьян И., Жигулин А. Вклад Осоавиахима в достижение победы в Великой Отечественной войне (1941–1945 гг.) // Молодежная наука. – 2017. – № 5. – С. 37.
[381] Касьян И., Жигулин А. Вклад Осоавиахима в достижение победы в Великой Отечественной войне (1941–1945 гг.) // Молодежная наука. – 2017. – № 5. – С. 94.

Мана шу вазиятда Қизил Армия учун тайёргарликдан ўтган захираларни тайёрлаш мақсадида 1941 йилнинг 17 сентябрь куни Давлат Мудофаа Қўмитаси ДМҚ (ГКО) “СССР фуқароларини ёппасига ҳарбий ишга мажбуран ўргатиш” ҳақидаги № ГКО-690 сонли Қарорни имзолади.

Унда, 1941 йилнинг 1 октябридан 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркак жинсга мансуб СССР фуқароларини ҳарбий ишга мажбуран ўргатиш жорий қилиш, ҳарбий ишни ўрганишга жалб қилинганларга, армияга чақирмасдан, иш ва ўқишдан ажратмаган ҳолда ҳарбий таълим беришни амалга ошириш, ҳарбий тайёргарлик машғулотларининг кунлари ва соатлари ҳарбий комиссарликлар томонидан корхона ва муассасаларнинг нормал фаолиятини бузмайдиган, ишлаб чиқаришга зарар етказмайдиган тарзда 110 соатлик дастур асосида ўтказилиши, ҳарбий тайёргарликдан таълим берилаётганда саф тайёргарлигига, винтовка, пулемёт, миномёт ва қўл гранаталарини ўзлаштиришга, кимёга қарши ҳимояга, окоп қазишга ва ниқобланишга (маскировкага) ҳамда якка жангчи ва отделениенинг тактик тайёргарлигига алоҳида эътибор бериш, курсларни тугатганлар ҳарбий комиссарликда рўйхатдан ўтказилиши, биринчи навбатда ҳарбий тайёргарликка 1923 ва 1924 йилларда туғилган чақирувгача бўлганлар ва 45 ёшгача бўлган захирадаги ҳарбий хизматга мажбурлар жалб қилиниши ва Мудофаа Халқ Комиссарлиги таркибида Умумий ҳарбий таълим (УҲТ) Бош Бошқармаси, ҳарбий округлар, ҳарбий комиссарликларда УҲТнинг бўлимлари, туман ҳарбий комиссарликларида эса 2-3 УҲТ инструкторлари тайинланиши кўзда тутилди[382].

Давлатнинг ушбу қарори зудлик билан барча республикалар раҳбариятига етказилди, бутун мамлакатда ҳарбий таълим

[382] СССР Давлат Мудофаа Қўмитасининг 1941 й. 17 сентябрдаги ГКО-690-сон қарори.

ишларига киришиш бўйича тадбирлар бошланди. Жумладан ушбу Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистоннинг шаҳар ва вилоятларида аҳолини ҳарбий ишга ўргатиш тадбирлари кенг қулоч ёйди. ЎзССР Осоавиахим Марказий Кенгаши барча вилоят, шаҳар, туман бирламчи Осоавиахим ташкилотларига зудлик билан аҳолини ҳаво ҳужумидан мудофаага, кимёга қарши мудофаага тайёрлашга, вақтни кеткизмасдан аҳоли билан I-даражали ҳаво ҳужумидан ва кимёвий мудофаа ҲҲ КМ (ПВХО противовоздушная и противохимическая оборона) дастури бўйича машғулотларга киришишга чақирди[383].

1941 йилнинг 25 сентябрида Тошкент шаҳар меҳнаткашлари кенгаши депутатларининг VIII-сессиясида умумий ҳарбий таълим УҲТ масалалари муҳокама қилинди. Сессия горисполком, райисполком, ҳарбий комиссариатлар, шаҳар, туман ташкилотларига 1941 йилнинг 1 октябридан аҳолининг 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркакларини ҳарбий ишга ўргатишни бошлашга топшириқ берди. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига, ҳаводан ҳужум бўлганда аҳолига шошилинч ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт ходимларини тайёрлаш, шаҳар Осоавиахимига эса – аҳолини ҳаво ҳужумидан ва кимёвий мудофаа (ҲҲКМ) дастури бўйича, мактаб ўқувчиларини ёшлар ҳаво ҳужумидан ва кимёвий ҳужумдан мудофаа ЁҲҲ КМ (ЮПВХО) нормативлари бўйича ўқитиш вазифалари юклатилди [384].

ДМҚ нинг уруш даври талабларига мос чиқарган ушбу Қарори асосида УҲТ ни ташкил қилиш республиканинг энг юқори бўғинларида муҳокама қилинди, барча вилоятлар раҳбариятларига УҲТ юзасидан конкрет вазифалар юкланди.

---

[383] Ефимов В. Патриотический подвиг трудящихся Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. –Ташкент: Фан, 1972. – С. 17.

[384] Мизарбаев А. Советы Узбекистана в годы великой Отечественной войны (1941–1945 гг.). – Ташкент. Фан, 1985. – С. 96.

1941 йил 1октябрдан Ўзбекистонда юзлаб ҳарбий-ўқув пунктларида (ҲЎП) тингловчилар машғулотларга киришдилар. Ҳар бир ўқув пункти ўз мутахассислигига мос равишда моддий базага эга бўлишига эътибор қаратилди[385].

Ушбу қарорни талабларини бажарилишини қонунлаштириш, жойларда ҳарбий-таълим ишларини бошлаш мақсадида 1941 йил 1 октябрда Ўз КП МК ва республика ХКС барча вилоятларга телеграмма орқали зудлик билан аҳолини ҳарбий ишга ўргатишга киришиш ҳақида топшириқ берди [386].

Шу тариқа Республика раҳбарияти ва Осоавиахимнинг дадил фаолиятлари туфайли қисқа муддатларда ҳаво ҳужумидан ва кимёвий мудофаа ишлари оммавий тус олди. 1941 йилнинг октябрига келиб 3,167 минг нафар ҳаво ҳужумидан ва кимёвий мудофаа мутахассислари тайёрланди[387].

Ёшлар Қизил Армия қуруқликдаги қўшинларининг асосий қуроли ҳисобланган 7,62 мм ли Мосин винтовкасининг тузилишини, қўл-жанги қоидаларини, душман танкларини гранаталар ёрдамида йўқ қилишни ўргана бошладилар, шу билан бирга ҳарбий хизмат учун инсонга энг керакли бўлган жисмоний тайёргарликларини оширишга киришдилар.

Бундай машғулотларни махсус полигонларда ташкил қилиш ўрганувчиларнинг кўникмаларини оширишга самарали ҳисса қўшади, аммо ДМҚ Қарорига кўра ҳарбий тайёргарлик ишлари ўқиш ва ишдан ажрамаган ҳолда олиб борилиши кераклиги туфайли уларни полигонларда олиб боришнинг имконияти йўқ эди. Бунинг учун жойларда ўқув пунктлари ташкил қилина бошланди. Масалан, Марғилон тумани Ворошилов қишлоқ

---

[385] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 246.

[386] Мизарбаев А. Советы Узбекистана в годы великой Отечественной войны (1941–1945 гг.). – Ташкент: Фан, 1985. – С. 96.

[387] Ефимов В. Патриотический подвиг трудящихся Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. –Ташкент: Фан, 1972. – С. 18.

совети (қ\с) раиси К.Умаровнинг ташаббуси билан қ\с колхозларида УҲТ ташкил қилинди. Ушбу ўқув пункти учун ҳарбий комиссариат ўқув винтовкалари ва гранаталар, газниқоблар (противогазлар), сапёрлар белкураклари ажратди[388].

УҲТ ни ташкил қилиш учун биноларни ажратиш муаммоси юзага кела бошлади. Фронт чизиғидан кўчириб келтирилган таълим муассасаларини, аҳолини, завод-фабрикаларни жойлаштиришдек мураккаб муаммони ҳал қилиш билан бир қаторда, ҳарбий таълим дарслари учун ҳам хоналар ажратиш, бир вақтлар армияда хизмат қилиб, ҳозирги кунда ҳарбий нафақада бўлган командирларни топиш ва уларнинг кўмаги билан кунлик машғулотларни ўтказиш имкониятлари излаб топилди.

Масалан, Самарқанд вилояти партия ва ижроя қўмитасининг топшириғи билан жойларда аҳолини, биринчи галда чақирилувчиларни ҳарбий ишга ўргатиш, бунинг учун керакли биноларни ажратиш, захирадаги командирлардан танлаб олиш ва ҳар куни машғулотлар 2 соатдан ўтказилиши топширилди[389].

Оммавий ҳарбий таълим бўйича машғулотларни ўтказиш ўрганувчилар томонидан аввалида анчагина қийинчиликлар билан ўзлаштирила бошланди. Лекин аста-секинлик билан УҲТ ўз самарасини берди. Мисол учун, 1941 йилнинг 15 октябрида Тошкентда УҲТ ўз сафига 280 минг кишини, ёки аҳолининг 53 %ни бириктирди[390].

УҲТ машғулотлари нафақат оддий фуқароларни балки раҳбар ходимларни ҳам қамраб олди. Раҳбар ходимлар орасида захирадаги офицерлар ва сиёсий ходимлар кўпчиликни ташкил қилар эди. Уларнинг ҳам ушбу йўналишдаги билимларини

---

[388] Мизарбаев А. Советы Узбекистана в годы великой Отечественной войны (1941–1945 гг.). – Ташкент: Фан, 1985. – С. 97.
[389] Мизарбаев А. Советы Узбекистана в годы великой Отечественной войны (1941–1945 гг.). – Ташкент: Фан, 1985. – С. 97.
[390] Мизарбаев А. Советы Узбекистана в годы великой Отечественной войны (1941–1945 гг.). – Ташкент: Фан, 1985. – С. 98.

оширишга киришилди, масалан, Ўзбекистон КП МК ва ХКС аппарати, халқ комиссарликлари ва ижроя қўмитаси, пойтахт корхона ва муассасалари раҳбарлари учун М.В. Фрунзе номидаги ҳарбий Академияда 4 ойлик ўқиш муддати билан иккита махсус курслар ташкил қилди[391].

Ўша кезларда барча раҳбарий ҳужжатлар фақат рус тилида юритилган, шунинг учун уларда ёзилган сабоқларни ўзлаштириш учун рус тилини билиш талаб қилинган. Рус тилини билиш ҳарбий ишни ўзлаштириш учун муҳимлиги эътиборга олиниб, фақат Тошкент вилоятида рус тилига ўргатиш 95,1% армияга чақирувчиларни қамраб олган[392].

Уруш даври шароитида ушбу масалани ҳал қилиш асосан мактаб ўқитувчиларининг зиммасига юклатилди. 1943 йилнинг охирига келиб Ўзбекистонда 224 312 киши рус тилига ўргатилди[393]. Рус тилига ўргатилганлик даражаси асосан ҳарбий атамаларни қамраб олган. Маълумки ҳар қандай тилни тўлиқ ўрганиш анчагина вақт талаб қилади.

Ҳарбий таълим бериш вақтида аҳолини ҳаво ҳужумидан мудофаасига ҳам асосий эътибор қаратилди. Аҳолига, корхоналар ишчи ва хизматчиларига душман авиацияси ҳаводан зарба берганда ўзини ва яшайдиган, ишлайдиган биноларини қандай ҳимоясини ташкил этиш кераклиги тушунтирилди. Вақти-вақти билан ушбу йўналишда бажарилиётган ишларнинг самараси текшириб турилди.

Масалан, 1941 йилнинг 26 ноябрь кунида Термиз шаҳар кенгашининг XI-сессиясида аҳолини ҳаво ҳужумидан мудофаага тайёлашдаги камчиликлар ҳақида сўз юритилди. Сўзга чиқувчилар ҲҲМ, ҲҲКМ дастурлари бўйича таълим нон

[391] Мизарбаев А. Советы Узбекистана в годы великой Отечественной войны (1941–1945 гг.). – Ташкент: Фан, 1985. – С. 98–99.
[392] Мизарбаев А. Советы Узбекистана в годы великой Отечественной войны (1941–1945 гг.). – Ташкент: Фан, 1985. – С. 100.
[393] Ўша жойда.

заводида, пахта заводида, шаҳар қурилиш конторасида яхши йўлга қўйилмаганини таъкидладилар. Кўрсатилган камчиликларни бартараф қилишга йўналтирилган конкрет чоралар белгиланди[394].

Ҳарбий таълим бўйича яхши натижаларига эришиш, бу йўналишда ютуқларни қўлга киритиш мақсадида Республика Марказий Осоавиахим Кенгаши мусобақалар эълон қилди, унинг натижалари сарҳисоб қилиб борилди, юқори натижаларга эришган жамоалар рағбатлантирилиб борилди. Масалан, Тошкент вилоятида қилинган сарҳисобга кўра барча кўрсаткичлар бўйича биринчи ўринни Тошкент шаҳри ўқув-отиш маркази, иккинчи ўринни – Ўртачирчиқ, учинчи ўринни – Чирчиқ шаҳар Осоавиахим ташкилотлари эгаллади[395].

Мудофаага оид билимларни тарғиб қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Тўғри ташкил этилган тарғибот-ташвиқот ишлари ушбу йўналишда самара беришини ҳисобга олиб, Тошкент вилоятида 255 минг кишини жалб қилиб 3200 та маърузалар, ахборотлар ўқилди, 147 минг кишига 587 та кинофильмлар кўрсатилди, 258 та кўргазмалар тайёрланди[396]. Тошкент шаҳри Ленин тумани 36-ташвиқот-тарғибот пунктида урушнинг биринчи тўрт ойида 143 та суҳбат, 5 та митинг, 4 та шанбалик ўтказилди[397].

Вилоятларда ҳам ташвиқот гуруҳлари ўз воситалари ҳисобланган матбуот, радио, кино ва бошқалар фаолиятини уруш даври талабларига мос равишда қайта қурдилар, масалан Андижон шаҳар қўмитаси ташкил қилган ташвиқот гуруҳлари

---

[394] Мизарбаев А. Советы Узбекистана в годы великой Отечественной войны (1941–1945 гг.). – Ташкент: Фан, 1985. – С. 103.
[395] Мизарбаев А. Советы Узбекистана в годы великой Отечественной войны (1941–1945 гг.). – Ташкент: Фан, 1985. – С. 105.
[396] Мизарбаев А. Советы Узбекистана в годы великой Отечественной войны (1941–1945 гг.). – Ташкент: Фан, 1985. – С. 105.
[397] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 265.

томонидан 1941 йилнинг 1 июнидан 1 декабригача корхоналар, ташкилотлар ва агитпунктларда 305 та маъруза (179 таси ўзбек, 126 таси рус тилларида) ўқилди, уларда 72 000 киши иштирок этди, улардан 18 000 нафари аёллардир[398].

Уруш йилларида жисмоний тарбиянинг роли янада ошиши табиий, ҳар қандай урушларда аскарнинг тактик ҳаракатлари, ҳужумда шиддат билан ҳаракатланиш, кези келганда душман билан қўл жангига киришиш, мудофаада окоп қазиш ва бошқалар унинг жисмоний тайёргарлиги даражасига боғлиқ эканлиги сир эмас.1941 йил 25 июнда СССР ХКС ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича Бутуниттифоқ қўмитасининг “Жисмоний тарбия ташкилотларининг аҳолини ҳарбий тайёргарлиги бўйича ишлари” ва 1941 йил 26 июндаги УзССР ХКС ҳузуридаги Республика жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича қўмитасининг “Жисмоний тарбия ташкилотларининг ишларини уруш даврига мос равишда қайта қуриш” тўғрисидаги қарорлари жисмоний тарбия ташкилотлари ишларини ҳарбий изга йўналтирди[399].

Уруш даври талабларидан келиб чиқиб жисмоний тарбияни ривожлантириш мақсадида спорт жамоалари ва мактаблари ташкил қилиниб, у ерда таълим олаётганлар орасидан юқори натижаларга эришиш даражаси анча ошди. Масалан, 1942 йилда Республика бўйича 1700 жисмоний тарбия жамоалари (мактаблардан ташқари) барпо қилинди, бу 1941 йилга нисбатан 11 %га кўпдир. Олиб борилган ишлар натижасида кўнгилли спорт жамияти (КСЖ) 1942 йилда I-даражали ММТ (ГТО)

---

[398] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 273.
[399] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 267.

нишондорларини 123 %га (53 312 киши) ва ММБТ (БГТО) нишондорларини 120 %га (25 334 киши) бажарди[400].

Жисмоний тарбия машғулотлари бевосита жанговар ҳаракатлар мобайнида жангчига керак бўладиган ҳарбий амалий мутахассисликлар соҳаларига йўналтирилган ҳолда олиб борилди. Масалан, 1942 йилда Наманган вилоятида 418 нафар танк қирувчилари, 95 нафар пулемётчилар, 265 нафар автоматчилар, 7129 нафар найза-пичоқ жангчилари, 76 нафар миномётчиларни тайёрлади; Фарғона вилоятида - 44247 ўқчилар, 1650 пулемётчилар, 35 автоматчилар, 2021 танк қирувчиларини тайёрлади. “Спартак” жамияти мудофаа ишлари бўйича 21 790 кишини тайёрлади[401].

Ҳозирги ёшлар кенгашининг уруш давридаги кўриниши ҳисобланган “Комсомол” аъзолари ҳам оммавий мудофаа ишларини кенг йўлга қўйишда фаоллик кўрсатдилар. Масалан, уруш бошида мудофаа ташкилотларида 173 000 ёшлар (комсомоллар) бўлган, улардан 110 000 минг киши – Осоавиахимда, қарийб 25 000 киши – жисмоний тарбия қўмитасида, 28 000 дан зиёд – Қизил Ярим Ой жамиятидада бўлган. 1941 йил сентябрда Ўзбекистонда ўзини ҳимоя қилиш гуруҳларида 3 499 341 киши шуғулланган[402].

Тўлиқсиз ўрта, ўрта мактаблар, техникумларда ҳарбий таълим фанлари бўйича берилаётган дарсларнинг самарадорлигини ошириш, ўқувчиларни уруш даври талабларига мос равишда ўқитиш учун мактаб ва техникумларнинг ҳарбий таълим ўқитувчилари (военруклар) билан ўқув-услубий йиғинлари ўтказилган. Шундай йиғинлардан бири 1941 йил 1

---

[400] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 268.
[401] Ўша жойда.
[402] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 275.

декабр куни ЎОҲО қўмондони ўринбосари генерал-майор Липатов томонидан тасдиқланган дастур асосида ўтказилган.

Дастурда ўқув вақтининг ҳисоботи қуйидаги тартибда кўрсатилган:

- ўқув йиғини давомийлиги - 10 кун;
- иш кунининг давомийлиги - 14 соат, улардан;
- дастурий машғулотларга - 10 соат;
- эрталабки бадантарбияга - 30 дақ;
- сиёсий ахборот - 30 дақ;
- қурол тозалаш - 30 дақ;
- мустақил иш - 2 соат, 30 дақ.

Ўқув дастури бўйича умумий ўқув соатлари 100 соат, ундан:

- ўқувчиларни ҳарбий тайёргарлигининг вазифалари ва уни ташкил қилиш - 19 соат;
- педагогика - 8 соат;
- жисмоний тарбия - 15 соат;
- саф тайёргарлиги - 7 соат;
- сапёрлик тайёргарлиги - 3 соат;
- санитар тайёргарлиги - 3 соат;
- кимёвий тайёргарлик - 5 соат;
- отиш тайёргарлиги - 14 соат;
- тактик тайёргарлик - 13 соат;
- бошқа қўшин турлари билан танишиш - 6 соат;
- низомлар - 3 соат;
- захира - 3 соат[403].

Ўқув йиғинларида юқоридаги фанлар бўйича машғулотлар ўтиш учун мавзулар, уларни ўтиш услуби ва уларга ажратилган соатлар белгиланган.

[403] ЎзМА. 94-фонд, 5-рўйхат, 4129-йиғмажилд, 1-варақ.

т\р	Мавзуларнинг номлари	Ажратилган вақт	Мавзуни ўтиш усули
	I. Талабаларнинг ҳарбимй тайёргарлик вазифалари ва уни ташкил қилиш		
1.	СССР ХКС нинг талабаларни жисмоний тайёргарлик, бошланғич ва чақирувгача ҳарбий-жисмоний тарбия ҳақидаги № 1729 ва № 1730 сонли Қарорлари.	3	маъруза
2.	Талабаларни жисмоний-тайёргарлиги, бошланғич ва чақирувгача ҳарбий тайёргарлик бўйича дастурини	2	
3.	муҳокамаси	3	маъруза
4.	Ҳарбий таълимнинг гуруҳий усули	3	
5.	Ҳарбий кабинет ва спорт майдончасини жиҳозлаш	4	
6.	Ўқув жараёнини режалаштириш	2	
7.	Ҳарбий мулкни сақлаш, асраб-авайлаш, ҳисобини ва ҳисоботини юритиш	2	
	Талабаларнинг ҳарбий тайёргарлиги бўйича ҳисоб ва ҳисоботи		
	Жами: 19 соат		
	II. Педагогика		
8.	Педагогиканинг умумий асослари	2	маъруза
9.	Мактаб ёшидаги болаларнинг тарбияси	2	маъруза
10.	Дидактика принциплари (тамойиллари)	2	маъруза
11.	Иродани чиниқтириш	2	маъруза
	Жами: 8 соат		
	III. Жисмоний тайёргарлик		
12.	Жисмоний тайёргарликнинг восита ва усулларини ривожланаётган организмнинг анатомо-физиологик хусусиятлари билан боғлиқликда қўллаш	2	маъруза
13.	Мактабда Жисмоний тарбиянинг вазифалари ва	1	кўргазмали
14.	шакллари	1	кўргазмали
15.	Мактабда гимнастика машқларини ўтиш усуллари	2	кўргазмали
16.	(методикаси)	1	маъруза
17.	Мактабда ҳарбийлаштирилган уйинлар	5	кўргазмали
18.	Мактабда ҳарбий жисмоний тарбия ҳаваскорлиги	2	кўргазмали
19.	Қўл жанги қоидалари	1	кўргазмали
	Тўсиқлардан ошиб ўтиш		
	Граната улоқтириш		
	Жами: 15 соат		
	IV. Саф тайёргарлиги		
20.	Жангчининг қуролсиз ҳаракатлари	2	кўргазмали
21.	Жангчининг қурол билан ҳаракатлари	2	кўргазмали
22.	Жангчининг отделение таркибида қуролсиз	1	кўргазмали

23.	ҳаракатланиши Жангчининг отделение таркибида қурол билан ҳаракатланиши Жами: 17 соат	2	қўргазмали
	V. Сапёрлик тайёргарлиги		
24. 25.	Окопларнинг тузилиши Пиёдаларга қарши окоплар Жами: 3 соат	2 1	амалий
	VI. Санитар тайёргарлиги		
26. 27.	Юқумли касалликлардан эҳтиёт чоралари Ярадор бўлганда ўз-ўзига ёрдам ва ўзаро ёрдам Жами: 3 соат	1 2	маъруза қўргазмали
	VII. Кимёвий тайёргарлик		
28. 29. 30. 31.	Жанговар кимёвий моддалар Болалар газниқоби БН газниқоблари ва улардан фойдаланиш Ҳимоя накидкалари ва чулкилари Жами: 5 соат	1 2 1 1	текширув текширув қўргазмали
	VIII. Отиш тайёргарлиги		
32. 33. 34. 35. 36. 37. 38. 39.	Кичик калибрли винтовканинг таркибий қисмлари 7,62 мм ли винтовканинг таркибий қисмлари 7,62 мм ли винтовканинг таркибий қисмлари Отишга тайёргарлик кўриш машқлари Қўл гранаталарини ўрганиш Бирваракайига (залп билан) отиш техникаси Кичик калбрли винтовкадан отиш бўйича 1-машқни ташкил қилиш ва ўтказиш Ёндирувчи шиша идишларнинг (бутилкаларнинг) тузилиши ва қўлланиши Жами: 14 соат	1 1 2 2 3 1 3 1	
	IX. Тактик тайёргарлик		
40. 41. 42. 43. 44.	СССР Мудофаа ХК № 306 буйруғини ўрганиш Разведкада дозор хизмати Жангчи ҳужумкор жангда ва атакада Отделениенинг занжир бўлиб ҳужумга кириши Жангчи мудофаада Жами: 13 соат	2 3 3 2 3	
	X. Бошқа қўшин турлари билан танишиш		
45. 46. 47.	Танклар Артиллерия Авиция Жами: 6 соат	2 2 2	

	XI. Низомлар		
48.	Қизил Армиянинг интизомий Низоми	1	
49.	ИДҚАнинг ички хизмат Низоми	1	
50.	Қизил Армиянинг гарнизон ва қоровул низоми	1	
	Жами: 6 соат		

Илова: Ўқув йиғини натижалари бўйича ҳар бир ҳарбий таълим ўқитувчисига (военрукка) хизмат тавсифномаси ёзилиши ва уни қайси лавозимга тайинлаш бўйича тавсиянома тузилиши шарт.

ЎОҲО УҲТ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ
подполковник ДЬЯЧКОВ
Аслига тўғри: ЎзССР ҳарбий комиссариати УҲТ бўлими катта инструктори
3 даражали интендант Иванов[404]

Ушбу мавзулар дастуридан кўриниб турибдики, уруш даври талабларидан келиб чиқиб, жисмоний, саф, отиш ва тактик тайёргарлик фанларини ўрганиш учун машғулотларга нисбатан кўпроқ ўқув соатлари ажратилган. Бу ўринда тактик тайёргарлик фани бўйича СССР Мудофаа ХКнинг 1942 йилнинг 8 октябрдаги № 306-сонли буйруғини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу буйруқ пиёда қўшинларнинг янги жанговар низомини ПЖН-42 ни (БУП-42) қўшинларга тадбиқ этди ва унда шу пайтгача эски низом бўйича жанговар ҳаракатларни олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар санаб ўтилди ва бартараф этилди.

Аввалги жанговар Низом бўйича ўқчи бўлинмалари ўз жанговар тартибларини чуқурлик (теранлик) бўйлаб зич эшелонлаштирган бўлсалар ва бунда иккинчи, учинчи эшелонлар ҳали жангга кирмасдан душманнинг артиллерия, миномёт, авиация зарбасидан асоссиз талофат кўрганлар[405].

[404] ЎзМА. 94-фонд, 5-рўйхат, 4129-йиғмажилд, 2–3-варақлар.
[405] СССР Мудофаа Халқ Комиссарлигининг 1942 йил 8 октябрдаги 306-сон буйруғи.

Янги жанговар низом бўйича отделение, взвод “занжирга” ёйилиб жангга кирган. Ушбу усулда жанговар ҳаракатларни олиб борилиши берилаётган зарба кучини оширган, талофатларни камайтирган, ўт очиш воситаларини барчасини қўллаш самарадорлиги ўсган.

1942 йилнинг ноябр ойида Ўз республикаси ҳарбий комиссариати УҲТ бўлими СССР ХКС нинг ҳарбий тайёргарлик тўғрисидаги 1729 в 1730-сонли Қарорлари асосида барча вилоятлар ва ҚҚ АССР ҳарбий комиссарларига В,2522 рақамли шошилинч Директива жўнатди, унда 1942-43 ўқув йилида ўқувчиларга ҳарбий тайёргарлик бўйича бажарилиши шарт бўлган ўқув соатларини ҳисоби юборилган ва қуйидаги топшириқлар берилган.

1. Ушбу дарслар ҳисоби бошланғич, тўлиқсиз ўрта, ўрта мактаблар, педагогика билим юртлари ва техникумларнинг ўқув дастурларига киритилсин.
2. Илова қилинаётган соатлар ҳисоби ва СССР ХКС тасдиқлаган ҳарбий-жисмоний, бошланғич ва чақирувгача ҳарбий тайёргарлик бўйича дастур ўқишнинг иккинчи ҳафтасидан, ёки шу йилнинг 1-декабридан кечиктирмасдан бошлансин.
3. Машғулотлар қуйидаги тартибда ўтказилсин.

   а). биринчи ва иккинчи синфларда ҳафтада 1 соатдан;

   б). учинчи ва тўртинчи синфларда ҳафтада 2 соатдан;

   в). бешинчи, олтинчи ва 7 синфларда ҳафтада 3 марта 1 соатдан;

   г). саккизинчи, тўққизинчи ҳамда техникумларнинг биринчи ва иккинчи курслари учун ҳафтада 4 соатдан (икки мартадан кам бўлмаган ҳолда икки соатдан);

   д). 10 синфларга ва техникумларнинг учинчи курсларига ҳафтада 5 соатдан.

4. Вилоятлар халқ таълими бўлими билан биргаликда шаҳар ва туманларда таълим муассасалари директорлари, ҳарбий таълим раҳбарлари (военруклар), жисмоний тарбия ўқитувчилари билан мажлислар ўтказилсин. Мажлисларда СССР ХКС нинг ҳарбий

тайёргарлик ва дарслар ҳисоби ҳақидаги 1729, 1730-сонли қарорларининг талаблари кўриб чиқилсин.
5. Ушбу директиванинг бжарилганлиги ҳақида шу йилнинг 10 декабригача ахборот берилсин.
Илова: дарслар ҳисоби.

ЎзССР Ҳарбий Комиссари ВВБ,
I-даражали интендант Давидов
УЎТ бўлими бошлиғи I-даражали интендант Сальников[406]

Ўзбекистон жанговар захираларни тайёрлашнинг муҳим базаси сифатида топширилган вазифаларни шараф билан бажарди. Ўзбекистон Осоавиахим тўгараклари, курслари ва клубларида дастлабки тайёргарликдан ўтган ўнг минглаб жангчилар душманга қарши курашда жасорат намуналарини кўрсатдилар. Тошкент вилояти Осоавиахим жамияти кенгаши собиқ ҳарбий тайёргарлик бўлими бошлиғи Собир Рахимов генерал-майор унвонига сазовор бўлди, кўплаб давлат мукофотлари билан тақдирланди. Тошкент Осоавиахим алоқачилар мактаби битирувчиси Елена Стемпковская қўмондонликнинг топшириғини шараф билан бажариб қаҳрамонларч ҳалок бўлди, совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди[407].

Қуролли кучлар учун жанговар захираларни оммавий тайёрлаш Совет-герман фронтларидаги урушида ғалабанинг таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлди. Ўзбекистон ҳам Қизил Армия учун малакали ҳарбий кадрларни ва жанговар захираларни тайёрлашда фаол иштирок этди.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиб, Ўзбекистон жанговар захираларни яратишни тизимли равишда изчил давом

[406] ЎзМА. 94-фонд, 5-рўйхат, 4129-йиғмажилд, 4-варақ.
[407] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 269.

эттирди. Республика аҳолисини оммавий тарзда ҳарбий ишга ўргатиш душман устидан қозонилган ғалабанинг муҳим шарти бўлди.

Захираларни тайёрлашга барча жамоат ташкилотлари ўз ҳиссаларини қўшдилар. Умумий ҳарбий таълим қўшинларни тўлдиришнинг энг кучли манбаларидан бирига айланди. Бу ишларни бажаришда аёллар ҳам фаол иштирок этиб, ҳарбий билимларни муваффақият билан эгалладилар. Умуман олганда, уруш йилларида ҳарбий тайёргарликдан ўтган фуқароларнинг умумий сони 9862 минг кишини ташкил этди, бу 1944 йилдаги Ставка захиралари билан биргаликда ҳаракатдаги армиядагилар сонидан бир ярим баравар кўп бўлди.

Қуролли кучлар учун жанговар захираларни оммавий тайёрлаш Совет-герман фронтларидаги урушида ғалабанинг таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлди. Ўзбекистон ҳам Қизил Армия учун малакали ҳарбий кадрларни ва жанговар захираларни тайёрлашда фаол иштирок этди.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиб, Ўзбекистон жанговар захираларни яратишни тизимли равишда изчил давом эттирди. Республика аҳолисини оммавий тарзда ҳарбий ишга ўргатиш душман устидан қозонилган ғалабанинг муҳим шарти бўлди.

Захираларни тайёрлашга барча жамоат ташкилотлари ўз ҳиссаларини қўшдилар. Умумий ҳарбий таълим қўшинларни тўлдиришнинг энг кучли манбаларидан бирига айланди. Бу ишларни бажаришда аёллар ҳам фаол иштирок этиб, ҳарбий билимларни муваффақият билан эгалладилар. Умуман олганда, уруш йилларида ҳарбий тайёргарликдан ўтган фуқароларнинг умумий сони 9862 минг кишини ташкил этди, бу 1944 йилдаги Ставка захиралари билан биргаликда ҳаракатдаги армиядагилар сонидан бир ярим баравар кўп бўлди.

4-§. Молия тизими

XX аср том маънода фан-техника инқилоби асри бўлди. XX асрда аник фанлар ва физиканинг ривожланиши янги ихтироларнинг ҳаётга татбиқ этилишига кенг йўл очди. Фан-техника инкилоби ҳарбий саноат, ҳарбий қурол-яроғ турлари ва уларни ишлатиш тактикасида хам чукур ўзгаришларни юзага келтирди. XX асрдан бошлаб замонавий давлатлар армияларида янги ҳарбий қурол-яроғ турлари пайдо бўла бошлади. Ушбу қуроллар ҳарбий ҳаракатлар вайронкорлигини ва жисмоний қурбонлар сонини бир неча бор ошириб юборди. Шунинг учун Иккинчи жаҳон урушида (бошқа урушларга нисбатан) улкан ҳарбий харажатлар мавжудлиги асосан икки ҳолат билан изоҳланишини кўрсатиш мумкин эди:

Биринчидан, Иккинчи жаҳон уруши ўзининг ҳарбий ҳаракатлар кўлами ва вайронкорлиги билан бошқа кўлами билан фарқ қилди. Иккинчи жаҳон уруши (1939-1945 йиллар) 2195 кун (6 йил). давом этиб, унда 61 давлат ва дунё аҳолисининг бешдан тўрт қисми иштирок этди. Урушда дунё мамлакатларидан 6 тасигина ўз нейтралитетини сақлаб қолди. Урушга бевосита жалб қилинганлар 110 млн. кишини ташкил этиб, 50 млн. дан ортиқ киши халок бўлди[408].

Иккинчидан, Иккинчи жаҳон урушида янги техника, қурол-яроғ турларининг оммавий қўлланилиши ёнилғи, металл ва бошқа хом-ашё маҳсулотлар сарфининг кўпайишига сабаб бўлди. Урушда вайронаганрчиликдан кўрилган зарар ва уруш олиб бориш учун сарфланган маблағлар миқдори 4 триллион долларни ташкил этди[409].

Урушларда оммавий равишда ҳарбий техникадан фойдаланиш иқтисодий сарф харажатлар миқдорига ҳам таъсир

---

[408] Вторая Мировая война. Краткая история. – Москва: Наука, 1985. – С.5.

[409] Ильинский И. Великая Победа: наследие и наследники // Знание. Понимание. Умение. – 2005. – № 2. – С. 5.

этди. XX асрнинг биринчи ярмида дунёда кўплаб янги қурол-яроғ, техниканинг қўлланилиши уруш ва у билан боғлиқ бевосита ҳамда билвосита харажатларни кўпайтирди. Агар X1X аср урушларида иштирок этаётган давлатларнинг 8-13%гача ЯИМни ҳарбий мақсадларга сарфлаган бўлса[410], Иккинчи жаҳон уруши даврида давлатлар ўз ЯИМнинг 35-60%ини ҳарбий мақсадларга йўналтирди[411].

Қадимда ва ўрта асрларда урушлар тақдири қўшинлар сони, жангчилар тайёргарлиги ва саркардалар моҳорати билан ҳал қилинарди. XX аср урушларида кўп нарса мамлакатларнинг ҳарбий-иқтисодий тизимининг эффективлиги, ресурслар билан таъминланганлик ҳамда технологияларга асосан боғлиқ бўлиб қолди.

Собиқ Иттифоқда мавжуд иқтисодий тизим марказий бошқарув тарзида ташкил этилган бўлиб, давлат ички ресурсларини ҳарбий харажатларга сафарбар этишда кўпроқ имкониятга эга бўлган. Капиталистик давлатларда мулк эгалигининг турли шакллари мавжуд бўлган ҳолда, собиқ Иттифоқ корхоналари маълум соҳа халқ комиссарликлари орқали тўлиқ давлатга бўйсунарди. Номига сақланиб қолинган кооператив тизим ва жамоат ташкилотлари мулкларидан солиқ олиш миқдори бирмунча кўпайди.

1941 йилда собиқ Иттифоқи ҳудудида уруш ҳаракатларининг бошланиши билан давлат бюджети ва молия тизими бошқа соҳалар каби улкан қийинчиликларни бошдан кечирди. Давлат бюджети мамлакатнинг кирим ва чиқимининг асосий кўрсаткичи бўлиши билан бир қаторда маблағларни қайта

---

[410] Люмер Х. Военная экономика и кризис. Пер. с английского. – Москва: «Издательство иностранной литературы», 1955. – С. 13.

[411] Симонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 23.

тақсимловчи улкан молиявий механизмдир. Собиқ Иттифоқда давлат бюджети қуйидаги поғоналардан иборат бўлган:

Биринчи поғона – Собиқ Иттифоқ бюджети;

Иккинчи поғона – Иттифоқдош республикалар бюджети (масалан, Ўзбекистон ССР. бюджети);

Учинчи поғона – маҳаллий бюджетлар (масалан, Самарқанд вилояти бюджети). Ушбу тизимда даромадлар қуйидан юқорига, тақсимот эса юқоридан қуйига қараб амалга оширилган.

Собиқ Иттифоқ бюджети 1941 йилда 177,0 млрд. руб.ни ташкил этган[412] ҳолда, шу йили Ўзбекистон бюджети 1 317 369 руб.ни ташкил этди[413]. Шу рақамлардан кўриниб турибдики, даромадларнинг асосий қисми иттифоқдош республикалар бюджетида эмас, балки собиқ Иттифоқ бюджетига йўналтирилди. Сабаби давлат хўжалик ҳаётининг асосини ташкил этувчи йирик корхоналар Ўзбекистонга эмас, тўғридан-тўғри Иттифоқ Халқ комиссарликларига бўйсунган. Бу сиёсат иттифоқдош республикалар иқтисодий сиёсатини чеклаш ва даромад тақсимотининг Марказдан амалга оширилишига қаратилган эди. Шунингдек, иттифоқдош республикаларда маъмурий ва суд қарори билан белгиланган жарималар ҳам тўлиқ иттифоқ бюджетига ўтказиларди[414].

Маҳаллий бюджетлар солиқ ва даромадлардан маълум қисмини ўзларига олиб қолиб, қолганини иттифоқдош республикалар бюджетига беришган. 1942 йил аҳоли даромад солиғидан – 2,5 %, давлат заёми суммасидан – 1,5 %, МТС даромадларидан – 10%, колхозчилар солиғидан – 2,5% ва бошқалардан маҳаллий бюджет фойдасига олиб қолинган[415]. Маҳаллий бюджетлар харажат қисми балансини ушлаб туриш

---

412 Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг. Статистический сборник. – Москва, 1990. – С. 215.
413 ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3270-йиғмажилд, 69-варақ.
414 ЎзМА. Р 93-фонд, 15-рўйхат, 769-йиғмажилд, 13-варақ.
415 ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3270- йиғмажилд, 64-варақ.

учун 1941 йилда Ўзбекистон ССР бюджетидан маҳаллий бюджетларга бериладиган ажратмалар суммаси 649671 рубль этиб белгиланди[416].

Шу билан бир қаторда бюджет харажатлари кўпайди. Бюджет харажатлари тақсимоти уруш даври талаблари асосида ўзгариб бориб, ҳарбий харажатлар 1941-1944 йилларда муттасил ўсиб борди. Жумладан, 1940 йилда ҳарбий харажатлар 56,8 млрд руб.ни, 1942 йилда 108,4 млрд руб.ни, 1944 йилда эса 137,8 млрд руб.ни ташкил этди[417]. Бюджетдаги ҳарбий харажатлар 1944 йилда 1940 йилга нисбатан 2,4 баробар ўсди. 1940 йилда бюджет харажатларининг 32,5%и мудофаа мақсадларига йўналтирилган бўлса, 1942 йилда бу кўрсаткич деярли 60% га етди[418].

Иккинчи жаҳон уруши даврида Собиқ Иттифоқ ва шунингдек иттифоқдош республикалар бюджетида даромадлар ва харажатлар қисмлари баланси ўртасидаги мутаносиблик бузила борди. 1940 йилда собиқ Иттифоқ бюджети даромади 180 млрд руб.ни ташкил этган бўлиб[419], уруш бошланиши билан даромад кўрсаткичлари тушиб борди. Мисол учун бюджет даромадлари 1941 йилда 177,0 млрд руб. бўлса, 1942 йилда эса 165,0 млрд руб.га тушиб қолди[420]. Уруш туфайли бошланган молиявий муаммолар Ўзбекистонга ҳам бевосита таъсир кўрсатди. 1941 йилги Ўзбекистон ССР бюджети 273 044 руб.га қисқартирилди[421].

Юзага келган мураккаб молиявий ҳолат турли йўллар билан бюджет тушимларини кўпайтириш ҳамда фронт билан бевосита

---

416 ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3270- йиғмажилд, 70-варақ.

417 Вознесенский Н. Военнная экономика СССР в период Отечественной войны. – Москва, Госполитиздат, 1947. – С.131.

418 Ўша жойда.

419 Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг. Статистический сборник. – Москва, 1990. – С. 215.

420 Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг. Статистический сборник. – Москва, 1990. – С. 215.

421 ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2578- йиғмажилд , 37-варақ

ва билвосита боғлиқ бўлмаган соҳаларга маблағ ажратишни камайтиришни талаб этди. Жумладан, республикада мавзу жиҳатдан яқин музейлар бирлаштирилди, илмий-тадқиқот ишларида катта аҳамиятга эга бўлмаган мавзулар ўрганилиши тўхтатилди. Масалан, 1941 йил 3 июлдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 864-сонли қарори билан Халқ Маорифи Халқ Комиссарлиги қошидаги мактаблар илмий-тадқиқот институти ва ушбу халқ комиссарлик услубий бюроси ўзаро қўшиб юборилди[422].

Илмий-маданий муасасалар ёки уларнинг бўлимлари умуман тугатилди. 1941 йилда Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари ва туманлари ижтимоий таъминот бўлимлари қошида ишлайдиган маданият комиссияларига барҳам берилди[423]. Шунингдек, шу йили “Ёш ленинчи” ва “Комсомолец Узбекистана” газета-журнал босмахонаси тугатилиб, ушбу номлардаги газеталарни чиқариш бошқа босмахонага ўтказилди[424]. 1943 йилда “Қирқ-қиз” достонини чоп этишга ажратилган 100 минг руб. ҳам Ўзбекистонда бошқа ижтимоий-маданий тадбирлардан иқтисод қилиш эвазига молиялаштирилди[425].

Уруш даврининг мураккаб молиявий шароитида иқтисод қилиш даражаси майда ҳолатларгача бориб етди. Масалан, 1942 йилдан республика бўйича телеграф жўнатмаларига харажатларни қисқартиришга қарор қилинди. Ҳукумат ва марказий бошқарув органлари телеграммалари 100 сўзгача бўлиши, бошқа орган ва ташкилотлар телеграммаларида сўз миқдори 50 сўздан ошмаслиги белгиланди[426].

---

[422] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2578- йиғмажилд, 312-варақ.
[423] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2578- йиғмажилд, 151-варақ.
[424] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2578- йиғмажилд, 269-варақ.
[425] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3756- йиғмажилд, 171-варақ.
[426] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3260- йиғмажилд, 7-варақ.

Ойлик маошларидан иқтисод қилиш мақсадида ташкилот, муассаса ва корхоналарда асосий ҳисобланмайдиган штат бирликлари тугатилди. Қисқартиришлар бутун бир ташкилотларга ҳам тааллуқли бўлди. Бундай қисқартирилишлар рўйхатига турли ташкилот ва муассасалар, савдо шахобчалари ҳам киритилди. Биргина 1942 йил 17 октябдаги Ўзбекистон ССР ХКК ва КП(б) МҚнинг 1390-сонли қўшма қарори асосида республикада ойлик маош фонди 191906 сўмни ташкил этувчи, 501 штат бирлигига эга 29 та ташкилот ва муассасалар тугатилди[427].

Уруш йилларида собиқ Иттифоқда ялпи ишлаб чиқаришнинг камайиши ва давлат бюджетига даромаднинг асосий қисмини берувчи социалистик корхоналар (совхозлар, Халқ комиссарликлари қошидаги саноат корхоналари ва б.) молиявий ҳолатининг ёмонлашуви натижасида турли солиқ ва тўловлар турлари ҳамда уларнинг миқдорини кескин оширилди. Солиқлар аҳоли маблағларини давлат бюджетига жалб этишнинг асосий воситасига айланди. 1940 йил аҳолидан олинадиган солиқ ва тушумлар 19 млрд руб.дан 1942 йил 44,7 млрд руб.га кўпайди. Шундан келиб чиққан ҳолда улар бюджет даромадларининг 1940 йил 10,8%ни ташкил этган бўлса, 1942 йил 27%ни ташкил этди[428].

Юқоридаги фикрларга мисол сифатида “ҳарбий солиқ”нинг жорий этилиши ҳамда “қишлоқ хўжалик солиғи” миқдорининг оширилишини кўрсатиш мумкин. 1941 йил 31 декабрдан бошлаб колхозчи ва якка деҳқон хўжаликлари учун ҳарбий солиқ жорий қилинди. Ҳарбий солиқнинг асосий хусусияти унинг жон бошига қараб олинишида эди. Қайсидир маънода бу солиқ ўрта асрларда мавжуд “жон солиғи” ни эслатар эди. Ушбу солиқнинг жорий

[427] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3521- йиғмажилд, 90об-варақ.
[428] Вознесенский Н. Военнная экономика СССР в период Отечественной войны. – Москва, Госполитиздат, 1947. – С.131.

этилиши шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам солиқ тўловчилар сонини оширди.

Ҳарбий солиқ ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзолари, I ва II гуруҳ ногиронлари, нафақахўрлардан ташқари 18 ёш ва ундан ошган барча собиқ Иттифоқ фуқароларидан олинди[429]. Ҳарбий солиқ қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган аҳоли (ишчи ва хизматчилар, маданият ходимлари ва бошқалар)ан уларнинг даромадига қараб белгиланди. Масалан, йиллик даромади 1800 руб.гача бўлганлар 120 руб., 6000 руб.гача бўлганлар 480 руб., даромади 10800-12000 руб.ни ташкил этганлар 1140 руб. солиқ тўладилар[430].

Қишлоқ жойларда алоҳида солиқ тўловчи даромадига эмас, у яшаётган ҳудуд аҳолисига умумий миқдорда белгиланган. СССР ХКС томонидан ҳарбий солиқ қишлоқ жойларда ҳар бир иттифоқдош республика, вилоят, туман учун алоҳида 150-600 руб. атрофида белгиланди.

“Ҳарбий солиқ” ҳар бир вилоятнинг иқтисодий аҳволидан, колхоз ва якка деҳқон хўжаликларнинг умумий даромад даражаси, нарх-наво ва бошқа ўзига хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда турлича олинди. Тошкент вилоятида ҳар бир хўжалик аъзоси учун “ҳарбий солиқ” ўртача 370 руб., Андижонда 480 руб., Сурхондарё вилоятида 420 руб., Хоразмда 350 руб., Самарқандда 460 руб., Фарғона вилоятида 360 руб., Наманган вилоятида 460 руб., Бухоро вилоятида 470 руб., Қорақалпоғистон учун 390 руб.ни ташкил этди[431]. Ҳарбий ва қишлоқ хўжалик солиғи оборотдаги нақд пул массани камайиши ва уруш харажатларини молиялаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

---

[429] ЎзМА. Р-94-фонд, 15-рўйхат, 669- йиғмажилд, 38-варақ
[430] ЎзМА. Р-94-фонд, 15-рўйхат, 669- йиғмажилд, 41-варақ
[431] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3747- йиғмажилд, 265-варақ.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган деярли барча давлатларда молиявий қийинчиликлар туфайли “ҳарбий солиқ” ёки шунга ўхшаган фавқулотда солиқлар жорий этилди. Масалан, фашистик Германияда ҳам фавқулотда ҳарбий солиқ жорий этилди. 1939-1941 йилларда ушбу солиққа кўра йилига 1500-3000 рейхмарка даромад олувчиларга солиқ 20%га ва 3000-5000 рейхмарка даромад эгаларига эса солиқ 55% кўпайтирилди. Шу йилларда фашистик Германия олиб бораётган ҳарбий ҳаракатлар харажатларининг деярли ярми солиқлар ҳисобига қопланди[432].

1942 йил 3 июлдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 747-сонли қарори билан 1941 йил 30 майдаги 566-сонли “Қишлоқ хўжалиги солиғи тўғрисида”ги қарорга ўзгартиришлар киритилди ва бу солиқнинг миқдори оширилди[433]. Қарорда уруш вақтида қишлоқ хўжалиги солиғи ва аҳолидан олинадиган даромад солиғига вақтинча 100% устама белгиланиши кўрсатилди.

Солиқ деҳқонлардан умумий миқдорда олинган бўлса, ишчи ва ҳизматчилардан прогрессив даромад ставкасига қараб олинди. Иш ҳақи 300 руб.дан ортиқ бўлмаган ишчи ва ҳизматчилар даромад солиғига қўшимча устама тўлашдан бутунлай озод қилинди. 300 руб.дан 500 руб.гача иш ҳақи учун 50%, 500 руб. ва ундан ортиқ иш ҳақи учун 100% устама солиғи белгиланди.

Қўшимча даромад солиғининг энг юқори ставкалари ёшига кўра ҳақиқий ҳизматга чақирилиши лозим бўлган, аммо сафарбар қилинмаган ёки чақириқдан озод қилинган ишчи-ҳизматчиларга нисбатан қўлланилди. Уларнинг бир ойлик иш ҳақи 300 руб.гача

---

[432] Эванс Р. Третий рейх. Дни войны. 1939–1945. Пер. с англ. – Москва: Астрель, 2011. – С. 468.
[433] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2574- йиғмажилд, 2-варақ.

бўлганида 100%, 300-500 руб. бўлганида 150%, 500 руб.дан ортиқ бўлганида 200% устама солиғини ташкил этди[434].

Қишлоқ хўжалик ва даромад солиғига устамаларни ҳисобга олганда ҳам собиқ Иттифоида мавжуд солиқ тизими бюджет даромадларини тўлдиришни тўла-тўкис ҳал эта олмаган. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилар иборат:

Биринчидан, уруш ҳолати ва ҳарбий ҳаракатлар туфайли армияга аҳолининг кўплаб жалб қилиниши солиқ тўловчилар сонининг камайишига олиб келди. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар оилаларига турли солиқлар тўлашда имтиёзлар берилди. Масалан, оила таркибида икки ва бундан кўп ҳарбий ҳизматчилар бўлган деҳқонлар қишлоқ хўжалиги солиғи устамаси тўлашдан бутунлай озод қилинган. Оила таркибида бир ҳарбий хизматчи бўлган оилалар ушбу солиқ устамасини 50% чегирма билан тўлаганлар.

Иккинчидан, солиқ тизими уруш даврига жавоб бермас эди. Масалан, қишлоқ хўжалик солиғи хўжаликлардаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига эмас, солиққа тортиш мумкин бўлган объектларга қараб олинди.

Шунингдек, уруш йилларида қишлоқ аҳолиси учун “маданий йиғим” жорий қилинди. “Маданий йиғим” ёки рус тилида қисқача “культсбор” қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳолидан уй-жой ва маданий-маиший иншоотлар барпо этиш учун олинган. 1942 йил 8 январдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 25-сонли қарорида республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон АССР учун “маданий йиғим” миқдорда ҳар бир колхозчи хўжалиги даромадига қараб 10 ёки 40 рубль деб белгиланди.

“Маданий йиғим” якка хўжаликлар учун эса даромад ва иш ҳайвонининг мавжудлигига қараб “ҳарбий солиқ” ставкасининг

[434] “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1941 йил 5 июль сони.

100 ёки 175 фоизида олинди[435]: Иккинчи жаҳон уруши йиллрида Ўзбекистонга эвакуация қилинган меҳнатга яроқли аҳолининг солиқ мажбуриятлари республика маҳаллий аҳолиси билан деярли бир хил бўлиб, фақат қишлоқ жойларга кўчирилган аҳоли махаллий маданий йиғимлардан озод этилди[436].

Уруш йилларида собиқ Иттифоқда юқорида белгиланган солиқ тушумлари етарли бўлмагач, солиқларнинг қўшимча турлари белгиланди. 1941 йил 21 ноябрда СССР Олий Президиуми қабул қилган фармони билан ўзига хос ва бошқа мамлакатларда деярли учрамайдиган солиқ жорий этилди. Ушбу фармонга кўра, балоғат ёшига етиб оила қурмаган, фарзандсиз ва ёлғиз фуқароларга қўшимча 5% даромад солиғи жорий қилинди[437]. 1944 йил 8 июлда қабул қилинган Олий Кенгаш Президиумининг қарори билан ушбу солиқ бир ва икки фарзандли оилаларга ҳам жорий қилинди[438].

Уруш даврида демографик вазият ва оиланинг бузилишидан келиб чиқадиган ижтимоий хавфни камайтиришни тартибга солишда маълум маънода тўловлар тизимидан фойдаланилди. Бу ҳолатни ФҲДЁ ҳолатини қайд этиш ёки бекор қилишдаги тўлов ставкалари миқдори мисолида кўриб чиқиш мумкин. Жумладан, 1944 йил 24 августда СССР ХКСнинг 1153-сонли қарори билан фуқаролардан ундириладиган давлат божи суммаларига ўзгартиришлар киритилди.

Ушбу қарор асосида никоҳни қайд этишга 15 рубль тўланса, никоҳни бекор қилиш тўғрисида даъво аризасини топширишга 100 рубль ва суд қарори билан никоҳни бекор қилиш гувоҳномасига 500 дан 2000 рублгача давлат божи ундирилди[439]. Албатта, ажрашиш бўйича давлат божлари суммалари янги оила

---

[435] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3260- йиғмажилд, 101-варақ.
[436] ЎзМА. Р 93-фонд, 15-рўйхат, 672- йиғмажилд, 38-варақ.
[437] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3265- йиғмажилд, 292-варақ.
[438] ЎзМА. Р-94-фонд, 5-рўйхат, 4598- йиғмажилд, 39-варақ
[439] ЎзМА. Р 93-фонд, 15-рўйхат, 577- йиғмажилд, 12-варақ.

қуриш ёки оила бутунлигини сақлаб қолишда бирламчи фактор бўлмасада, умумий маънода давлатнинг оилага бўлган муносабатини молиявий кўрсаткичларда намоён қиларди.

Уруш йилларида собиқ Иттифоқда мавжуд асосий солиқлар ва уларнинг ялпи суммаси ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш учун 1942 йилнинг 9 ойида Ўзбекистонда йиғилган асосий солиқлар суммаси ва бу сумманинг 1942 йил республика бюджетига киритилган режа бўйича бажарилиш фоизнини қуйидаги жадвалда кўриш чиқиш мумкин[440]:

Солиқ номи	**Бюджетда йиғиш режалаштирилган йиллик сумма**	**Амалда йиғилган 9 ойлик сумма**
Ҳарбий солиқ	476300	435098
Қишлоқ хўжалик солиғи	60976	46465
Қишлоқда “маданий йиғим”	23430	20679
Ўзаро ихтиёрий солиқ	14550	9901
Аҳолидан даромад солиғи	93096	73677
Аҳолидан “маданий йиғим”	73112	53542
Ҳарбий солиқ – шаҳар	353220	266037
Фарзандсиз аҳолидан олинадиган солиқ	45200	35000
Иншоотлар учун солиқ	19006	13776
Ер рентаси	18700	13849
Якка хўжаликлардан отлар учун олинадиган давлат солиғи	82	40
Аҳолидан йиғиладиган солиқлар жами	**1156696**	**959064**
Колхозлардан даромад солиғи	138700	114603
Жами тўловлар суммаси	**1295396**	**1073667**

[440] ЎзМА. Р-93-фонд, 15-рўйхат, 676- йиғмажилд, 25-варақ.

Юқорида номлари келтирилган солиқ ва тўловларни тўлаш республика аҳолиси моддий аҳволига жиддий босим ўтказарди. Молия органлари йиғилган солиқ миқдорини етарли деб ҳисобламади. Колхозларда қўшимча текширувлар ўтказилиб, солиқ миқдорига қўшимча белгилаш ҳолатлари кўпайди. 1942 йилда 1941 йилга қараганда Тошкент вилоятида – 4,6 %, Фарғона вилоятида – 3,1%, Андижон вилоятида – 1,7%, Наманган вилоятида – 3,1 %, Сурхондарё вилоятида – 1,5%, Хоразм вилоятида – 0,3% ва ҚҚ АССРда – 1,3% кам солиқ олинганлиги қайд этилди ҳамда бу вилоятлардаги колхоз хўжаликлари қўшимча солиққа тортилди[441].

Айни вақтда солиқлар тушумининг камайиши республикада ялпи ҳосил миқдорининг камайиши ва қишлоқ хўжалигидаги бошқа муаммолар билан боғлиқлигини ҳеч ким эътиборга олмади. Уруш йилларида солиқ ва тўловлар ўз вақтида тўланиши Халқ комиссарлари совети, вилоят, шаҳар ва туман ижроқомлари, Молия Халқ комиссарлиги ва унинг маҳаллий бўлимлари томонидан қатъиян назорат қилинди[442].

Солиқ олиниши муддатлари ўзгариши ва солиқлар суммасини аванс шаклида тўлаб бериш ҳолатлари ҳам учраб, бу ҳолат аҳолини моддий жиҳатдан анча қийнаб қўйди. Масалан, колхозчилар ва якка хўжаликлар тўлайдиган қишлоқ хўжалиги солиғи 1 ой аввал олиниши белгиланди[443]. Бу ҳолатга қўшимча мисол сифатида 1943 йил 8 сентябдаги СССР ХКСнинг 965-сонли қарорини кўрсатиш мумкин. Қарорда 1943 йилда ғалладан юқори ҳосил олган хўжаликлар, 1944 йилдаги МТСлар ҳақини аванс сифатида ғалла билан олдиндан тўлаши белгилаб қўйилди[444].

---

[441] ЎзМА. Р 93-фонд, 15-рўйхат, 765-йиғмажилд, 142-варақ.
[442] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2574- йиғмажилд, 282-варақ.
[443] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2578-йиғмажилд , 38-варақ
[444] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3774 йиғмажилд, 261-варақ.

Уруш йилларида янги солиқлар жорий этилиши ҳамда мавжудларининг миқдори оширилиши натижасида хўжаликлар ва фуқаролар барча даромадларидан ажралиш даражасига борар эди. Ҳар йиллик даромад солиғи, ҳарбий солиқ, маданий йиғимнинг суммаси миқдори фуқаро даромадининг максимал 70-75%ни ташкил этиш лозим эди. Солиқлар миқдори бу чегарадан ўтса, фуқаро фақатгина ҳарбий солиқ тўлашдан озод этилган[445].

Уруш йилларида солиқ имтиёзлари баъзи ташкилотларга ҳам берилди. Бундай имтиёзлар собиқ Иттифоқ ўзига "энг яқин" ҳисоблаган муаассаларга бериларди. 1942 йил 3 ноябрдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 1449-сонли қарори асосида республика ҳудудида жойлашган НКВД ахлоқни тузатиш-меҳнат лагерлари корхона ва турли муассасалари маҳаллий солиқлар ҳамда ер рентасидан озод қилинди[446].

Солиқ ва тўловлар аҳолидан маблағ йиғишнинг мажбурий усули бўлса, шунингдек, аҳолидан маблағ йиғишнинг мажбурий-ихтиёрий усуллари ҳам бор эди. Лоторея ва давлат заёмлари мажбурий-ихтиёрий усулнинг кенг тарқалган воситалари эди. Уруш йилларида жами суммаси 72 млрд. рубль бўлган 4 марта давлат заёмлари чиқарилди (1941 йил 2 июнда чиқарилиб, уруш йилларида тарқатилган учинчи беш йиллик заёмларини инобатга олмаган ҳолда)[447]. Давлат заёмлари солиқлар каби мажбурий ҳисобланмаса-да, уруш йилларида ва умуман ХХ аср 30-50 йилларда уларни олиш деярли мажбурий йўлга қўйилди. Молия идоралари қонун-қоидаларни қўпол бузган ҳолда ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларидан ушлаб қолиб, уларни заёмларга мажбурий ёздиришди.

---

[445] ЎзМА. Р 93-фонд, 15-рўйхат, 769-йиғмажилд, 29-варақ.
[446] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2289- йиғмажилд, 160-варақ.
[447] Экономический фундамент Победы: параллели истории и современности: Монография / Под общей редакцией И.В. Караваевой. – Москва: Институт экономики Российской академии наук, 2015. – С. 159.

Лоторея воситасида ҳам анчагина маблағ йиғишга эришилди. Масалан, 1941 йил ноябрдан бошлаб Молия Халқ Комиссарлиги томонидан чиқарилган пул ва буюмлик лотореядан тушган даромаднинг ҳаммаси уруш билан боғлиқ ишларга сарф қилинди. Лотореянинг умумий маблағи 1 млрд руб. бўлиб, 200 минг руб.лик маблағ ютуқ сифатида ўйналди[448].

Шунингдек, мудофаа жамғармалари ва турли шанбалик-якшабаликлар орқали ҳам аҳоли маблағлари фронт таъминоти учун жалб этилди. Мудофаа жамғармасига ишчилар, колхозчилар, зиёлилар бир кунлик иш ҳақлари, “коммунистик шанбаликлар”да ишлаб топилган пуллар, фуқароларнинг шахсий жамғармалари, қимматбаҳо бойликлари, давлат заёмлари, буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари топшириларди. Умуман, урушнинг дастлабки кунларида республика аҳолисидан 30 млн. рубллик миқдорда пул, облигация ва қимматбаҳо бойликлар тушди. Ўзбекистон аҳолиси уруш йилларида мудофаа жамғармасига жами 649,9 млн.руб. пул, 22 кг. олтин ва кумуш топширди[449].

Молия тизимини барқарорлаштириш ва ҳарбий ҳаракатлар ўрнини қоплашдаи энг оғир чоралардан бири пул эмиссияси қўлланилди. Бу аҳоли маблағларини йиғиб олишнинг кўринмас усули эди. Пул эмиссияси натижасида товар билан таъминланмаган нақд пуллар массаси кўпайиб кетиб, инфляция юқори кўрсаткичларга кўтарилди.

Расмий маълумотларга кўра, урушнинг дастлабки уч йилида собиқ Иттифоқда пул эмиссияси 2,4 баробарга кўпайди[450]. Пул қадрсизланиши ҳарбий даврнинг асосий белгиларидан бири эканлигини таъкидлаш зарур. Иқтисодиётда товар миқдорига

---

[448] “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1941 йил 30 ноябрь сони.

[449] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б .437.

[450] Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 426.

нисбатан нақд пул миқдорининг кўплиги инфляциянинг асосий сабабчиси бўлди. Уруш ва тинч даврда юзага келувчи инфляция бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Уруш шароитида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш камайиши инфляцияни кучайтирди. Савдо ва таъминот тизимида мавжуд истеъмол товарлари миқдори камайди ва нақд пул миқдори кўпайди. Товар билан таъминланадиган пул ҳажмининг кўпайиши юқори инфляция кўрсаткичлари, талабга нисбатан таклифнинг камлиги, қимматчилик ва аҳоли турмуш даражаси пасайишини келтириб чиқарди.

Пул эмиссияси бир томондан аҳолининг моддий шароитига, иккинчидан савдо-сотиқ тизимига салбий таъсир этди. Натижада пулга ишонч даражаси тушиб кетиб, чакана савдо ҳажми камайди. Пулнинг қадрсизланиши бозорларда товарларнинг камайиши ва савдонинг кўпгина ҳолларда бартер даражасига тушиб қолишига олиб келди. Уруш даври иқтисодиёти молиявий жиҳатдан ўзига хос парадоксни яратди. Аҳолининг турмуш даражаси қанчалик пасайса, аҳолида нақд пул миқдори шунчалик кўпая борди.

Шу билан бирга, барча қийинчиликларга қарамасдан уруш йилларида молия тизими ўзининг асосий мақсади – фронтнинг моддий ва молиявий таъминотини уддалади, ҳамда маълум даражада ўз ҳарбий рақибларидан молиявий устунликка ҳам эришди. 1944 йил фашистик Германия ўз ЯИМнинг 75%ини ҳарбий харажатларга қаратишига қарамасдан (шу йилларда бу кўрсаткич собиқ Иттифоқда тахминан 60%, Буюк Британияда-55% эди)[451], энди у ўзига қарши жанг олиб бораётган давлатлари билан на иқтисодий, на ҳарбий рақобат қила оларди.[452].

---

[451] Эванс Р. Третий рейх. Дни войны. 1939–1945. Пер. с англ. – Москва: Астрель, 2011. – С. 364.
[452] Эванс Р. Третий рейх. Дни войны. 1939–1945. Пер. с англ. – Москва: Астрель, 2011. – С. 406.

Иккинчи жахон уруши тажрибаси шуни кўрсатдики, замонавий уруш улкан маблағ ва ресурсларни талаб этади. Ишлаб чиқариш ва истемол баланси, товар-пул муносабатлари бузилиши натижасида бошқарилмайдиган пул эмиссияси (инфляция)ни келиб чиқди. Инфляция эса аҳоли маблағларининг уруш харажатларини қоплашга йўналтиришнинг асосий ҳамда энг иқтисодий-ижтимоий зарарли шакли ҳисобланиб, аҳолининг оммавий қашшоқлашувига, молия тизимининг издан чиқиши ва ноҳарбий ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келди.

5-§. Саноат объектлари ва аҳолининг оккупация ҳудудларидан кўчирилиши ҳамда фаолияти ташкил этилиши

Иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда собиқ Иттифоқ ғарбий ҳудудларида мамлакатнинг қарийб 40% аҳолиси истиқомат қилар, 31850 та саноат корхоналари, 1135 та шахта, 61 та йирик электростанция, шунингдек, юзлаб енгил саноат ва бошқа корхоналар жойлашган эди[453]. Айнан шу ҳудудлар урушнинг дастлабки ойларида фашист Германияси томонидан босиб олинган эди. Босиб олинган ҳудудлар собиқ Иттифоқ иқтисодий ҳаётида улкан аҳамиятга эга ва асосий саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини берувчи марказлар ҳисобланар эди.

Уруш бошлангач, оккупация қилинган ҳудудлардаги моддий ва ишлаб чиқариш воситаларининг сақлаб қолиниши муҳим вазифа эди. Сақлаб қолинган дастгоҳ ва техника собиқ Иттифоқнинг шарқий ҳудудларида ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишда катта аҳамият касб этарди. Иккинчи томондан, босиб олинган Европа давлатларида бўлгани каби фашистлар Германияси собиқ Иттифоқнинг оккупация ҳудудларидаги саноат-иқтисодий имкониятлардан фойдаланмаслиги лозим эди.

---

[453] Куманев Г. Война и эвакуация в СССР // Новая и новейшая история. – Москва, 2006. – № 6. – С. 17.

Урушнинг дастлабки кунларидан босиб олиниш хавфи мавжуд ҳудудлардаги саноат корхоналари ва бошқа мулкларни собиқ Иттифоқнинг шарқий ҳудудларига кўчириш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1941 йил 29 июндаги СССР ХКС ва ВКП(б) МКнинг қўшма қарори билан биринчи навбатда қуйидагилар фронтолди ҳудудлардан эвакуация қилиниши шарт этиб белгиланди:

Биринчидан, зарур саноат жиҳозлари (асбоб-ускуналар), зарур хом-ашё ресурслари ва озиқ-овқат (рангли металллар, ёнилғи, дон) ҳамда давлат аҳамиятига эга бошқа қимматли буюмлар;

Иккинчидан, эвакуация қилинаётган корхонанинг малакали ишчилари ва муҳандислари, аҳоли (биринчи навбатда ҳарбий хизматга лаёқатли йигитлар), совет ва партия ташкилотлари ходимлари.

Эвакуация қилинмасдан жойида қолдирилган ва душман ихтиёрига ўтиши мумкин бўлган барча бойликлар, иншоотлар фронтлар Ҳарбий Кенгашлари буйруғи билан йўқ қилиниши ёки фойдаланиб бўлмайдиган тарзда ишдан чиқарилиши шарт эди[454].

Шунингдек, ушбу қарорда кўчаётган аҳолига фашистик Германия армиясига бирорта ҳам паровоз, килограмм ҳам нон, литр ҳам ёқилғи қолдирмаслик» талаби қўйилди[455]. Албатта, бу талабни тўлиқ бажара олиш мушкул бўлса-да, бу ҳолат фашистик Германия армияси қўлига камроқ техника ва ресурслар қолдириш заруриятини кўрсатарди. Шу мақсадларни амалга ошириш учун тузилган Эвакуация кенгаши барча техника, аҳоли, озиқ-овқат ва бошқаларни кўчириш ишларига раҳбарлик қилиши ҳамда бу жараённи бошқариши лозим эди.

---

[454] Ради жизни на земле. Великая Отечественная война 1941–1945 гг. в документах и свидетельствах. Сост. Мазур В. и др. – Екатеринбург: Уральский рабочий, 1995. – С. 72.

[455] Куманев Г.. Война и эвакуация в СССР // Новая и новейшая история. – Москва, 2006. – № 6. – С. 19.

1941 йил 7 августдаги Давлат мудофаа қўмитасининг “Эвакуация қилинган корхоналарни жойлаштириш тартиби тўғрисида” ги ва 1941 йил 25 октябрдаги СССР ХКС нинг “Волга, Урал, Ўрта Осиё ва Қозоғистонга кўчирилагн корхоналарни тиклаш графиги тўғрисида”ги қарорлари эвакуация жараёнини тартибга солиб турувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлар бўлди.

Шунингдек, баъзи асбоб-ускуналарни техник жиҳатдан кўчириш имкони бўлмади. Уруш йилларида СССР Режа қўмитасида эвакуация масалалари бўйича масъул лавозимларида ишлаган Р.С.Лившиц хотираларига кўра, “Россия жанубидаги металлургия корхоналарининг асосий асбоб-ускуналарни эвакуация қилиш имкони бўлмади. Чунки домна печлари ва пўлат қуйиш ускуналарини умуман кўчириб бўлмасди”[456]. Бундай ҳолатда кўчириб бўлмайдиган ускуналар одатда портлатиб юборилган.

Кенг кўламда амалга оширилган эвакуация жараёни маълум маънода мамлакат иқтисодиёти учун хавф яратарди. Чунки эвакуация фашистик Германия қўшинларининг назарий босиб олиш мумкин бўлган ҳудудлардан ҳам амалга оширилди. Бу ишлаб турган корхоналарнинг кўчирилиши тахминан ярим йилга маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўхталишини англатарди. Миллионлаб аҳоли ва юкларни минглаб километрларга кўчириш молиявий харажатларни талаб этарди. Шунингдек, кўчирилган жойда корхоналар фаолиятининг самарали ташкил этилишига кафолат йўқ эди.

---

[456] Чуриков А.В. Эвакуация и реэвакуация тяжелой промышленности в СССР – системный фактор экономической мобилизации в 1941–1945 годах. Мобилизационная модель экономики: исторический опыт России XX века: сборник материалов II всероссийской научной конференции. – Челябинск: 2012. – С. 311.

Шунинг учун собиқ Иттифоқ иқтисодиётига эвакуация амалий фойда келтириш учун бир-бирига узвий боғлиқ бўлган уч босқич амалга оширилишини талаб этиларди:

Биринчидан, фронт ва фронт олди ҳудудларидан аҳолини, корхоналар ва уларнинг турли мол-мулкни эвакуация қилиш;

Иккинчидан, эвакуация қилинган аҳоли, корхоналар ва турли мол-мулкни манзилига етказиш;

Учинчидан, манзилга етиб келган корхоналар ишини ташкил этиш ва аҳолини жойлаштириш.

Иккинчи ва учинчи босқичлар бевосита Ўзбекистон зиммасига тушарди. Фашистик Германия қўшинларининг ҳужуми собиқ Иттифоққа тегишли ҳарбий захиралар ва ишлаб чиқариш воситаларини йўқ қилинишига олиб келди. Лекин урушни давом эттириш учун қурол-яроғ зарур эди. Собиқ Иттифоқнинг ғарбий ҳудудларидаги ишлаб чиқариш қувватлари максимал сақлаб қолишга ва уларни хавфсизроқ ҳисобланган шарқий ҳудудлар (Урал, Ғарбий Сибир, Ўрта Осиё ва Қозоғистон)га кўчирилди. Мазкур жараённи амалга оширишда Ўзбекистон транспорт тизими, ишчи ва муҳандис кадрлари, саноат корхоналари ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

1941 йил иккинчи ярмидан фронт яқинидаги ҳудудлардан шарққа 2593 та саноат корхоналари, 11 мингдан ортиқ трактор, кўплаб совхоз ва колхоз мулклари ҳамда 10 млн.га яқин киши кўчирилди. Барча мулк ва одамларни кўчириш темир йўлчилар зиммасига тушди. Эвакуация жараёнида 1,5 млн.га яқин темир йўл вагонлари ишга солинди[457].

Эвакуацияни бетўхтов ташкил этишда темир йўл тизимининг моддий-техник базасини қанчалик мустаҳкамлиги, темир йўл тизими ишини тўғри ташкил этилганлиги ва темир йўлчилар ўз олдиларига қўйилган вазифани қандай бажара

[457] Вторая Мировая война. Краткая история. – Москва: Наука, 1985. – С. 127.

олишлари муҳим аҳамиятга эга эди. XX асрнинг 40-йилларида Ўзбекистон ва собиқ собиқ Иттифоқнинг бошқа қисмларини икки темир йўл тизими: Тошкент-Оренбург ва Туркистон-Сибирь темир йўллари боғлар эди. Шунингдек, Тошкент-Красноводск темир йўли орқали Каспий денгизига чиқиш имкони ҳам бўлган.

Уруш темир йўл транспорти олдига бир қанча янги масъулиятли вазифаларни қўйди. Темир йўл транспорти биринчидан, фронтни қурол-аслаҳа, янги ҳарбий қисмлар, ҳарбий техника ва озиқ-овқат узлуксиз етказиб берилишини таъминлаши; иккинчидан, фашистлар Германияси томонидан босиб олинган ҳудудлардан фабрика ва заводларни, уларнинг асбоб–ускуна, станоклари, хом ашё захиралари ва тайёр маҳсулотларни кўчириши, иложи борича уларга зиён етказмаслиги зарур эди. Ҳар бир фабрика ва заводнинг асбоб-ускунаси анчагина ҳажмда бўлар эди. Мисол учун биргина Чкалов номли заводнинг Тошкентга эвакуация қилинишида ҳар бирида тахминан 100 вагондан иборат 18 эшелон иштирок этди[458].

Бундай натижаларга эришиш учун темир йўл ишини қайта ташкил этиш зарур эди. Фронтга сафарбарлик туфайли паравозлар, ёқилғи ва малакали машинист-механиклар сони камайди. Урушнинг бошланиши билан темир йўлларда интизомни кучайтиришга биринчилардан эътибор берилди. Фронтга озиқ-овқат, қурол-аслаҳанинг вақтида етиб бормаслиги ёки уларнинг йўлларда қолиб кетиши давлат мудофаа қобилиятини камайтириши ва эвакуация режаларини бузилишига олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун темир йўлларда интизомни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

---

[458] Голованов А., Саидов Н. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Часть II. – Самарканд: СамДУ, 2006. – С. 8.

1941 йил ноябрида юқоридаги масалалар юзасидан СССР Олий Судининг пленуми бўлиб ўтиб, унда транспорт ходимларининг меҳнат интизомини бузганлик учун жавобгарлиги кучайтирилди. Шу жумладан, темир йўлчилар прогул қилиши ёки ўзбошимчалик билан ишдан кетиб қолиши, транспорт воситаларининг бузилиши, темир йўлларда бахтсиз ҳодисалар рўй берган ҳолатларда 10 йилга озодликдан маҳрум этиш кераклиги ҳақида кўрсатмалар берилди. Урушгача бундай жиноятлар учун ишлаб турган жойида ойлик маошидан 25%и чегириб қолиш шарти билан 6 ойлик муддатга мажбурий меҳнатга ҳукм қилинар эди[459].

1943 йил 15 апрелда Олий Совет Президиумининг “Барча темир йўлларда ҳарбий ҳолат ўрнатиш ҳақида”ги махсус қарори чиқиб, унда темир йўллар ҳарбий ҳолатда ўтказилганлиги эълон қилинди. Темир йўлчилар сафарбар этилган деб ҳисобланиб, темир йўл ходимларига ҳарбийлардек жавобгарлик юклатилди. Ҳарбий ҳолат биринчи навбатда интизомга риоя этишни мажбур қилиб қўйди. Темир йўлчилар жиноят содир этган ҳолатда, улар ишини ҳарбий трибуналлар кўриб чиқадиган ва уларга темир йўлчиларни жарима роталарига юбориш ҳуқуқи берадиган вазият юзага келди[460].

Уруш йилларида Марказий Осиёда етакчи ҳисобланган Тошкент темир йўлининг нуфузи ошди. Тошкент темир йўли собиқ Совет Иттифоқининг асосий темир йўллари рўйхатига киритилганди[461]. Ўрта Осиёнинг тўрт республикаси таркибига кирувчи, 11 вилоятга хизмат қилувчи Тошкент темир йўли ҳам ҳарбий ҳолатга ўтказилди.

1941 йил июль-ноябрь ойларида умумий ҳисобда 1523 саноат корхонаси эвакуация қилинган бўлиб, шулардан 1360 таси

---

[459] “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1942 йил 22 ноябрь сони.
[460] Газета “Правда” от 16 апреля 1943 г.
[461] ЎзМА. 91-фонд, 8-рўйхат, 310-йиғмажилд, 24-варақ.

йирик корхона шарқий иқтисодий районларга кўчирилди. Россиялик тадқиқотчи Н.С. Симоновнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1941 йил октябрь ҳолатига кўра ҳарбий-саноат халқ комиссарликларига тегишли корхоналарнинг деярли 65%и[462] эвакуация рўйхатига киритилган эди. Ҳудудий жиҳатдан кўчирилган корхоналар қуйидагича тақсимланди: 226 таси – Волгабўйига, 667 таси – Уралга, 244 таси – Ғарбий Сибирга, 78 таси – Шарқий Сибирга, 308 таси – Ўрта Осиё ва Қозоғистонга кўчирилди[463]. Уруш йилларида Ўзбекистоннинг ўзига жами 170 дан ортиқ завод ва фабрика кўчириб келтирилди[464].

Ўзбекистонга кўчириб келтирилган 170 дан ортиқ завод ва фабрика орасида Ленинград тўқимачилик машиналари заводи, “Ростсельмаш”, “Қизил Оқсой”, Сумск компрессор ва Днепропетровск карборунд заводлари, Москвадаги “Электрокабель” ва “Подёмник” заводлари, Темир йўллар халқ комиссарлигининг машинасозлик заводи, Киевдаги “Транссигнал” заводи, Сталинград кимё комбинати ва бошқалар бор эди[465].

Саноат корхоналарининг айнан юқорида келтирилган ҳудудларга кўчирилишини ҳарбий ва иқтисодий томондан тушунтириш мумкин эди.

Ҳарбий жиҳатдан ушбу ҳудудларга душман армияси ва авиацияси яқин вақт ичида боролмаслиги инобатга олинди. Иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан корхоналарни қабул қилаётган ҳудуддаги саноат потенциали, урушгача мавжуд

---

[462] Симонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 140.

[463] Верт А. Россия в войне 1941–1945. Автор. пер. с англ. – Москва: Воениздат, 1967. – Б. 148.

[464] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон халқига байрам табриги / “Халқ сўзи” газетаси. – 2024 йил 9 май, № 90 (8713), – Б. 1.

[465] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б. 440.

инфратузилманинг қай даражада ривожланганлиги ва кадрлар таъминотига аҳамият берилди.

Масалан, Ўзбекистонга эвакуация қилинган саноат корхоналари ва фабрикаларнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги, оғир ва ўрта машинасозлик, электротехника корхоналари ҳамда ярмидан камини енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ташкил этди. Агарда Ўзбекистонда эвакуация корхоналарини жойлаштириш ва ишга тушира олиш учун керакли инфраструктура ва кадрлар бўлмаганида, улар бу ерга жўнатилмасди.

Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб кўчирилган корхоналарни жойлаштиришда маҳаллий шароитлар ва инфраструктура инобатга олинарди. Жумладан, машинасозлик ва оғир металлургия корхоналари асосан Тошкент ва бошқа йирик саноат корхоналари мавжуд шаҳарларга жойлаштирилди. Енгил саноат корхоналарининг кўпчилиги Фарғона водийсига жўнатилди. Шунингдек, ҳарбий саноатга боғлиқ бўлмаган корхоналарни кўчиришда уларнинг маҳсулотларига талаб ҳам инобатга олинган. Ўзбекистоннинг қуруқ саноат елимига талаби ва уни ишлаб чиқаришга керак бўлган чиқинди хом ашёнинг мавжудлиги ҳисобга олиниб, Тошкентга “Москлейпром” корхонаси эвакуация қилинди[466].

Кўчирилган корхоналарни вақтида ишга тушириш устидан доимо назорат олиб борилган. 1941 йил 9 ноябрдаги Давлат Мудофаа Қўмитасининг қарорига кўра, кўчирилган корхоналар ишга тушириш вақти ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми 1941 йил ноябрь-декабрь ойлари ва 1942 йил январь ойи учун аниқ белгиланиб берилди[467].

---

[466] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3260-йиғма жилд, 171-варақ.

[467] Экономическая жизнь СССР (хроника событый и фактов). Книга первая. – Москва: Советская энциклопедия, 1984. – С. 337.

Мамлакат миқёсда эвакуация йўналишларини белгилашда аниқ тартиб ва режа белгиланди. Шундай бўлсада, баъзи ҳолларда уруш шароитидан келиб чиққан ташкилий тартибсизликлар туфайли режалаштирилган ҳудуд эвакуация корхоналарини қабул қилолмасди. Корхона асбоб-ускуналарининг бошқа худудларга адашиб жўнатилиш ҳоллари ҳам учраб турарди. Шунинг учун баъзида ҳудудлар режалаштирилмаган корхоналарни ҳам қабул қилишга мажбур эди.

Ҳарбий вазият туфайли баъзи корхоналарни қисман ёки умуман кўчириш имконияти бўлмади ва уларнинг баъзилари ўз жойларида қолдирилди. Шунингдек, баъзи ҳолларда йирик корхоналар цехлари алоҳида бир неча шаҳарларга жўнатилиб, у ерда алоҳида корхоналар сифатида фаолият юритди. Асбоб-ускунаси тўлиқ кўчирилмаган бир неча турдош корхоналар янги жойда битта корхонага айлантирилди. Шунинг учун эвакуация рўйхатига киритилган, демонтаж қилинган ва тикланган корхоналар сони турлича кўрсаткичларни ҳосил қилди.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонга кўчирилган корхоналарнинг ҳаммаси ҳам мустақил фаолият олиб бормади. Кўчирилган асбоб-ускуналар асосида 47 янги корхоналар барпо этилиб, маҳаллий корхоналар қуввати оширилди[468]. Одатда асбоб-ускунаси тўлиқ етиб келмаган ва бир цехда жойлашган, бир соҳа корхоналари бир-бирига қўшиб юборилган. Ушбу ҳолат маълум маънода ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этилишига олиб келган. Масалан, Тошкентга эвакуация қилинган Ленинград машинасозлик заводи ва “Росселмаш”нинг бир бинода жойлаштирилиши уларнинг тезкор ишга туширилишига халақит берарди.

[468] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 114.

Муаммолар биринчи навбатда бошқарувга тегишли бўлиб, икки директорнинг бўлиши ташкилий масалаларни қийинлаштирган. Шунинг учун икки завод қўшиб юборилиб, ягона бошқарувга ўтилди[469]. Заводлар бирлаштирилишида қуйидаги ижобий натижаларни кўрсатиб ўтиш мумкин эди: ягона бошқарув директорнинг масъулиятини оширган, ягона заводда ишлаб чиқариш қуввати юқорироқ бўлган ва энг асосийси, завод фронт учун тезроқ маҳсулот бера бошлаган.

Мингдан ортиқ йирик корхоналарни Шарқий ҳудудларга кўчириш улкан ташкилий-иқтисодий жараён бўлиб, мураккаб ва экстремал шароитларда амалга оширилди. Шу билан бирга эвакуацияни амалга ошириш ҳақиқий қаҳрамонлик эканлигини тан олган ҳолда, бу жараённи амалга оширишда баъзи камчиликлар учрагани ҳам таъкидлаш зарур. Жумладан, 1941 йил 10 декабрдаги СССР Давлат Режа Қўмитаси маълумотномасида эвакуация билан боғлиқ камчиликлар ҳақида фикр билдирилган эди[470].

Жумладан, баъзи ҳолларда корхоналарни демонтаж қилиш тартибсиз ҳолда амалга оширилиб, шу сабабли эвакуация жойига етиб келганди корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини тезликда тиклашда маълум дастгоҳлар етишмаган. Ушбу дастгоҳни топиб, иш жараёнини бошлаш учун қўшимча қимматли вақт ва маблағ талаб этилди.

Юқоридаги муаммоларни маълум маънода тартибга солиш, Ўзбекистонда кўчирилган корхоналарни қабул қилиш, жойлаштириш ва ишга тушириш масалаларини тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида махсус комиссия тузилди[471]. Республика

---

[469] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2787-йиғма жилд, 120-варақ.

[470] Симонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 142.

[471] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 115.

вилоятларида эса республика комиссиясига бўйсунувчи вилоят комиссиялари фаолият олиб борди. Комиссиялар фабрика ва завод раҳбарлари билан бевосита алоқа ўрнатиб, корхоналарнинг жойлашув ҳудудлари, ишга тушириш вақти, уларни хом ашё ва ишчи кучи билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этарди.

Муаммолардан яна бири, эвакуация қилинган корхоналар янги жойда тикланганда ҳолатда ҳам кадрлар муаммоси туфайли ишга тушишининг кечикиши эди. Чунки корхоналар билан бирга дастгоҳларда ишловчи муҳандис-техник ходимлар етарли миқдорда кўчиб келмади. Маҳаллий аҳолидан ишчи кадрларни тайёрлашга қўшимча вақт ва эътибор талаб этиларди.

Эвакуация қилинаётган заводлар ходимларини асбоб-ускуналар билан бирга кўчирилишини рағбатлантириш мақсадида турли имтиёзлар тизими яратилди. Озиқ-овқат нормалари, маош тайинлашни белгиловчи норматив ҳужжатларда эвакуация қилинаётган корхона ишчи-ходимлари алоҳида категорияга киритилди.

Эвакуация шартларига кўра, корхона янги жойга ишга тушгунга қадар ишчиларга тўлиқ ойлик маоши (охирги 3 ойдан ўртача қилиб олинган) сақланган. Корхона ишга тушганда бир марталик ёрдам тўлови тўланган. Ёрдам пули ишчи учун бир ойлик оклад, 1/4 оклад турмуш ўртоғи учун ва ҳар бир фарзандга 1/8 оклад миқдорида пул тўланган. Шунингдек, корхона иккинчи ва ундан кейинги марта кўчирилганда фақат кунлик тўлов (ойлик маошнинг 3%и миқдорида) ва йўл ҳақи тўланиши белгиланди[472].

Ўзбекистонга эвакуация қилинган ва аниқ корхонага бириктирилмаган мутахассислар касбий фаолиятига қараб,

[472] Потёмкина М. Н. Зарплата и социальная справедливость в условиях мобилизационной модели (1941–1945 годы). Мобилизационная модель экономики: исторический опыт России XX века: сборник материалов II всероссийской научной конференции. – Челябинск: 2012. – С.501.

республикада мавжуд корхоналарга юборилди. Эвакуация қилинган аҳоли саноатдан ташқари, Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа соҳаларида ҳам самарали фаолият олиб борди. Жумладан, 1941 йилда Ўзбекистонда қанд лавлагиси экишнинг бошланиши билан бу соҳада тажрибали эвакуация қилинган колхозчилардан 5 минги Фарғона, Тошкент ва Самарқанд вилоятларига юборилди[473].

Ҳарбий вазият оғирлашуви ва армия таъминоти масалаларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда эвакуация қилинган корхоналарни тезликда жойлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш зарур эди. Республикада эвакуация қилинган корхоналарни жойлаштириш ва ишга тушириш биринчи галдаги вазифа этиб белгиланди. 1942 йил январида Москвадан кўчирилган Чкалов авиация заводи биринчи маҳсулотини берди. Корборунд заводи эса режага нисбатан 5-6 марта тезроқ ишга туширилди[474]. Тошкентга Украинанинг Запорожье вилоятидан эвакуация қилинган корборунд заводида ишлаб чиқариш қувватлари тикланибгина қолмасдан, қўшимча 2 та янги цех барпо этилди. Запорожьеда 30 ойда қурилган завод, Тошкентда 5 ойда ишга туширилди[475].

Ўзбекистонга кўчирилган корхоналар ичида авиазсозлик ва машинасозлик заводларини тўлиқ ишга тушириш анча мураккаб кечди. Сабаби ушбу ихтисосликдаги заводлар кооперация алоқалари билан чамбарчас боғланган, уларга эҳтиёт қисмлари етказиб берувчи корхоналар мамлакатнинг турли жойларида эди. Янги жойда ишга тушган корхонанинг кооперация ва хўжалик алоқаларини қайта тиклашига маълум вақт сарф этилди.

---

[473] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2784- йиғмажилд, 287-варақ.

[474] Вклад трудящихся Узбекистана в победу в Великой Отечественной войны. – Ташкент: Фан, 1975. – С. 61.

[475] Зинич М. Трудовой подвиг рабочего класса в 1941–1945 гг. (по материалам отраслей машиностроения). – Москва: Наука, 1984. – С. 42.

Уруш йилларида республикага ўқув ва илмий-тадқиқот муассалари ҳам кўчирилди. 1941 йилнинг ноябригача Ўзбекистонда Белоруссия, Украина ва Россиядан кўчирилган 22 та илмий-тадқиқот институти, 16 та олий таълим муассасалари ва 2 кутубхона жойлаштирилди[476]. Маълум маънода ушбу муассасалар фаолияти Ўзбекистонда техник-лойиҳалаш ишлар ривожига ижобий таъсир этди. Масалан, Ростовдан кўчирилган "Станкопроект" лойиҳалаш ташкилотига 1942 йилдан бошлаб Ўзбекистонга кўчирилган барча машинасозлик ва металлургия корхоналарининг техник лойиҳалаштириш ишлари топширилди[477].

Уруш йилларида Тошкент шаҳрида турли корхоналар, ўқув, маданий ва илмий муассасалардан ташқари иттифоқ даражасидаги ташкилотлар бошқарув аппарати жойлаштирилди. Жумладан, 1941 йил 23 октябрдаги СССР ХКС қошидаги эвакуация Кенгашининг 14425-сонли қарори ва СССР Қурилиш ХКнинг 410-н сонли буйруғи билан ушбу халқ комиссарлик тасарруфидаги қурилиш-монтаж қисмининг 8-сонли бошқармаси Тошкентга жойлаштирилди[478].

Уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган завод, фабрика, илмий ва ўқув муассасаларни жойлаштириш учун бўш бинолар зарур эди. Уруш даврида хўжалик ва турар жой биноларини барпо этиш бир-бирига қарама-қарши икки ҳолат туфайли талаб даражасида эмас эди. Яъни, эвакуация жараёни ва саноат корхоналари қурилиши жараёнида бўш бино майдонларига талаб ошди. Иккинчи томондан, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш уруш даври учун иккинчи

---

[476] Шамуратова М. Творческое сотрудничество интеллигенции Узбекистана с эвакуированными в республику представителями науки и культуры (1941–1945 гг.): Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 1991. – С. 10.
[477] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3260- йиғмажилд, 9-варақ.
[478] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3260- йиғмажилд, 409-варақ.

даражали соҳа, деган нотўғри қараш натижасида ғишт, ойна, бетон ва бошқа материаллар ишлаб чиқаришга эътибор камайди.

Айни дамда уруш шароити Ўзбекистонда саноат ва турар жой-коммунал қурилишни тезликда амалга оширишни талаб этиларди. Республика қурилиши саноати эса жорий талабларга жавоб бермай қолди. Масалан, 1940 ва 1941 йилда Чирчикстрой трести ғишт заводининг ойлик қуввати 1,5-2 млн. дона ғишт бўлса, 1942 йилда заводда ойлик ғишт ишлаб чиқариш 700 мингни ташкил этди[479]. Умумий ҳисобда, 1941 йилда Ўзбекистонда пишган ғишт ишлаб чиқариш 133,7 млн. донадан 1942 йилда 93,9 млн. донагача, том қопловчи толь эса шу даврда 372,2 минг рулондан 241,8 минг рулонгача камайди[480].

Эвакуация қилинган корхоналарни махсус мослаштирилган иншоотларга жойлаштириш ҳам муаммога айланди. Қисқа вақт ичида кўчирилган 100 га яқин корхонага ишлаб чиқариш биноларини қуриб беришга республиканинг имконияти йўқ эди. Дастлаб, заводлар дастгоҳлари биноларга жойлаштирилмаган. Бундай шароитлар ишчиларга ноқулайликлар туғдирса, иккинчи томондан дастгоҳлар ва техникага зарар етказарди. Юзага келган бинолар тақчиллигини қисман бўлса-да ҳал этишга ҳаракат қилинди. 1941 йил 11 сентябрдаги СССР ХКК нинг қарорига кўра, уруш даври шароитида вақтинчалик цехлар ёки иморатлар қурилишида маҳаллий материаллар фойдаланишга рухсат этилди[481].

Маълумки, Ўрта Осиёда маҳаллий қурилиш материали асосан хом ғишт ҳисобланади. Халқ услубида ва маҳаллий қурилиш материалларидан тезлик билан қурилган завод бинолари архитектура ва техник талаблардан анча йироқ эди.

---

[479] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3324- йиғмажилд, 60-варақ.
[480] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3318- йиғмажилд, 13об.-варақ.
[481] Директивы КПСС и Советского правительства по хозяйственным вопросам. Т.2. – Москва: Политиздат, 1957. – С. 712.

Шундай бўлса-да, бу усул билан қурилган бинолар саноат иншоотларига бўлган талабни тез, арзон ва асосийси, республиканинг ўз кучи билан қондирилишига имкон берди.

Ўзбекистон бўйича эвакуация қилинган корхоналарга республика балансидаги бинолардан 400 минг метр^2 жой ажратилди ва қўшимча 200 минг метр^2 қуриб берилди[482]. Эвакуация қилинган корхоналарга бирданига 400 минг метр^2 биноларни топиб бериш осон масала бўлмай, ишлаб чиқариш баъзида бунинг учун мўлжалланмаган жойларда ҳам ташкил этилди. Тезликда корхоналарнинг ишга туширилиши шаҳарлар ҳаёти ва қиёфаси, шаҳарликлар турмуш тарзига ўзига хос ўзгартириш киритди.

Ўзбекистон ХКК қошидаги Архитектура-қурилиш комиссиясининг 1942 йил мартгача бўлган текширувлари натижаларига кўра, Тошкентга эвакуация қилинган корхоналарнинг деярли ҳеч бири (Корборунд заводидан ташқари) 1938 йилда қабул қилинган шаҳар Бош лойиҳаси бўйича жойлаштирилмади. Ишлаб чиқаришга умуман мўлжалланмаган биноларда жойлашган корхоналар ўзларига, ён атрофдаги аҳоли ва экологияга зарар етказардилар. Эвакуация қилинган корхонадан бири (архив ҳужжатида номи берилмаган.- Х.Б.) Санъат музейи ва унинг атрофидаги уйларга жойлашган[483]. Шаҳар марказида жойлашган заводлар ускуналаридан чиқаётган шовқин-сурон ва чанг-тўзон одамлар саломатлигига хавф туғдирган.

Завод биноларининг тезликда барпо этилиши канализация ва оқава сувларни тозаловчи иншоотлар қурилишини иккинчи ўринга қўйди. Энди одамлар ўртасида ноқулайлик эмас, оммавий касалланиш ва заҳарланиш хавфи пайдо бўлди. Гап шундаки,

---

[482] Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. – Москва: Наука, 1970. – С. 158.

[483] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3514-йиғма жилд, 3-варақ.

1942 йилда Тошкентда марказлашган водопровод ва канализация тизими ҳали йўқ эди. Тозалаш тизимига эга бўлмаган корхоналар оқавалари тўғридан-тўғри шаҳарликлар асосий ичимлик суви манбалари бўлган – Бўзсув, Салор, Зоғариқ каналларига тушарди. Архитектура-қурилиш комиссияси хулосасида Тошкентдаги санитария ҳолати ўта хавфли эканлиги очиқдан-очиқ тан олинди[484].

Уруш йилларида Ўзбекистонга кўчирилган корхоналарни монтаж қилиш, уларни ишчи кучи, хом ашё, электр энергияси ва маблағ билан таъминлашда жиддий қийинчилик ва етишмовчиликка дуч келинди. 1942-1943 йилларда Ўзбекистон моддий ва молиявий ресурсларини, ишчи кучини ҳарбий иқтисодиётни тиклашга қаратди. Шу йилларда Ўзбекистонга кўчирилган корхоналар тўлиқ ишлаб чиқариш қувватларига ўтиб, асосан ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарди.

Эвакуация корхоналари ишга туширишда транспорт, бино, ишчи кучи масалаларини ҳал этиш ўзи кифоя эмас эди. Юзлаб заводларни кўчириб келтириб, янги жойда ишга тушириш учун анчагина маблағ зарур эди. Дастлаб кўчирилган корхоналарнинг ёқилғи фондлари бўлмай, бензин ёки керосиннинг етишмаслиги темир йўллардан асбоб-ускуналарни олиб чиқиб кетишни қийинлаштирган. Ўзбекистон республика фондларидан уларга молиявий ёрдам берди[485]. Кўчириб келтирилган корхоналарни жойлаштириш ва уларни ишга туширишга республика бюджетидан 450 миллион рубль пул сарфланди[486].

Ўзбекистонга кўчирилган корхоналарнинг кўпчилиги урушгача ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқармас эди. Уруш

---

[484] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3514-йиғма жилд, 5-варақ.
[485] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2787-йиғма жилд, 108-варақ.
[486] Хакимов Г. Ўзбекистонга уруш вақтида кўчириб келтирилган корхоналарни тиклаш ва ишга тушириш тарихидан // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 205.

талабидан келиб чиқиб кўчирилган корхоналар ишини ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қайта қуриш зарур эди. Бу жараён технологик жараёнларни ўзгартириш, ишлаб чиқаришга қўшимча асбоб-ускуналарни жалб қилишни талаб этарди. Ўзбекистондаги фабрика ва заводлар ички имкониятлардан келиб чиқиб, ўзларига тегишли асбоб-ускуналарнинг маълум қисмини кўчирилган корхоналарга бердилар. Шунингдек, кўчирилган ва маҳаллий корхоналар ўртасида кооператив ҳамкорлик юзага келди.

1942 йил баҳорига келиб собиқ Иттифоқнинг шарқий ҳудудлардаги корхоналарни эвакуация қилиш жараёни деярли якунланди. Собиқ Иттифоқнинг ғарбий ҳудудларидан мингдан зиёд корхоналарни шарққа кўчирилиши ҳарбий-стратегик ҳолат ва мудофаа қобилиятини оширишда улкан аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, 1942 йилнинг 1-ярмида эвакуация қилинган корхоналар собиқ Иттифоқда жами ишлаб чиқарилган Самолётсозлик халқ комиссарлиги корхоналари маҳсулотининг 63,9%ини ҳамда танксозлик халқ комиссарлиги корхоналарининг 20,7% маҳсулотини берарди[487].

1943 йилдан фронтдаги ҳарбий вазиятнинг яхшиланиши ва душман ҳужуми хавфи камайиши билан бир неча илмий-тадқиқот ва ўқув муассасаларининг Ўзбекистондан реэвакуацияси (қайта жойига кўчиши) бошланди. Жумладан, шу йили Молотов номли академия ва Москва алоқа академияси реэвакуация қилинди[488]. Саноат корхоналари эса урушнинг охиригача реэвакуация қилинмади. Чунки 1941-1942 йилларда ишлаб чиқариш тизими шаклланиб бўлган корхоналарни реэвакуация қилиш, уларнинг ишини яна тахминан олти ойдан

---

[487] Симонов Н. Военно-промышленный комплекс СССР в 1920–1950-е годы: темпы экономического роста, структура, организация производства и управление. – Москва: РОССПЭН, 1996. – С. 147.
[488] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3774- йиғмажилд, 120-варақ.

бир йилгача тўхтатиб қўярди. Ҳарбий ҳаракатлар охиригача тугамаган даврда саноат корхоналари реэвакуациясини амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас эди.

Уруш йилларида саноат объектлари билан бир қаторда аҳоли эвакуациясини ҳам эътиборга олмоқ керак. Ўзбекистонга аҳоли эвакуациясини фронтдаги вазиятдан келиб чиқиб ҳолда икки босқичда (биринчи босқич – 1941 йил ёз ва куз фаслида, иккинчи босқич – 1942 йил ёз ва куз фаслида) амалга оширилди. Аҳоли эвауациясининг биринчи босқичи масштаби жиҳатидан оммавийроқ бўлди[489].

Уруш йилларида Ўзбекистонга аҳоли эвакуацияси турли йўналишлардан ташкил этилди. Географик жойлашув ва транспорт тизими қулайлиги нуқтаи назаридан аксарият аҳоли ва дастгоҳлар Ўзбекистонга шимолдан, яъни Волгабўйи ёки Оренбург томондан эвакуация қилинди. Шунингдек, аҳамияти камроқ жанубий йўналиш ҳам бўлган. Жанубий йўналишда аҳоли ёки дастгоҳлар дастлаб Каспий денгизи орқали Туркманистондаги Красноводск портига, бу ердан Ашхобод темир йўли орқали Ўзбекистонга эвакуация қилинган[490].

Темир йўллар фаолиятида қанчалик ҳарбий интизом ўрнатилмасин, уларнинг фаолиятида ташкилий камчиликлар ҳам учраб турди. Бир неча ой ичида шошилинч равишда минглаб вагон юк ва миллионлаб аҳолининг кўчириш жараёнида ташкилий камчиликларнинг кузатилиши табиий ҳолдир. Ҳужжатларда, Ўзбекистонга кўчирилаётган аҳоли поезд эшолонлари Ашхобод, Оренбург, Тошкент ва Туркистон-Сибирь

---

[489] Очилова Ш. Из истории эвакуации и спасении советских людей в годы Великой Отечественной войны. Историко-партийный аспект проблемы (По материалам республик Средней Азии).: Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Москва, 1991. – С. 20.
[490] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2787- йиғмажилд, 213-варақ.

темир йўлларида нотўғри йўналтирилганлиги ҳолатлари учраб турганлиги қайд этилган[491].

Собиқ Иттифоқнинг фашистик Германия оккупация қилган ва уларга яқин ҳудудларидан ўн минглаб кишилар уруш бошланиши билан Ўзбекистонга тартибсиз келишни бошлаган эди. Уруш йилларида Ўзбекистон Россиянинг босиб олинган районлари, Украина ва Белоруссиядан ҳаммаси бўлиб бир миллиондан ортиқ кишини қабул қилди[492]. Ҳудуди унча катта бўлмаган ва уруш йилларида аҳолиси 653 минг кишини ташкил этган Андижон вилоятининг ўзи 100 мингга яқин эвакуация қилинган аҳолини қабул қилди[493]. Эвакуация жараёнида корхоналар ишини ташкил этишда ёрдам берувчи техник-муҳандис кадрлар ва бошқа ишга яроқли аҳоли кўчиб келсада, умумий жиҳатдан олганда республикага эвакуация қилинган аҳолининг салкам 30%ни болалар ташкил этди.

Ўзбекистон ҳукумати кўчирилган аҳолига доимий ғамхўрлик кўрсатди. 1941 йил 25 ноябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистонга 500 мингга яқин одам эвакуация қилинди. Эвакуация қилинган аҳолининг асосий қисми моддий ёрдамга муҳтож эди. Уларга ёрдам учун Ўзбекистонга иттифоқ бюджетидан ажратилган 240 минг сўм тўлиқ сарф қилиниб, бу мақсадларга қўшимча 400 минг сўм республика ҳисобидан ажратилди[494]. 1943 йил 3 мартдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 190-сонли қарорига биноан моддий ёрдамга мухтож кўчирилган аҳолига 200 минг сўм ажратилди. Шунингдек. қўшимча 50 минг

[491] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2787- йиғмажилд, 213-варақ.
[492] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б. 454.
[493] Ли Д. Укрепление сплоченности народа Узбекистана в период войны с Германским фашизмом. Автореф. дисс. канд. ист. наук – Андижан, 1997. – С. 23.
[494] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2787- йиғмажилд, 31-варақ.

сўм моддий ёрдамга муҳтож кўчирилган ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш учун ажратилди[495].

Кўрсатилган моддий ёрдам ҳажми иқтисодий сабабларга кўра чекланган бўлиб, эвакуация қилинган аҳоли эхтиёжини тўлиқ қопламас эди. Моддий ёрдам энг муҳтожларга берилди. Масалан, 1942 йилнинг апрель ҳолатига кўра, Тошкент шаҳри эвакопункти ҳамда эвакуация бошқармасига ҳар куни 100-150 киши мурожаат қиларди. Мурожаат қилувчилар республиканинг турли вилоятларига юборишни сўрардилар. Мурожаат қилувчиларнинг 10%га яқини ўта мурраккаб моддий аҳволда бўлиб, нон олишга имкони йўқлиги маълум бўлди. Ушбу муаммони ҳал этиш учун 9000 сўм талаб қилинди[496]. Аксинча ёрдамга жуда мухтож бўлмаганлар учун моддий ёрдам қисқартирилди. Жумладан, 1942 йилнинг февралидан Тошкент станциясидаги эвакопункт кўчирилган аҳолига белгиланган бепул темир йўл билетларини беришни тўхтатди.

Ўзбекистонга кўчирилган аҳолидан биринчи навбатда ногиронлар ҳамда меҳнат лаёқатига эга бўлмаган, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни моддий қўллаб-қувватлаш зарур эди. 1941 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, республикага 28008 меҳнат ногирони эвакуация қилинди. Кўчирилган ногиронларнинг оғир моддий ахволи инобатга олиниб, республика бюджетидан 757 минг сўм ногиронлар нафақаси бўйича қарздорликни ёпиб бериш учун ажратилди[497].

Шунингдек, боқувчисини йўқотган ва касалмандлар учун республикада алоҳида ногиронлар уйлари ташкил этилди. Масалан, 1942 йил 8 январдаги Ўзбекистон ССР ХКСнинг 21-сонли қарори асосида кўчирилганлар учун Бухоро шаҳрида 100

[495] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3751- йиғмажилд, 28-варақ.
[496] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3522- йиғмажилд, 87-варақ.
[497] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2602- йиғмажилд, 147-варақ.

ва Қўқонда 150 ўринли махсус ногиронлар уйлари ташкил этилди[498].

Ўзбекистонга кўчирилган аҳолининг ҳолати республиканинг алоҳида вилоят ва туманларида яратилган шароитларга бевосита боғлиқ эди. Масалан, 1941 йилнинг 13-15 декабрида Ўрта Осиё Давлат савдоси Касаба Уюшмаси томонидан Бухоро вилоятининг Когон ва Қарши туманлари текширилганда бир-бирига қарама-қарши ҳолат аниқланди.

Текширув ўтказилган даргача Когон туманида қариялар ва болалар уйлари, бит тўқиш станцияси қуриб битказилмаган бўлсада, ҳаммомлар кун бўйи фаолият олиб борарди. Туманга кўчирилган аҳоли санитар тозалаш пунктларидан ўтказилиб, ҳар бир киши кунлик 400 гр гўштли овқат ва нон билан таъминланганли аниқланди. Яъни, вазият қониқарли деб топилди[499].

Ушбу комиссия томонидан эса вилоятнинг Қарши туманида кўчирилган аҳоли учун яратилган шароит қониқарсиз деб топилди. Санитар-гигиеник тозалаш тизими етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли, туманга кўчирилган 6000 кишидан тахминан 600 тасигина санитар кўрикдан ўтганлиги аниқланди. Натижада Қарши юқумли касалликлар касалхонасида 200 киши ич терлама ва 32 киши тепкили терлама билан касаллангани маълум бўлди. Қарши туманида ҳолатни яхшилаш бўйича кўрсатмалар берилди[500].

Ҳарбий ҳаракатлар бўлаётган ҳудудларда қирғин ва ўлимлар етим, қаровсиз болалар сонининг кескин кўпайишига олиб келди. Бир бурда нон ва бошпана илинжида, ёшлигидан уруш даҳшати қурбони бўлган бу болалар тартибли ва тартибсиз равишда уруш бўлаётган ҳудудлардан кўчишга мажбур

[498] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3260- йиғмажилд, 74-варақ.
[499] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3521- йиғмажилд, 112-варақ.
[500] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3521- йиғмажилд, 112-варақ.

бўлдилар. Кўчирилган болалар ўзининг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, меҳнат фаолиятини тўлиқ ёки қисман олиб боролмас эдилар. Шунинг учун кўчирилган болаларни тарбиялаш, моддий ва ижтимоий таъминлаш асосан Ўзбекистон аҳолиси ёки республика ҳудудидаги ташкилотларга юклатилди.

Тартибсиз равишда келаётган болалар ўта қийин аҳволда бўлиб, уларни тезликда қутқариб қолиш, бунинг учун биринчи навбатда, уларни топиш ва рўйхатга олиш зарур эди. 1941 йил 15 ноябрдаги Ўзбекистон ХКСнинг “Фронтолди ҳудудларидан эвакуация қилинган болаларни жойлаштириш тўғрисида”ги қарорига кўра, Тошкентда вояга етмаганларни қабул қилиш пункти очилди[501]. Ушбу пункт 18 ёшга тўлмаганларни болалар уйларига ва ёши каттароқларни ишга жойлаштириш масаласи билан шуғулланган. Кейинчалик вилоят ва туманларда пункт қошидаги ташкил этилган комиссиянинг бўлимлари очилди. Энг асосий мақсад назоратсизликка йўл қўймаслик эди.

Болалар ва ўсмирлар устидан назорат ўрнатиш ишларига Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги қўшилди. Ўзбекистонда милиция бўлимлари қошида 30 дан ортиқ болалар хоналари ташкил этилди. 1941 йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон кўчаларидан 3000 дан ортиқ қаровсиз болалар топилди[502].

1942 йилнинг 19 мартигача эвакуация қилинган болаларни жойлаштириш тўғрисидаги маълумот қуйидаги кўринишга келганди: 1941 йил ноябрдан Ўзбекистонга тахминан 22 минг бола эвакуация қилинди. Шулардан 9420 нафари болалар уйлари таркибида келган. Болалар орасида мактаб ёшигача бўлганлар – 2,5%ни, 8-14 ёшлилар – 31%ни, 15-16 ёшлилар – 48,5%ни, 17-18 ёшли ўсмирлар – 18%ни ташкил этарди. Кўчирилган болаларни

[501] Ибрагимов Х. Забота трудящихся Узбекистана об эвакуированных гражданах и детях // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 230.
[502] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 297.

ярмидан кўпи (51%) умуман ғирт етим бўлиб, қолганларининг ота-оналари урушда бўлганлиги аниқланди[503].

Қаровсиз болаларни топиш ва назоратга олиш ишларига Ўзбекистон болалар уйлари ходимлари ёрдам бердилар. Масалан, 22-сонли болалар уйи маъмурияти тиббиёт ходимлари билан биргаликда бир неча марта фронтолди ҳудудларига қаровсиз болаларни топиш учун боришган. Улар томонидан Москва, Ленинград ва Минск шаҳарларидан ўнлаб қаровсиз болалар топилиб, Ўзбекистонга жўнатилди. Топилган болалар аҳволи жуда оғир эди. Уруш йилларида Ўзбекистонга болаларни жойлаштириш ва уларга ғамхўрлик кўрсатишда ўзининг юксак ҳиссасини қўшган А.П. Хлебушкина буни шундай эслайди: “ ...Улар кичкинагина чол-кампирларга ўхшардилар. Болалар уйигача етиб олиш учун ходимлар болаларни қошиқчаларда боқар, ўзларининг қонларини қуйишар эди” [504]. Ўзлари ҳам кучсизланган ва қийналиб кетган болалар уйлари ходимлари болаларни ўз фарзандларидек кўриб, йўлларда уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилардилар.

Республикага болалар билан биргаликда болалар уйлари ҳам кўчириб келтирила бошланди. 1941-1942 йиллар мобайнида Ўзбекистонга фронт орти шаҳарларидан 78 та болалар уйлари эвакуация қилинди. Кўчирилган болалар уйларининг 50 таси мустақил равишда сақланиб қолинди. Уларнинг 4 таси Самарқанд вилоятига, 9 таси Тошкент шаҳрига, 13 таси Андижон вилоятига, 10 таси Фарғона шаҳрига, 9 таси Бухоро вилоятига жойлаштирилди. 28 та болалар уйи эса тарқатилиб, улардаги болалар республикадаги мавжуд болалар уйларига,

---

[503] Ибрагимов Х. Забота трудящихся Узбекистана об эвакуированных гражданах и детях // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 233.

[504] Хлебушкина А. Роль узбекского народа в воспитании детей-сирот в годы войны // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 238.

интернатларга ва бошқа болалар муассасаларига, қолганлари эса жамоа ва шахсий тарбияга берилди[505].

Уруш йиллари таъминотдаги қийинчиликларга қарамасдан 200 мингга яқин кўчирилган болалар биринчилардан бўлиб озиқ-овқат олардилар. Ўзбекистон ССР ХКСнинг 1942 йил 3 февралдаги қарори билан болалар уйларидаги болага ҳар куни қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари тўғри келиши белгилаб берилди: нон – 400 гр., макарон ва круппалар – 70 гр., балиқ – 56 гр., ёғлар – 32 гр., шакар – 15гр., қандолатчилик маҳсулотлари – 20 гр[506].

Юзлаб ўзбек оилалари кўчириб келтирилган, уруш туфайли ота-оналаридан ажралган болаларни ўз тарбияларига олдилар. 1942 йил 2 январда Тошкентда шаҳар хотин-қизларининг йиғилиши бўлиб ўтгандан сўнг республикага келтирилган болаларга жамоатчиликнинг ёрдам кўрсатишидан иборат ватанпарварлик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Бу йиғилишда Ўзбекистон хотин-қизлари қаровсиз болаларга оналари ўрнида оналик қилишга чақирилган эди.

Кўплаб оилалар иккита ва ундан ортиқ етим болаларни ўз тарбияларига олдилар. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи Баҳри опа Акромованинг номлари кўпчиликка танишдир. Улар турли миллат фарзандларидан 14 болани ўз оилаларига тарбияга олдилар. Каттақўрғонлик Ҳамид Самадов оиласи 12 болани асраб олди. Янгийўлда 9 та колхоз жамоаси кўчириб келтирилган 169 болани ўз тарбияларига олишди. Бухоролик Муаззам Жўраева ва Ашурхўжаевалар ўз бағирларига 8 нафардан бола олдилар. 1943

---

[505] Азимов Ҳ. Ўзбекистонликлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2006. – Б. 40-41.

[506] Мурманцева В. Советские женщины в Великой Отечественной войне. – Москва: Мысль, 1974. – С. 86.

йилнинг охирига келиб шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда эса 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинган эди[507].

1941 йил давомида Ўзбекистон оилалари томонидан 3430 кўчирилган болалар тарбияга олиндилар. Улардан 3378 та болалар (98,5%) болани тарбиялаганлик учун бериладиган 50 рубль нафақани олмаганлар[508]. Бу ерда гап нафақа берилишига доир муаммоларда эмас эди. Болани тарбиясига олганлар уни ўз оиласининг бир қисми деб билиб, ихтиёрий равишда давлат нафақасидан воз кечганлар. Бу ҳолатни Ўзбекистон аҳолиси ота-онасидан ва уйидан ажралган болаларга самимий ғамхўрлик иши сифатида қабул қилсак тўғри бўлади.

Республикада болалар уйлари, мактаб-интернатлар, болалар боғчалари ва яслилари тармоғи кенгайтирилди, улар биринчи навбатда кўчириб келтирилган болалар ва фронтга кетганларнинг фарзандларини қабул қилдилар. 1945 йилда Ўзбекистон вилоятларида ва Қорақалпоғистонда 268 та болалар уйи мавжуд бўлиб, улардаги тарбияланувчилар сони 31.300 болани ташкил этди, ҳолбуки, уруш арафасида республикада фақат 106 та болалар уйи мавжуд бўлиб, уларда 12 минг бола тарбияланарди[509].

Давлат томонидан болалар муассасаларига ажратилган маблағлар етишмаётганлигини ҳисобга олиб, республиканинг кўпгина меҳнат жамоалари ушбу тизим муассасаларига қўлларидан келганича ёрдам беришни ўз зиммаларига олишди. Корхоналар ва ташкилотлар қошида болалар уйлари филиаллари ташкил этилиб, улар тўла-тўкис меҳнат жамоалари маблағи ҳисобидан таъмин этиларди.

---

[507] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б. 456.
[508] ЎзМА. Р-94-фонд, 5-рўйхат, 4217- йиғмажилд, 31-варақ
[509] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б. 456.

1942 йилнинг бошларида республиканинг барча газеталарида Ўзбекистон ССР ХКС ҳузуридаги эвакуация қилинган ва етим болаларни жойлаштириш ҳамда тарбиялаш Комиссияси шаҳар бошқармасининг Давлат банкида 160676-рақамли жорий ҳисоб очганлиги ҳақидаги эълон босилиб чиқди. Болалар фойдаси учун бўладиган барча хайриялар ана шу кўрсатилган ҳисобга топширилиши илтимос қилинган эди. Мазкур даъват жавобсиз қолмади. 1942 йилнинг март ойига келиб 160676-рақамли ҳисобга 2 млн. 74 минг сўм маблағ тушди. 1943 йилга келиб бу жамғарма фонди 3,5 млн. сўмга етди[510].

Шунингдек, болалар уйлари вилоятларга оталиқ тариқасида бириктирилиши ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши диққатга сазовордир. Мисол тариқасида, Самарқанд вилояти болалар уйларига 1943 йилда 700 кг дон, 500 кг. сабзавот, 250 кг. ҳўл мева, 450 кг картошка ва 2083 рубль миқдорда ёрдам кўрсатди[511].

Ўзбекистонга кўчирилган болаларга моддий ёрдам бериш иши оммалашиб борди. Эвакуация қилинган аҳоли фарзандларига эса озиқ-овқат ва кийим-кечак ажратиш ишлари марказлаштирилган ҳолда, Ўзбекистон бюджети томонидан амалга оширилди. Жумладан, 1943 йил 26 апрелдаги Ўзбекистон ССР ХКК қарори билан республика бўйича жами 11 минг болаларга киши бошига қуйидаги миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилган: ун – 1200 гр., макарон ва крупалар – 1200 гр., ёғлар – 300 гр., шакар ва қандолат маҳсулотлари – 300 гр., гўшт ва балиқ – 1200 гр, сабзавотлар – 6 кг[512]. Бу маҳсулотлар болали оилаларга тўғридан-тўғри берилмасдан, улардан махсус ошхоналарда болалар учун овқат тайёрланиб берилган.

---

[510] Ўша жойда.
[511] Хотира. Самарқанд вилояти. 1-китоб, – Тошкент, 1994 – Б. 10.
[512] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3751-йиғма жилд, 72-варақ.

Кўриб турганимиздек, болаларни жойлаштириш ва уларнинг таъминоти масаласида баъзи ютуқларга эришилди. Аммо ўсмирлар (11-16 ёш) масаласида жиддий камчиликлар тўлалигича ҳал этилмаганди. Шу ёшлардаги ўсмирларга Ф30 (Фабрика-завод таълими) ва ҳунармандчилик мактабларида таълим берилиши, шундан сўнг ишга жойлаштирилиши лозим эди.

Ўзбекистонга 1941 йил 1 октябрдан то 1942 йил 1 октябргача келган 22 минг бола ва ўсмирлардан, 8052 таси ҳунармандчилик мактабларига, 10202 таси корхона, колхоз ва совхозларга ишга жўнатилди[513]. Болалар ва ўсмирларнинг кўпчилиги банд этилган деб кўринса-да, уларнинг аксариятига етарли эътибор берилмаганлиги сабабли юқоридаги кўрсаткичлар тез орада қуруқ статистикага айланди.

Жумладан, Тошкентдаги 702, 84, 708, 735-сонли заводлар ва текстил комбинатига бириктирилган ўсмирларга касбий таълим учун ҳеч қандай шароитлар яратилмаганди. Кўпгина ҳунармандчилик ва Ф30 мактаблари ўқувчилари озиқ-овқат ва турар жой билан таъмин этилмади[514]. Натижада қийин шароитларга чидай олмаган ота-онасиз ўсмирлар завод ва ўқув муассасаларидан қочиб кетардилар. Одатда қочқин болалар ўзларига ўхшаганларни топиб, кичик жиноий гуруҳчалар тузишар, майда ўғрилик, безорилик ва тиланчилик билан шуғулланардилар. Бозор, вокзал, ертўлалар бу кичик гуруҳларнинг “иш” ва яшаш жойига айланганди.

Мантиқан ўйлаб кўрилганда бундай ҳолатга чек қўйиш учун қуйидагиларни бажариш лозим эди: болаларни топиш, мактаб ва иш жойига қайтариш, уларнинг моддий ва айниқса,

---

[513] Перезенцева Т. Подготовка кадров для промышленности в годы войны// Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 216.
[514] ЎзМА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 3740-йиғма жилд, 39-:варақ.

руҳий ҳолатини яхшилаш, ўсмирлар бириктирилган завод ва мактаб раҳбарлари масъулиятини ошириш, ўқув муассасалари моддий-техник базасини кучайтириш ва ҳоказолар. Аммо муаммони ҳам ҳал қилишда, совет раҳбарияти соғлом мантиққа эмас, ўзлари ўрганиб қолган зўравонлик усулларидан фойдаланишди. 1943 йил 15 июндаги СССР ХКК нинг 659-сонли қарори билан 11-16 ёшдаги ўсмирлар учун СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги қошида болалар ахлоқ тузатиш колониялари ташкил этилди.

Болалар ва ўсмирларни турар жой, озиқ-овқат ва иш билан таъминлашда юз бериб турган майда камчиликларга қарамай, ушбу тадбир муваффақиятли амалга оширилди. Собиқ Иттифоқнинг душман вақтинча босиб олган ва фронт яқинидаги жойларни ташлаб чиққан ҳудудлар аҳолисидан Ўзбекистон уруш йиллари ҳаммаси бўлиб бир миллиондан ортиқ кишини қабул қилди. Улардан 200 минг нафари болалар эди. Республика шаҳарлари ва қишлоқлари аҳолиси бу ерга келган фуқароларни меҳр-оқибат билан қарши олди. Аҳоли уларга турар жой бериб, ўзи сиқилиб яшади, кўчиб келганларни тўйдириш учун охирги бўлак нонини бўлиб берди, улар учун пойабзал ва кийим-бош тўплади.

Умумий маънода, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда 100 дан ортиқ саноат корхонасининг кўчирилиши ва тезликда ишга туширилишини собиқ Иттифоқ ҳарбий салоҳиятини оширишга салмоқли ҳисса қўшди. Уруш йилларида амалга оширилган эвакуация ўз моҳиятига кўра улкан ташкилотчилик ва ишлаб чиқариш тадбири эди. Америкалик журналист Л. Сульцбергер 1942 йил 20 июлдаги “Life” журналидаги мақоласида эвакуация жараёнини тарихнинг буюк воқеаларидан бири эканлиги ҳақида ёзди[515].

[515] Куманев Г. Говорят сталинские наркомы. – Смоленск: Русич, 2005. – С. 33.

Маршал Г.К. Жуков эвакуацияни “Иккинчи жаҳон урушининг йирик жанглари қаторига қўшиш мумкин” – деб фикр билдирган эди[516]. 1941-1942 йиллардаги эвакуация жараёни қўпол камчиликлар, зўравонлик ва йўқотишлар билан амалга оширилган бўлса-да, у ўзининг асосий мақсадига – тинч аҳоли маълум қисмини фашист босқинчиларидан асраб қолиш, саноат ва қишлоқ хўжалигини шарққа кўчириш ва бу ерда ишлаб чиқаришни ташкил этишни уддалади.

Оккупация ҳудудларидан эвакуация қилинган дастгоҳ ва техника собиқ Иттифоқ шарқий ҳудудларида ишлаб чиқариш қувватларини оширишда катта аҳамият касб этди. Эвакуация қилинган корхоналарни янги жойда тиклаш ва ишга тушириш иқтисодиёт трансформациясининг аҳамиятли тадбирларидан бири бўлди. Ўзбекистон ихтиёридаги асосий иқтисодий ресурслар, қурилиш салоҳияти, электр энергияси қувватлари, меҳнат ва моддий имкониятлар кўчирилган корхоналарни тиклашга қаратилди.

Эвакуация қилинган саноат корхоналарини қабул қилиш, жойлаштириш, кадрлар билан таъминлан ва умуман иш жараёнини ташкил этишда Ўзбекистон иқтисодиёти муҳим роль ўйнади. Қурилиш нормалари уруш шароитига мослаштирилиб қайта ишлаб чиқилди. Моддий имкониятлар ва қурилиш материалларининг танқислиги шароитида вақтинчалик ва арзон қурилиш ишлари кўпайиб, қисқа вақт ичида саноат корхоналари бинолар билан таъминланди.

[516] Куманев Г. Война и эвакуация в СССР // Новая и новейшая история. – 2006. – № 6. – С. 20.

6-§. Меҳнат захиралари тизимининг ташкил этилиши ва 1941–1945 йиллардаги фаолияти

Иккинчи жаҳон уруши тугашидан кейинги ўн йилда (1945-1955) СССРда халқ хўжалиги кадрлар тайёрлаш масалалари ёритилган бир неча илмий ишлар нашр этилди. Уларда уруш йилларида меҳнат захиралари тизимида ўқитилган кадрлар сони тўғрисида дастлабки маълумотлар пайдо бўлди. Шунингдек, ушбу китобларда меҳнат захиралари тизимининг таълим дастурларини таҳлил қилинди.

XX асрнинг 40-йиллари иккинчи ярми ва 50-йиллари бошлари даври оралиғида 2 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Умуман олганда, ушбу даврда нашр етилган барча асарлар учун манбалар базасининг трлиги характерлидир. Илмий таҳлил даражаси эса пастлигича қолди.

Кадрлар тайёрлаш масаласи бевосита иқтисодиёт билан боғлиқ бўлгани сабабли бу мавзу иқтисодчилар ишларида ҳам ёритилди. Улар малакали ишчи кучини кўпайтиришда касб-ҳунар таълими тизимининг ўрни ва роли асосланишига эътибор беришди. Тулчинский Л.И. (1968), Савина В., Ушаков Г. (1969) касб-ҳунар таълими моддий ресурсларини режалаштиришда, шунингдек уни молиялаштириш манбаларини кенгайтиришда илмий ёндашувни яратиш зарурлиги ғоясини илгари сурдилар.

XX аср 70-йилларида Котлярнинг Е.С. китоби (1975) нашр етилди, у биринчи марта уруш йилларида мамлакатнинг меҳнат захираларининг ривожланишини тўлиқ кўриб чиқди. У ҳам тарихий, ҳам педагогик йўналишга эга еди. Китобда уруш давридаги таълим муассасалари тармоғининг ҳолати, ўқув жараёнини босқичма-босқич такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ғоявий ва ҳарбий-жисмоний тарбияси, меҳнат захираларининг ўрни ва ижтимоий функциялари, мактабларнинг ишлаб чиқариш фаолияти масалалари очиб берилди.

Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши даврида меҳнат захиралари тизими фаолиятини очиб берган алоҳида тадқиқот яратилмаган бўлсада, маълум маънода ушбу масалалар ва маълумотлар уч томлик “Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.)” (1981, 1983,1985) китобида акс этган.

Совет Иттифоқида биринчи (1928-1932) ва иккинчи (1932-1937) беш йилликлар амалга ошириш давомида малакали ишчи кадрларга талаб ва уларнинг муттасил етишмовчилиги масаласи доимо кун тартибида турди. Лекин деярли 10 йилдан ортиқ давомида иқтисодиётни малакали ишчи кадрлар билан таъминловчи самарали тизим яратилмади. Тайёрланган ишчи кадрлар эса сифат ва сон жиҳатидан қурилаётган корхоналар талабларига жавоб бермас эди. Бошқа томондан, яқинлашиб келаётган жаҳон уруши шароитида кадрлар танқислиги саноат ва умуман иқтисодиётни ҳарбий изга ўтказишда жиддий муаммоларни келтириб чиқариш мумкин эди.

1941 йилда Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушига жалб этилиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг кескин ошиши кадрлар тайёрлаш тизимини тезликда қайта ташкил этиш заруриятини келтириб чиқарди. Меҳнат захиралари тизимига ҳуқуқий асос сифатида 1940 йилнинг 2 октябрида СССР Олий Совет Президиумининг “СССР Давлат меҳнат захиралари тўғрисида”ги қарори асос қилиб олинди. Қарорда кадрлар захирасини тайёрлаш ишларини амалга оширишда асосий масъул ташкилот этиб Меҳнат захиралари бош бошқармаси белгиланди[517].

Меҳнат захиралари тизими (МЗТ) ҳунармандчилик, темирйўл мактаблари ва ФЗО (рус тилида – “Фабрично-заводское обучение”) таълим муассасаларидан иборат бўлиб,

[517] Сборник законов СССР и указов Президиума Верховного совета СССР. 1938–1944 гг. – Москва: Ведомости Президиума Верховного совета СССР, 1945. – С. 139.

улар давлат халқ хўжалиги тармоқлари учун малакали ишчи ва техник ходимларни тайёрлаш керак эди. МЗТ таркибига кирувчи таълим муассасалари ўқиш муддати ва бериладиган малакалар турлича бўлган. Жумладан, ҳунармандчилик ва темирйўл мактаблари таълим олиш муддати 3-4 йил, ФЗО мактабларида эса олти ёки ўн ой қилиб белгиланди. Ўқиш муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳунармандчилик ва темирйўл мактаблари битирувчиларига 4-5 ишчи малака даражаси (разряд), ФЗО мактаблари битирувчиларининг малака даражаси 3-4 дан иборат бўлган.

МЗТ таълим муассасаларида ўқув жвраёни назарий ва амалий машғулотлардан иборат бўлган. Амалий машғулотлар бевосита ишлаб чиқаришда ташкил этилган. Бунинг учун умумий ўқув соатидан ҳунармандчилик ва темирйўл мактабларида 75%, ФЗО мактабларида эса 85-90 %гача вақт ўқувчиларнинг амалиёт ўташига ажратилди.

Қарорда МЗТ муассасаларини ўқувчилар билан таъминлаш масаласи ҳам белгилаб берилди. Унга кўра СССР Халқ Комиссарлари кенгашига ҳар йили шаҳар ва қишлоқларда яшовчи тахминан 800 мингдан то 1 миллионгача 14-15 ёшдаги ўғил болаларни ҳунармандчилик ва темирйўл мактабларига, 16-17 ёшдагиларни ФЗО ларга жалб этиш ҳуқуқи берилди.

Қўшимча сифатида шуни ҳам таъкидлаш керакки, !941-1945 йилларда сафарбарлик имкониятлари ва ёшлар сонидан келиб чиққан ҳолда юқорида кўрсатилган ҳолатларга ўзгартиришлар ҳам киритилган. Масалан, 1943 йил 26 июндаги Ўзбекистон ССР ХКС нинг 789-сонли қарорига биноан республика шаҳарларида ишсиз ва ўқимайдиган ёшлар сони етарли бўлмаган ҳолларда 9-10 синф ўқувчиларини ҳунармандчилик ва темирйўл мактабларига сафарбар қилиш амалиёти жорий қилинди[518].

[518] ЎзМА. 837-фонд, 32-рўйхат, 3740-йиғмажилд, 164-варақ.

Жамоа хўжаликлари (колхоз) ёшларини МЗТга жалб этишда алоҳида тартиб белгиланди. Тартибга кўра ҳар бир жамоа хўжалиги 14-15 ёшли икки жамоа аъзосини ҳунармандчилик ёки темирйўл мактабига, ҳамда ҳар 100 жамоа аъзосидан 16-17 ёшли бир йигитни ФЗОга юбориш шарт қилиб қўйилди. Шаҳар аҳолиси учун ҳам мажбурий чақирув тартиби жорий қилинган бўлиб, жамоа хўжаликларидан фарқли равишда МТЗга чақирувчилар сони ҳудуднинг кадрларга бўлган талабидан келиб чиқиб ҳолда шаҳар Советлари томонидан белгиланадиган бўлди[519].

Юқорида кўрсатилган маъмурий чоралар билан бир қаторда МЗТларга ўқувчиларни жалб қилишда кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳам амалга оширилди. Турли марказий, республика ва вилоят миқёсидаги нашрларда бўлажак ўқувчилар ва уларнинг ота-оналаридан келган миннатдорчилик хатлари эълон қилинди.

Қабулнинг биринчи йилида ФЗО, ҳунармандчилик ва темирйўл мактабларига қабулда муаммолар бўлмади. Бунга матбуотда кенг олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари сабаб бўлди.Тезликда ташкилий тадбирлар амалга оширилиб, 1940 йил октябрь-ноябрь ойларида иттифоқ миқёсида МЗТда 1550 га яқин ўқув муассасаси ташкил этилди. Лекин уларнинг тахминан 900 таси (58%) асосини аввалги тизимдан қолган билим юртлари ташкил этди[520]. “СССР Давлат меҳнат захиралари тўғрисида”ги қарорда МТЗ тизими аввал мавжуд бўлган тизимдан тубдан фарқ қилиши таъкидланди. Амалда эса кўпгина ўқув муассасаларига эски бино ва ўқув жиҳозлари берилди. Таълимни умумий ташкил қилиш ва ўқитиш услубида деярли янгиликлар кўзга ташланмади. МТЗ ўқув муассасалари ҳам совет таълим тизимига

[519] Сборник законов СССР и указов Президиума Верховного совета СССР. 1938–1944 гг. – Москва: Ведомости Президиума Верховного совета СССР, 1945. – С. 141.
[520] Докучаева И.Г. Образование системы государственных трудовых резервов СССР и начало ее деятельности в Сибири (1940-1942 гг.) // Вестник Кемеровского государственного университета. – 2016. – № 1 (65). – С. 18.

хос бўлган камчиликлардан, яъни таълим муассасаларини қолдиқ принципи асосида молиялаштириш ва сифат эмас сон ортидан қувиш каби ҳолатлардан холи эмас эди.

1941 йилда собиқ Иттифоқ учун Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан иқтисодиётни ҳарбий изга ўтказилиши ишчи кадрларга, уларни ўқитиш ва қайта тайёрлашга бўлган талабни кескин оширди. Меҳнат заҳиралари тизими таълим муасасасалари тезликда халқ хўжалигини учун ишчи кадрлар тайёрлаши керак эди. Шунингдек, ўқувчиларнинг малакалари инобатга олинган ҳолда мураккаб бўлмаган ишлаб чиқаришни ташкил этишлари талаб этилди. Масалан, 1941 йил 23 июлдаги Ўзбекистон ССР ХКС нинг 859-сонли қарорига биноан республика ФЗО мактабларида асосан металлургия ишлаб чиқариш қолдиқларидан оддий чилангарлик-монтаж асбоблари тайёрлашни ташкил этиш таклифи берилди[521].

1940 йилда қабул қилинган қарорда ўқувчилар казарма ҳолатида яшаши, тўлиқ давлат таъминотида эканлиги белгиланган эди. Шу билан бирга молиявий танқислик туфайли МЗТ муассасалари таъминоти анча ёмонлашди. Шунинг учун ҳаражатларнинг маълум қисми ташкилотлар ёки ота-оналар зиммасига юкланди. Масалан, 1942 йилнинг январида Ўзбекистонда ўтказилган ФЗО мактабларига йиғимда ҳар бир ўқувчида устки ва қалин кийим-бош, оёқ кийим, икки комплект ички кийим, сочиқ ва йўл учун етарли озиқ-овқат бўлиши белгилаб қўйилди. Лекин ушбу таъминот ҳаражатлари колхозга аъзо бўлмаган қишлоқ ва шаҳар ёшлари учун уларнинг ота-оналарига, колхозларга (колхозга аъзо бўлган) ва боқувчиси бўлмаганлар учун Маориф ХК томонидан қопланиши белгиланди[522].

---

[521] ЎзМА. 837-фонд, 32-рўйхат, 2578-йиғмажилд, 228-варақ.
[522] ЎзМА. 837-фонд, 32-рўйхат, 3260-йиғмажилд, 403об-варақ.

Шунингдек, ҳукумат қарорларида ўқувчилар учун нон ва озиқ-овқат таъминот нормалари ҳам ўрнатилди. 1943 йил октябрдаги СССР Савдо Халқ Комиссарлигининг 557-сонли буйруғига кўра темирйўлчилар, муҳандис-техник ходимлар ва темирйўл мактаблари ўқувчилари ва шу соҳага тегишли бошқа аҳоли гуруҳлари учун карточка нормалари кўрсатилиб берилди. Жумладан, ушбу буйруқда темирйул мактаблари ўқувчиларига кунига 300 гр.дан нон берилиши белгилаб берилди[523].

Амалда ўқувчилар белгиланган озиқ-овқат, кийим-кечак ва ўқув қуроллари нормалари билан ҳар доим ҳам тўлиқ таъминланмасдан қолди. Шунингдек, нормал ўқув жараёнини олиб бориш учун бинолар, ўқув жиҳозлари ва кадрлар етишмовчилиги яққол кузатилди. Эътиборнинг сусайиши натижасида МЗТ ўқувчилари орасида майда жиноятчилик, безорилик ва ўқишдан қочиш ҳолатлари кўпайди[524].

Шундай бўлсада, МЗТ имкон борича халқ хўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга ҳаракат қилди. Уруш шароитидан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда, бўшашиб қолган интизом қоидалари кучайтирилди. ФЗО, ҳунармандчилик ва темирйўл мактаблари ўқувчилари8 орасида таълимни сабабсиз ташлаб кетувчи ёки интизомни жиддий равишда бузувчилар суд қарори билан бир йилгача меҳнат колонияларига ҳукм қилиниши белгиланди[525].

Ўқув жараёни ҳам қайта ташкил этилиб, сифат кўрсаткичларидан кўра битирувчилар сонини кўпайтиришга урғу берилди. МЗТ ўқувчилари учун 8 соатлик иш соати мажбурийлиги белгиланди. Тизим таълим муассасаларида

---

[523] ЎзМА. 91-фонд, 8-рўйхат, 310-йиғмажилд, 19-варақ.

[524] Докучаева И.Г. Образование системы государственных трудовых резервов СССР и начало ее деятельности в Сибири (1940 –1942 гг.) // Вестник Кемеровского государственного университета. – 2016. – № 1 (65). – С. 17.

[525] Советское право в период Великой Отечественной войны. Ч. II. – Москва, 1948. – С. 110.

вақтинча умумназарий ва махсус предметлар ўқитиш, ҳунармандчилик ва темирйўл мактабларида эса битирув имтихонлари ҳам бекор қилинди. Ўқув жараёнида асосий эътибор амалиётга берилиб, бевосита ўқувчилар таълимни завод ва фабрикалардаги иш жараёнидан оладиган бўлишди. Бунинг учун улар тажрибали ишчиларга бириктирилди.

1941 йилнинг сентябридан корхона раҳбарларига ишлаб чиқаришга жалб этилган ўқувчилар кунлик иш соатини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилди. Бошқа томондан, ўқувчиларни иш жараёнида моддий қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилди. Агар ўқувчи ҳарбий техника ёки қурол-яроғ ишлаб чиқаришга жалб қилинса, ишлаб чиқарган детали суммасининг 50 фоизида устама белгиланди. Ўз навбатида, устама суммасининг (фоиз ҳисобида) 50 фоизи бевосита ўқувчига, 33 фоизи давлат бюджетига ва қолган 17%и таълим муассасаси директор фондига ўтказилган[526].

Моддий таъминотдаги қийинчиликлар сабабли МЗТ ўқув муассасаларида дарс ўтиш учун малакали педагог-усталар деярли қолмади. Масалан, педагог-уста ойлик маошига бозорда 20 килограмм картошка сотиб олиш мумкин эди[527]. Шу ҳолатлар инобатга олиниб, МЗТда назарий предметлардан дарс ўтиш 1943/1944 ўқув йилидангина қайта тикланди.

Албатта, тезликда тайёрланган кадрлар малакаси етарли даражада бўлмай, бу тизимдан чиққан ишчилар ҳарбий саноат корхоналаридаги муракаб техника ва дастгоҳлардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келишарди. Бу масала 1943 йилда СССР Халқ Комиссарлари Совети даражасида муҳокама

---

[526] Великая Отечественная война 1941–1945 годов. В 12 т. Т. 10. Государство, общество и война. – Москва: Кучково поле, 2014. – С. 493.

[527] Павленко Г.К. Трудовые резервы – резервы тыла в годы Великой Отечественной войны // Инновационное развитие профессионального образования. – 2019. – № 2 (22). – С. 130.

этилиб, меҳнат захиралари тизимида тезкор курсларда тайёрланган кадрлар сифати қониқарсизлиги тан олинди.

Қисқа курсларни битириб чиққан ишчиларни қўшимча қайта ўқитиш зарурияти вақтни мақсадсиз ўтказиш ҳамда маблағни ўринсиз сарфланишини англатарди. 1943 йил 3 февралдаги СССР ХКС қарори асосида тезкор тайёрлов курсларини кўпи билан йилига икки маротаба, фақатгина меҳнат захиралари бош бошқармаси талаби асосида ташкил этиш мумкинлиги белгиланди[528]. Бу ҳолат собиқ Иттифоқининг иқтисодиётни ҳарбий изга муваффақиятли ўтиб олганини ва бундан буён ишчи кучига эҳтиёж урушнинг дастлабки давридек ўткир эмаслигидан эди.

Юқорида келтирилиб ўтилган муаммоларга қарамасдан, 1941-1945 йилларда МЗТ таълим муассасалари мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга эришди. Ўзбекистонда ФЗО, ҳунармандчилик ва темирйўл мактаблари битирувчилари республикадаги саноат корхоналарини ишчи-техник кадрлар билан таъминлашда асосий манбалардан бири бўлди. 1942 йилда Ўзбекистондаги ФЗО мактабларининг ўзида 26 та ишчи касбларини тайёрлаш йўлга қўйилди[529]. Иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги салмоғи юқори бўлган Ўзбекистон учун муҳими, 1942 йилнинг охиридан бошлаб меҳнат захиралари МЗТ қишлоқ хўжалиги учун механизаторлар тайёрлашни бошлади[530].

1941-1942 йилларнинг ўзида Ўзбекистонда фаолият олиб борган 54 та ФЗО, ҳунармандчилик ва темирйўл мактабларида жами 25479 малакали ишчи тайёрланди[531]. Ушбу ишчилар

---

[528] Великая Отечественная война 1941–1945 годов. В 12 т. Т. 10. Государство, общество и война. – Москва: Кучково поле, 2014. – С. 499.
[529] ЎзМА. 837-фонд, 32-рўйхат, 3260-йиғмажилд, 406-варақ.
[530] Великая Отечественная война 1941–1945 годов. В 12 т. Т. 10. Государство, общество и война. – Москва: Кучково поле, 2014. – С. 493.
[531] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 133.

республиканинг турли бурчакларидаги саноат корхоналарида самарали фаолият олиб бордилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида МЗТ молиявий ва кадрлар танқислиги шароитида минглаб ёшларни касб йўналтиришга, уларга дастлабки малакалар беришда ҳамда энг асосийси, саноат ва қишлоқ хўжалигини тезликда ишчи кучи билан таъминлашда ўз ҳиссасини қўшди.

IV-БОБ. УРУШ ЙИЛЛАРИДА ФАН ВА ТАЪЛИМ

1-§. Фан ривожланиши

1941 йил 22 июнда бошланган уруш туфайли барча соҳалар каби илм-фан тизимини ҳам ўзгартириш давр талабига айланди. Уруш йилларида илмий-тадқиқот ишларини умумий мувофиқлаштириш ишлари 1940 йилда ташкил этилган СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон Филиали (ЎзФАН) зиммасига юклатилди. Уруш йилларининг дастлабки йиллари ЎзФАН таркибида Геология институти, Кимё институти, Ботаника ва тупроқшунослик институти, Энергетика институти, Тил, адабиёт ва тарих институти, Иқтисодий тадқиқотлар бюроси, Физика-математика сектори ва бошқа илмий бўлинмалар кирган эди.

Ўзбекистон илм-фани ҳам жуда қисқа муддатларда уруш даври эҳтиёжлари ва талаблари оқимига йўналтирилди. Уруш бошланганининг эртасига, 1941 йил 23 июнда СССР Фанлар академияси Президиумининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди, унинг натижасида Фанлар академияси фаолиятини мудофаа эҳтиёжлари учун қайта қуриш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинди. ЎзФАНнинг 1941йил 2 июлдаги буйруғида “Уруш даври ҳар биримиздан бор кучимизни ишга солишни, энг қатъий меҳнат интизомига риоя этишимизни талаб қилади. Ҳамма нарса мудофаа манфаатларига бўйсундирилиши керак”, дейилган эди Бу талаблар республиканинг барча илмий муассасалари фаолиятига асос бўлди.

1941 йил 21 октябрда Москва шаҳрида мамлакат олимларининг антифашист митинги бўлиб ўтди. Улар бутун дунё олимларига қарата фашизмга қарши курашиш зарурлиги бўйича мурожаат қилдилар. Барча республикаларда олимларнинг антифашистик ташкилотлари иш бошлади. Ўзбекистонда ҳам

олимларнинг антифашистик ташкилоти тузилиб, унга Т.Қори-Ниёзий раис, С.Умаров котиб, В.Романовский, М.Шателен, Л.Бродский аъзолар сифатида масъул бўлган эдилар[532]. Қайд этиш керак, Қори-Ниёзий 1939–1943 йилларда ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раисининг фан, маданият ва санъат бўйича муовини, айни вақтда СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали Президиумининг раиси (1940–1943 йиллар) бўлиб ишлаган эди.

Урушнинг дастлабки йилларида СССР Фанлар академияси илмий ташкилотларини эвакуация қилиш жараёнлари ВКП(б) МҚ ва СССР ХКСнинг 1941 йил 27 июндаги "Одамлар контингенти ва қимматбаҳо мол-мулкларни олиб чиқиш ва жойлаштириш тўғрисида"[533], 1941 йил 13 июлдаги "Фанлар академиясининг эвакуацияси тўғрисида"[534], 1941 йил 13 октябрдаги "СССР Фанлар академияси институтларини эвакуация режаси"[535] ва бошқа бир қатор қарорлар асосида амалга оширилди. Кўплаб илмий ташкилотларнинг эвакуация йўналиши Урал, Волгабўйи ва Ўрта Осиё Республикалари этиб белгиланиб, умумий ҳисобда 45та пунктга жойлаштирилган эди[536].

Бу даврда Тошкент шаҳри илм-фанни эвакуация қилишнинг муҳим марказига айланди. Тошкентга кўчириб келинган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг ишларини

---

[532] Қори-Ниёзий Т.Н. Ҳаёт мактаби (Эсдалик лавҳалари). – Тошкент, 1970. – Б. 231.

[533] О порядке вывоза и размещения людских контингентов и ценного имущества. Постановление ЦК ВКП(б) и СНК СССР. 27 июня 1941 г. // Известия ЦК КПСС. – 1990. – № 6. – С. 208.

[534] Постановление Совета по эвакуации «Об эвакуации Академии наук СССР» от13 июля 1941 г. – //https://docs.historyrussia.org/ru/nodes/300222-postanovlenie-soveta-po-evakuatsii-locale-nil-ob-evakuatsii-akademii-nauk-sssr-locale-nil-13-iyulya-1941-g-moskva

[535] План эвакуации институтов академии наук СССР от 13 октября 1941 г. – //https://docs.historyrussia.org/ru/nodes/180520-plan-evakuatsii-institutov-akademii-nauk-sssr-13-oktyabrya-1941-g

[536] Левшин Б.В. Академия наук СССР в годы Великой Отечественной войны (1941–1945 гг.). – М.: Наука, 1966. – С. 18.

мувофиқлаштириш, жойлаштириш, олимлар фаолияти учун тегишли шарт-шароитларни қилиш ўта мураккаб вазифа эди. Т.Қори-Ниёзий республиканинг илм-фан соҳаси масъули сифатида бу жараёнларнинг олдинги сафларида турди. У ўша даврни шундай хотирлайди:

"*Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг бир мажлиси ҳозиргача менинг эсимда.*

1942 йилда бўлса керак, кечқурун соат тўққизда бошланган мажлис кечаси билан давом этиб, эртасига эрта билан соат ўнда бир соат танаффус бўлгандан кейин, яна кундузи ва кечаси давом этиб, учинчи куни эрта билан тамом бўлган эди.

Табиий, ҳамма уйқудан қолган, гаранг эди. Ҳатто мажлис кетаётган вақтда иш бошқарувчининг ўринбосари уйқусизликдан чарчаб, ўтирган жойидан гурсиллаб йиқилиб тушган эди.

Бу сатрларни ўқиётган киши: "Ахир, битта эмас, бир неча мажлис қилса бўлмас эканми?", – деб ўйлаши мумкин. Йўқ, бўлмас эди, чунки вақт ва шароит шуни талаб этарди ва кўп вақт ҳал қилиш лозим бўлган масалаларнинг характери шундай эдики, уларни мутлақо кечиктириб бўлмас эди.

Ҳатто, шундай муҳим ва жиддий масалалар бўлардики, улар тўғрисида ёзилган қарорнинг сиёҳи қуримасдан бажариш талаб қилинарди. Чунки иш ҳарбий услуб асосида қурилган эди.

Бунинг устига уруш йилларидаги кўп масалалар бир-биридан мураккаб бўлиб, уларни ҳал қилиш устида кўп бош қотиришга тўғри келарди"[537].

Уруш йилларида 370 дан ортиқ таниқли олимлар Тошкентга кўчиб келдилар[538]. Улар орасида СССР Фанлар академияси академиклари ва мухбир аъзолари, фан докторлари,

[537] Қори-Ниёзий Т.Н. Ҳаёт мактаби (Эсдалик лавҳалари). – Тошкент, 1970. – Б. 255.
[538] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 188.

профессорлар Борис Греков, Генрих Графтио, Михаил Костенко, Леонид Прасолов, Сергей Бахрушин, Виктор Ковда, Евгений Бертельс ва бошқалар бор эди.

Агар 1941 йил ноябрь ойигача Ўзбекистонга Россия, Белоруссия ва Украина ҳудудларидан 22 илмий-тадқиқот институтлари, 16 олий таълим муассасалари, 2 кутубхона эвакуация қилинган бўлса, 1943 йилга келиб кўчириб келтирилган илмий-тадқиқот муассасалари 40 дан ортиқ эди. Улардан 25 таси Тошкент шаҳрида, 8 таси Самарқандда, 5 таси Фарғона вилоятида жойлаштирилди. Шунингдек, уруш йиллари Ўзбекистонга 53 та олий таълим муассасалари ва 300 га яқин ижодий ташкилотлар ҳам кўчиб келган[539].

Ўзбекистонлик олимлар эвакуация қилинган олимлар билан ёнма-ён ишладилар. Улар республика ресурсларидан фронт эҳтиёжлари учун самарали фойдаланиш йўлларини излаш, илмий муаммоларни ҳал этиш ва кадрлар тайёрлашда жонбозлик кўрсатдилар.

Шу ўринда айтиш керакки, ижодкор ва илмий зиёлиларнинг тўлақонли меҳнат ва ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон Савдо Халқ Комиссарлигининг 1942 йил 30 мартдаги “Фан, санъат ва адабиёт ходимларига савдо хизмати кўрсатиш тўғрисида”ги буйруғини келтириш мумкин[540]. Фан, санъат ва адабиёт ходимларининг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш мақсадида СССР Фанлар академияси ва иттифоқ республикалари Фанлар академиялари, Қишлоқ хўжалиги ва архитектура академияларининг академиклари ва мухбир аъзоларига, Сталин мукофоти

[539] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 209.
[540] ЎзМА. Р-91-фонд, 8-рўйхат, 301-йиғмажилд, 150-151-варақлар.

лауреатларига, фан, санъат ва техника соҳасида хизмат кўрсатган ходимларга, СССР ва иттифоқ республикалари халқ артистлари учун ҳар ойда бир кишига қуйидаги меъёрлар асосида озиқ-овқат маҳсулотлари бериш белгиланди:

гўшт, балиқ	–	2200 гр.
ёғ	–	600 гр.
ёрмалар, макаронлар	–	1500 гр.
шоколад	–	300 гр.
какао ёки кофе	–	500 гр.

Профессорлар, фан докторлари, доцентлар, кафедра мудирлари, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари директорлари, барча академияларнинг катта илмий ходимлари, докторантлар, Сталин стипендиантлари, хизмат кўрсатган артистлар, цирк ва балет артистлари, ёзувчилар уюшмаси аъзолари, рассомлар, меъморлар ва бастакорлар учун ҳар ойда бир кишига қуйидаги меъёрлар асосида озиқ-овқат маҳсулотлари бериш белгиланди:

гўшт, балиқ	–	1800 гр.
ёғ	–	400 гр.
ёрмалар, макаронлар	–	1000 гр.

Бундан ташқари, фан ва маданият ходимларининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун маҳаллий озиқ-овқат ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш чоралари кўрилди[541]. Илмий ва ижодкор зиёлилар вакилларига хизмат кўрсатиш учун жойларда махсус дўконлар, ёпиқ ошхоналар ташкил этилди. Чунончи, ўша йилларда Тошкент шаҳридаги энг нуфузли ресторанлардан бири “Национаь” ёпиқ ошхонага айлантирилган.

Ресторанинг махсус ташриф белгиси бўлган машҳур жаз оркестри чиқишлари бекор қилинди. Архив ҳужжатида

[541] ЎзМА. Р-91-фонд, 8-рўйхат, 301-йиғмажилд, 43-44-варақлар.

ёзилишича, “Национаь” ресторани маъмуриятига қарорга риоя қилмагани, хусусан, навбатлар ҳосил қилгани, бунинг оқибатида ресторанга бириктирилган олимлар кўп ҳолларда овқатланишга кира олмагани учун ҳайфсан берилган. Ресторанга ташриф буюриш устидан қатъий назорат ўрнатиш зарурлиги, рухсатномасиз киришга йўл қўймаслик алоҳида таъкидланган. Илмий ва ижодий зиёлилар вакилларига тушлик тарқатиш махсус талонлар ёрдамида соат 14.00 дан 19.00 гача амалга оширилиши белгиланган эди. Ушбу соатларда бошқа шахсларнинг ресторанга ташриф буюриши қатъиян тақиқланган.

Бироқ, йилдан йилга кучайиб борган озиқ-овқат тақчиллиги натижасида бу саъй-ҳаракатлар тўлиқ амалга оширилмаган. Белгиланган рациондаги карточкалар бўйича фақат нон мунтазам равишда берилган, аммо у ҳам катта навбатлар билан олинган. Карточкалар бир ой муддатли бўлиб, йўқолган тақдирда алмаштирилмаган.

Бу даврда барча саъй-ҳаракатлар фронт эҳтиёжларига, айниқса илмий-тадқиқот ишлари, ижодий ташаббуслар барчаси мамлакат мудофаасини кучайтиришга йўналтирилган эди. Саноат корхоналарининг Ўзбекистонга эвакуация қилиниши республикада саноатнинг ғоят муҳим тармоқлари бўлган энергетика, кимё, металлургия, металлсозлик саноатларини вужудга келишига сабаб бўлди.

Россияда биринчи электротехника бўйича профессор, электротехника таълими ташкилотчиси, мамлакатни электрлаштиришнинг фаол иштирокчиси Михаил Андреевич Шателен 1941 йил сентябрь ойида Тошкентга эвакуация қилинди. У Ленинград политехника институти ва Ўрта Осиё индустриал институтида умумий электротехника кафедраси ва электротехника лабораториясини, шунингдек республикада

илмий ва муҳандислик жамиятлари ва ташкилотлари ишини ташкил этишда ташаббускор бўлди.

Уруш йилларида олим Шимолий-Ғарбий фронтда юқори кучланишли токлар билан сим тўсиқларни электрлаштиришни ўрганди ва амалда қўллади, уларни қувват билан таъминлаш учун кўчма электр станцияларининг рационал турларини ишлаб чиқди, прожектор ва ракета ёриткичлари соҳасида ишларни амалга оширди. М.Шателен армия эҳтиёжлари учун алоқа мосламаларини таъмирлаш бўйича ўқув устахоналарини, фронт олди постлари ва разведка учун портатив дала телефонини яратди[542].

Иқтисодиётнинг ҳарбий асосга ўтишини ҳисобга олган ҳолда ўша йилларда энергетика соҳасидаги тадқиқотлар катта аҳамиятга эга эди. ЎзФАН тизимида 1941 йил ноябрида Энергетика институти иш бошлади. 1943 йил бошида институтда бир қатор лабораториялар ишга туширилиб, олимлар иштирокида энергия тизимларида йўқотишларни камайтириш, бир қатор саноат корхоналарида ускуналарнинг иш шароитларини яхшилаш ва энергияни оқилона сарфлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди[543]. Энергетик олимлар Фарҳод ГЭСи лойиҳасини тақдим этдилар.

Фарҳод ГЭСини қуриш тўғрисидаги қарор СССР Давлат мудофаа қўмитаси томонидан 1942 йил 18 ноябрда қабул қилинган эди. Лойиҳавий шартларни ишлаб чиқиш 1942 йил декабрь ойида бошланиб, “Фархадстрой” умумий раҳбарлигида (лойиҳа бош муҳандиси – В.В.Пославский, бош архитектор – И.Ю.Каракис) қатор ташкилотлар иштирокида амалга оширилди. Фарҳод ГЭС лойиҳаси мисли кўрилмаган қисқа муддатда – 2

---

[542] Михаил Андреевич Шателен – https://www.spbstu.ru/university/about-the-university/history/rectors/shatelen/.

[543] Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Марказий архиви (ЎзР ФАМА). 1-Фонд, 1-рўйхат, 668-йиғмажилд, 6-варақ.

ойда ишлаб чиқилди. Лойиҳа устида республиканинг кўзга кўринган энергетиклари, таниқли ирригаторлари, техника фанлари доктори, профессор А.Н. Аскоченский ва В.В. Пославский, маслаҳатчилар сифатида академиклар Г.О. Графтио, Б.Е. Веденеев ва бошқалар қатнашган эди.

Ўрта Осиё давлат университетининг кўплаб кафедраларига етакчи олимлар бириктирилди. Масалан, коллоидлар кимёси кафедрасига Белоруссия ССР Фанлар академияси вице-президенти Сергей Липатов бошчилик қилди, география кафедрасига мудир ва университет проректорлигига профессор Матвей Кадек тайинланди. Профессор Андрей Благовешенский ўсимликлар физиологияси ва биокимёси кафедрасига раҳбарлик қилди. У академик Владимир Филатов билан биргаликда Ўрта Осиё ўсимликларидан кўз мугузини хиралашиши ва тери зарарланишини даволаш учун воситалар ишлаб чиқишди ва муваффақиятли қўллашди[544].

Уруш даврида мис, алюминий, вольфрам, молибден ва бошқа металларга талаб катта миқдорда бўлган. Уларнинг саноат захираларини аниқлаш ниҳоятда муҳим стратегик аҳамиятга эга эди. 1942 йилда ЎзФАН тизимидаги Геология институти тузилмасига ўзгартиришлар киритилиб, металл ва металл бўлмаган фойдали қазилмалар, кўмир ва нефть, ерости сувлари масалаларини ўрганувчи бўлимлар, геокимё лабораторияси ташкил этилди[545].

Кенг кўламли геология-қидирув ҳамда разведка ва бурғулаш ишлари натижасида Фарғона вилоятида нефть қазиб олиш кўпайди, Жанубий Ўзбекистоннинг нефтли ҳудудларида қидирув ишлари фаоллашди. 1941–1943 йилларда геологларнинг

---

[544] Обидова К. Обид Содиқов (1913–1987) // Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида. Бешинчи китоб-альбом – Тошкент, 2024. – Б. 228.

[545] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том II. – Ташкент, 1983. – С.151.

яна бир асосий илмий муаммоси Ўзбекистонда металлургия ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборат эди. Натижада Чотқол ва Қурама тоғ тизмасида темир рудалари конларининг бир нечтаси аниқланди. Фақат 1943 йилнинг ўзида Ўзбекистон тоғлари ва чўлларида 35 та геология экспедицияси иш олиб борди[546].

Ўқ-дорилар, ҳарбий техника сифатини ошириш, авиацияни ривожлантириш билан боғлиқ муҳим илмий муаммоларни ҳал қилишда математиклар, физиклар ва астрономларнинг тадқиқотлари катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон физика-техника лабораторияси шундан сўнг электроника соҳасида кенг кўламли тадқиқотларни бошлади.

Жанглар бўлаётган ғарбий ҳудудларда кўплаб мамлакатнинг аниқ вақтини аниқлаб берувчи астрономик обсерваториялар талофат кўрди. Фашистлар томонидан СССР Фанлар академиясининг Пульково астрономик обсерваторияси ноёб асбоб-ускуналари билан бутунлайин йўқ қилинди. Натижада мамлакат аниқ вақтсиз қолиш эҳтимоли кучайди. Ўша кезларда вақт хизмати тизимида узлуксиз ишлаб турган бирдан-бир обсерватория бу – Тошкент астрономия обсерваторияси эди. Шунинг учун аниқ вақт сигналларини зудлик билан Тошкент обсерваториясидан узатиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди[547].

Обсерватория ҳудудида ўрнатилган радиостанция ёрдамида аниқ вақт сигналлари эфирга суткасига етти марта узатиб турилган. Авваллари бундай катта ҳажмдаги ишларни уч-тўрт обсерватория томонидан амалга оширилган эди.

---

[546] ЎзР ФАМА. 1-фонд,1-рўйхат, 17-йиғмажилд, 49-варақ.

[547] Тошкентдан тарқатилган аниқ вақт сигналлари // Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. Китоб-альбом.– Тошкент: O‘zbekiston, 2020. – Б. 194–197.

Ўзбек астрономлари билан биргаликда Москва ва Ленинграддан Тошкентга кўчиб келган профессорлар В.А.Крат, А.А.Михайлов, А.Васильев, А.Дейч ва бошқа олимлар илмий тадқиқотларни олиб бордилар. Тошкент обсерваторияси ишларига раҳбарлик физика-математика фанлари номзоди В.П.Шчеглов (кейинчалик у Ўзбекистон Фанлар академияси академиги этиб сайланган – Н.Мустафаева) зиммасига юклатилган эди. Олимлар нафақат фронт ҳамда мудофаа учун, балки ҳаёт учун ўта муҳим бўлган аниқ вақт ва қуёшнинг фаоллашуви ҳақидаги аниқ маълумотларни тегишли идора ва ташкилотларга тақдим этиб борган.

Олимларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадқиқотлари ҳам ғоятда муҳим саналган. Ботаника ва тупроқшунослик институти, Ўрта Осиё давлат университети (ЎОДУ) ва бошқа қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот муассасалари олимлари асосан, лалмикор деҳқончиликни кенгайтириш ва дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, Жанубий Хоразм ерларининг мелиоратив ҳолати масалалари билан шуғулланганлар. Ўрта Осиё давлат университети ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти лабораторияларида пахтанинг янги навларини яратиш, ўсимликларни зарарли ҳашоратлардан муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини кўтариш юзасидан тажрибалар ўтказилган[548].

Уруш даврида Ўзбекистон Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар институти фронтга бактериал препаратлар етказиб берувчи асосий ташкилотлардан бири эди. 1943 йилда бу институт алоҳида дори (моновакцина, қоқшолга

[548] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том II. – Ташкент, 1983. С.154.

қарши зардоб) ишлаб чиқаришни 5-6 маротабага ошириб, совет армиясини таъминлаб турди[549].

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин уруш йиллари Ўзбекистон тарихидаги энг муҳим воқеа – бу Ўзбекистон Фанлар академиясининг ташкил этилиши эди. 1943 йил 4 ноябрда илм-фан маркази бўлган республика Фанлар академиясининг тантанали очилиши бўлди.

Анжуманда "Ўзбекистонда фан ривожланишининг тарихий йўли" номли маъруза қилган Т.Н.Қори-Ниёзий "*Уруш даврида илм-фаннинг турли йўналишларини қамраб олган илмий-тадқиқот муассасаларининг кенг тармоғи вужудга келганлиги, 1943 йилда республика ҳудудида 19 та илмий-тадқиқот институтлари, 23 та турли илмий станциялар, 3 та обсерватория, 11 та музей ва 6 та илмий ташкилотлар фаолият юритишини*"[550] қайд этган эди.

Фанлар академиясининг дастлабки таркибига Ўзбекистоннинг 29 та йирик ва етакчи олимлари киритилди. Уларнинг 21 таси аниқ ва табиий фанлар, 8 таси гуманитар-ижтимоий фанлар вакиллари эди[551].

11 та олим Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи ҳақиқий аъзолари-академик бўлиб сайландилар. Улар: Т.Н.Қори-Ниёзий (математик), М.Т.Ойбек (ёзувчи), М.С. Андреев (этнограф), А.Н. Аскоченский (ирригатор, гидроэнергетик) Ғ.Ғулом (халқ шоири), В.В. Пославский (математик), В.И. Романовский (математик), Т.А Саримсоқов (математик), С.У.

---

[549] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том II. – Ташкент, 1983. С.155.

[550] Кары-Ниязов Т.Н. Избранные труды. Том 5. Очерки истории культуры и науки советского Узбекистана 1917–1953. – Ташкент, 1967. – С. 215.

[551] Аберкулов Д. Академия наук в интеллектуальной истории Узбекистана в годы Второй мировой войны // Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари. - Тошкент, 2023. – 2-сон. – Б. 41.

Умаров (физик), А.С. Уклонский (геолог), Р.Р.Шредер (агроном-селекциячи).

Фанлар академиясининг биринчи мухбир аъзолари этиб 18 та олим тайинланди. Улар: Ҳ.М. Абдуллаев (геолог), Ғ.Ҳ. Абдуллаев (тиббиёт), Р.А. Алимов (мелиоратор), А.А. Асқаров (тиббиёт), А.К. Боровков (филолог-шарқшунос), И.И. Исломов (физик), Е.П. Коровин (геоботаник ва эколог), Б.Д. Коржавин (гидролог), С.С. Канаш (селекциячи), А.М. Мальцев (селекциячи) И.М. Мўминов (файласуф), М.А. Насриддинов (манбашунос), М.И. Слоним (тиббиёт), А.А. Семенов (шарқшунос ва этнограф), Ҳ.Олимжон (шоир), И.П. Цукерваник (химик), Г.Н. Черданцев (иқтисодчи), О.Ш. Шарафутдинов (адабиётшунос).

Ўзбекистон Фанлар академиясининг фаҳрий аъзолари этиб ёзувчи Садриддий Айний, халқ усталари Усто Ширин Муродов ва Юсуф Али Мусаевлар тайинландилар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари иштирокида ўтказилган биринчи умумий мажлисда зиёлиларига мурожаат қилинди. Унда илм-фан ривожида Фанлар академияси бош марказ бўлиши, барча илмий тадқиқотлар мамлакат ривожига хизмат қилиши белгилаб олинди.

1943–1944 йилларда Фанлар академияси таркибига 10 та илмий-тадқиқот муассасалари – Математика ва механика институти, Геология институти, Физика-техника институти, Ботаника ва зоология институти, Тупроқшунослик ва геоботаника институти, Энергетика институти, Кимё институти, Иқтисодиёт институти, Тарих ва археология институти, Тил ва адабиёт институти кирган. Шунингдек, таркибда Китоб кенглик станцияси билан Тошкент астрономик обсерваторияси, Ботаника боғи, Тарих музейи, Фундаментал кутубхона, Фан нашриёти

бўлган эди. Бу илмий муассасаларда 210 та илмий ходим, шундан 28 нафар фан доктори, 57 нафар фан номзодлари фаолият юритган[552].

1944 йилда Ўзбекистон ССР ХКС республика Фанлар академиясининг 1944–1945 йилларга мўлжалланган тематик режалари тасдиқланди. Унга кўра академик ташкилотлар иш фаолияти мамлакатда бир қатор соҳалар – қора металлургия, қаттиқ ва суюқ ёқилғилар, энергетиканинг ривожлантиришнинг рационал йўллари, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш, пахтачилик, ерларда ирригация ва мелиорация ишлари, халқ хўжалигини ривожи, ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихи муаммоларини мувофиқлаштиришга йўналтирилди[553].

Республика олимлари фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири мудофаа аҳамиятига эга бўлган маҳаллий хомашёни ўрганиш ва ўзлаштириш, янги ресурсларни излаб топиш ва улардан фойдаланиш, корхоналар ва деҳқончилик хўжаликларига амалий илмий-техникавий ёрдам кўрсатишдан иборат эди. Масалан, Ўрта Осиё индустриал институти ва Ўрта Осиё давлат университети олимлари Ангрен кўмиридан, каучукли ўсимликлар ва алинутлардан фаоллик билан фойдаланиш юзасидан тадқиқот ишлари олиб бордилар. Қишлоқ хўжалиги ихтисослигидаги институтларнинг олимлари ҳосилдорликни ошириш ва янги қишлоқ хўжалик экинларини жорий қилиш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш усулларини ишлаб чиқдилар.

Кимёгар олимлар кам учрайдиган материалларнинг ўрнини босувчи ва турли чиқиндилардан қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш усулларини топдилар. Олимлар таклифи билан сутли

---

[552] Аберкулов Д. Академия наук в интеллектуальной истории Узбекистана в годы Второй мировой войны // Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари. - Тошкент, 2023. – 2-сон. – Б. 41.

[553] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том III. – Ташкент, 1985. – С. 156.

казеин чигит кунжарасидан олинадиган оқсиллар билан, қуйиш саноатида ишлатиладиган сульфатли ишқор эса пахта ёғи кунжарасидан олинадиган оқсилли елим билан алмаштирилди, бу эса, йилига 2,5 млн. сўмни тежаш имконини берди. Айни вақтда этил спиртини, сирка кислотасини ва қамишни қуруқ қайта ишлаш натижасида кўмир брикетини олишнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон ўсимликларининг алколоидлик хусусиятини ўрганиш юзасидан катта ишлар олиб борилди[554].

Республиканинг геолог олимлари саноатни зарур хомашё билан таъминлаш учун фойдали қазилмалар қидириб топишни кучайтирдилар. 1944 йилда Тошкентдан 150 км узоқликда Сусенген темир кони топилиб, унинг геологик захираси 50 млн тоннадан кўп эди[555]. Академик А.С.Уклонский раҳбарлигида олимлар Ўзбекистон ва Ўрта Осиё темир конлари ҳудудларининг минералогияси ва геохимия таркибини ўргандилар[556].

Умуман уруш йилларида Геология институти экспедициялари томонидан кўплаб темир конлари топилди, янги-янги нефть, турли металлар, кўмир конлари очилди. Бекобод шаҳрида металлургия заводи қурилиши бошланди. Нефть конларининг тузилиши ва жойлашуви қонуниятларини ўрганиш ишлари бошланди. Фарғонада нефтни қайта ишлаш заводи қурилди. Жанубий Фарғонада симобнинг янги конлари аниқланди.

Ботаника соҳасида олимлар ёввойи тарзда ўсадиган каучукли ўсимликларнинг бой чангалзорларини топдилар, бедадан ва шолининг тозалаш саноати чиқиндиларидан витаминлар олиш усулларини ишлаб чиқдилар, енгил саноатни

---

[554] Наука в Узбекистане. Общественные науки. Том 2. – Ташкент, 1974. – С. 408.
[555] ЎзР ФА МА. 1-фонд,1-рўйхат, 1436-йиғмажилд, 101-варақ.
[556] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том III. – Ташкент, 1985. – С. 156.

ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берадиган ўсимлик хомашёси бўйича материалларни тадқиқ қилдилар[557].

Дори-дармон ишлаб чиқариш соҳасидаги ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўрта Осиё давлат университетининг кимё факультетида уруш даври медицинаси учун зарур бўлган наркоз эфири, хлорли кальций, кофеин, стрептацид, сульфидин, никотин кислотаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тошкент фармацевтика институтининг ходимлари маҳаллий хомашёдан 15 та янги дори препаратларини ишлаб чиқаришга топширдилар[558].

Металлургия ва машинасозлик соҳасидаги олимлар катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Улар Ўзбекистоннинг металлургия базасини яратиш устида иш олиб бордилар, қуюв ишлаб чиқаришини ва металларга ишлов беришнинг анча арзон усулларини жорий қилдилар. Улар амалга оширган ишланмалар натижасида янги усулда юқори сифатли чўян эритиш имконини берди.

Т.А.Саримсоқов, В.И.Романовский, М.Камолов, Н.Н.Назаров ва бошқа олимлар раҳбарлигида амалга оширилган тадқиқотлар ўқ-дорилар, ҳарбий техника сифатини ошириш, авиацияни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муҳим муаммоларни ҳал қилишга салмоқли ҳисса бўлди. Хусусан, ўзбек олимларининг эҳтимоллик назарияси ва математика статистикаси соҳаларидаги ижодий изланишлари артиллерия отишмалари ва бомба ташлаш аниқлигини, жанговар самолётларнинг юк кўтариш имкониятини оширишга, республикада ишлаб чиқарилаётган ҳарбий техниканинг сифат кўрсаткичларини такомиллаштиришга имкон берди[559].

---

[557] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б. 488.
[558] Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккинчи китоб. 1939–1991 йиллар. – Тошкент, O‘zbekiston, 2019. – Б. 247.
[559] Наука в Узбекистане. Естественные науки. Том 1. – Ташкент, 1974. – С. 28.

Уруш йилларида республиканинг тиббиёт олимлари астойдил меҳнат қилдилар: тананинг ўқ теккан жойлари тез тузалишига доир янги усуллар, турли касалликларни даволаш, газ гангренаси, шок, сепсис сингари оғир ярадорлик оқибатларига қарши кураш олиб бориш усуллари ишлаб чиқилди, тиклаш жарроҳлиги усуллари, нейрожарроҳлик усуллари такомиллаштирилди, таъсирчан дезинфекция воситалари излаб топилди. Ярадор бўлганларни даволаш учун маҳаллий ресурслардан тайёрланадиган доривор препаратлардан самарали фойдаланиш дозировкаси ўрганилди[560].

Ўзбекистоннинг ижтимоий-гуманитар фанлари олимлари — тарихчилар, шарқшунослар, адабиётшунослар, тилшунослар, иқтисодчилар, файласуфлар ўз олдиларига уруш даври қўйган вазифаларнинг масъулиятлилиги ва муҳимлигини тушунган ҳолда ижодий куч-ғайратларини фашизм мафкурасига қарши курашга, халқни юксак ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга қаратдилар.

Уруш даврининг оғир шароитлари археологларнинг ишини мураккаблаштирса-да, тадқиқотлар тўхтаб қолмади. Археологлар томонидан Мирзо Улуғбек расадхонаси ва темурийлар сарой биноларида, шунингдек, Афросиёб манзилгоҳида қазишмалар олиб борилди. Я.Ғ.Ғуломов ва С.П.Толстов бошчилигида Хоразмда археологик-этнографик экспедиция ишлари қайта тикланди, қадимги Хоразм цивилизациясининг катта миқдордаги археологик ёдгорликлари очилди ва ўрганилди. Хоразм воҳасининг суғориш тарихига оид қимматли материаллар олинди. 1944–1945 йилларда Бухоро вилоятидаги Варахша қишлоғида ҳам тадқиқотлар олиб борилди,

[560] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000. – Б. 489.

Ўзбек фольклорини тўплаш, тартибга солиш ва нашр этишга эътибор кучайди. Уруш йилларида «Ширин билан Шакар», «Қундуз билан Юлдуз», «Далли», «Муродхон», «Маликаи айёр» ва бошқа халқ достонлари босиб чиқарилди. Уларда инсонпарварлик, озодлик, Ватанга муҳаббат ҳамда душманлар ва ёвузларга нисбатан ғазаб-нафрат туйғулари тараннум этилган эди. Адабиётшунослар ўзбек мумтоз адабиётининг бир қанча асарларини (Лутфий, Бедил, Гулханий ва бошқалар) нашрга тайёрладилар[561].

Адабиётшунос ва тилшунослардан Ҳ.Т.Зарипов, Ғ.К.Каримов, Ҳ.Р.Ёқубов, А.К.Боровков ва бошқалар ўзбек адабиёти тарихи ва ҳозирги замон ўзбек тили грамматикаси соҳасида тадқиқотлар олиб бордилар, ўзбекча-русча, русча-ўзбекча луғатлар, Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатини тузиш устида ишларни давом эттирдилар.

Ўзбекистон халқларининг ижтимоий-фалсафий ва табиий-илмий тафаккури тарихи масалалари И.М.Мўминов, Т.И.Райнов тадқиқотларида ёритилди.

Иқтисодчи олимларнинг асосий диққат-эътибори саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш захираларини қидириб топишга, республика халқ хўжалигини ривожлантириш истиқболларини асослаб беришга қаратилди, улар меҳнат ресурсларининг аҳволи ва улардан янада оқилона фойдаланиш тамойилларини ўргандилар[562].

Урушнинг оғир шарт-шароитлари даврида ҳам республикада шарқшунослик соҳаси ривожланди. Тошкентга кўчиб келган кўплаб россиялик шарқшунос олимлар: А.П. Баранников, А.М. Беленицкий, В.И. Беляев, В.М. Бескровний,

---

[561] Наука в Узбекистане. В 2-х томах. Том 2. Общественные науки. – Ташкент, 1974. – С. 302.

[562]Академия наук в интеллектуальной истории Узбекистана. – Ташкент, 2012. – С. 75–76.

А.К. Боровков, Е.Э. Бертельс, И.Н. Бинников, А.М. Дьяков, А.Н. Кононов, Н.Д. Миклухо-Маклай, О.И. Смирнова, И.П. Петрушевский, К.Б. Старкова, Н.В. Пигулевская, В.В. Струве, А.С. Тверитинова, К.В. Тревер, А.Л. Троицкая, Д.И. Тихонов, А.Ю. Якубовский ва бошқалар ўзбек ҳамкасблари билан тажриба ва билим алмашдилар.

1943 йил Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасининг Шарқ бўлими асосида Ўзбекистон Фанлар академияси қошида Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти ташкил этилди (ҳозирги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). Урушнинг оғир шароитига қарамай, аҳоли ўртасида сақланиб қолган қўлёзмаларни йиғиш чоралари кўрилди. Т.Қори-Ниёзий бу масалага ўта жиддий ёндашди. Авваламбор Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтига республиканинг турли ҳудудларидан қўлёзмаларни яхши биладиган ва мадрасаларда таълим олган, кекса ва тажрибали соҳа мутухассисларини жалб этди.

Т.Қори-Ниёзий бу воқеаларни шундай хотирлаган эди:

“*Урушнинг оғир йилларида бу кексаларга шароит яратиш учун Тошкентга яқин бўлган Чўпонотадан кичкина боғ ҳам олиб берилган эди. Айрим кишилар: “Қори-Ниёзий қўлёзма институтига фақат намозхонларни тўплади”, – деган иғво ҳам тарқатганди. Лекин шунга қарамай, қўлёзма соҳасидаги ишлар катта суръат билан давом эттирилди. Натижада Тошкентнинг ўзидан ва республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Термиз каби шаҳарларидан аллақанча қўлёзмалар тўпланди*”[563].

Ҳатто Қори-Ниёзийнинг ўзи Мирзо Содиқ домла билан биргаликда Бухорога экспедицияга борган эди. Бу ҳаракатлар ўша даврда катта жасорат талаб этарди.

[563] Қори-Ниёзий Т.Н. Ҳаёт мактаби (Эсдалик лавҳалари). – Тошкент, 1970. – Б. 265.

1941–1945 йилларда институт фондида 6 минг жилддан ортиқ қўлёзмалар ва деярли бир хил миқдордаги литографик китоблар тўпланган. Уларнинг бир қатори профессор Александр Семенов раҳбарлигида мутахассислар томонидан фаол ўрганилди.

Умуман, А.Расулов, В.Зоҳиджонов, Э.Муҳаммадхўжаев, А.А.Семенов, Д.Г. Вороновский ва бошқалар қадимги қўлёзмаларни ўрганиш ва илмий изоҳлаш ишлари билан самарали шуғулландилар[564].

Ўзбекистонда физика-математика фанлари тарихи Т.Н.Қори-Ниёзий томонидан чуқур ўрганилди. Олим узоқ йиллар давомида XV асрда асос солинган Мирзо Улуғбек астрономия-математика мактабининг илмий фаолиятини ўрганишда катта ҳисса қўшди. Бу соҳада ўрта асрларда яратилган математика рисолаларини, Мирзо Улуғбекнинг машҳур астрономик жадвалларини ва Самарқанддаги Улуғбек расадхонасида олиб борилган археологик қазишмалар натижаларини чуқур ўрганиш асосида муҳим хулосалар тақдим этилди.

Тарихчи олимлар “Ўзбекистон халқлари тарихи” номли йирик асарни тайёрлаш устида иш бошладилар. Бу асарни ёзишда олимлардан Я.Ғ.Ғуломов, Т.Н.Қори-Ниёзий, С.П.Толстов, М.Э.Воронец, Э.Ш.Ражабов, А.Ю. Якубовский, В.И.Зоҳидов, В.А.Шишкин, К.Б.Тревер ва бошқалар қатнашдилар.

Табиийки ундаги ёндашув, тарихий воқеликлар талқини совет мафкураси нуқтаи-назаридан ёритилган эди. Шунга қарамай, 2 жилдда нашр этилган ушбу китоб кейинчалик қаттиқ тазйиққа учради. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1946 йил 14 август ““Звезда” ва “Ленинград” журналлари ҳақида қарори”дан

[564]Ахунова М.А., Лунин Б.В. История исторической науки. – Ташкент, 1970. – Б. 104.

сўнг “космополитизмнинг ғоявий тазйиқи” тарих фанига ҳам кириб келган эди. 1949 йил апрелда ЎзССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг кенгашида “Ўзбекистон халқлари тарихини ва ўтмиш маданиятини сохталаштиришга қарши” бир қатор маърузалар тингланди[565]. Натижада Ўзбекистон тарихини ишлаб чиқишда гўёки, “йўл қўйилган камчиликлар, хатолар, бузилишлар” аниқланди[566].

1944 йилда ЎзФА таркибида 818 нафар илмий ва илмий-техник ходимлар бор эди[567]. Йилдан йилга Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида илмий муассасалар сони ортиб борди ва юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. 1944 йилда Фаналар акаедмияси қошида аспирантура ташкил этилиб, унга 60 киши, шулардан 41 нафари маҳаллий миллат вакиллари қабул қилинди. Ўзбекистон Фанлар академияси институтларида 2 та докторлик ва 17 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Ўзбекистон олимлари ўзларининг ижодий меҳнатлари билан мамлакат илмий-салоҳиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар, самарали ишлари билан мамлакатнинг иқтисодий ҳамда ҳарбий қудратини оширдилар ва мустаҳкамладилар, оммага инсонпарварлик, ватанпарварлик, эрксеварлик ғояларини сингдирдилар. Эвакуация қилинган олимлар илмий муаммоларни ҳал қилишга ва маҳаллий илмий кадрлар тайёрлашга ёрдам бердилар.

Ўзбекистон олимлари ва эвакуация қилинган ҳамкасблар ўртасидаги ҳамкорликлар келгуси даврларда ҳам ривожланиб, самарали натижалар берди. Кейинчалик эвакуация қилинган

---

565 Ўзбекистон халқлари тарихини ва ўтмиш маданиятини сохталаштиришга қарши // Шарқ юлдузи. – 1949. – 5-сон. – Б. 100-114.

566 Кары-Ниязов Т.Н. Избранные труды. Том 5. Очерки истории культуры и науки советского Узбекистана 1917–1953. – Ташкент, 1967. – С. 251.

567 Академия наук в интеллектуальной истории Узбекистана. – Ташкент, 2012. – С. 71.

олимлар уруш йиллари Ўзбекистонда бўлган даврини доим илиқлик билан эсладилар.

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. Ф. Шишмаревнинг СССР Фанлар академиясининг президенти, академик С. И. Вавиловга тақдим этган 1945 йилдаги якуний ҳисоботида Ўзбекистондаги кундалик ҳаётини ҳам эслатиб ўтган эди:

"*Ўзбекистонга миннатдорчилик билдирамиз. Уйга қайтганимизда ҳам Тошкентда яшаган йилларимизга бир неча бор хотирламоқдамиз. Ўзбекистонда биз нафақат қишнинг совуқ кунларини, балки баҳорнинг юмшоқ кунларини ва кузнинг тетиклантирувчи узоқ тиниқ қуёшли кунларини ҳам эслаймиз. Нафақат кундалик ҳаётдаги машаққат ва муваффақиятсизликлар, балки Ўзбекистон осмони остидаги якунланган ишлар, янги тадқиқотларнинг муваффақиятлари, минтақа табиати таассуротлари, ўзбек халқининг ўтмишдаги бетакрор ва бой маданияти ва бугунги кундаги салмоқли ютуқлари, вакиллари билан жонли алоқалар, менимча, ҳар икки томон учун ҳам изсиз ўтмайди*"[568].

2-§. Олий таълим тизими

Ўзбекистоннинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси фақатгина жанг майдонларига юборилган мард ўғлонлар, фронт ва унинг ортини зарур хомашё, озиқ-овқат, ҳарбий техника билан таъминлаш, эвакуация қилинганларга бошпана беришдан иборат бўлиб қолмади. Балки, бу мавжуд илмий салоҳиятни сақлаб қолиш, қолаверса, уруш шароитида

[568] Ильина И.Н. Эвакуированная наука: академические учреждения в Узбекистане в годы великой отечественной войны (по документам архива РАН)//Эшелоны идут на восток. Эвакуация в Узбекистан в годы Великой Отечественной войны. Сборник материалов Международной научной конференции, посвящённой 75-летию Великой Победы (г. Ташкент, 27 сентября 2019 года). Серия: «Евразийский перекресток». Вып. 12. – Оренбург: ООО ИПК «Университет», 2019. – С. 33.

ҳам илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашни давом эттириш билан ҳам белгиланади.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши республика олий таълим муассасалари фаолиятида жиддий ўзгаришлар қилишни тақозо қилди. Иқтисодиёт ва маданиятнинг деярли барча тармоқларида кадрларнинг кескин танқислиги сабаб, олий таълим муассасалари ишини уруш даври талабларига мувофиқ ташкил этиш учун шошилинч чоралар қабул қилинишини талаб этди.

Уруш бошланганида республикада 30 та, жумладан, Ўрта Осиё давлат университети, Ўзбек давлат университети (Самарқанд), Ўрта Осиё индустриал институти, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент молия-иқтисодиёт институти, Тошкент тўқимачилик институти, Тошкент тиббиёт институти, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти, Тошкент алоқа муҳандислари институти, Тошкент юридик институти, Тошкент давлат консерваторияси, Фарғона педагогика институти, Қўқон, Тошкент ва Самарқанд ўқитувчилар институтлари, Ўзбек халқ хўжалиги институти (Самарқанд), Ўзбек қишлоқ хўжалиги институти ва бошқа олий таълим муассасалари фаолият олиб борарди.

Урушнинг бошланғич босқичидаёқ Ўзбекистонга Москвадан Сталин номидаги Ҳарбий академия, Молотов номидаги Ҳарбий академия, Ҳарбий-индентантлик академияси, алоқа муҳандислари, картография ва геодезия, архитектура, режалаштириш, 4-тиббиёт, кимё-технологик, авто йўл, муҳандислик-иқтисодий, тўқимачилик, зоотехник, гидромелиоратив институтлари, Тимирязев номидаги Қишлоқ

хўжалиги академияси, консерватория; Одессадан тегирмон саноати ва элеватор хўжалиги муҳандислари институти, сув хўжалиги муҳандислари институти, алоқа институти; Харьковдан темир йўл транспорти муҳандислари, кимё-технологик, педагогика, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтлари; Воронеж авиация институти; Москва, Киев ва Харьковдан бадиий институтлар эвакуация қилинди[569].

Унчалик кўп бўлмаган талабалар билан келган олий таълим муассасалари соҳалари бўйича Тошкентдаги институтларга бирлаштирилди. Жумладан, Киев индустриал институти Ўрта Осиё индустриал институти, Харьков темир йўл транспорти муҳандислари институти – Тошкентнинг тегишли институти билан бирлаштирилди. Қолган олий таълим муассасалари Тошкентдаги олий таълим муассасалари ва уларнинг ётоқхона биноларига жойлатирилди, бу эса, муайян қийинчиликларни юзага келтирди[570]. Бу барча олий таълим муассасаларини жойлаштириш яқиндагина республика олий таълим муассасаларининг қурилган янги биноларини ҳарбий таълим муассасалари ва ярадорлар учун госпиталлар ихтиёрига берилганлиги мураккаблаштирган эди. Талабалар кўпинча икки сменада, сиқиқ шарт-шароитда таҳсил олдилар.

1942 йил 5 май куни СССР Халқ Комиссарлари Советининг “1942 йилда олий таълим муассасаларига қабул қилиш режаси ва олий таълим муассасаларини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра 1942 йилда олий таълим муассасасига қабул қилишда 1941–1942 ўқув йилида ўрта мактабларни “аъло” ва “яхши” баҳоларга тамомлаган абитуриентлар имтиҳонлардан озод қилинадиган

[569] ЎзМА. Р-837-фонди, 32-рўйхат, 3516-йиғмажилд, 39-49-варақлар.
[570] Ўша рўйхат, 3233-йиғмажилд, 17-19 орт варақлари.

бўлди. Албатта, бу тартиб бўш жойлар бўлгандагина амал қиларди. Ушбу қарор билан Иттифоқ республикаларининг Халқ Комиссарлари Советлари 1942 йилнинг 15 майигача “эвакуация қилинган корхоналар, госпиталлар ва ҳарбий ташкилотларни жойлаштириш учун бинолари олиб қўйилган олий таълим муассасаларига 1942–1943 ўқув йилида муносиб машғулотларни олиб боришни таъминлайдиган зарур бинолар берилиши” керак эди[571]. Шунингдек, олий таълим муассасаларида машғулотларни тўхтатиш ҳамда талабалар ва ўқитувчиларни турли ишларга сафарбар этиш, шунингдек, СССР Халқ Комиссарлари Совети рухсатисиз олий таълим муассасалари ўқув биноларини, ётоқхоналарини, жиҳозлари ва асбоб-ускуналарини олиб қўйиш таъқиқланди.

Айниқса, бу педагогика олий таълим муассасаларига тааллуқли эди. Биргина Маориф Халқ Комиссарлиги тизимида 1941 йил октябрига келиб Ўзбекистонда талабалар сони 1612 нафар бўлган 2 университет, 1226 талабаси билан 3 педагогика институти, 2058 нафар талабаси бўлган 8 ўқитувчилар институти, 1140 талабаси билан 2 кечки педагогика институти, 523 талабаси бўлган 4 кечки ўқитувчилар институти ҳамда 3225 талабаси бўлган 15 педагогика билим юрти фаолият юритарди[572]. Педагогика олий таълим муассасаларининг кўплиги педагог кадрларга бўлган талаб катталиги билан изоҳланади.

Урушдан аввал, СССР Халқ Комиссарлари Совети 1940 йили “СССР ўрта мактабларининг юқори синфлари ва олий ўқув юртларида таълимга тўлов белгилаш ҳамда стипендия тайинлаш тартибини ўзгартириш ҳақида” қарор қабул қилган эди. Бу гўёки меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ўсганлиги ва давлатнинг кенгайиб бораётган ўрта ва олий ўқув юртлари

[571] ЎзМА. Р-837-фонди, 32-рўйхат, 3516-йиғмажилд, 18-варақ.
[572] ЎзМА. Р-94-фонди, 5-рўйхат, 4099-йиғмажилд, 3-варақ.

тармоғини қуриш, асбоб-ускуналари ҳамда уларни сақлаш билан боғлиқ харажатлари билан боғлиқ тарзда тушунтирилади. Бироқ, урушнинг дастлабки босқичидаёқ, ўқувчилар ва талабаларнинг муайян тоифаларини тўловлардан озод қилиш бўйича қарорлар чиқарила бошланди.

1942 йилда ҳукуматнинг махсус рухсати билан сафарбар этилганлардан ташқари барча талабалар армияга чақириқдан озод этилди. Шу вақтдан бошлаб СССР Олий Совети Президиумининг 1941 йил 26 июндаги "Уруш даврида оддий ва кичик бошлиқлар таркибидан ҳарбий хизматчилар оилаларига нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби ҳақида" Фармонига мувофиқ ярадор, майиб бўлиб ёки касалликдан кейин Армия ва флот сафидан қайтган шахслар, шунингдек, Армия ёки флотга чақирилганларнинг қарамоғидаги нафақа олаётганлар олий таълим муассасаларига ўқиш учун тўловдан озод қилинди[573]. Юқори турувчи органлар томонидан олий таълим тизимига нисбатан қабул қилинаётган ушбу чора-тадбирларнинг барчаси кадрларни кескин етишмовчилиги ҳамда уларни тайёрлаш учун мақбул шарт-шароитлар ташкил этиш зарурлигидан далолат беради. Ҳарбийлар ва педагогика ўқув юртларида ўқийдиганлар тўловдан озод қилинди. Бу қайсидир маънода ёшларни шу жойларда ўқишга рағбатлантирди, бу эса, уруш вақти шароитида нисбатан талаб катта бўлган ҳарбий ва педагог кадрлар сони сезиларли даражада ошишига хизмат қилди.

"ЎзССР Маориф Халқ Комиссарлигининг 1942 йилда олий ўқув юртларига янги қабулни ўтказиш ҳақидаги Йўриқнома"да яқин вақт ичида педагог кадрлар етишмовчилигини тўлдириш учун қандай чоралар қабул қилиш ҳақида аниқ кўрсатмалар берилган эди. 1942 йилда ЎзССР Маориф Халқ Комиссарлиги тизими олий таълим муассасаларига режа бўйича 2290 киши

[573] ЎзМА. Р-837-фонди, 32-рўйхат, 3516-йиғмажилд, 18-18 орт варақлари.

қабул қилиниши, улардан 70 фоизини маҳалллий миллатларнинг вакиллари ташкил этиши керак эди[574]. Бу таълим рус тилида олиб борилмайдиган мактабларда ўқитувчиларнинг кескин етишмаслигини кўрсатади. Қолаверса, бу мактабларда асосан эркаклар ишлаб, уларнинг кўпчилиги фронтга кетишганди.

1942 йилга педагогика олий таълим муассасаларига қабул қилишдаги бош вазифалардан бири сифатида ўқишга имкон борича кўпроқ ўзбек аёлларни жалб этиш қўйилган эди. Ўқитувчилар орасида аёллар 24 фоизни ташкил этарди. Қайсидир маънода бу нисбатни аёллар ҳисобига ўзгартириш учун бу янги қабулда нафақат ўрта мактабларнинг 9 ва 10 синфлар битирувчиларини, балки тегишли маълумотга эга бўлиб, турли сабабларга кўра олий таълим муассасаларида ўқимаётган аёлларни ҳам қамраб олган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилди. Олий таълим муассасасининг ҳар бир илмий ходими ёки талаба жамоат иши тарзида ўзбек ёшлари, айниқса қизлар орасидан бир нафарини ўқишга жалб қилиш ва кириш учун тайёрлаш мажбуриятини олиши керак эди.

Олий таълим муассасалари ўзбек ёшларидан кўпчилик қисмини ўқишга жалб этиш учун “мавжуд барча ташвиқот ва тарғибот воситаларини тўлалигича фойдаланиши” керак: “оғзаки чиқишлар ва маърузалар, матбуот, радио, кино, очиқ эшиклар кунлари, витриналар, кўргазмалар ташкил этиш, доимий консультациялар, таҳсил олувчилар ва уларнинг ота-оналари билан атоқли профессорлар ва ўқитувчилар, мактабларнинг таниқли устозлари, педагоглик ишида ўзини кўрсатган собиқ битирувчилар билан йиғилиш, учрашув ва суҳбатлар уюштириш, жойларда янги қабул бўйича ваколатли жалб қилувчиларни ажратиш, уларнинг мактабларга, колхозларга, совхозларга, корхоналарга чиқишлари ва боришларини ташкил

[574] ЎзМА. Р-94-фонди, 5-рўйхат, 4274-йиғмажилд, 1-варақ.

этиш, улар томонидан касб танлаш масалаларида педагоглик касбининг фахрли роли ва олижаноб вазифаларини қайд этган ҳолда суҳбатлар ва маслаҳатлар ташкил этиш...”[575]

Ўқитувчи кадрларни айниқса, маҳаллий миллатлар вакилларидан тайёрлашда Ўзбекистонга эвакуация қилинган олимлар, жумладан, филолог, дунё адабиёти бўйича мутахассис, профессор Жирмунский, кимёгар, профессор Липатов, тарихчи, профессор Нечкина, педагог, ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Константинов ва бошқалар катта ёрдам кўрсатишди. Уларнинг бевосита раҳбарлигида олий таълим муассасаларининг кўплаб ўқитувчилари номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди, натижада, педагогика олий таълим муассасаларида ўзбек фан номзодлари сони 1944 йилга келиб, 1941 йилга нисбатан 16 тадан 34 тага етди.

Олий таълим муассасаларида ўқитишни ўзбек тилида олиб бориш учун маҳаллий миллат вакилларидан кадрлар тайёрланишини яхшилаш керак эди. Шунинг учун ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг сўровига кўра юқори турувчи органлар томондан Ўрта Осиё давлат университети ва Тошкент педагогика институти қошидаги аспирантура таркибини сон жиҳатидан икки баробарга оширди, шунингдек, Ўзбек давлат университети қошида докторантура ташкил этишга рухсат берилди. Натижада, 1943–1944 ўқув йилида 25 киши, жумладан, 19 нафар ўзбек докторантурани, 179 киши, жумладан 94 нафар ўзбек аспирантурани ўтаётган эди. Республиканинг педагогика олий таълим муассасалари ва ўқитувчилар институтларини кундузги, кечки ва сиртқи бўлимлари томонидан уруш йилларида 4300 ўқитувчи тайёрланди[576].

---

[575] ЎзМА. Р-94-фонди, 5-рўйхат, 4274-йиғмажилд, 10-варақ.

[576] Рачинская Е.В. Народное образование в Узбекистане в годы Великой Отечественной войны. – Ташкент, 1963. – С. 99–100.

1942 йилга келиб Ўзбекистонда 41 та олий таълим муассасаси ва 52 та ўрта махсус ўқув юрти мамлакатнинг марказий районларидан эвакуация қилинганлар билан бир қаторда фаолият кўрсатаётган эди. Умумий сондан 17 таси Иттифоқ бўйсунувидаги саноат олий таълим муассасалари эди. Қолган 25 олий таълим муассасасида жами 8700 киши таҳсил олиб, улардан 2340 нафари 1942 йили олий маълумот олиши керак эди[577].

Шундай қилиб, 1944 йил бошида республикада юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш жараёнида сон жиҳатидан маълум муваффақиятларга эришилди. Сифат масаласида ҳолат унчалик яхши эмас эди. Шу муносабат билан 1944 йил 12 январда Умумиттифоқ Олий мактаб ишлари бўйича Қўмита тегишли Халқ Комиссарликларнинг халқ комиссарларига, шунингдек, олий таълим муассасалари директорларига баёнот билан мурожаат қилди.

Унда “Умумиттифоқ Олий мактаб ишлари бўйича Қўмитада олий ўқув юртлари директорларига, уларнинг ўқув-илмий ишлар бўйича ўринбосарларига ва кафедра мудирларига мавжуд ҳужжатларда олий ўқув юртлари раҳбар педагог кадрларига илмий малакаси қўйилиши ва оширилишида бўлаётган ўзгаришлар акс эттирилмаган”лиги қайд этилган[578]. Бошқача айтганда, олий мактабнинг кадр таркибида мавжуд камчиликлар ва уларнинг етарли даражада илмий салоҳиятга эга эмаслиги кўрсатилган.

Шу муносабат билан СССР Халқ Комиссарлари Совети олий таълим муассасалари директорларига 1944 йилнинг 25 февралидан кечиктирмай Қўмитанинг кадрлар бўлимига олий

[577] ЎзМА. Р-837-фонди, 32-рўйхат, 3233-йиғмажилд, 31-варақ.
[578] ЎзМА. Р-94-фонди, 5-рўйхат, 4624-йиғмажилд, 8-варақ.

таълим муассасалари директорларига, раҳбарияти таркибига янгиланган ҳужжатларни юборишни сўради.

Шунингдек, тегишли Халқ Комиссарликлари назоратидаги олий таълим муассасалари директорларига Умумиттифоқ Олий мактаб ишлари бўйича Қўмитасига олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари фаолиятини тавсифловчи қуйидаги ҳужжатларни мунтазам тақдим этилишини таъминлаши керак эди: “олий ўқув юртлари, шунингдек, факультетлар ва кафедралар фаолиятини текшириш натижалари бўйича хулосалар ва таклифлар; Халқ Комиссарлигининг олий ўқув юртлари директорларини йиллик ҳисоботлари бўйича хулосалари; кафедралар иши ҳақидаги сметалар бўйича институтлар ва факультетлар кенгашлари қарорларидан кўчирмалар; ҳукумат мукофотлари ҳақидаги хабарлар; рағбатлантиришлар ва мукофотлар ҳақидаги буйруқлар ва фармойишлар нусхалари; жазо қўллаш ҳақидаги буйруқлар ва фармойишлар нусхалари; барча сиёсий ва иш тавсифномалари,.. шунингдек, Умумиттифоқ Олий мактаб ишлари бўйича Қўмита номенклатурасидаги ходимларнинг ўқув, илмий ва жамоатчилик фаолиятини тавсифловчи барча ҳужжатлар”[579].

Юқори турувчи ташкилотларнинг олий ўқув юртларига нисбатан бундай топшириқлари урушнинг дастлабки йилларида олий мактаб тизимида ҳукм сурган тартибсизлик маълум даражада бартараф этилгани, эндиликда давлат олий таълим муассасалари устидан, айниқса, профессор-ўқитувчилар ва раҳбарият таркиби сифатига қатъий назоратни ўрнатди.

Умумиттифоқ Олий мактаб ишлари бўйича Қўмитасининг Маориф Халқ Комиссарлиги ўқув юртлари бошқармаси бошлиғига мурожаати ушбу муаммонинг ечимини топиш йўллари билан боғлиқ бўлиб, унда “олий ўқув юртлари

[579] Ўша жойда, 8-8 орт варақлари.

профессор-ўқитувчи кадрлар ҳисоби ва эҳтиёжини белгилаш ҳамда бу кадрларни тўғри жойлаштириш бўйича тадбирлар ўтказиш мақсадларида” 1944 йил 20 февралидан кечиктирмасдан профессор-ўқитувчилар таркиби ҳақидаги қуйидаги маълумотларни тақдим этиш таклиф этилганди: ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича яқин уч йилга фанлар кесимида профессор-ўқитувчи кадрларга эҳтиёж; профессор-ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қоплаш манбалари, бу борада илмий-тадқиқот институтлари, жумладан, СССР ва Иттифоқдош республикалар Фанлар академияси тизими ҳамда уларнинг филиаллари ходимлари, Маориф Халқ Комиссарлиги тизимидаги корхона ва муассасалар ишчиларини жалб этиш имкониятлари. Шу билан бирга ўқитувчи кадрлар билан тўлдиришнинг яна бир манбаси сифатида “олий ўқув юртларининг собиқ илмий ходимлари Қизил Армия сафидан қайтиши” ҳам қаралган[580].

Таъкидлаш жоизки, шу йиллардаёқ давлат томонидан олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини оширишга эътибор берилди. Масалан, 1944–1945 ўқув йилида Ўзбек давлат университети штатига хизмат кўрсатган фан арбоби, биология фанлари доктори, профессор П.Факторович, хизмат кўрсатган фан арбоби, физика фанлари доктори, профессор А.Титов, математика фанлари доктори, профессор Н.Романов каби таниқли олимлар қабул қилинди. Университетнинг илмий ходимлари сафида ана шундай олимлар борлиги шу йили университетда 15 кишини қабул қилиш режаси билан аспирантура тикланишига замин бўлди[581].

1944 йил 17 апрелида Умумиттифоқ Олий мактаб ишлари бўйича Қўмитанинг “Давлат университетларида ўқиш

---

[580] Ўша жойда, 12-варақ.
[581] ЎзМА. Р-94-фонди, 5-рўйхат, 4624-йиғмажилд, 60-варақ.

муддатларини белгилаш тўғрисида”ги буйруғи чиқарилди, унга кўра тарих, филология, иқтисодиёт, юридик, география, журналистика ва халқаро муносабатлар факультетларига ўқиш муддати 4 йил, физика-математика, кимё, биология, геолого-тупроқ ва фалсафа факультетларига 5 йил этиб белгиланди.

Шундай қилиб, 1944–1945 ўқув йили бошланишига келиб, олий таълим тизими анча тартибга солинди. 1944 йил 14 мартда СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Умумиттифоқ Олий мактаб ишлари бўйича Қўмита тасдиқлаган Олий таълим муассасаларига қабул қоидаларида “олий ўқув юртларига 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган, сиртқи олий ўқув юртлари ва бўлимларга – ёш чегарасисиз, тугалланган ўрта маълумотли ҳамда бу ўқув юртларда кириш учун белгиланган имтиҳонларни муваффақиятли топширган СССР фуқаролари” қабул қилинади[582]. Урушнинг биринчи йилларида халқ ва олий таълим тизимида амалга оширилган барча тажрибалар ўтмишда қолган эди. Шу билан бирга унутмаслик керакки, буни ўша вақтда кўпчилик учун кутилмаган урушнинг бошланиши ҳамда зудлик билан иқтисодиёт ва маданиятни ҳарбий изга ўтказиш туфайли шаклланган оғир вазият тақозо этганди.

Уруш йилларида республикада 20 мингдан ортиқ олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрландики, бу саноат ва қишлоқ хўжалигини олий малакали кадрлар билан таъминлади.

Уруш даврининг барча қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистонда олий таълим тизимида кўп ишлар қилинди ва бу эл-юртнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган беқиёс ҳиссасининг бир қисми бўлиб қолди.

[582] Ўша жойда, 140-варақ.

3-§. Мактаб ва мактабгача таълим тизими

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда халқ таълимини ривожлантириш катта аҳамият касб этди. Республика халқ таълими органлари олдида бутун тизим ишини қайта ташкил этиш бўйича мураккаб вазифалар турарди. Уруш даврида мамлакатдаги оғир шароитлар ўрта ва олий малакали мутахассисларга талабни оширган эди. Бу масала бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчиларини сифатли тайёрлаш орқали ҳал этилиши мумкин эди.

Таъкидлаш керакки, урушнинг бошланиши арафасида Ўзбекистонда кўплаб қийинчиликларга қарамасдан, халқ таълими тизимида бир қатор муваффақиятларга эришилган эди. 1939 йил 1 июль ҳолатига кўра республикада 4684 та мактаб бўлиб, уларнинг 4213 таси қишлоқ жойларида эди. Бу бутун мактаб тармоғининг 91 фоизини ташкил этди. Мактабларда жами 1 106 000 бола ўқиган, улардан 86 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келарди. XX аср 20 йилларнинг бошлари билан солиштирганда ўқитувчиларнинг сони ҳам сезиларли даражада, деярли 13 баробарга ошиб, жами 34,5 минг кишидан иборат эди[583].

Хотин-қизлар таълими ривожланишида ҳам ишлар анча олдинга силжиган. Масалан, 1939 йили республика мактабларида 429 минг ўқувчи қизлар, шундан 337 минг ўқувчи-қиз қишлоқ мактабларида таҳсил олганлар. Бироқ, ўзбек миллатига мансуб қизларнинг таълим олишида қийинчиликлар мавжуд эди. Булар, ота-оналарнинг ўз қизларини мактабга бермаслиги, айниқса, уларни ўғил болалар билан биргаликда таълим олишга жўнатмаслиги, эрта турмушга бериб юбориш ҳолатлари ва бошқа.

Бундай шароитларда давлат томонидан халқ таълимини нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам ривожлантириш учун

[583] Народное образование в УзССР за 15 лет. Стат. сборник. – Ташкент, 1939. – С.48.

қатор чора-тадбирлар қабул қилинди. 1940 йилнинг июнида биринчи республика ўқитувчилар съезди бўлиб ўтди. Унинг мақсади имкон қадар кўпроқ болаларни таълим билан қамраб олиш, мактабларда ўқув-тарбиявий ишларнинг сифат даражасини кўтаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат эди. Съезд иши асосида ЎзССР Халқ комиссарлари Совети ва ЎзКП(б) Марказий Қўмитаси мактабларга имкон қадар кўпроқ болаларни жалб этиш бўйича қарор қабул қилди. Унда асосий камчиликлар сифатида аввалгидек, ўқувчиларнинг қўнимсизлиги, уларнинг маълум қисми мактабларда ҳали ўқишни тугатмасдан тўхтатиб қўйиши, болаларни мактабга йўналтириш жараёнида ота-оналарда жавобгарлик етишмаслиги белгиланди[584].

1940 йили Ўзбекистонда мактаб тизимини районлаштириш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди. Барча аҳоли пунктлари бўйича болаларнинг нафақат бошланғич таълим, балки етти йиллик мактабга жалб этилиши имкониятлари ўрганиб чиқилди. Бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинди, натижада 95 % болалар етти йиллик таълим олиш имкониятига эга бўлдилар. Бунда республика аҳолисининг этник таркиби турли эканлиги ҳисобга олиниб, рус ва ўзбек тилидаги синфлар билан бир қаторда тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз мактаблари ҳам очилди[585].

1941 йил июнида гитлерчилар Германиясининг Совет Иттифоқига ҳужум қилиши республика ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Албатта бу бошқа соҳалар каби таълим тизимига ҳам таъсир ўтказди. Давлат мактаб тармоғини сақлаб қолиш ва уруш шароитларида шаҳарларда етти йиллик мажбурий

---

[584] Постановление ЦК КП(б)Уз и СНК УзССР от 16–17 июля 1940 г. «О мерах по осуществлению всеобщего среднего обучения и по дальнейшему улучшению народного образования в УзССР».
[585] ЎзМА. Р-2282-фонд, 1-рўйхат, 28 йиғма жилд, 3-варақ.

таълимни, барча учун мажбурий бошланғич умумий таълимни давом эттириш ва қишлоқ жойларида имкон қадар етти йиллик мажбурий таълим билан қамровни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиши керак эди.

Шу билан бирга давлат тарғибот кампанияси барча ёшдаги фуқароларни фронтга ёрдам учун фаол жалб этиш, душманга қарши курашишда ўзларининг барча ички куч ва захираларини сафарбар қилишга тарғиб этар эди. Бу эса, уруш йилларида ўқитувчилар зиммасида қўшимча ишларни юкланишига олиб келди. Бир томондан мактабларда сифатли таълимни амалга ошириш, ўқувчиларнинг ҳарбий-жисмоний тайёргарлигига, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинар эди. Бошқа томондан эса, ишга лаёқатли ёшдаги эркакларнинг, шу жумладан ўқитувчиларнинг (уларнинг сони анча эди) барчаси фронтга кетганликлари сабабли, уларнинг ўрнини аёллар ва ўсмирлар эгаллашлари зарур эди. Натижада, ўқитувчилар етишмаслиги муаммоси ўткирлашди.

Давлат томонидан мафкуравий ишларга ҳам катта эътибор қаратилди. Бунда ғалабага эришиш учун барча моддий ва инсоний ресурслар сафарбар қилиниши зарурлигини ўқувчиларга тушунтириб бериш муҳим эди. Бошқа томондан бу даврда атеистик тадбирлар бўйича анча заифлашиш кузатилди. 1943 йилда Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармаси (САДУМ) ўз фаолиятини қайтадан бошлади. Аввал ўтмишни идеаллаштириш ва миллатчиликда айбланган муаллифларнинг тарихий-ватанпарварлик руҳидаги асарлари чоп этила бошланди. Партия ва давлат ташкилотлари уруш даврининг қийин шароитларида одамларни, айниқса ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда барча усуллар яхши қўл келиши мумкин, деган хулосага келишган, деб вақтинчалик сиёсат қўлладилар.

Уруш туфайли республикада мактабларнинг сони қисқариб борди. Агар 1941 йил 1 июлда республикада 4768 та мактаб фаолият кўрсатган бўлса, 1943 йилнинг 1 июлига келиб, улар 4312 тани ташкил этди. Яъни, уларнинг сони урушдан аввалгига нисбатан 456 тага камайди. Бу мактаб биноларининг бир қисми госпиталлар, ҳарбий комиссарликлар, Ўзбекистонга эвакуация қилинган ўқув муассасалари, талабалар ва ишчилар учун турар-жой сифатида фойдаланиши билан изоҳланса, бир қисми ўқитувчиларнинг етишмаслиги туфайли ёпилди. Шу сабабли, кўплаб мактабларда ўқув жараёни уч сменада олиб борилди[586].

Урушнинг дастлабки вақтлари барча қийинчиликларга қарамасдан 1940–1941, 1941–1942-ўқув йилларида ўрта мактабларни тугатган ўқувчилар сони бир мунча ошганлиги кузатилди. Бироқ, урушнинг охирги икки йилида вазият ёмонлашди: урушнинг чўзилиб кетиши ва кўплаб оилаларда моддий қийинчиликлар туфайли 14–17 ёшдаги ўқувчиларнинг маълум қисми колхозлар, фабрикалар ва заводларга доимий ишга ўтишлари натижасида 5–7-синфлар ва 8–10-синфлар ўқувчилари, шунингдек, 7 ва 10 синф битирувчилари сони камайиб кетди.

Бундай шароитларда, ўқитувчилар маънан тушкун ҳолатида бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ҳукумат томонидан уларнинг моддий аҳволини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинди. Шаҳар мактаблари ўқитувчилари озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарлар билан таъминланишда саноат, транспорт ва алоқа соҳаси ишчиларига тенглаштирилди. Қишлоқ мактаблари ўқитувчиларига фойдаланишлари учун ер участкалари ажратилди, ёнилғи, уруғ ва ҳайвон емишлари масаласида ёрдам кўрсатилди.

---

[586] Рачинская Е.В. Народное образование в Узбекистане в годы Великой Отечественной войны. – Ташкент, 1963. – С. 15–16.

1943 йил августида «Ўқитувчилар ва халқ таълимининг бошқа ходимлари ойликларини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Унга мувофиқ ўқитувчилар ойликлари 30–50 %га оширилди. 1943 йил 6 мартда эса Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети «1943 йил 1 январдан ўрта ва умумий мактабларнинг 8–10 синфларида таълим оладиган ўзбеклар, қорақалпоқлар, қирғизлар, тожиклар, қозоқлар, туркманлар ва бошқа маҳаллий асосий миллатлар фарзандлари ўқиши учун тўловлардан озод қилиш тўғрисида» қарорни қабул қилди. Ўқувчиларнинг бу тоифаси педагогик олий таълим муассасалари ва билим юртларидаги тўловлардан ҳам озод қилинди, энди улар қониқарли баҳо олсалар ҳам давлат стипендияси олишлари мумкин эди. 1943 йили Ўзбекистоннинг айрим қишлоқ мактабларида фронт қатнашчилари ва урушда ҳалок бўлганларнинг фарзандлари учун махсус интернатлар очилди, бу ерда ўқувчилар тўлиқ давлат таъминотига олинди[587].

Давлат томонидан мактабларда ўқиш учун имкон қадар кўпроқ болаларни қамраб олиш бўйича барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан, уруш шароитида халқ таълимини ривожлантириш ишлари оғир аҳволда эди. Колхозлар, совхозлар, завод ва фабрикалардан ишчи кучининг етишмаслиги 14–17 ёшдаги ўсмирларни меҳнатга жалб этишни тақозо қилди. Натижада, 1942–1943-ўқув йилида барча кўрсаткичлар бўйича 23% ўқувчилар, яъни 247,6 минг нафар болалар мактабларда таълим олмадилар[588].

Юзага келган вазиятни нима қилиб бўлса ҳам ўнглаш мақсадида ЎзССР ХКС 1943 йил 15 июлда «Корхоналарда ишловчи ўсмирларнинг таълими тўғрисида» қарор қабул

[587] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 143.
[588] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 144.

қилди[589]. Бу қарорга мувофиқ, тез фурсатда шаҳарлар ва ишчилар посёлкаларида ишлайдиган ўсмирлар учун мактаблар ташкил этиш кўзда тутилган эди. Бироқ, бу йўлда давлат биноларининг, педагогларнинг етишмаслиги, дарсликларнинг мавжуд эмаслиги каби қатор қийинчиликлар билан тўқнаш келди. Кечки мактабларда ўқув йили давомийлиги йилига 48 ҳафта ва бунда ҳафтасига 9 соатдан (3 марта 3 соатдан) машғулот ўтиш белгиланди. Шубҳасиз, бу белгиланган соатлар асосий вақтини иш дастгоҳлари олдида ёки дала майдонида ўтказувчи ўқувчилар учун мактаб таълим дастурини ўзлаштириш учун етарли эмас эди. Яна шунингдек, ишчи ёшлар учун мактаблар одатда оддий болалар мактабларининг биноларига жойлаштирилган эди. Уларнинг кўпчилигида эса, электр токи йўқ эди, шу сабабли машғулотлар кўпинча оқшом вақтларида олиб борилмас эди.

Юзага келган қийинчиликларга қарамасдан, Ўзбекистон ўқувчилари уруш даврининг қийин шароитида ўқишни давом эттирдилар, ўз оталари, акаларининг ўрнига ишладилар, госпиталларда ярадорларни парваришлашда ёрдам кўрсатдилар, эвакуация қилинган болаларга ҳар қандай ёрдамларини аямадилар ва уларни қўллаб-қувватладилар.

1941 йилнинг 9 ноябрида ЎзССР Маориф Халқ Комиссарлиги «Фронт олди чизиғидан эвакуация қилинган барча мактаб ёшидаги болаларни таълим билан қамраб олиш тўғрисида» буйруқ қабул қилди. Республикада Маориф халқ комиссарлиги органлари, мактаб педагоглари эвакуация қилинган болалар узлуксиз таълим олишларини таъминлаш учун барча чора-тадбирларни амалга оширди.

Уларнинг кўпчилигида фронт ҳудудларидан кўчириш жараёнида ўқишларида танаффуслар бор эди. Мактаб

[589] Директивы ВКП(б) и постановления Советского правительства о народном образовании за 1917–1947 гг. Вып. 1. – М.-Л., 1947. – С. 202.

педагоглари ҳар бир келган боладан мактаб дастурининг қайси қисми ўзлаштирилмасдан қолганлигини аниқладилар. Уларнинг ҳар бири учун ўқишдаги бўшлиқларни тўлдириш учун қўшимча машғулотларнинг индивидуал режаси ишлаб чиқилди. Эвакуация қилинган болалар билан бирга мактаб ўқитувчилари, ўқувчиларнинг ота-оналари, юқори синф ўқувчилари, аълочи синфдошлари ишладилар. Лекин кўплаб мактабларда уч сменали ўқув жараёни туфайли бўш хоналар мавжуд эмас эди. Шу сабабли қўшимча машғулотлар мактабдан ташқарида – ўқитувчиларнинг, ота-оналарнинг хонадонларида, мактабни ҳомийликка олган ташкилотларнинг биноларида олиб борилар эди.

Республика Маориф халқ комиссарлигининг 1941 йил 30 декабрдаги махсус фармойиши мактаб директорларининг зиммасига ҳар бир эвакуация қилинган ўқувчи билан шахсан танишиш ва суҳбат ўтказиш ҳамда улардан бирортаси иккинчи йилга қолиб кетмаслиги учун барча имкониятлардан фойдаланиш мажбуриятини юклади[590].

Мактаб педагоглари етишмаслиги муаммосини юмшатишга эвакуация қилинганлар ичидаги тажрибали ўқитувчилар мавжудлиги ёрдам берар эди. Улар услубий ишларни ташкил этишда катта кўмак кўрсатдилар. Уларнинг ичида Украина, Белоруссия, Москва, Ленинграддан эвакуация қилинган ўқитувчилар бор эди. Улар маҳаллий ўқитувчилар учун маърузалар ўқишди, услубий семинарлар ишини ташкил этишди, халқ таълими ривожи учун ўз ёрдамларини аяшмади. Давлат ҳам уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Кўчиб келган ўқитувчиларга пул нафақалари, кийим ва пойабзал учун талонлар берилди, улар учун махсус ошхоналар ташкил этилди. Давлат томонидан ёрдамга жуда эҳтиёжманд ўқитувчиларга моддий

[590] ЎзМА. Р-2282-фонд, 1-рўйхат, 964 йиғмажилд, 1–6-варақлар.

ёрдам кўрсатиш учун 1942 йили 25 минг рубль, 1943 йилда эса 100 минг рубль ажратилди. Бу даврда айнан улар халқ таълими соҳасида мутахассислар етишмаслиги муаммосини қисман ҳал этдилар.

Урушдан кейин уларнинг кўпчилиги фидокорона меҳнатлари учун давлат томонидан кўплаб мукофотларга тавсия этилди. Улар орасида республикада ўқитувчилар малакасини оширишда катта ёрдам кўрсатган А.А. Стакан; болалар бадиий тарбиясини ташкил этиш масалалари устида ишлаган Э.М. Марингоф; уруш даври шароитларида мактаблар ва мактабгача муассасалар ишини қайта ташкил этиш масалалари билан шуғулланган А.В.Никольская ва бошқалар бор эди[591].

Ўзбекистонга эвакуация қилинган ўқитувчилар халқ таълими тизимини кадрлар билан таъминлаш муаммосини қисман ҳал этишга ёрдам бердилар. Кадрлар билан боғлиқ энг жиддий муаммолар таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда кузатилди. Рус тилидаги мактабларда аҳвол анча яхши эди, чунки армияга олиб кетилган ўқитувчилар ўрнини эвакуация қилинган мутахассислар эгаллашди. 1941–1942 ўқув йилининг бошига келиб, Тошкент мактабларида 197 нафар, Тошкент вилояти мактабларида 500 нафар, Фарғона вилояти мактабларида 287 нафар эвакуация қилинган мутахассислар педагогик фаолият олиб боришди[592].

1942–1943 ўқув йилининг бошида мактабларнинг нормал ҳолатда ишлаши учун 6 минг нафардан ортиқ ўқитувчи етишмас эди. Кўплаб мактабларда чет тили, математика, физика, кимё каби муҳим фанларнинг ўқитилиши вақтинча тўхтатиб қўйилди. Бу ҳолат мактаблардаги ўқувчилар тайёргарлиги сифатига салбий таъсир кўрсатди.

---

591 ЎзМА. Р-2282-фонд, 1-рўйхат, 634 йиғмажилд, 2–4-варақлар.

592 Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том I. – Ташкент: Фан, 1981. – С. 207–208.

Бу масалада давлат аниқ чора-тадбирлар кўрди. 1942 йил январида «Ўзбекистон мактаблари учун ўқитувчиларни тайёрлаш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Унинг асосида педагогика ўқув юртлари ва ўрта мактаблар қошида тузиладиган қисқа муддатли курсларнинг кенг тармоғи йўлга қўйилди. Курсларда ўқиш учун асосан етти йиллик ва ўрта маълумотга эга ўзбек қизлари қабул қилинди. 1941–1943 йилларда бундай курсларда 16 мингта ўқитувчи тайёрланди[593].

Кўплаб мактабларда таълим педагогик йўналишда чуқурлаштирилган ҳолда олиб борилди. Бундай мактабларнинг битирувчилари бошланғич синф ўқитувчилари сифатида ишлашга йўлланма олишарди. Лекин ўқитувчи мутахассислар етишмаслиги муаммосини бу йўсинда ҳал қилишнинг салбий томони ҳам бор эди, чунки урушга кетган тажрибали педагоглар ўрнини ёш, ҳали тажрибага, яхши тайёргарликка эга бўлмаган мутахассислар эгаллашди.

1943–1944 ўқув йили бошига келиб, бошланғич синф ўқитувчиларининг 63 фоизи тугалланмаган ўрта маълумотга эга эди. Кўплаб предметларнинг ўқитувчилари мактабларга олти ойлик курсни тугатганларидан сўнг ишлаш учун келишган эди. Республика мактабларида ишловчи мутахассисларнинг фақатгина 27 фоизи олий ва тугалланмаган олий маълумотга эга эди[594].

Мактабларда ўқитувчилар етишмаслигини ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Халқ комиссарлари Совети 1942 йил апрелида 5–10-синфлар ўқитувчилари юкламаларини ойига 2,5 ставкагача оширишгача рухсат берди, икки сменали машғулотлар олиб бориладиган мактабларда директорлар ва ўқув ишлари мудирларининг юкламалари кунига 6 соатгача

[593] ЎзМА. Р-2282-фонд, 1-рўйхат, 20 йиғмажилд, 293-варақ.
[594] Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Том II. – Ташкент: Фан, 1983. – С. 146.

оширилди. Халқ таълими бўлимлари методистларига ўриндошлик асосида мактабларда ойига 50 соатгача ўқитувчилик ишини олиб боришга рухсат берилди. Дарс жадвалига уларнинг машғулотлари кетма-кет уч кунга қўйилди, қолган уч кун давомида улар бошқа мактабларга текширувга чиқишарди[595]. Шундай қилиб, кўплаб ўқитувчиларга кунига 10–12 соат ишлашга тўғри келди, бу эса таълим жараёни сифатига таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Кадрлар билан боғлиқ аҳволни яхшилаш учун 1943 йили «Ўзбекистонда миллий педагогик кадрларни тайёрлаш тўғрисида» ва ЎзССР ХКСнинг «Педагогик кадрларни тайёрлашни яхшилаш тўғрисида» қарорлари қабул қилинди. Уларда маҳаллий миллат вакилларидан, асосан аёллардан педагог кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу мақсадда 1943 йили сентябридан Тошкент педагогика институти, Тошкент ва Қўқон ўқитувчилар институтлари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Қўқон ва Хива педагогика билим юртлари аёллар ўқув юртларига айлантирилди. Бу эса бу ўқув даргоҳларига ўзбек миллатига мансуб кўп сонли қизларни жалб қилиш имконини берди.

Агар урушнинг биринчи йиллари университет, институт, билим юрти шаклидаги педагогик ўқув муассасалари сони 28 тага тушиб қолган бўлса, 1944–1945-ўқув йилида уларнинг сони 37 тага етди.

Уруш йилларида ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор билан қаралди. Урушнинг дастлабки йилларидаёқ Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти 8–10-синфлар учун умумтаълим фанлар бўйича дастурларни қайта кўриб чиқди.

---

[595] Рачинская Е.В. Народное образование в Узбекистане в годы Великой Отечественной войны. – Ташкент, 1963. – С. 91.

Одам анатомияси ва физиологияси фани дастурида ўқувчиларни ҳарбий санитар тайёргарлиги билан боғлиқ масалалар ўрганилиши кенгайтирилди, дарвинизм асослари фанида эса олий ва паст ирқлар ҳақида фашистлар назариясининг ёлғонлиги, асосга эга эмаслиги кўрсатиб берилди. Физика фани бўйича дастурга газ ниқоб (противогаз)ни ўрганиш ва ундан тўғри фойдаланиш, шунингдек, ўқотар қуролларни ўрганиш масалалари киритилди. Кимё дарсларида эса кимёвий реактивларни халқ хўжалиги ва ҳарбий ишда амалий қўллаш ўрганила бошланди. Географиянинг янги дастурида ўқувчилар қайси ерда бўлмасин, мўлжални тўғри олиб йўлни топа олишига аҳамият берилган эди.

Бу даврда ўзбек мактабларида рус тилини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки бу тилда «кўпмиллатли Совет Армияси гаплашар эди. Жанговар буйруқлар ва фармойишлар рус тилида берилар эди. Турли миллатларга мансуб жангчилар ўзаро рус тилида гаплашар эдилар. Шу сабабдан мактабларда, катталар мактабларида ва чақириққача бўлган ёшдагилар учун курсларда ўзбек ёшлари, шунингдек, бошқа миллатларга мансуб йигит ва қизлар учун рус тилидан мустаҳкам билим ва русча равон нутққа ўргатиш муҳим аҳамият касб этар эди»[596].

Рус тилини бошқа тилларда таълим олиб бориладиган мактабларда ўрганиш урушдан уч йил аввал бошланганлигини ўзи давлат бу масалада қандай қийинчиликларга дуч келганлигини тасаввур қилиш мумкин бўлади. Республика Маориф халқ комиссарлиги раҳбарлигида 1944 йил май ойида Институт томонидан мактабларда рус тилини ўрганиш бўйича ҳолатни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди. Булар: рус тили ўқитувчиларини тайёрлаш ва

[596] Рачинская Е.В. Народное образование в Узбекистане в годы Великой Отечественной войны. – Ташкент, 1963. – С. 25.

малакасини ошириш, услубий адабиётлар тайёрлаш ва нашр қилиш, нашр қилинадиган китоблар ададини кўпайтириш, шунингдек, бу масалалар бўйича давлатнинг қатъий назоратини амалга ошириш эди.

Ўзбек мактабларида рус тилини ўрганиш аслида рус адабиёти ва СССР тарихини ўрганиш доирасида ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳам муҳим ҳисобланган. Уруш йиллари давлат томонидан бу мақсадга эришиш учун ҳар қайси йўлдан фойдаланилган бўлса-да (мисол сифатида динга нисбатан босимнинг заифлашиши, Ўрта Осиё мусулмонлари Диний бошқармасини қайта тузилишини келтириш мумкин), дарсларда мардлик ва қаҳрамонлик намуналари, Ватан озодлиги йўлида чет эл босқинчиларига қарши курашиш мавзусидаги мисоллар кичик чекинишларни ҳисобга олмаган ҳолда, асосан рус тарихи ва адабиётидан олинган эди.

Эҳтимол миллатчиликда ва ўтмишни идеаллаштиришда айбланиб қолишдан қўрқиш янги дастурларнинг муаллифлари ва ўқитувчиларни хавотирга солган бўлиши мумкин. Коммунистик назария ғояларидан озгина оғиш ҳам инсон ҳаётига зомин бўлиши, яқин 30 йилларнинг қатағонлари хотиралари ҳали янги эди. Ҳа, урушдан кейинги даврда, кичик танаффусдан сўнг тинчлик шароитида компартия ва совет ҳокимиятининг мафкуравий тартибларига мувофиқ келмайдиган асарлар ва илмий ишларни яратишда давом этган зиёлилар яна қатағонларнинг янги тўлқинига дучор бўлганликлари ҳам бежиз эмас.

Мамлакатдаги ҳарбий ҳолат мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия, ҳарбий тайёргарликни кучайтиришни талаб қилди. Бунинг натижасида 1942 йилнинг 24 октябрида СССР Халқ комиссарлари Совети «Бошланғич мактаблар ўқувчиларининг, тўлиқ бўлмаган ўрта ва ўрта мактабларнинг 1–4

синфлар ўқувчилари ҳарбий-жисмоний тайёргарлиги тўғрисида» ва «Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларнинг 8–10-синф ўқувчиларини бошланғич ва чақириққача ҳарбий тайёргарлиги тўғрисида» қарорларини қабул қилди. Ҳукумат қарори билан мактабларда ҳарбий-жисмоний тайёргарлик сифатини кўтариш мақсадида 1942–1943 ўқув йилидан 7–10-синфларга ўсмирлар ва қизлар учун тактик, ўқотар ва саф тайёргарликлари бўйича кўчма ва битирув имтиҳонлари киритилди. 9- ва 10- синфларда таҳсил оладиган ўғил болалар ёзги таътил вақтида лагерларда ҳарбий тайёргарликдан ўтишарди[597].

Бу барча ишлар кўплаб мактабларда деярли казарма тартиби ўрнатилишига олиб келди. Халқ таълимининг Бухоро бўлимида ҳаттоки «Мактаб режимини ҳарбийлаштириш ҳақида намунавий низом» ишлаб чиқилди ва барча мактабларга тарқатилди. Бу, уруш шароитларида ҳам ўрта мактабларга нисбатан қабул қилиб бўлмайдиган ҳолат эди.

Шундай қилиб, бир томондан совет давлати уруш йилларида мактаб таълимини ривожлантириш соҳасида катта ишларни бажаришда давом этди, бу эса ўз навбатида сон кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келди. Агар, 1942–1943 ўқув йилида республикада 1777 та тўлиқ бўлмаган ўрта ва 543 та ўрта мактаб фаолият кўрсатган бўлса, 1943–1944 ўқув йилида 1838 та тўлиқ бўлмаган ўрта ва 777 та ўрта мактаб фаолият олиб борди. Қишлоқларда мактаб тармоғи ўсиб борди, ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ жойларидан етти йиллик ва ўн йиллик таълим кенгайди[598].

Бироқ, бошқа томондан олганда, бу жараён ўқувчиларнинг ёш тоифаларини аниқ ҳисобга олмасдан амалга оширилди. Айниқса, бу ўсмирлар ва кичик ёшдаги болаларни дала ва завод-фабрикалардаги ишларга, ҳарбий-ватанпарварлик тайёргарлиги

[597] Рачинская Е.В. Народное образование в Узбекистане в годы Великой Отечественной войны. – Ташкент, 1963. – С. 24.
[598] История Узбекской ССР. Т. 2. – Ташкент, 1957. – С. 427.

жараёнига жалб қилишда намоён бўлди. Бундан ташқари, ҳарбий вақт талаби билан ўқув дастурига киритилган барча ўзгаришлар доим ҳам ўзини оқламаган. Бу даврда ўқувчиларнинг, айниқса ўзбек мактабларидаги юқори синф ўқувчиларининг, имтиҳонга оз вақт қолганида ўқишни тугатмаслик ҳоллари кўп эди. Ўқитувчи кадрларнинг етишмаслиги натижасида мактабларда махсус педагогик тайёргарликка эга бўлмаган мутахассислар, ҳатто, маълумоти ўртадан ҳам паст бўлган кишилар дарс беришига тўғри келди. Албатта, бу ўз навбатида таълим жараёни сифати тушиб кетишига олиб келди.

Шунга қарамасдан, ўқувчилар ва ўқитувчилар фашизм устидан ғалабага қозонилишида ўзларининг жуда катта ҳиссаларини қўшдилар. Юқори синф ўқувчилари кўпинча фронтга кетган эр кишиларнинг дастгоҳлари олдидаги ва даладаги иш ўринларини эгаллаш учун кечки мактабларга ўтказилдилар. Ўрта ва қуйи синфлар ўқувчилари бу даврда мамлакат учун жуда керакли бўлган пахтани теришда ёрдам бердилар. Улар фронтда яраланган жангчиларга кўмак бериш учун госпиталларга боришди ва совғалар улашишди. Шунингдек, улар металл ва иссиқ кийимларни тўплашда иштирок этишди.

Албатта, эвакуация қилинган, кўпинча умуман ота-онасиз қолиб кетган минглаб болаларнинг илиқ кутиб олинганлигини ҳам эсламасликнинг иложи йўқ. Буларнинг барчаси маҳаллий аҳолининг чексиз меҳри, матонати ва меҳмондўстлиги белгиси эди. Бу хусусиятлар ўзбек халқи менталитетининг ажралмас қисми ҳисобланади ва у айниқса машаққатли уруш йилларида яққол намоён бўлди.

V-БОБ. УРУШ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ҲАЁТ

1-§. Халқ сафарбарлигида маданий омилнинг ўрни

Иккинчи жаҳон уруши даврида кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши кураши Ватанимиз XX аср тарихининг ажралмас қисми бўлса-да, халқимизнинг қозонилган ғалабадаги иштироки мавзуси тарихчи олимлар назаридан бир мунча вақт четда қолди. Фақат сўнгги йилларда уни жиддий тадқиқ этишга киришилди ва фанлараро тадқиқот методлари асосида авваллари ўрганилмаган қирраларини ўрганиш бошланди. Жумладан, Иккинчи жаҳон уруши даврида социомаданий ҳаёт мавзуси шулар жумласидандир.

Уруш йиллари Ватанимиз учун оғир кечди: Ўзбекистон ҳудудида яшаган 6 ярим миллион аҳолидан 1 миллион 951 мингга яқини урушда иштирок этиб, уларнинг 538 мингдан зиёди ҳалок бўлди, 158 мингдан кўпроқ киши бедарак кетди[599].

Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар Германиясининг собиқ СССР сарҳадларига бостириб кириши, бутун собиқ совет Иттифоқи, жумладан, Ўзбекистон аҳолисининг ҳам ҳаёт тарзига ва турмуш шароитига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ ҳокимият ресурсларнинг салмоқли қисмини фронт эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қайта тақсимлай бошлагач, мамлакат ичкарисидаги аҳолининг ижтимоий аҳволи кескин ёмонлаша борди.

Урушнинг энг оғир кечган бошланғич даврларидаёқ вагонларга ортилган минглаб саноат корхоналари, ишчилар ва муҳандис техник мутахассислари, шу билан бирга, илмий ва таълим, маданий-маърифий муассасалар ўз мулклари билан

[599] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи – https://president.uz/uz/lists/view/3564.

СССРнинг ғарбий районларидан фронт чизиғидан узоқда жойлашган ҳудудларга, жумладан Ўзбекистонга кўчирилиб келтирилди.

«Кўпмиллатли аҳолимизнинг фидокорона меҳнати билан республикамиздаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди»[600]. Шунингдек, 170 га яқин корхоналар фронт олдидан кўчириб келтирилди. Бу дарҳақиқат, мислсиз иш бўлиб, жуда қисқа муддатларда, атиги бир неча ҳафта ичида амалга оширилган эди. 1942 йилга қадар Ўзбекистон ва бошқа ҳудудларда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалабага қадар курашни давом эттириш учун кучли илмий, ҳарбий-саноат ва маданий салоҳият қайта ташкил этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон уруш кетаётган ҳудудлардан эвакуация қилинган фуқароларни, ҳарбий хизматчиларни ва айниқса қаровга ва алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ота-онасиз қолган етим болаларни ва даволанишга юборилган ярадорларни қабул қилди. Ҳаммаси бўлиб, уруш кетаётган ҳудудлардан 1,5 миллиондан ортиқ киши Ўзбекистонга кўчириб келтирилди[601].

Уруш йиллари Ўзбекистон эвакуация қилинган аҳолига ва фронтга озиқ-овқат етказиб бериб турди, қурол-аслаҳа ва барча зарур маҳсулот билан таъминлаб турди. Умуман, Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон аҳолисини бир неча ижтимоий тоифаларга бўлиш мумкин. Чунончи, улардан шу ерда муқим яшаб келган маҳаллий туб аҳоли, эвакуация қилинган аҳоли, эвакуация қилинган ва даволанишга юборилган ҳарбий контингент, Ўзбекистонда ташкил этилган хорижий ҳарбий қўшинлар ҳамда япон, немис ҳарбий асирларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Табиийки, мазкур гуруҳлариниг ижтимоий-маданий ҳаёти ва маиший шароити бир-биридан фарқ қилган.

---

[600] Ўша жойда.
[601] Ўша жойда.

Келгусида тарихчиларимиз олдида архив, статистика, оғзаки тарих материаллари, кундаликлар, уруш йилларида чоп этилган газета ва журналлар асосида маълумот тўплаб, бой фактик материал асосида бу ижтимоий тоифалар ҳаётини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш масаласи турибди[602].

1941 йилда собиқ Иттифоққа қарши жангларга шарқий фронтда гитлерчилар коалициясининг бирлашган кучлари армияси ва ҳарбий техникасининг 80 фоизи жангга жалб этилган эди. Айтиш лозимки, у даврда душманга бас келадиган, унга қарши қўйишга СССРда мувофиқ қўшин ҳам, техника ҳам йўқ эди.

Мамлакат ичкарисида ҳам ижтимоий ҳаёт шароити оғир бўлиб, ҳар соҳада қатъий интизом ўрнатилиши, дам олиш кунларисиз узайтирилган иш сменасидаги машаққатли меҳнат, ора-чорада урушдан келиб турган «қора хат»лар, ярим оч ҳаёт, озиқ-овқат карточкаларининг жорий этилиши, нон олиш учун узундан узоқ навбатларда туриш, ҳатто энг зарур нарсаларнинг – гугурт, туз, совуннинг ҳам етишмаслиги кундалик турмушда доимий ҳолатга айланган эди. Шуларга қарамасдан, Иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозонилди ва бу ғалабанинг маънавий асосларини, жумладан бу борада социомаданий омилларни ўрганиш катта илмий аҳамият касб этади.

Америкалик тарихчи Девид Гланснинг Иккинчи жаҳон урушига бағишланган китобида[603] у бу урушни – “мисли кўрилмаган даҳшатли ва ҳақиқий «культуркампф» эди”, – деб баҳолайди. Дарҳақиқат, бу уруш адабиётларда аввалига «моторлар жанги», кейинчалик, «цивилизациялар жанги», «ғоялар жанги» деб номланган бўлса-да, уни, мухтасар ҳолда

[602] М.Қ.Назирхўжаевнинг «1945–1950 йилларда Ўзбекистон ССР ҳарбий жамлоқларидаги япон ҳарбий асирлари тарихи» (Тошкент, 2022) мавзусида илмий тадқиқоти бу йўналишдаги илк қадамлардандир.
[603] Гланц Дэвид. Советское военное чудо 1941–1943. Возрождение Красной Армии. – М.: «ЭКСМО», 2008. – 504 с.

турли маданиятлар ўртасидаги ҳалокатли кураш деб аташ мумкин.

Дарҳақиқат, вақт масофасидан туриб, миллионлаб халқларнинг бошига оғир фожиа келтирган бу уруш натижасида аввало жангга кираётган оддий аскарнинг иштирок этаётган жангу жадалда ўзи ва яқинлари тақдири ҳақидаги фикру-ўйлари ёки станок олдида меҳнат қилаётган ўсмир, аёл ёки мўйсафиднинг руҳий кечинмалари, армону ўкинчлари жангда ишлатилаётган қурол-яроғ, техника, қўшинлар сони, қўмондонлар маҳорати даражаси кабилардан салмоғи кам бўлмаган, баъзан эса ундан-да аҳамиятли, урушда ғалаба қозонишда ҳал қилувчи омил бўлган, дейиш мумкин.

Чунончи, Германия ва Совет Иттифоқи ўртасида уруш муқаррарлиги аён бўла бошлагач, ҳукуматлар маданий омилнинг урушда ғалаба қозониш учун нақадар улкан таъсирини тушуниб, аввалданоқ маданият ишларига катта эътибор қаратишди, соҳани маблағ ва мутахассислар билан қўллаб-қувватлашди.

Шу ўринда, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтда ҳам, фронт ортида ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлган, ғалабага руҳлантирган «Александр Невский» кинофильмини келтириш мумкин. У урушдан анча аввал, 1937 йилда суратга олинган эди. Ўша йилларда босқинчиларга нафрат ва урушда ғалаба муқаррарлиги ҳақидаги фикрлар санъат воситасида томошабинларга сингдирилди.

Ўз ўрнида фашистлар Германияси ҳам СССРга қарши ҳужумга тайёргарлик кўриш давомида психологик ва ахборот урушини ташкил этишга катта эътибор қаратди. Гитлер раҳбарлигида Вермахтда тарғиботчиларнинг махсус бўлимлари ташкил этилиб, улар радиомашиналар, босмахона ускуналари ва қоғозлар билан таъминланди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистик гитлерчиларнинг улкан ташвиқот кампаниясига СССРда, аввало КП(б) МҚ қошидаги Ташвиқот ва тарғибот бошқармаси ва Қизил армия Бош сиёсий бошқармаси қарши турди. Бу ташкилотлар радио, газета, журналлар таҳририятлари, китоб нашриётлари ишини назоратга олди. Радиоэшиттиришлар, газета ва журналлардан билим ва матонат, руҳий қувват олган юз минглаб жамоатчи ташвиқотчи ва тарғиботчилар фронтда ва фронт ортида фаолият юритишди. Қизил армиянинг махсус самолётлари ёрдамида душман позициялари устига миллионлаб варақалар тарқатилди. Тарғибот душманга қарши қудратли қурол сифатида қаралди.

Дарҳақиқат, фавқулодда вазиятларда бўлгани каби, уруш йиллари оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ниҳоятда ортди. Бу даврда энг оддий хабарлар, ҳатто, сухандоннинг овоз тембри ҳам инсонларга кучли таъсир этиши мумкин эди. Чунончи, объектив, вазминлик билан берилган ахборот ваҳимали хабарлар ва миш-мишларни, ёлғон хабарларни йўқ қилишга ёрдам берарди.

Айтиш лозимки, урушнинг илк кунларида душман томонидан тарқатилган, ваҳимали сохта хабарлар аҳоли орасида ниҳоятда тез тарқалиб, одамларни саросимага сола бошлаган эди. Шуни назарда тутиб, 1941 йилнинг 6 июлида СССР Олий Совети Президиумининг «Уруш даврида аҳоли ўртасида ваҳима уйғотадиган ёлғон миш-мишларни тарқатиш учун жавобгарлик тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонда «Бундай жиноятларда айбдор бўлганлар бундан буён жавобгарликка тортилиб, 2 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум этилади», деб огоҳлантирилди[604].

[604] Белов О. От двух до пяти. За распространение ложных слухов. – https://spbvedomosti.ru/news/nasledie/ot-dvukh-do-pyati-za-rasprostranenie-lozhnykh-slukhov/.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари орасида радио энг муҳим аҳамиятга эга бўлди. Авваламбор, радионинг хабар етказиш тезлиги жуда юқори бўлиб, «жонли овоз» воситасида тингловчиларга чуқур эмоционал таъсир кўрсата олиши билан у қолган оммавий ахборот воситаларидан устун турган.

Аслида 1928 йили Ўзбекистонда, аниқроғи Тошкентда Ўрта Осиё давлат университети лаборанти Б. Грабовский ва алоқа ходими И. Белявскийлар томонидан ихтиро қилинган телевизор 1939 йилда Москва ва Ленинградда ишлаб чиқарила бошланган эди. Бироқ ахборот узатишнинг бу тури ҳали кенг тарқалмаган, уруш бошланиши билан эса телевидение соҳасини ривожлантириш ишлари буткул тўхтатиб қўйилди.

Уруш шароитида 1924 йилда бошлаб мунтазам равишда амалга оширилаётган радиоэшиттиришларнинг аҳамияти эса кескин ортди. Аслида 1941 йилга келиб радиотармоқлар бутун СССР ҳудудини, жумладан, Ўзбекистон ҳудудини ҳам қамраб олганди. Шаҳар ва қишлоқларнинг Марказий кўчалари ва бош майдонларида карнайлар ўрнатилган, хонадонларда ҳам радио нуқталар (пунктлар, тарелкалар) бор эди.

1941 йилнинг 22 июни якшанба тонгида Ю. Левитан соат 12.00да муҳим ҳукумат ахбороти узатилишини эълон қилади ва белгиланган вақтда СССР Ташқи ишлар халқ комиссари В. Молотовнинг фашистлар Германиясининг Совет Иттифоқига уруш эълон қилмасдан бостириб кирганлиги ҳақида ахбороти берилди. Орадан 45 минут ўтгач эса, илк бора ҳарбий мавзудаги «Сўнгги хабарлар» эфирга узатилди. Унда фронтдаги аҳвол ҳақида қисқача ахборот берилди. Шу вақтдан бошлаб, радио овози бирор муддатга ўчмай, аҳолининг диққат марказида бўлди.

1941 йил 25 июнида СССР Халқ Комиссарлари Советининг қарорига кўра хусусий фойдаланишдаги барча радиоприёмник ва

радиоузатувчи ускуналар Алоқа халқ комиссарлигига вақтинча сақлаш учун топшириш буюрилди[605]. Бу уруш ҳолати тақозо қилган ва маълум сабабларга кўра амалга оширилган тадбир эди.

Ўзбекистон радиосида ТАСС ва Совинформбюро материаллари Москвадан трансляция вақтида ёзиб олинар ва зудлик билан ўзбек тилига таржима қилиниб, эфирга узатиларди[606]. Радио ходимлари Совет Ахборот бюроси хабарларини, «Сўнгги ахборот» материалларини, «Правда» газетасининг бош мақоласи шарҳини ҳам худди шу каби ўзбек тилига таржима қилиб, республика аҳолисига тезкор етказиб турди. Айтиш лозимки, уруш йилларидаги бу каби радиоэшиттиришлар нафақат ўзбек тилида, балки СССР халқларининг аксарият тилларида, шунингдек, дунёнинг кўплаб халқларининг тилларида янгради. Собиқ Совет Иттифоқининг маконида ҳам, бутун дунёда ҳам урушнинг бориши ҳақидаги тасаввур ҳам ана мана шу эшиттиришларга асосланиб шаклланган. Бу борада хорижий мамлакатларга эфирга ахборот узатаётган таҳририятлар алоҳида ўрин тутди. 1941 йил охирига келиб бу каби дастурлар дунёнинг 21 тилида, жумладан, ўзбек ва Марказий Осиёнинг бошқа халқлари тилида янгради ҳамда душман ва бетараф мамлакатларга узатилди. Эшиттиришларнинг умумий ҳажми кунига 51 соатни ташкил қилган.

Москва радиоси орқали эшиттирилган энг муҳим материаллар асосида ўзбек радио журналистлари «Сўнгги соатда» номли эшиттиришлар бериб борганлар. Айниқса, «Фронтдан хатлар», «Фронтга хатлар» деган эшиттиришлар кенг

---

[605] Постановление Политбюро ЦК ВКП(б) “О сдаче населением радиоприемных и передающих устройств” от 25 июня 1941 г. – http://www.hrono.info/dokum/194_dok/19410625beri.php.

[606] Обидова З. Радиога бахшида умр // Ўзбекистон матбуоти. – Тошкент, 1996. – 2-сон. – Б. 14–15.

халқ оммасининг эътиборини ўзига тортган[607]. «Фронтдан хатлар» рукнидаги эшиттиришлардан бирида ўқилган жангчи Чебурихиннинг Ғафур Ғуломга мактубида – “Муҳтарам Ғафур Ғулом! Сизнинг «Правда» газетасида босилган «Сен етим эмассан» шеърингизни ўқидим. Бу шеърингиз устига тўкилган кўз ёшимни сизнинг асарингизга бўлган ҳурматим деб билинг. Энди сизнинг юртингизга эвакуация қилинган ўғлим тақдири учун хотиржамман. Жангчи Чебурихин”, – деган сатрлар бор эди[608].

Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг маънавий омили сифатида маданият улкан аҳамиятга эга бўлди. Аввало шуни айтиш лозимки, маданий инқилоб, маданият фронти ва маданият фронти жангчиси образли иборалари Иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар пайдо бўлиб, маслаги «соф санъат» ёки «санъат санъат учун» эмас, унинг халқ фаровонлигига хизмат қилиши учун яшаш бўлган зиёлиларнинг янги стратаси шакллана бошлагани билан боғлиқ ҳолда юзага келган эди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон ижодкор зиёлиларининг барча вакиллари – ёзувчилар, бастакор ва композиторлар, режиссёрлар ва рассомлар фашизмга қарши курашда адабиёт ва санъатнинг даъваткор кучини англаган ҳолда бунинг фаол ва самарали шакллари бўйича иш олиб боришди. Улар жангчиларни маданий жиҳатдан илҳомлантирувчи асарлар – қўшиқлар, шеърлар, плакатлар, карикатуралар яратдилар ва концерт бригадалари таркибида олдинги жабҳаларда ўз ижодларини намойиш қилдилар. Фронт ортида ҳам улар нашриётларда, радио ва газеталарда, кутубхоналарда, музейларда, театрларда, клубларда меҳнат қилиб, ўз асарлари

[607] Шодмонова С., Темирова М. Ўзбекистон радиосининг Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага қўшган ҳиссаси. – https://www.uzanalytics.com/media/7386/.
[608] Каримов О. Янги ўзбек адабиёти тарихи. – Наманган, 2016. – Б. 80–82.

билан халқнинг ғалаба муқаррарлигига ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилишди.

Урушнинг илк кунларидаёқ ёзилган Ойбекнинг «Ёвга ўлим!» ва Ҳамид Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол!» шеърлари инсонни Ватан ҳимоясига даъват қилувчи чақириқ бўлиб янгради. Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Амин Умарий, Ойдин, Зулфия, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Туроб Тўланинг жанговорлик руҳидаги асарлари ҳам матбуот саҳифаларида мунтазам эълон қилиб борилди. Айтиш лозимки, Ўзбекистон ижодкор зиёлиларининг бу асарлари урушнинг илк кунларидаёқ яратилиб, бутун собиқ Иттифоқ ҳудудида кенг тарқалиб кетган В. Лебедев-Кумачнинг «Муқаддас уруш» қўшиғи, И. Тоидзенинг «Она Ватан чақиради!» («Родина мат зовет!») плакатига ҳамоҳанг бўлиб, Ватанни ҳимоя қилишга чақириқ, бунинг учун фронтда ҳам, фронт ортида ва мамлакат ичкарисида ҳам ҳар қанча фидойиликка тайёрлик ҳисси кучли эди. Чунончи, айнан шу жиҳат уруш йилларида яратилган адабий асарлар ва санъатнинг барча турлари жанрларининг асосий мавзусига айланди. Мутахассислар фикрича, айнан шу жиҳат Ғалабанинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлди[609].

Фронт олди ҳудудларидан эвакуация қилинган Алексей Толстой, Корней Чуковский, Анна Ахматова, Янка Купала, Якуб Колас, Светлана Сомова каби рус, украин, белорус ёзувчи ва шоирлари билан адабий ҳамкорлик ишлари олиб борилди. Жумладан, «Биз енгамиз!» алманахи ва «Ўзбекистон шоирлари – фронтга» антологияси чоп этилди. Алишер Навоий, Бобур асарлари, «Алпомиш», «Гўрўғли» эпослари рус тилига таржима қилинди.

---

[609] Лапшин А. О. Прежде всего, о том, почему мы публикуем этот текст // Власть. – 2013. – № 4. – С. 4.; Лапшин. А. О. Матрица // Власть. – 2014. – № 2. – С. 15–16.

Уруш Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги нишонланадиган йили бошланди. Шунга қарамай 1941 йил декабрида қамалда қолган Ленинград шаҳрида жойлашган Эрмитаж музейида илмий йиғилиш ўтказилди. 1944 йили ўзбек романчилигининг юксак намуналаридан бири бўлган академик шоир Ойбекнинг «Навоий» романи чоп этилди.

Фронтда ташкил этилган ўзбек тилидаги газеталарда Жалолхон Азизхонов, Мирзакалон Исмоилий, Адҳам Раҳмат, Назармат, Мели Жўра, Иброҳим Раҳим каби қатор ёзувчи ва шоирлар фаолият олиб боришди. Шуҳрат, Шароф Рашидов, Вали Ғофуров сингари адабиёт вакиллари жанггоҳларда душманга қарши курашдилар. Обиджон Абдураҳмонов, Султон Жўра, Бурҳон Турсунов каби кўплаб ёзувчи ва шоирлар жанг майдонларидан қайтмади.

Театрларнинг репертуарларидан ҳарбий ва тарихий мавзудаги асарлар ўрин олди. Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна», Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», Иззат Султон ва Уйғуннинг «Алишер Навоий», шунингдек, «Ўзбекистон қиличи», «Қурбон Умаров» каби асарлар ёзилиб саҳналаштирилди.

Уруш йилларида бадиий кинематография санъати ҳам халқ оммасини фронтга ёрдам учун сафарбар қилишнинг қудратли қуролига айланди. Аксарият машҳур режиссёрлар бадиий фильмлардан кўра кўпроқ ҳужжатли фильмлар олишга киришдилар. Лекин шундай бўлса-да, бадиий фильм жанрида ҳам асарлар яратилди.

Айнан шу йилларда фронт концертлари суратга олиниб, бу бадиий фильмларнинг ўзига хос миллий колоритдаги қизиқарли мобил шакли эди. Барча иттифоқдош республикаларнинг энг машҳур санъаткорлари иштирок этган ушбу фильмлар жангчи аскарларга, шунингдек, мамлакатнинг барча миллат вакилларига

қаратилган мурожаати бўлди. Умуман олганда, 1941 йилдан 1943 йилга қадар барча совет республикаларининг фронт концертлари суратга олинган. Қизил армия сафида жанг қилаётган аскарлар учун бундай концертлар ўз Ватанидан юборилган ўзига хос салом эди.

Шу йилларда ўзбек кинематографияси ходимлари қисқа метражли фильмлар туркумини – киноновеллалар, киноҳикоялар, очерклар, кичик сатирик саҳналар, шунингдек, жангчилар учун «Фронтдаги дўстлар», «Ватан совғаси», «Фронтга концерт» каби махсус фильм-концертларни тасвирга олдилар.

Шу йилларда фильм намойиш қилишнинг янги шакли пайдо бўлди. Ҳаракатдаги фронт жангчиларига ҳам, фронт ортида меҳнат қилаётганларга ҳам хизмат кўрсатиш учун кўчма кинотеатрлар ташкил этилиб, улар микрофон, граммафон ёзувлари ва нотиқлар нутқини эфирга узатиш учун мўлжалланган махсус кучайтиргич билан жиҳозланди. Киносеансдан аввал долзарб мавзуларда кичик маъруза ва суҳбатлар уюштирилиб, уларда рассомлар, олимлар, ҳарбийлар иштирок этишарди.

1941 йил ёзида Киев, Одесса, Минск бадиий фильмлар киностудиялари ва «Союздетфильм» (бўлажак М.Горкий номли) Ўрта Осиё республикаларига – Тошкентга, Сталинободга (Душанбе)га ва Ашхободга кўчирилди. Кейинроқ эса «Ленфильм» ва «Мосфильм» Олматага кўчирилади. Тошкент киностудиясида ўзбек ва эвакуация қилинган киносанъаткорлар бир жамоа бўлиб фаолият кўрсатадилар. Жумладан, бу йилларда юртимизга эвакуация қилинган Л. Луков, Е. Габрилович, И. Хейфиц, Н. Зархи сингари таниқли кино усталари Тошкент студиясида самарали ижод қилиб, Й. Аъзамов, Н. Ғаниев, К. Ёрматов, С. Муҳамедов сингари машҳур ўзбек режиссёрлари билан биргаликда республика кинематографияси олтин хазинасига кирган 10 та бадиий фильмни яратдилар. «Александр

Пархоменко» илк суратга олинган фильмлардан бўлди. Шунингдек, режиссёр Н. Ғаниевнинг «Биз енгамиз!» фильми ҳам 1941 йил июлида суратга олинган эди. Кейинчалик «Икки жангчи», «Насриддин Бухорода» (1943 йил), «Тоҳир ва Зуҳра» (1945 йил) фильмлари яратилди.

Уруш бошланишидан бир муддат олдин ташкил этилган «Союзмультфильм» Самарқандга эвакуация қилинган ва 1941 йилнинг сентябрь ойидаёқ ўз маҳсулотини намойиш қилади. «Фон Граббенинг интиҳоси» сатирик мультфильмида фашист босқинчи-газандаларининг шармандаларча якун топиши кўрсатилган эди. Ушбу студиянинг кейинги маҳсулотлари ҳам антифашист характеридаги ўзига хос мульт-агитация, мульт-сатира, мульт-фельетон бўлиб, шу билан бирга болалар учун ҳамда комедия жанридаги мультфильмлар ҳам ишлаб чиқариларди.

Уруш йилларида Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Имомжон Икромов, Мухтор Ашрафий, Мутал Бурҳонов, Сулаймон Юдаков, Толибжон Содиқов, Дони Зокиров, Набижон Ҳасанов ҳамда бошқа бастакор ва композиторлар шоирлар билан ҳамкорликда ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида қатор қўшиқларни ижод қилишди. Кинофильмда, радиоэфир орқали, саҳнада ёки граммафонда янграган қўшиқ халқ қалбига ўтирса, у фронтдами ёки унинг ортидами оммалашиб кетарди.

Мухтор Ашрафий 1942 йили ижод қилган ва фашизмга қарши кураш ўз ифодасини топган «Қаҳрамонлик симфонияси» учун давлат мукофотига сазовор бўлди. У биринчи бор 20 ноябрь куни Тошкентда ижро этилди. Бу асар 1945 йилнинг сентябрь ойида АҚШда ҳам янграйди ва шу йили асар ёзилган пластинка Америкада оммавий ададда чиқарилади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида собиқ Иттифоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганган мутахассисларнинг

баъзилари бу даврда ҳукумат ва халқ муносабатларида содир бўлган муҳим ўзгаришларни кўплаб далиллар билан асослаб берадилар. Энг муҳими – бу даврда *«халқ ўзларини бўйсунувчи объектдан ўзини ўзи таъминлайдиган субъектга айлантирдилар, воқеа ва ҳодисаларни бошланишига ташаббускор бўлдилар, ҳокимиятнинг камчиликларини танқид қилдилар ва уларнинг ечимларини таклиф қилдилар»*[610]. Тадқиқотчи О.Г. Жукова эса ҳокимиятнинг дин соҳасига, миллий чекка ўлкаларга нисбатан, кўпмиллатли собиқ Иттифоқ таркибидаги халқларнинг тарихий ва маданий ёдгорликларини сақлаш, тарихда ўтган буюк шахслар, алломалари номларини тиклашга муносабатининг ўзгаришини илмий муомалага илк бора киритилган кўплаб архив ҳужжатлари асосида очиб берган[611]. Чунончи, уруш йилларида собиқ Иттифоқ ҳукуматининг дин масаласида енгиллик бериши Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг ташкил этилишига имкон берди. 1941 йил сентябрида Шайх Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон бошчилигида бир гуруҳ уламолар мусулмонларни бирлаштирувчи ташкилот тузиш юзасидан ЎзССР Олий Совети Президиуми раиси Йўлдош Охунбобоевга мурожаат қилади. У Москва билан музокаралар олиб боради. 1943 йил 10 июнда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкил этилишига рухсат берилади. 1943 йилнинг 15–20 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойи бўлиб ўтади. Қурултойда беш республикадан 160 вакил қатнашиб, «Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния назорати» номи билан ташкилот тузилди. Унинг раиси этиб Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон сайланади ҳамда унга

---

[610] Корнеева Ю.В. Культура как фактор Великой Победы. // Знание, понимание, умение. – М., 2017. – № 1. – С. 263–268.
[611] Жукова О. Г. Культурная жизнь СССР как феномен повседневности Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. – М. : Изд/во Моск. гуманит. ун/та, 2016. – 228 с.

минтақадаги беш иттифоқдош республика муфтийси унвони берилди. Қурултойда душманга қарши курашда якдиллик, Ватанни душмандан озод этишда фаоллик кўрсатишга даъват билан мусулмонларга Мурожаат қабул қилинди.

Диний назорат фронтга ёрдам маблағлари тўплашда ҳам фаол бўлди. Хусусан, Эшон Бобохон ҳамда Ўрта Осиё мусулмонларига Мудофаа қўмитаси ҳисобига ўтказилган 1 миллион 280 минг рубль пул ва 117 минг рубль миқдоридаги облигациялар, тўпланган дон ва қорамол учун СССР Давлат Мудофаа Қўмитаси раиси ўзининг миннатдорчилигини билдирди.

Уруш йиллари, аниқроғи, 1944 йили Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон бошчилигида вакиллар биринчи бор Саудия Арабистонига ҳаж сафарига йўл олдилар. Сафар давомида улар Эрон, Ироқ, Ливан ва Мисрда ҳам бўлиб, илк бор хориждаги диндорлар билан мулоқотда бўлиш, шахсий алоқалар ўрнатиш имкониятига эга бўлдилар.

Шуни қайд этиш лозимки, собиқ Иттифоқ Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий харажатларга улкан маблағлар сарфлашга мажбур бўлиб, бу харажат ўртача бир кунга 388 миллион рублни ташкил қилар эди. Шунга қарамай, давлат оғир шароитда жуда катта ададларда ҳар куни варақалар, кўп сонли газета ва журналлар (урушгача бўлган ададдан камроқ), миллионлаб нусхаларда адабиётлар, шу жумладан, болаларга мўлжалланган рангли китоблар нашр этиш, ўйинчоқлар тайёрлаш учун ҳам маблағ топиш муаммосини ҳал этган.

Бадиий, ҳужжатли, ўқув фильмлар ҳамда мультфильмлар суратга олинди. Эвакуация қилинган театрлар, музейлар, киностудиялар, бадиий кўргазмалар, халқ ижодиёти уйлари жиҳозланиб, фаолиятини давом эттирдилар. Булардан ташқари, 1942–1945 йиллар ичида янги опера ва балет театрлари, драма

театрлари, ёш томошабинлар театрлари, қўғирчоқ театрлари, ўнлаб музейлар, кутубхоналар, симфоник оркестр ва жаз ансамбллари, халқ хорлари, клублар очилди. Айтиш лозимки, бу ишларни йўлга қўйиш осон кечмаган.

Бунинг устига уруш бошланган кезларда маданият ва санъатга доир масалаларни ҳал қилиши лозим бўлган совет ташкилотлари масъулиятни ўз зиммаларига олишга чўчишар ва ҳар бир масала юзасидан Марказий Комитетнинг турли секретариатлари ва ҳукумат органларига мурожаат қилардилар. Адабиёт ва санъат асарлари хусусидаги масалалар ижодий уюшмалардан кўра, кўпроқ партия ташкилотлари томонидан кўриб чиқилар эди. Сабаби, бадиий адабиёт ва санъатнинг инсонлар онгига энг кучли таъсир кўрсатиши ва мафкура инсоннинг онги, ҳиссиётларига бадиий ва энг таъсирчан шаклда сингдирилиши туфайли бадиий асарларда мафкуравий масалаларнинг қўйилиши партия ташкилотлари томонидан доимий назоратга олинган эди.

Бироқ шу жиҳати ҳам эътиборга лойиқки, уруш даврида, аниқроғи 1954 йилга қадар собиқ Иттифоқда Маданият халқ комиссарлиги (вазирлиги) бўлмагани туфайли маданият ишлари Маориф халқ комиссарлиги зиммасига юкланган. Фикримизча, ўша давр учун бу айниқса ижобий ҳолат бўлиб, маданий-маърифий ишларнинг юқори самарадорлигига, мутаносиблигига таъсир қилиб, уларни мувофиқлашган тарзда олиб бориш имкониятларини кенгайтирган.

Ҳар қандай жамият тараққиётининг ижтимоий-маданий жиҳатининг ўзига хослиги шундаки, у маънавий маданиятнинг юксак кўринишларини (кенг маънода санъат ва таълимни) ҳамда моддий маданият кўринишларини (соғлиқни сақлаш, савдо, маиший хизмат) ҳам ўз ичига олади.

Бу даврдаги буйруқлар, қарорлар ва кўрсатмалар мақсад ва вазифаларининг аниқ-равшанлиги билан ажралиб турарди. Ўша пайтда ҳокимият жамиятга ниҳоятда ихчам ва ишончли тилда мурожаат қилар эди. Аммо бошқа бир тенденцияни ҳам таъкидлаш керакки, бу – маданият ва ижтимоий қурилиш соҳасидаги кўплаб ташаббусларнинг қуйидан: зиёлилар, ишчилар синфи, деҳқонлар томонидан газеталарга, маҳаллий ҳокимият органларига ва ҳукуматга мурожаатларидан бошланарди... Ва у амалга ошарди!

Меҳнаткаш халқнинг кенг қатламлари ва ижодкор зиёлиларнинг юксак иштиёқи асосида ижодий ижтимоий-маданий жараён фронтда ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам тўхтамади. Ушбу жараённинг ҳар бир намойиши билан ҳокимият ва халқлар: *«Биз таслим бўлмаймиз! Биз ғалаба қозонамиз!»* дея бир-бирларини ишонтирмоқчи бўлгандек туюлар эди[612].

2-§. Театр санъати

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон театр санъати олдига ватанпарварлик туйғусини юксалтириш билан боғлиқ ҳолда янги репертуарни шакллантириш бўйича кечиктириб бўлмас вазифаларни қўйдики, бу Россия, Украина, Белоруссиядан эвакуация қилинган театр ва мусиқа жамоалари билан яқин ҳамкорликда амалга ошди. Улар орасида Иван Франко номидаги Украина академик театри, Харьков мусиқали драма театри, Днепропетровск театри, Москва, Ленинград, Львов миниатюралар театрлари, Херсон театри, Ростов драма театри, К.С.Станиславский номидаги Опера студияси ва бошқа жамоалар бор эди.

И.Н.Берсенев раҳбарлигидаги Москва театрида саҳналаштирилган К.Симоновнинг «Шаҳримиздан чиққан

[612] Ўша жойда

йигит», А.Корнейчукнинг «Фронт», «Украина чўлларида», «Богдан Хмельницкий», Л.Толстойнинг «Тирик мурда», Г.Ибсеннинг «Нора», Лопе де Веганинг «Валенсия беваси», А.Арбузовнинг «Таня», Л.Леоновнинг «Ҳамла», И.Франконинг «Ўғирланган бахт», И.Котляревский ва Н.Лисенконинг «Полтавалик Наталька» спектакллари нафақат театр жараёнларини жонлантирди, балки «сўз маънодорлиги ва нафислиги, психологик тавсифлашнинг ҳаққонийлиги, характер акс эттиришнинг кўп қирралилиги» жиҳатидан режиссёрлик ва актёрлик маҳорати мактаби бўлди[613].

«Нора», «Тирик мурда», «Васса Железнова» спектаклларида С.В.Гиацинтованинг Нора, И.Н.Берсеневнинг Протасов, С.Г.Бирманнинг Васса Железнова роллари – кечинма мактабининг сара намуналари бўлди.

Уруш йилларида Тошкентда яшаган А.Н.Толстой, Н.Ф.Погодин, Б.А.Лавренев, М.О.Штейнберг, П.Л.Серебряков шаҳарнинг театр ва мусиқа ҳаётида иштирок этди. М.М. Штраух, А.М.Бучма, С.М.Михоэлс, Н.М.Ужвий сингари санъаткорлар ўзбек театрлари ривожланишига таъсир кўрсатишди.

Профессионал созандалар ва дирижёрлар, режиссёрлар, хормейстерлар ва балетмейстерлар иштироки билан ҳам шаҳар, ҳам вилоят театрларининг саҳналаштириш ва ижро маданияти сезиларли тарзда кўтарилди.

И.Н.Берсенев Фарғона театрида актёрлик маҳоратидан машғулотлар олиб борди. Днепропетровск опера театри артистлари ва мусиқачилари Наманган театр труппасига нота саводини эгаллаш, овозни қўйиш устида ишлашга кўмак берди. Мана шундай ҳамкорлик натижасида С.Гулак-Артемовскийнинг «Дунай ортидаги запорожлик» спектакли саҳналаштирилди.

---

[613] Дьяченко В.П. Узбекский театр в годы войны: Архив НИИ Искусствознания АН РУз. – Д. 93. – № 211.; Ишантураева С. Узбекский театр в годы войны // газета «Правда Востока». – 4 июня 1944 г.

Ўзбекистон театрлари репертуарида ўша йиллари ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси алоҳида ўрин эгаллади. Қисқа муддатда яратилган «Қасос», «Қурбон Умаров», «Ўзбекистон қиличи», «Шерали», «Қўчқор Турдиев», «Даврон ота» мусиқали драмаларида ватанпарварлик руҳидаги кучли характерлар гавдалантирилдики, улар тегишли саҳнавий воситаларни талаб этарди. Спектакллардаги йирик план, қаҳрамонлик ва патетиканинг бу қадар уйғунлиги оловли уруш авж олаётган вақтда ҳаётий ҳақиқатга айланган эди.

1941 йилнинг 3 сентябрида «Қурбон Умаров» мусиқали драмаси намойиш этилди. Уруш йилларининг дастлабки вақтидаги бошқа тарғибот руҳидаги пьесалар қаторида бу асар ҳам тез ва кўплаб ижодкорлар кенг жалб этилган ҳолда яратилди. Драматург С.Абдулла, шоир Чустий матнни ёзди, Т.Жалилов Х.Тўхтасинов ёрдамида халқ куйларини танлаб мусиқа ижоди билан шуғулланди, Г.Шперлинг куйнинг гармонизацияси ва оркестрлаштиришни амалга оширди. Саҳналаштирувчи режиссёрлар В.Азимов, И.Донатов, рассом П.Коваль, дирижёр Х.Тўхтасинов, балетмейстер В. Губская, театрнинг бутун жамоаси дам олмасдан 12 кун давомида тинимсиз меҳнат қилди.

Ватанга муҳаббат ва халқлар дўстлиги мавзусидаги мазкур асарда қаҳрамонлар Қурбон, Баҳри, Оксана, Василий фашистлар Германияси устидан ғалаба қозониш учун мардларча ҳаракат қилишади.

Машраб Юнусов ижросидаги Қурбон – фаол ҳаётий ва фуқаролик позициясига эга ёш ватанпарварларнинг ёрқин вакили. Қурбон ва Баҳри (Ш.Раҳимова) тўйи уруш бошланганлиги ҳақидаги хабар билан тўхтаб қолади. Қаҳрамонни қондошлари ва яқинларидан айрилиш кутаётган эди. «Доврук» арияси асарнинг бош мавзусига айланади.

Қурбон узоқ вақт томошабиннинг ёдида қолди: уни «жаллодлар қийноғи синдирмади. Отиш олдидаги охирги дақиқалар, гитлерчилар галаси олдидаги сўнгги сўзлар... Аскар мағрур ҳолда бошини баланд кўтариб, юзидаги қатъият ва ёниқ нигоҳи билан жонажон халқи курашаётган жойга қарар эди... Саҳнада Қурбон эрксевар, Ватанга садоқатли фарзанд рамзи даражасига кўтарилади. Томошабиннинг нигоҳи саҳнада. Залда эса эрлари, оталари, ўғиллари фронтга кетган кўплаб аёллар бор эди»[614].

1941 йилнинг 19 декабрида саҳна юзини кўрган Ш.Туйғун, А.Умарийнинг «Қасос» (Ю.Ражабий, Б.Надеждин мусиқаси, режиссёр И.Донатов, дирижёр Х.Тўхтасинов, рассом Л.Фойленбоген) мусиқали драмасида украин Чумак ва ўзбек Элёр қатнашаётган партизанларнинг қаҳрамонлик кураши ҳақида сўз боради. Улар асар давомида мардлик, жасорат кўрсатиб, таҳқир этилган ер, миллионлаб одамларнинг ўлими учун ваҳимали қасоскорларга айланишади.

Ўша вақтда Ўзбекистоннинг деярли барча театрларида «Қурбон Умаров» спектакли қўйилди. Фарғона театри актёрлари М.Дадажонов, У.Мадраҳимов – Қурбон, Ю.Хўжаева, Э.Мирмаҳмудова – Баҳри ролларида қаҳрамонлари дунёсидаги ёрқин ҳиссиётларни ифода этишди. Бу – ўша йилларда ёшларнинг қатъият билан синовларга дош бериб яшаш тарзини намоён этган эди. Спектакль муваффақияти ҳам ана шунда эди.

Андижон театрида А.Иброҳимов (Қурбон), Х.Аминова, Т.Султонова (Баҳри), М.Муҳсинова (Ҳамро), А.Бакиров (Маҳкам) – ўзлари ва замондошларини ижро этаётганликларидан ҳам спектаклдаги воқеаларни томошабин ўзига яқин қабул қилган эди.

[614] Материалы архива НИИ Искусствознания… – Д. 98. – № 211. – С. 12.

Андижон театри С.Абдулла, К.Яшиннинг «Даврон ота» пьесасини (Т.Содиқов ва Н.Салоҳов) Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри постановкасини такрорламасдан, халқ чолғулари ансамбли жўрлигида саҳналаштирди. Театр саҳнасида ватанпарварлик мавзусини бундай ишланиши – халқ руҳияти билан мос келган эди.

М.М.Крушельницкий, И.Н. Берсенев, В.Г.Меллер Фарғона театрида қатор пьесаларни саҳналаштиришда иштирок этишди. Улар мусиқали театрда сўз, рақс, декорациянинг ғоявий-эстетик вазифаларни ифода этиш хусусиятлари ва имкониятларини тушунган ҳолда асарнинг мазмунини очиб бериш орқали образни ривожлантиришга интилишди ва шу мақсадга ҳар бир детални бўйсундиришди.

И.Н.Берсенев режиссёр М.Ҳайдаровга «Қасос» спектаклини (рассом С.Габитов) саҳналаштиришга кўмаклашди. Репетициялар жараёнида И.Н.Берсенев актёрларга салбий ёки ижобий қаҳрамон образи бўлишидан қатъий назар юзаки ва қўпол усуллардан қочишни, персонажларнинг индивидуал жиҳатларини очиб берувчи бўёқларни излашни маслаҳат берарди. И.Н.Берсеневнинг ўзи актёрларни грим қиларди. Хусусан, С.Аҳмедов ижросидаги немис офицерининг совуқ ва сурбет қиёфаси бўзарган юз, ингичка мўйлов ва лаблар, сарғиш сочлар, бир қанча асабий хатти-ҳаракатлар билан ифодаланди.

Бу тажрибадан М.Ўрдубодининг «Беш пулли келин» спектакли (С.Рустамов мусиқаси, режиссёр С.Аҳмедов, рассом В.Г.Меллер) устида ишлашда ҳам фойдаланилди. И.Н.Берсенев ва М.М.Крушельницкий асарнинг барча ифода воситаларини режиссёр бадиий ниятига бўйсундиришга ўргатишарди[615].

---

[615] История узбекской советской музыки: в 3 тт. Т. 1. – Ташкент: изд-во имени Г.Гуляма, 1972. – С. 303; Валерин С. Курбан Умаров // газета «Правда Востока». – 5 сентября 1941 г.

В.Г.Меллер саҳналаштирувчи ғоялари, ҳиссий-фикрий колоритга мувофиқ ҳолда хатти-ҳаракат содир бўлган жой ва вақтни аниқлаштирган ҳолда декорацияни яратди. Саҳна ичкарисида қишлоқнинг умумий кўринишини ифодаловчи ва иккала томони чизилган катта расм ўрнатилди. Саҳна айланасининг ҳар бурилишида расм, яъни дунё манзараси ўзгаради: тоғ томондан тушаётган туман, кўк майдонлар билан туташиб кетган зангори осмон, яшил барглари ёзилиб турган терак, арча дарахтининг барглари ҳаётнинг поэтик кўтаринкилигини беради ҳамда у пьеса воқеалари ва кишилар кайфияти билан уйғун бўлиб, бир яхлитликни юзага келтиради.

Гулноза (Э.Мирмаҳмудова) ва Ғиёс (У.Мадраҳимов)нинг лирик саҳнаси табиатнинг уйғониши фонида содир бўлиб, бу ёшларнинг поэтик юксаклигига ҳамоҳанг келади. Спектаклда қўшиқлар, дуэтлар, речитативлар кўп. Асосий қатнашувчи шахслар ўз лейтмотив характеристикасига эга.

Репетициялар, эвакуациядаги актёрлар билан мулоқот, фикр алмашинуви Фарғона театри жамоаси учун фойдали бўлди. С.Бирман имкон бўлган заҳоти К.С.Станиславский таълимоти ҳақида суҳбатлар олиб борар эди.

Ё.Маматхонов, С.Қосимовнинг «Нодира» мусиқали драмасида (Ю.Ражабий, А.Ҳалимов мусиқаси, режиссёрлар С.Қосимов, М.Крушельницкий) марказий қаҳрамонларнинг лирик линияси янги бўёқлар ва оҳанглар билан бойиди.

«Бу курашда халқ оммасига бошчилик қилаётган У.Мадраҳимов ижросидаги Ботир босқинчилардан ўз уйини, ўз муҳаббати ва жонажон ўлкасини ҳимоя қилиши – давр руҳи ҳамда ҳаёт ва тақдири халқ тақдиридан айри бўлмаган Ватан ўғлонларининг авлодини рамзига айланади. Унинг душман

кучларидан ғалаба қозониши томошабинни хурсанд қилади ва илҳом бахш этади», – деб танқидчилик муносабат билдиради[616].

Театр бу ҳолда сюжетнинг анъанавий ривожланишини инкор этмасдан зиддиятни кучайтирар, мусиқий безак, шунингдек, либослар, нур-соя, шовқинлар ёрдамида зарур муҳитни яратарди[617]. Бу ерда рассом В.Г.Меллер спектаклнинг сценографик концепциясини асарнинг ғоявий-бадиий ниятига йўналтирди.

Уруш йилларида Ўзбекистон театрлари репертуарида нафақат ҳарбий-ватанпарварлик, балки ижтимоий-маиший мавзу қарор топдики, у оғир синовлар шароитида ўзида замон юки, яхши хабарлар ва ўзгаришларни кутаётган ёки ўрни тўлмайдиган жисмоний ва ахлоқий йўқотишларни бошидан кечираётган одамларнинг кайфиятини ифода этар эди.

1942 йили Муқимий номидаги театрда режиссёр И.А.Донатов томонидан саҳналаштирилган К.Яшин ва Т.Жалиловнинг «Нурхон» спектаклида[618] ҳам ёпиқ ва жонсиз маконда маънан ва жисмонан таҳқир этилишдан ирода, интилишлар эркинлиги ҳисобига танловини белгилаб, ҳаётда ўз ўрнини қидираётган ёш истеъдодли аёл мадҳ этилди.

1943 йили Муқимий номидаги театрнинг репертуарида И.Котляревский ва Н.Лисенконинг «Полтавалик Наталька» мусиқали пьесаси ўрин олди. Унинг устида Иван Франко номидаги академик театри саҳналаштирувчи гуруҳи: актёр ва режиссёр А.Бучма, композитор Л.Ревуцкий, дирижёр И.Блюмин, рассом М.Драк, балетмейстер Н.Шуварская ишлаган эди[619].

---

[616] Хамидова М., Турсунбаев С. Ферганский театр (1941–1959): Архив НИИ Искусствознания. – Ташкент, 1987.
[617] Нодира // газета «Коммуна». – 30 июня 1943 г.
[618] Ўша жойда.
[619] Сахибаев Р., Зафар Диёр. Нурхон // «Қизил Ўзбекистон» газетаси. – 1943 йил 10 январь.

Амвросий Бучма ижодий жамоа билан театр санъати ҳақида ўз қарашларини ўртоқлашди, асар концепциясини ҳар бир персонаж вазифаси билан боғланишини кўрсатиб, қаҳрамон сўзлари, қилмишларини таҳлил қилиб берди, ғоя ва характерларни кўп қиррали қилиб очиб бериш воситаларини қидирди.

И.Н.Берсенев, М.М.Крушельницкий, С.Г.Бирман дарсларига ўхшаб у ансамбль масалаларини кўтаради, нутқ оҳангидаги мослашувчанликка, асар фикрини ривожлантиришда диалоглар изчиллиги ва ички эволюциясига эътибор қаратди, натурализм ва ижродаги ёлғон психологик муомала олдини олди. А.Бучма саҳна санъати ривожланиши мактабсиз амалга ошмаслиги, унинг келажаги замонавий театр изланишларининг сара анъаналар билан бирлашишда эканлигини таъкид этади.

Актёрлар мавзу, сюжет, лириклик ва комизм уйғунлигини тушунишда умумийлик ва яқинликни қидиришдики, ундан улар аниқ ва колоритли саҳна ечимларига келишди. С.Хўжаевнинг Микола ролидаги саҳна ҳаёти очиқ темпераменти, нутқнинг оҳангдорлиги саҳналаштирувчилар ва томошабинларни мафтун этди. Наталька (Э.Жалилова), Петро (М.Ғофуров), Терпелиха (М.Ғофуржонова), Тетерваковский (У. Абдуллаев) – характерлар моҳияти ва украин колоритини ифода этиб, улар ансамблга, хатти-ҳаракат изчиллиги ва динамикасига эришди. Бу, турли маданиятларнинг сара анъаналари таъсирланиши негизида эришилган ҳақиқий кашфиёт эди.

1944 йилнинг 24 декабрида Муқимий номидаги театрда К.Яшин, Х.Тўхтасиновнинг «Офтобхон» мусиқали драмаси (режиссёр М.Муҳамедов, дирижёр Г.Дониях, рассом Г.Хуршидов) премьераси бўлиб ўтди. Унинг асосида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳайринисо Боқибоева раислигидаги ўзбек колхозининг ҳаётидаги воқеалар ётади.

Офтобхоннинг нозик елкаларига, оғир шароитларга, ҳар бир уйда йўқотиш ва аламларга қарамай яшаш ва ишлашда давом этиш, ҳамма нарса ғалаба учун бўлаётган қийин даврда колхозни бошқариш вазифаси тушди.

Ҳамма ҳам колхоз раиси сифатида ёш аёлга ишонч билдира олмади: оддий, яна ёш хотиндан нимани кутиш мумкин? Қайси бирларидир унинг обрўсига миш-мишлар билан путур етказишмоқчи бўлишади. Лекин Офтобхон (Т.Жаъфарова) умумий иш баракасида ҳар бир инсон ҳиссаси муҳимлигини тушунган ҳолда ўзининг нозик елкаларига уруш қариялари, болалари ҳақида ғамхўрликни олиб, тўхтамасдан ишларди. Пахтага зарар етказадиган ёмғир, дўл ва ҳосил учун ички низолар унинг кучи ва иродасини тамом бўлишига олиб келгандек бўларди. Аммо, шахсий сифатлар, мардлик, эзгулик туфайли у ишонч ва ҳурмат қозонади. У атрофдаги уруш келтирган азоб, офат, очлик ва ўлим билан юзма-юз бўлиб, ортидан қишлоқдошларини эргаштиради.

Офтобхон ўзининг руҳий кечинмаларини «Эй, гўзал қушлар, берингиз меҳрибонимдан хабар» ариясида беради. Қиз унинг Темури ҳаёт эканлигига ишонишни истайди. Қачонки суюклиси қайтса оғир этиги ва фуфайкасини ташлаб, бежирим оёқ кийим ва нафис кўйлакни кияди ҳамда «ҳаммага кун бермайдиган» ўрнига шунчаки ожиз аёлга айланади.

Ҳайри хола (Л.Саримсоқова) ўз ўғли ҳалок бўлганидан ичдан алам чекиб, унинг ўлими ҳақида хабар берувчи хатни келини Офтобхондан яширади. Деҳқонбой (Х.Аҳмедов), Роҳатой (Т.Назарова), Хушназар (С.Хўжаев) юзларида аёл ва онага ҳамдардлик ифодаси. Аммо Жумабой (А.Юсупов), ҳалок бўлган киши суратига яқинлашиб, бехосдан ундан фақат сурат қолганлигини айтиб юборади. Офтобхон Жумавойнинг саволларидан қочишини кўриб, энг ёмони бўлганини сезади.

Аввал Офтобхондан «у хато қилгандир», – деган ўй ўтади. Кейин у уруш дахл этган ягона аёл эмаслигини айтиб, ўзини қўлга олади.

Она ғамига ҳамдардлик бир лаҳзада унинг аёллик дардини йўқ қилади. Бу ерда уруш фожиасини бошдан кечирган миллионлаб одамлар образларини умумлаштирувчи қаҳрамоннинг бош мавзуси янграйди. Лекин, «орзусиз, ишончсиз яшаб бўлмайди, ҳатто амалга ошиб бўлмайдиганига ҳам», – деб ўйлайди Офтобхон.

Роҳатой (Т.Назарова)нинг «Кетар экан жангга мард-мардоним», «Очилур гулшанда торим, қўлда торим, куйлайман» ариялари ёш қизнинг орзу-хаёллар оламини мадҳ этиб, ёшларда заминда тинчлик ва эзгуликка ишончни сингдиради.

Спектакль одамларда айрилиқ ва йўқотишларнинг юки қанчалик оғир бўлмасин, ҳаётга бўлган интилишни кўриш ва англашга ёрдам берди. Шу сабабдан залда бефарқлик йўқ эди. Р.Ҳамроев айтишича, бу спектакль фронтга фарзандлари, эрлари, ака-укалари ва опа-сингилларини кузатган аёллар, оналар аудиториясида катта муваффақият қозонган эди[620].

Ўша йилларда қайтадан очилган Янгийўл театрида директор К.Отабоев бошчилигида ўша вақтнинг ижодий кучлари жамланди: шоирлар Маҳжурий, Партавий домла, Боку домла, Ҳабибий домла, Камтарона, режиссёр Е.Бобожонов, мусиқий раҳбар Ю.Ражабий, рассом П.Коваль, таниқли мусиқачилар, композиторлар ва педагоглар В.Арапов, Г.Израэльян, С.Калонов, К.Жабборов, О.Нуриддинов, М.Муртазаев, балетмейстер В.Губской, раққосалар Р.Муҳитдинова, Қ.Миркаримова, актёрлар ва хонандалар С.Ярашев, Т.Назаров, О.Охунов, Э.Юлдашев, З.Самиева, Ф.Раҳматова.

---

[620] Ҳамраев Р. Ҳаётим мазмуни. Хотиралар, мулоҳазалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр., 1979. – Б. 91.

Улардан кўпчилиги театрдаги иш фаолиятини мусиқий билим юртида оркестрчи ва педагог сифатида ўқитувчилик қилиш ёки ўқиш билан бирга олиб борар эди. Улар орасида эвакуация қилинганлар ҳам кам эмас эди. Ҳарбий давр қийинчиликлари ва йўқотишларига қарамай театрнинг бутун жамоаси ўзининг камтарона овқатини кўчириб келтирилганлар билан баҳам кўрар эди.

Янгийўл театри репертуарида С.Абдулла ва Чустийнинг «Қўчқор Турдиев» (мусиқаси Ю.Ражабий), К.Яшиннинг «Офтобхон» (Х.Тўхтасинов мусиқаси) спектакллари ва бошқа асарлар ўрин олди.

Л.Н.Свердлин постановкасида Л.Соловьевнинг «Насриддин Бухорода» спектакли (Б.А.Арапов мусиқаси, ҳамрежиссёр Е.Бобожонов, рассом П.А.Коваль, балетмейстер В.А.Губская) томошабинлар учун ҳақиқий байрамга айланди. Актёрлар севимли миллий қаҳрамон оғир йилларда эзгу ишни бажаришини тушуниб, зўр шавқ билан ишлашди ҳамда томошабин юракларида нур, яхшилик, ҳаётга муҳаббат ва оптимизм чўғ ола бошлади.

Е.Бобожонов актёрлардан кучли эҳтиросларни, матнни аниқ ва кўп маъноли талаффуз қилишни, сукут, характерлар маҳобатлилигини, ёрқинлигини, мусиқий ифодавийликни талаб этар эди. Л.Н.Свердлин бадиҳага эрк бериб, ритмда яшаш ва ҳаракат қилишга, ҳолатларнинг кулгили жиҳатини чуқурлаштиришга ўргатди. У мусиқа ҳавасманди бўлган ҳолда ритмга, мусиқий матнга эрк бермади, мизансаҳналарни, сўз пластикасини динамика ва куй бўёқлари билан чизади.

Саҳнада актёрлар ўзини бошқача, енгил ва эркин ҳис эта бошлади. Насриддинни Т.Назаров, Гулжонни Ф. Раҳматова ижро этди. Уларга вокал партияларини Ю.Ражабий ўргатди.

«Офтобхон» мусиқали драмасида марказий қаҳрамон ролини ҳам ҳаётда, ҳам саҳнада кучли ва иродали характерга эга З.Самиева ижро этди. Ёш ва қувноқ Роҳатой ролини Ф.Раҳматова ўйнади. Ф.Шамсутдинов 40 кишилик оркестрга дирижёрлик қилди.

Ҳарбий йиллар репертуарига хос тарзда уруш мавзусидаги спектаклларда ватанпарварлик ва инсоний туйғулар етакчилик қилиб, улар томошабинга бевосита таъсир этгани билан аҳамиятли бўлди. У вақтдаги театр санъатининг фаолияти уруш шароитида яшаётган саҳналаштирувчилар ва ижрочиларнинг ҳис-ҳаяжони, фаол фуқаролик ва ҳаётий позициялари билан ҳамоҳанг бўлиб, яқинлашаётган ғалабага ишончни мустаҳкамлади.

3-§. Тасвирий санъат

Фашистлар Германияси Совет Иттифоқига бостириб кирганидан кейин Ўзбекистонда ҳам тасвирий санъат – кўргазмали хусусияти билан кишиларга зарур ғояни бадиий шакл ва мазмунда етказиб бериш имкониятига кўра долзарблашди.

Шу сабабдан, уруш даври талабларидан келиб чиққан ҳолда рассомлар фашизмга қарши курашиш, йигитлик бурчи, қаҳрамонлик, меҳнат сафарбарлиги каби мавзулардаги асарлар устида иш олиб боришди.

Ўзбекистонлик рассомларнинг бир гуруҳи урушга кетган бўлса-да, фронт олди ҳудудларидан эвакуация қилинган юзлаб ижодкорлар Ўзбекистонда фаолият олиб боришди. Ўзбекистон рассомлар уюшмаси уруш арафасида 88 нафар ижодкорни бирлаштирган бўлса, 1942 йилнинг ўрталарига келиб уларнинг сони 239 нафарни ташкил этди[621]. 1944 йил бошида республикада 290 нафар рассом фаолият юритарди.

[621] ЎзМА. 2320-фонд, 1-рўйхат, 211-йиғмажилд, 11-варақ.

Натижада, Тошкент ва Самарқанд уруш йилларида тасвирий санъат ижодкорларининг марказларига айланди.

Уруш йилларида халқни душманга қарши курашга ундашда графика устуворлик касб этди. Бу борада урушнинг дастлабки кунларидаёқ Рассомлар уюшмаси плакатлар чиқаришга киришди.

Қўл билан қоғозга чизилган плакатлар Ўрта Осиё давлат университетининг, Тошкентнинг ўша йиллардаги энг йирик истироҳат боғлари панжараларига илинди. Шунингдек, улар шаҳарлардаги ташкилот ва корхоналарда, колхозлар, чойхоналарда мавжуд махсус стендларга жойлаштирилди.

Урушнинг дастлабки икки ойидаёқ Ўзбекистонда агитвитриналарнинг 63 сони чиқарилди, уларнинг ҳар бири 15–18 нусхадан тайёрланди.

Дастлаб, асл нусхалар светокопия усулида кўпайтирилди, лекин бу плакатга бўлган эҳтиёжни қондира олмасди. 1941 йилнинг ноябрь ойи бошларига келиб, 450 дона оригинал плакат чиқарилган бўлиб, улардан жами 4500 нусха олинган эди.

1941 йилнинг 8 сентябридан плакатлар Тошкентда “ЎзТАГ (Ўзбек телеграф агентлиги) ойнаси” номи билан чиқарила бошланди. Эндиликда плакатлар трафарет усулида кўпайтирилдики, бу тезда юзлаб варақларни чиқариш имконини берди[622]. Бу ишларга жамоатчилик йўли билан, асосан рассомларнинг рафиқалари жалб этилган ҳолда амалга оширилди. Кейинчалик эса плакатларни пуллик обуна асосида тарқатиш ҳам йўлга қўйилди.

“ЎзТАГ ойнаси” – фронт, республика ва халқаро ҳаётда рўй бераётган воқеаларга муносабатни тезкор етказиш, айниқса, фашизмни фош этиш вазифаларини бажарди.

Аввало, уюшма қошида плакатчи рассомлар бригадалари ташкил этилди. Асосий бригада Иттифоқ графика бўлимининг

[622] ЎзМА. 2087-фонд, 1-рўйхат, 100-йиғмажилд, 24-варақ.

аъзоларидан иборат бўлиб, унга Исак Вальденберг, Александр Венедиктов, Вера Залеская, Борис Жуков, Лидия Зиле, Григорий Карлов, Вениамин Кедрин, Семен Мальт, Михаил Рейх, Дмитрий Ушаков, Константин Чепраков кирган. Кейинчалик эса унинг таркиби Баҳром Ҳамдамий, Лутфулла Абдуллаев, Михаил Аринин, Надежда Кашина, Валентин Фадеев каби рассомлар ҳисобига кенгайди. Армияга сафарбар қилинишидан аввал бригадага Владимир Кайдалов, кейин эса Владимир Рождественский раҳбарлик қилди.

Урушнинг иккинчи ойига келиб, бригадалар таркиби маҳаллий кадрлар, шунингдек, Ўзбекистонга эвакуация қилинган ижодкорлар ҳисобига кенгайди. Жумладан, Самарқанд шаҳрига борган рассомлар Георгий Никитин ва Михаил Аветов бошчилигидаги бригадалар таркибида фашизмга қарши плакатлар устида ғайрат билан меҳнат қилишди. Фарғона, Самарқанд ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам айнан шундай жараён кечди.

Шу билан бирга ҳозиргача етиб келган кўплаб плакатларнинг муаллифлари аниқ эмас бўлиб қолмоқда. Масалан, Тошкентда яратилган плакатларнинг муаллифлари яхши таниш бўлса, Самарқандда ТАСС (Совет Иттифоқи телеграф агентлиги) ойналари ва агитвитриналар учун тайёрланган кўплаб плакатларнинг муаллифлари ҳақида маълумот тўлиқ эмас.

Урушнинг иккинчи йилига келиб, бригадаларда фаолият кўрсатаётган рассомларнинг маҳорати, ижодий тажрибаси ортиб боргани сари плакатлар ҳам мазмунан бойиб борди. Жумладан, В. Рождественскийнинг плакатлари ундаги образлар талқинининг теранлиги, душманга бўлган нафрат йўғрилган бадиий воситаларнинг таъсирчанлиги, ечимларнинг аниқлиги билан ажралиб турарди. Унинг бетакрор истеъдоди мард

қаҳрамонлар, канал қурувчилари, фронт ортидаги меҳнат қаҳрамонларининг умумлаштирилган образларида намоён бўлди.

“ЎзТАГ ойнаси”ни чиқаришда фаол иштирок этган рассомлардан Б. Жуков, М. Рейх, Ефим Резников ўз плакатларида аввало, ташқи гротеск, карикатура йўли билан тасвирдаги кулгили ёки абсурдликни кўрсатишга интилишган. Рассом В. Кайдаловнинг “ЎзТАГ ойнаси” ва ЎзССР Давлат нашриёти учун тайёрланган антифашистик плакатларидаги тасвирларда эса маълум даражада баёнчилик ва иллюстрация воситаларидан фойдалангани кўзга ташланади[623].

Иккинчи жаҳон уруши даври тасвирий санъатида истеъдодли рассом Бахром Ҳамдамийнинг ижоди алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, унинг ўғлини фронтга кузатаётган ота акс эттирилган плакати (“ЎзТАГ ойнаси”, 50-сон) муваффақиятли чиққан эди. Бу плакатда ота фронтга кузатаётган ўғлига камарини устидан нақш билан тикилган шойи қийиқчани боғлаб қўйиши аскарга доим ўз уйини эслатиши қаторида мадад берадиган куч рамзини ифода этади.

Самарқандга эвакуация қилинган Россия Бадиий академияси, Москва ва Харьков рассомлик институтларининг кўплаб ўқитувчилари ва истеъдодли талабалари ҳам тарғибот ойналари устида биргаликда иш олиб боришди. Шу боис Самарқандда ишлаб чиқарилган агитвитриналар ва плакатларнинг умумий бадиий савияси юқори бўлган. Айниқса, таниқли плакат устаси Дмитрий Моор бошчилигида Москва рассомлик институтининг Самарқандга эвакуация қилинган талабаларидан ташкил топган алоҳида бригада (Виктор Цигаль, Сергей Редькин, Степан Дудник, Петр Покаржевский ва бошқалар) фаолият юритганини ҳам қайд этиш ўринли.

[623] Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1972. – С. 158.

Фарғонада эса, таниқли театр рассоми, Петроградаги “РОСТА ойнаси”нинг асосчиси Владимир Козлинский “ТАСС ойнаси” ва “ЎзТАГ ойнаси”га плакатлар тайёрлашда фаоллик кўрсатди.

Н. Кашина плакатларининг умумий колорити кўпинча жўшқин, ёрқин ранглари билан, Л. Абдуллаевнинг плакатлари композициясининг сюжетли тузилиши билан ажралиб турарди. Урушнинг сўнгги икки йилида яқинлашиб келаётган ғалаба қувончи аста-секин плакатларнинг колоритига таъсир қилиб, у ранг-баранг, ёрқин рангларнинг бойишида намоён бўлди[624].

Шунингдек, Д. Моорнинг Гитлер қочаётган тулки ҳамда унинг етиша олмаган орзулари узум орқали ифода этилган “Тулки ва узумлар” (“ЎзТАГ ойнаси”, 116-сон), К. Чепраковнинг “Ғалаба қозониш ўзимизга, ўз меҳнатимизнинг унумдорлигига боғлиқдир...” (1941 й.), Б. Жуковнинг “Ватан учун, шараф ва озодлик учун!” (С. Соколов билан ҳаммуаллифликда, 1941 й.), “ФарҳодГЭСни баҳодир халқ қуради” (1943 й.), “Қасос олинг биродарлар” (1943 й.), “Ким ёвга сир берса азиз ватанда у разил албатта бўлар шарманда!” (И. Икромов билан ҳаммуаллифликда, 1943 й.) каби плакатларни ҳам қайд этиш керак.

Плакатлар учун матн аввал рассомларнинг ўзлари томонидан тузилган бўлса, кейинчалик бу жараёнга Ҳамид Олимжон, Темур Фаттоҳ, Владимир Луговской, Сергей Городецкий, Юрий Арбат каби шоир ва журналистлар жалб этилди.

Газета ва журналларда В. Кайдалов, В. Рождественский, К. Чепраков, С. Мальт фаолият олиб боришди. ЎзССР давлат нашриётида бадиий бўлимга Искандар Икромов бошчилик қилиб, у Ойбекнинг “Навоий” романи, Фозил Йўлдош достонлари каби қатор китобларнинг безаги устида ишлади, расмлар чизди. Шунингдек, Г. Карлов нашриётда фашизмга

[624] Такташ Р.Х. Там же. – С. 161.

қарши графика асарлари туркум тўпламларини (“Свастика”, “Ғалаба бизники”, “Нима учун?” ва бошқа) тайёрлади. Унинг расмлари фашистларга қарши нафрат, фош этувчи истеҳзога тўла бўлиб, ўша пайтда Г. Карловнинг ўзи “умумлаштириш санъатини эгаллаган истеъдод” соҳиби сифатида эътироф этилганди[625].

Владимир Фаворскийнинг “Самарқанд” линогравюра асарлари туркумини ҳам қайд этиш керак. У “Арава”, “Туя бозори”, “Дам олаётган пода” ва бошқа расмлардан иборат бўлиб, ҳозирда Третьяков галереясида сақланади.

Рангтасвирда батал жанрининг салмоғи ошди, халқнинг фидокорона меҳнати, фронтга ёрдам мавзулари устуворлик касб этди. Дастлаб, рассомлар жанговар ҳаракатларнинг гувоҳлари таассуротлари, ҳарбий маълумот ва радио хабарлар асосида ўз асарларини ишлашди. Жумладан, Оганес Татевосяннинг “Отлиқлар ҳужуми”, “Совет жангчиси асир тушмайди”, Ўрол Тансиқбоевнинг “Тўсатдан зарба”, Надежда Кашинанинг "Жангчи қасамёди", Павел Ганнинг "Белорус партизанлари" номли дастлабки асарларда ҳаққонийлик, бадиийлик жиҳатидан камчиликлар бўлса-да, улар ўша давр руҳини бериши билан аҳамиятли.

Албатта, уруш тасвирларини ҳаққоний ва ишончли ифода этиш учун бевосита жанг майдонларида бўлиш ва жасорат намуналарини кўриш муҳим. Бу борада Ўрол Тансиқбоев 1942 йили ўзбек халқининг совғасини етказган делегация таркибида Ҳаракатдаги Армияга, Ғарбий фронтга боради. Бу сафар таассуротлари асосида рассом 15 полотнодан иборат “Уруш сўқмоқларида” туркумини ижод қилди. Кейинчалик, у “Партизан аёл” асарини ҳам чизди.

---

[625] Варшавский Л. На оборонной выставке художников Узбекистана / Газета «Правда Востока». – 9 сентября 1941 года.

Кейинги йилларда ҳам бевосита жанг майдонида бўлган рассомларнинг фронт мавзусидаги асарлари кўпайиб борди. График рассомлардан В. Рождественский, Б. Жуков ва М. Аринин 1943 йилнинг кузида Шимолий Кавказ фронтига сафарга бориб, ўз асарлари учун ҳужжатли материаллар тўплашди. Бу фронт эскизлари асосида В. Рождественский қатор композицияларни ишлади: "Ҳужум", "Мовий чизиқ ҳимоячиси", "“Катюшалар” ишламоқда", "“Тигр” овчиси", "Душманга қарата", "Ортимизда Москва", “Етим қолган дўстим” ва бошқа. Уларда деталлар ишланишида, бир варақда бир неча фигураларни умумлаштира олишда барини ўз кўзи билан кўрган, воқеаларнинг бевосита гувоҳи бўлган рассомнинг нигоҳини ҳис этиш мумкин.

М. Арининнинг эскизлари мазмунан В. Рождественский билан умумий бўлиб, у нур ва соя уйғунлигига алоҳида эътибор қаратган. Кичик ўлчамдаги бу эскизларда жангчиларнинг навбат билан бир-бирларига сартарошлик қилишлари, уларни ёғоч устунлар ва дарахт шохларидан ясалган каравотларда ухлашлари орқали фронт маиший ҳаёти борича намоён бўлади. Шунингдек, гитлерчилар талаган уйлар тасвир этилган “Немислардан кейин” этюдларини ҳам қайд этиш керак. Бу материалларнинг бари урушдан кейин, 1948 йилда рассом тамомлаган “Фашист қийноқхонасида” номли асарини яратишга хизмат қилди.

Бригаданинг учинчи аъзоси Б.Жуков эскизларида сюжет аксарият ҳолларда ландшафт композицияси нуқтаи назаридан ёритилган. Унинг “Новороссийск” туркумидаги қаламда чизилган рангли расмларида фашистлардан эндигина озод қилинган шаҳарнинг хира ёритилган кўчалари, душман истеҳкомлари харобаларини кўриш мумкин. Хусусан, "Новороссийскдаги ДЗОТ", "Новороссийскдаги патрул", "Фронт йўли" композициялари шулар жумласидандир. Б. Жуковнинг

портрет жанридаги эскизлари кўп эмас. Чамаси бу жанр уни унча қизиқтирмаган. Ҳарбий ҳаракатларнинг бориши ("Олдинги қаторда", "Артиллерия тайёргарлик", "Ракета") Б. Жуков томонидан эпик улуғворликни бузмаган манзара сифатида талқин этишга майдон вазифасини бажарган[626].

Графика санъати усталаридан С. Мальт ҳам жанг майдонларида санитар бўлиб иштирок этди. У инсон кафтининг ярмичалик келадиган ўлчамда, қаламда қуролдошларининг портретларини, кичик эскизларда уруш манзараларини чизган. С. Мальтнинг 1943 йилдаги "Уруш йўллари бўйлаб" композициясида (мўйқалам ва сиёҳда чизилиб, акварель бўёғи билан ранг берилган эскиз) топшириқ бажариш учун йўлга отланган тўрт аскар тасвирланган. Бешинчи аскар йўл четидан келиб қўшилади. Йўлнинг икки томонида яксон этилган ҳарбий техникалар, ағдарилиб ётган машиналар ва уларнинг сочилиб ётган қисмлари акс эттирилган. Шундай расмда ҳам ижодкор табиатга эътибор қаратган: куз оқшомининг гўзаллиги, эндигина ёққан қорнинг ифори...

Театр рассоми Игорь Ужинский Иккинчи жаҳон урушининг бевосита иштирокчиси бўлиб, аввал артиллериячи, кейин эса разведкачи сифатида жанг қилди. Унинг расмлари ўзининг ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. И. Ужинский фронтда ишлаган эскизларини қаламда чизган, шунингдек, рассом қоғозга мўйқалам билан чизишда тушь-сиёҳ ўрнига аввалдан суюлтирилган қора мойли бўёқдан фойдаланган.

Уруш тугагандан сўнг рассом фронтдан Тошкентга ўзи билан 2 мингдан ортиқ эскиз олиб келди. Бу эскизлар узоқ вақт ўзи кўрган ва бошидан кечирган воқеалар бўйича ишлаган графика асарларига асос бўлиб хизмат қилди. Унинг портрет

[626] Такташ Р.Х. Изобразительное искусство Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1972. – С. 163.

жанридаги асарларида юзларида ёшлик шижоати ва яқинлари соғинчидан ғамгинлик акс этган навқирон йигитлар, жанг-жадалда чиниққан ботир жангчилар гавдаланади.

Урушнинг бошидан охиригача Ҳаракатдаги Армия сафида жанг қилган рассомлардан Николай Герасимов ўзи алоқачи бўлганлигидан асосан алоқани тиклаш мавзусида кўплаб асарлар ишлади. Унинг эскизлари хизматдан "бўш дақиқаларда" – блиндажда ва йўлда автомобиль тўхтаган вақтида чизилган. Н. Герасимов бу расмларни фронтдан Ўзбекистон рассомлар уюшмасига юборар ва улар ўша пайтда ташкил этилаётган кўргазмалар экспозициясидан ўрин оларди.

Урушдан кейин рассом ярим варақ қоғозда фронт эскизлари ва таассурот хотираларига таянган ҳолда акварелда бир нечта расмларни ишлаб якунига етказди. Улар орасида "Жанговар постда" ва "Сивашдан ўтиш" энг саралари ҳисобланади. Жумладан, "Жанговар постда" расми фронтдаги алоқачилар ишига бағишланган. Унда иккита алоқачининг жанговар техникада, телеграф устунидаги алоқа линиясини тиклаш жараёни тасвирланган.

Шунингдек, Ҳаракатдаги Армия сафига рассомлардан Баҳром Ҳамдамий, Ҳаким Раҳимов, Рашид Тимуров, Иван Атаманов, Евгений Мороз, Дмитрий Нефёдов, Николай Туркестанский, Александр Узлов, Валентин Фадеев, Петр Шахназаров, В. Кайдалов, К. Чепраков, В. Балабанов, Н. Бортников, Б. Заславский, Ю. Карлов, Н. Карпов, В. Ливанов, И. Ленский, А. Лесной, Б. Никифоров, Чулков чақирилган[627]. Тошкент ва Самарқанд бадиий билим юртлари битирувчилари ва талабалари Ҳикмат Раҳмонов, Зокир Иноғомов, Николай Пудовкин, Кузьма Ткаченко, Николай Шуригин, бадиий студиялар битирувчилари Иван Кочетов, Ростислав Сучков, ёш

[627] ЎзМА. 2320-фонд, 1-рўйхат, 211-йиғмажилд, 15-варақ.

рассомлар Ашраф Розиқов, Анатолий Ошейко, Иван Соколов ҳам фронтга кетишди.

Улар кўрсатган жасоратлари учун орден ва медаллар билан тақдирланишди. Рассом Самиғ Абдуллаев Кавказ учун жангларда кўрсатган жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди.

Шу билан бирга уруш туфайли тасвирий санъат учун катта йўқотишлар ҳам бўлди. Жумладан, Баҳром Ҳамдамий, Воҳид Темуров каби бир қанча истеъдодлар жанг майдонидан қайтмади. Театр рассомлигида катта мактабни ўтаб, муваффақиятларга эришаётган Қаюмжон Каримов урушдан кейин ҳарбий соҳада фаолиятини давом эттирди.

Фронт орти ҳаёти ва фронт билан бирдамликка оид мавзуларига рангтасвир усталардан Павел Беньков ҳам мурожаат қилди. “Қаҳрамоннинг онаси” (иккинчи варианти “Қаҳрамонни кутиб олиш”), “Дугоналар” (ёки “Жангчига совға”), “Ватан баҳори” шулар жумласидан. “Янги оилада” расмида эса, ижодкор ўзбек аёлининг рус миллатига мансуб етим қизчани меҳр билан ўз бағрига олаётганини акс эттирган. Виктор Уфимцевнинг “Тошкент – ҳарбий шаҳар” туркуми, “Олға, Днепр учун!” расми ҳам аҳамиятлидир.

Тасвирий санъатда тарихга оид асарлар ҳам юзага келди. Аввало, қайд этиш керакки, уруш бошланган йилда мамлакат Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган эди. Агар Александр Волков “Навоий мусиқачилар даврасида” номли расм ижод қилган бўлса, Ў. Тансиқбоев Навоийни Ҳирот манзараси фонида гавдалантиради. Л. Абдуллаев ўз композициясида Навоийнинг бунёдкорлигини олиб чиқади. Ч. Аҳмаров 1944 йилдан бошлаб Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри учун деворий суратлар устида иш бошлайди.

В. Рождественский эса мўғул босқинига қарши кураш тарихига бағишланган уч расмдан иборат туркумни яратди: “Саркарда Темур Малик ва Султон Жалолиддин”, “Жалолиддиннинг мўғуллар билан жанги”, “Чингизхон Самарқанд остонасида”. Шунингдек, бу мавзудау “Маҳмуд Таробий” асарини ҳам чизди[628].

Рассомлар уюшмаси ҳужжатларини ўрганиш давомида миллий кадрларни тайёрлаш масаласи бир неча бор кўтарилганлиги маълум бўлди. Бу бежизга эмасди. Хусусан, ёшларга етарли эътибор берилмаганлиги натижасида Сиддиқий фаолиятини тўхтатгани, Тошкенбоев колхозда котиб бўлиб ишлаётгани, Т. Абдурасулев эса кинотеатр рекламаси билан шуғулланиб юргани келтирилади[629]. Шу билан бирга Баҳром Ҳамдамий, Рашид Тимуров, Шамсирўй Ҳасанова, Малик Набиев каби ёш рассомларни қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланади.

Дарҳақиқат, илк ўзбек аёл рассоми Шамсирўй Ҳасанова уруш йилларида шарқ шоиралари туркумидан Нодира портретини ишлади. Бу асар ва унинг кейинги ижоди Ўзбекистон тасвирий санъатида тарихий жанрнинг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Ҳайкалтарошлик борасида давр мафкуравий сиёсати билан мос ҳолда Сталиннинг генералиссимус кийимидаги портретнинг гипс нусхалари катта ададда тайёрланди. Шунингдек, рус саркардаларини ҳайкаллари ишланишига ҳам эътибор берилди. Шу билан бирга ўзбекистонликлар бўйича асарлар устида ишлашга ҳам ҳаракатлар йўқ эмас эди. Жумладан, москвалик ҳайкалтарош Антон Лавинский Сталинград учун жанг олиб борган Камол Пўлатов ҳайкали бўйича ишни бошлаган. Лекин, унинг тақдири бошқа кўплаб асарлар қатори номаълум. Умуман,

---

[628] ЎзМА. 2320-фонд, 1-рўйхат, 224-йиғмажилд, 39-варақ.
[629] ЎзМА. 2320-фонд, 1-рўйхат, 193-йиғмажилд, 53-варақ.

ўша вақтда Ўзбекистонда ҳайкалтарошликка у қадар аҳамият берилмаганлиги жиҳатидан ҳам уруш йилларида ижоднинг бу тури ривожланмади.

Рассомлар якка ва ижодий бригада сифатида халқ қурилишларида, қишлоқларда, заводларда, фабрикаларда, ҳарбий қисмларда иш олиб борди. Улар чойхона ва дала шийпонларини безатишди, деворий газеталар чиқаришда, кўчма кўргазмалар ташкил этишда қатнашишди. Шу билан бирга рассомлар ижод учун ҳам материал тўплашди.

Чингиз Аҳмаров, Лутфулла Абдуллаев, Абдулҳақ Абдуллаев, Рашид Тимуров ва бошқа кўплаб рассомлар илғор колхозчилар, зарбдор меҳнаткашларни портретларини чизишди.

Уруш йилларида рассомлар уюшмаси юздан ортиқ кўргазмаларни ташкил этди. Улардан биринчиси Тошкентда 1941 йилнинг 27 июлида очилди. Мудофаа мавзусига бағишланган махсус биринчи кўргазма 7 сентябрь куни Санъат музейида ташкил этилди. 1944 йили “Ўзбекистон Улуғ Ватан урушида”, 1945 йили Ўзбекистонга бағишланган бадиий кўргазмаларни алоҳида қайд этиш мумкин.

1945 йили чоп қилинган “Ўзбекистон рассомлари Улуғ Ватан уруши ҳақида” номли тошбосма альбоми уруш йилларининг бадиий сарҳисоби бўлиб тарихга кирди. Альбомдан Л. Абдуллаев, Ч. Аҳмаров, М. Аринин, Л. Зиле, В. Кедрин, В. Рождественский, К. Чепраков, Александр Александров, Валентина Алимова, Шая Бронштейн, Татьяна Жирмунская, Николай Карахан, Александр Николаев, Александр Постель, Шамсирўй Ҳасанова, Татьяна Шишмарёванинг асарлари ўрин олди. Бу альбомни тайёрлашда Москва, Ленинград, Одесса рассомлари ҳам иштирок этгани боис, унинг мазмуни фақат Ўзбекистон билан чекланиб қолмади.

Умуман, мудофаа мавзусидаги плакатлар, тарғибот паннолари, фашизмни фош этувчи карикатуранинг барида рангтасвирда ижод қилаётган рассомлар ҳам иштирок этгани ижобий ўзгаришларни бошлаб берганди. Қолаверса, эвакуация қилинган Игорь Грабарь, Владимир Фаворский, Василий Касиян, Михаил Бобишев, Жанетта Мацулевич каби машҳур рассом ва санъатшунослар билан мулоқот давомидаги тажриба алмашиш ижодий ривожланишга таъсир этди.

Шундай қилиб, уруш йилларида тасвирий санъат халқни фашистлар устидан ғалаба қозонишга бўлган ишончини мустаҳкамлашга, унга руҳий мадад бўлишга хизмат қилди.

Уруш мавзуси Ўзбекистонда бу давр чегараси билан чекланиб қолмади, балки, тасвирий санъат ривожланишининг кейинги босқичларида доимий мавзу бўлиб қолди.

ХУЛОСА

Иккинчи жаҳон уруши даврида кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши кураши – Ватанимиз ХХ аср тарихининг ажралмас қисми бўлса-да, халқимизнинг қозонилган ғалабадаги иштироки мавзусига бир мунча вақт мурожаат қилинмади.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Ғалаба боғи” бунёд этилиши, “Шон-шараф” давлат музейи ташкил этилиши ва мавзу бўйича ҳар йили китоб-альбом чоп этилиши йўлга қўйилиши жараёнида кўпчиликка номаълум бўлган, ҳужжатларда сақлаб қолинган маълумотлар юзага чиқа бошлади.

Қолаверса, узоқ йиллар давомида Ўзбекистонни Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси – фронт ортидан таъминот, фронт олди ҳудудларидан эвакуация қилинганларга кўрсатган инсонпарварлик ёрдамидан иборат, деган қараш устувор бўлиб, ўзбекистонликларнинг жанглардаги иштироки ва жасорати нисбатан орт планда тасаввур этиш шаклланиб қолган эди.

Буларнинг бари Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихини чуқурроқ тадқиқ этиш заруратини долзарблаштирди.

Шу жиҳатдан халқ жасорати билан боғлиқ тарихий хотирани абадийлаштиришда “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” туркум китоб-альбомлар ҳам айни шу мақсадга хизмат қилади. Нафақат республика, қолаверса, хориж музей ва архивлари билан ҳамкорлик, оилаларда сақланаётган материалларни ўрганиш орқали аниқланаётган маълумотлар жамоатчиликка етказилмоқда. Жумладан, юртдошларни жанглар кесимида жасоратларини умумлаштириш қаторида муайян йўналишларда ўзбекистонликларнинг урушдаги иштирокини

ўрганиш орқали янги маълумотлар аниқланмоқда. Соҳа бўйича адабиётларда нисбатан ўрганилган Сталинград жанги йўналишида ўзбекистонликларнинг Абадият тепалигидаги баҳодирлиги эътибордан четда қолиб келаётган эди. Шунингдек, кўплаб илмий адабиётларда миллий ҳарбий қисмлар ташкил этилиши қайд тарзида кўрсатиб ўтилган. Ёки Кавказ учун жанглар эса кўпроқ умумий маълумотлар билан чекланган. Шунингдек, ҳарбий учувчилар борасида ҳам асосан Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган ўзбекистонликларнинг жанговар йўли ёритилган.

Бу мулоҳазалар маълум жанг кесимида ўзбекистонликларнинг иштирокини тизимли ўрганиш истиқболда олиб бориладиган тадқиқотларни ташкил этишда ҳисобга олиниши керак. Шундагина, ҳар бир юртдошнинг жасоратини ўрганиш орқали умумхалқ қаҳрамонлиги тўлақонли намоён бўлади.

Фронт ортидаги ҳаёт билан боғлиқ масалалар мақсадли ўрганилишида эътибордан четда қолган фактлар таҳлилга жалб этилди, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва таълим, маданий ҳаётнинг ҳали ўрганилмаган қирралари билан очиб берилди. Зеро, Ўзбекистон – уруш бўлмаётган ҳудуд бўлса-да, унинг барча моддий ва маънавий кучлари тўлалигича фашизмга қарши курашишга сафарбар этилди. Тинчлик йўлида деҳқондан тортиб олимгача, ишчидан раҳбаргача бирлашди, фронтчасига ишлашга ўтди.

Натижада, ўша ғоят оғир ва суронли даврда юртимиз фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Фронтни қурол-яроғ ва бошқа ҳарбий маҳсулотлар билан янада кўпроқ таъминлаш мақсадида халқимиз машаққатли меҳнати билан янги корхоналар барпо этилди, мавжудларининг қуввати оширилди, фаол геология-қидирув ишлари олиб борилди. Ўзбекистоннинг

иқтисодий салоҳияти ҳам ўсиб борди, саноатнинг янги тармоқлари юзага келди.

Социомаданий ҳаётдаги ўзгаришлар Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилиши, олий таълим муассасалари кенгайиши, мактаб таълими билан қамраб олиш ортиши, ижодий асарлар кўпайиши, тарихга мурожаатда нисбатан эркинлик берилиши билангина белгиланмайди. Балки, уруш туфайли турли илмий ва ижодий мактаблар намоёндалари тўпланиши ўзаро таъсирланиш, тажриба алмашиш жараёнлари учун имкониятни юзага келтирди. Бундан аввалроқ содир бўлган қатағонлардаги мислсиз йўқотишлар ортидан бу мулоқотлар республикани ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, кадрлар тайёрланишида аҳамиятли бўлди. Афсуски, урушдан кейин қатағоннинг янги тўлқини бўлиб ўтганлиги ҳам тарихий ҳақиқатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан **“Ўзбекистон халқига байрам табриги”**да қайд этилганидек, *“Ҳозирги ғоят мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва аҳилликни асрашдек ўта муҳим вазифаларни бажаришда қаҳрамон фахрийларимизнинг жасорати, шонли анъаналари биз учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади”*[630].

[630] Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон халқига байрам табриги. 2024 йил 8 май – https://president.uz/uz/lists/view/7219.

Муҳаррир **Ёрқин ИНОҒОМОВ**
Техник муҳаррир **Санжар ГАФУРОВ**
Дизайнер ва саҳифаловчи **Гулзода НАЗИРОВА**

Нашриёт лицензияси AI № 015, 20.07.2018.
Босишга 2024 йил 9 июнда рухсат этилди.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$
“Times New Roman” гарнитураси
Адади 150 нусхада.

“Zamin nashr” нашриёти 100053.
Тошкент ш. Боғишамол кўчаси 160-уй
Тел: 71 235-44-82, 235-44-86 www.zaminnashr.uz